

# Жаҳон АДАБИЕТИ

Адабий-бадiiй, ижтимоiiй-публицистик журнал



## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

### № 4/215

2015 йил, апрель

**Бош муҳаррир:**  
*Шухрат РИЗАЕВ*

#### **Жамоатчилик кенгаши:**

*Эркин ВОҲИДОВ*  
*Абдулла ОРИПОВ*  
*Омонулла ЮНУСОВ*  
*Муҳаммад АЛИ*  
*Муҳаммадҷон ҚУРОНОВ*  
*Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ*  
*Иброҳим ҒАФУРОВ*  
*Низом КОМИЛОВ*  
*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ*  
*Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ*  
*Хурийд ДЎСТМУҲАММАД*

#### **Таҳрир ҳайъати:**

*Амир ФАЙЗУЛЛА*  
*Назира ЖЎРАЕВА*  
*Омонулла РИЗАЕВ*  
*Отабек САФАРОВ*  
*Дилдорхон АЛИЕВА*  
*Алимурод ТОЖИЕВ*  
*Фозил ЖАББОРОВ*  
*Алишер ОТАБОЕВ*  
*Севара АЛИЖОНОВА*

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХДА БУ КУН

Халқ хошиш-иродасининг ифодаси. ....3

### МУҲАРРИР МИНБАРИ

**Ш.РИЗАЕВ.** “Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик – асосий вазифамиз”. ....4

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

**Алишер НАВОИЙ.** “Фарход ва Ширин” достонидан. ....8

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

**Ч.ДИККЕНС.** Катта умидлар. *Роман. (Инглиз ва рус тилларидан Ш.Миноваров тарж.)*. ....17

### НАСР

**ГУЛБАДАНБЕГИМ.** Ҳумоюннома. (*Форс тилидан А.Қуронбеков тарж.*). ....65  
**А.ИСМОИЛ.** Жинлар базми ёхуд катта ўйин. *Романдан парча*. ....92

### ДРАМА

**Б.НУШИЧ.** Унвон керакдир йигитга. (*Рус тилидан М.Қодиров тарж.*). ....79

### ҲИКОЯ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

**О.ОТАХОН.** Сарҳадлар. ....148  
**Б.ЁСИМОТ.** Қалтакесак. *Ҳикоя*. ....150

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

**А.САИДОВ.** Амир Темур сиймоси – жаҳон операнавислигида. ....163

### ГЛОБУС НОРВЕГИЯ

Норвегия Қироллиги. ....167  
Норвегия шеърляти. ....177  
Норвегия насри. ....188  
Унутилмас сиймолар. ....201

Муқовамизда. ....203  
Тақвим. ....204

## ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Шу йилнинг 29 март куни халқимиз ҳаётида муҳим воқеа, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Сайлов фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юксалиб бораётганлигини, халқимиз мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу сайловчиларнинг 91,08 фоизини ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримовга сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ҳотамжон Абдурахмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафари ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафари ёки 2,05 фоизи овоз берди.

2015 йилнинг 6 апрель куни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, **Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди**, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу сайловда дунёнинг 43 давлати ва бешта халқаро ташкилот – ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, МДХ, ШХТ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлиги ташкилотидан 299 кузатувчи иштирок этди. Сайлов жараёнини, шунингдек, сиёсий партияларнинг 35 мингдан ортиқ вакили кузатиб борди. Президент сайлови қонуний, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи таъминланган ва умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш принципларига риоя этилган ҳолда ўтгани кузатувчилар томонидан яқдиллик билан эътироф этилди.

Сайловнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Президент сайловини мамлакатимизнинг қарийб 600 ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, 180 га яқин хорижий ва миллий интернет-нашр ёритиб борди.

*ЎЗА хабарлари  
асосида тайёрланди*



## “ЎЗБЕКИСТОННИ КАМСИТИШГА ЙЎЛ БЕРМАСЛИК – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ”

Тарихга дахлдорлик инсонга жуда катта ва жиддий масъулият юклар экан. Йўк, бу нокамтарлик бўлиб туюлмасин, асло. Яъники, бу билан та-каббуруна майлларда, мен ҳам тарихий шахсман деган иддаога бормоқчи эмасмиз. Тарихга дахлдорлик бу ҳар бир фикрловчи одамнинг муайян замонда табиий туғилиб, яшамоғи билан боғлиқ тушунчадир. Ҳа, муайян замонда ва, албатта, муайян маконда ҳам.

Ҳамиша Яратганга шукроналар қиламанки, ўзбек бўлиб туғилдим, Ўзбекистонда туғилдим. Ўзбек бўлиб Афғонистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам, инчунун, ўзбек қавми бор истаган ҳудудда туғилишим мумкин эди. Унда... унда инсонлик, фуқаролик мақомим қандай бўлар эди, ким деб ата-лар эдим? Чайналмай, ҳар турлик мулоҳазаларда иккиланмай, индаллосини юмшоққина қилиб айтганда, “муҳожир” бўлар эдим. Тўғри, ҳамонки ўзга юртда туғилсам, балки фуқаролигим ўша юртга тегишли, расмий нуфусим ўша юртдаги бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқли бўлиши мумкин эди. Агар демократик тамойиллар амал қилаётган бўлса, албатта. Лекин ҳозирги замон сиёсий луғатларида таърифланаётгандек, ҳеч қачон ўша макон ва замондаги титул, яъни асосий туб миллат вакили билан бир хил маънавий мавқеда бўла олмас эдим. Жиллакурса, хаёлимда, фикратимда, қалбимда муҳожирлик туйғуси, тушунчаси яшар эди. Демак, не бир ҳолатларда қисиниб-қимтинишим муқаррар эди. Дилим ғашроқ, хаёлим гоҳ-гоҳ кўпчиб қоладиган шубҳа-гумонлардан мутлақ холи бўлолмасди. Атроф-муҳит, қонун-қоида, тартиб-низом ҳар қанча кафолатламасин, руҳият ва онгдаги гоҳи милт этиб тургувчи ғашлик умр-сажжиянда яшаб қолаверарди.

Ҳа, шуларни мушоҳада қилганда шукроналигим чандон ортиб, мустаҳкамланаверади. Юртим камол топиб, туриш-турмушим фаровон-лашгани сайин эса “Ким эдимۇ ким бўлдим?” деган савол жавоби билан хаёл қирғоқларига урилаверади.

Мабодо бирон кимса даврада бошқа бир кимсага беписандлик кўрсатса, халқимиз орасида юрадиган кинояомуз бир ибора бор: “Ҳой, менинг ким-лигимни додангдан сўра!” Бу нима: сўкишми, жаҳл, алам, зарда ёки кибр, истехзо, киноя, кесатиқ, балки эркалаш, ҳавойи кулиш, гурунг асносидаги ғурур, лутф, киройи сўз, кўнгил овлашдир? Ҳар қалай, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”и давомига даъвогар бўлмасак-да, ўша ибора билан ўзбек моҳиятан ҳамиша “ким экан”лигидан фахр туйиб юргандек туюлади. Ўзи билан ҳисоблашишга, беписанд муносабат кўрсатмасликка ишора бераётгандек сезилади.

Ҳа, биз билан – ўзбеклар, ўзбекистонликлар билан ҳисоблашмай, беписанд гаплашиб бўлмайди. Камина буни Юртбошимизнинг СССРнинг биринчи ва охириги Президенти Михаил Горбачёвдан то Россиянинг ҳозирги



рахбарларигача, Грузиянинг собиқ Президенти Николай Саакашвилидан то Украинанинг ҳозирги Президенти Пётр Порошенкогача эслатиб, даккилан-тириб турганида сезгандек, кўргандек бўламан. Жайдарича айтганда, “ким бўлсанг ҳам, ўпкангни босиб ол, барака топкур” деган учирма ибораларда ўша фикрни укқандек бўламан. Ҳа, биз билан ўйлашиб гаплашган маъкул.

Ўзбекни бежиздан ўзига бек демайдилар. Бунинг энг яққол намуналари Юртбошимизнинг ҳаёти ва фаолияти десам фикримни барча қувватласа керак. Айниқса, Ўзбекистон раҳбарлигига ўтган 1989 йиллардан бу ёғига кечган фаолиятда мазкур фазилат, яъни инсоний ғурур ва унинг қатъий бир кўринишларда намоён бўлишига доир кўплаб мисоллар – ҳаётий воқеликлар борки, улар мужассамликда нафақат улкан бир Шахсни, айти чоғда, барчамиз мансуб бўлган ўзбек миллати – халқининг ирода, интилишларини намоёиш этади. Бинобарин, бемуболаға айтиш ўринлики, айти шу фазилат – миллий ва инсоний ғурур ва ана шу хусусият орқали намоён бўлган ирода ва қатъият пировардида Ўзбекистонни не-не бўҳронлардан – қирғинбарот жангу жадаллардан, биродарқушлик можароларидан, очлик-йўқчиликлардан, қуллик ва тобеликлардан, сарсону саргардонлик, миллий парокандаликлардан асраб қолди. Бу фикрларнинг барча далилу гувоҳликлари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йили нашр этилган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг ҳар бир саҳифасида муҳрланган десам сира муболаға эмас. Зеро, китобни варақлаган ўқувчи сўзларимиз ҳақлигига ишонч ҳосил қилади. Бинобарин, биргина ҳужжат-тўпламдаги дастлабки маърузанинг ўзиниёқ кўриб чиқсак ҳам етарли тасаввур ҳосил қилишга имкон бўлар, балки.

1989 йилнинг 23 июнида Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий кўмитасининг биринчи котиблигига сайланган Ислом Каримов 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида кенгайтирилган мажлис ўтказиб катта нутқ сўзлайди. Бу унинг республика раҳбари сифатидаги илк нутқи бўлиши билан бирга, инсоний қатъият ва ироданинг янада миқёсли ва залворли кўринишдаги яққол ифодаси ҳам эди. Бу ҳол маърузанинг сарлавҳасиданок аниқ англашилади: “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”.

Одатда, маърузалар умумий кириш ва силлиқ иборалар билан бошланарди. Айниқса, республикадаги энг юқори лавозимга сайланган шахснинг илк маърузаси шундай бўлмоғи шарт эди. Аммо ҳеч қутилмаганда нутқ “мени маъзур тутасизлар-у...” билан бошланиб, республикадаги энг муҳим масалаларга жавобгар шахсларнинг масъулияти йиллар давоми ўзгармасдан қолаётганига қаратилади. Худди рингда ўйин бошланиши билан рақибни эсанкиратувчи кетма-кет зарбалар берилгани каби И.Каримов ҳам залдаги каттаю кичик аксарият раҳбарларнинг марказда “суянчик”лари борлигини ўйлаб ҳам ўтирмай, кескин ҳужумдан сўз бошлайди. Албатта, вазият шуни такозо этарди. Фарғонада бўлиб турган қонли тўпалонлар ҳеч қандай шакарғуфторликка ўрин бермас, мавжуд аҳволни тезкорлик ва ўта жиддий ёндашув билан сабаб ва оқибатларини белгилаб, энг оқилона хулоса чиқариб, амалий иш тутишни талаб қилиб турган эди. **“Албатта, бу ерда ўтирганларнинг барчаси мени яхши билади ва чамаси, ўзича менга қандайдир баҳо бераётган бўлса ҳам ажабмас. Лекин шуни айтишим керакки, ҳамонки мени республика раҳбари этиб сайлашган экан, ишга бундай муносабатни ўзгартириш учун қўлимдан келган барча ишни қиламан. Ишга бўлган, ўзимизга топширилган вазифага нисбатан муносабатни, дунёқарашимизни ва умуман, масъулиятимиз-**

**ни ўзгартира олсаккина ишларимиз йўлга тушиб кетади. Акс ҳолда, вазиятни издан чиқаришга интилаётган кучлар ё мени суриб қўяди ёки жуда кўп раҳбарларни ўзгартиришга тўғри келади”.**

Ҳа, илк маъруза ва унинг бошланишиданок масала кўндаланг қўйилапти: “Ё ҳаёт ё мамот” тарзида. Фикр давом этиб, Фарғона вилоятигина эмас, бутун водийда аҳвол ўта мураккаблиги, аслида “барча воқеаларнинг илдизи – Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ эканлиги, масалани кенгроқ қўйиб”, очиқ-ошкор айтганда “одамларни қандай боқиш” кун тартибидаги энг асосий муаммо экани баён этилади. Лекин ана шу ўта ҳаётий долзарб муаммони ечиш таклифлари ўрнига, водий областларидан юборилган раҳбарлар умумий ҳисоботлар билан чекланадилар. Маърузачи ана шу ҳолатни қайд этар экан, водий областлари раҳбарларининг психологиясида ҳеч нарса ўзгармаганини айтиб, “коса тагида ним коса” қабалида иш тутади. Яъники, Фарғона области ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю.Калимуллин, Наманган области ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А.Богусловский, Андижон области ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В.Бабенко мажлисга тайёрланмасдан келганини танкид қилиб, уларнинг Марказдан юборилган “десантчи”лар эканини, улар психологиясида бу юртдан ўз ёғли улушини юлиб олишдан ўзга мақсад йўқлигини, аслида областларнинг биринчи раҳбарлари ҳисобот беришлари талаб этиладиган йиғилишда “келгинди ўринбосарлар” доклад қилиб, амалда шулар бутун вилоятга ҳукмронлик қилаётганини англади. Мазкур “коса тагидаги ним коса” усули яна шундан ҳам аниқлашадикки, маъруза давомида И.Каримов фикрини ривожлантириб, кадрлар тайёрлаш масаласидаги жиддий камчиликлардан сўз очади. “Мен буни шовинизм ёки миллатчилик кўриниши демоқчи эмасман, лекин бу масалада (кадрларни тайёрлаш ва жойлаштириш – Ш.Р.) ҳам ана шу нарсаларнинг (шовинизм ва миллатчиликнинг – Ш.Р.) ҳиди анқиб турибди...” Маърузачи бу билан ҳам чекланмайди. Фарғона шаҳри ижроия комитетининг одамларни иш билан таъминлаш борасида нотўғри, “шармандали хужжат чиқаргани”ни танкид қиларкан, **“Буни қарангки, кишлоқдан келган одамларни шаҳарда ишга олмайди, лекин республикамизнинг ташқарисидан келганларни эса ишга олади. Сизлар эртага бизда ҳам худди шундай кайфият, яъни одамларни биринчи ва иккинчи сортга бўлиш кайфияти туғилишини истайсизми?..”, “Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ? Мен бу савол ҳаққоний савол, деб ҳисоблайман. Бу муаммо устида ҳаммамиз бош қотиришимиз керак”**, дейди.

Ташқарида 1989 йилнинг 24 июни – саратон. Ҳали Ўзбекистонда Президентлик институти жорий этилиши ва Мустақиллик декларацияси қабул қилингунига қадар роса бир йил бор. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат Хавфсизлик комитетини Ўзбекистоннинг қонуний тасарруфига олиш ҳақидаги Президент Фармони эълон қилинишига эса роппа-роса икки йилу икки ой бор. Бундан сўнг яна бир ҳафта ўтиб “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги” бутун дунёга эълон қилинади. Аммо икки йилу икки ой аввал Ўзбекистон Компартияси биринчи секретари Ислон Каримов “Марказ”даги барча катга-кичик, “ўз” ва “ўзга” раҳбарларга дакки бериб, “Фарғона воқеалари”ни сиёсий жиҳатдан баҳолаяпти, “десантчилар”ни фош этиб, республикани бошқариш ва демакки, унинг тақдири “шовинизм ва миллатчилик” руҳида ҳал этиб келинаётганини расмий минбардан баралла айтаяпти. Бу билан у дастлабки кунлардаёқ илк маъруза орқали

эндиликда яна ҳам кучли ва кўламли қатъият ва ирода намоён этиб, “ҳар қандай дақиқада ва ҳар қандай жойда... ижтимоий портлаш юз бериши мумкин” лигини таъкидлаб, “воқеалар жиловини кўлга олмақда” эди. Бу эса пиروвардида Ўзбекистонни жар ёқасидан тортиб олишнинг ибтидоси бўлиб, яқин тарих саҳифаларидан жой олди.

Юртбошимиз Амир Темури шахсига ўзининг айрича эҳтиромини сўзда ҳам, амалда ҳам ҳамиша билдириб келади. Соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллик таваллуд санаси тадбирларидаги ирод этилган нутқларидан бирида Исломи Каримов “Илоҳим, ҳазрати Амир Темури эъзозлаган ғоялар – шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!” дея тилак билдирган эди. Шунчаки вазият тақозоси билан эмас, балки ўз ҳаёти, фаолиятининг бузилмас ақидаларига, ҳаракат тамойилларига айланган бу фазилатлар 1989 йил июнидан бошлаб то бугунги кунларимизгача бутун Ўзбекистон давлатининг, халқининг ҳаётида, амалларида ўз ифодасини топиб турибди. Инчунун, Амир Темури шахси ва жаҳонгирлик фазилатларини, ўнлаб-юзлаб диний, дунёвий фанлар уламою фузалолари, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби қатағон қурбонлари бўлган адибу шоирларни – миллат фидойиларининг табарруқ номларини ғуборлардан тозалаб, элга қайтаргани фикримизнинг кичкина бир исботи. Нафақат бу, балки ўша илк палладан то шу кунларгача кечган барча ишлар шижоат ва мардлик, адолат ва қатъиятнинг шаҳодати. Мазкур фазилатларнинг ҳаётий ақидага айланиб, мунтазамлик касб этганини яна бир далил билан яққолроқ аён этиш мумкин.

Орадан яна беш йиллар ўтиб, мустақил Ўзбекистон мамлақати дунёда тан олиниб, байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқларида ҳилпираб турганида, Юртбошимиз бир гуруҳ ёзувчиларимиз билан учрашиб, ўша илк маърузада илгари сурилган фикрлар, намоёиш этилган қатъият ва ирода ҳеч қачон ўзгармас йўл, ҳаётий бурч эканини яна бир бор очиқ-ойдин таъкидлаб, мустақил сиёсий давлат тутумларида ҳам ўша бурч ҳисси изчил амалда эканини қуйидагича баён этган эди:

**“...Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатини юргизар эканмиз, сезган бўлсангиз, баъзи бировлардан чиққан кўрсатмаларга бўйсунмаяпмиз. Бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз бор, деганда шунини тушунмоқ керак. Агар биронта кучли давлатнинг ноғорасига ўйнасак, эртага ҳеч ким бизни назар-писанд қилмайди, тобе, қоқоқ давлатлар қаторига қўшиб қўйиши мумкин... Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик – асосий вазифамиз”.**

*Р.С. Тасодиқ эмас, қонуний ҳол – Исломи Каримовнинг республика раҳбарлигига келган (1989 йил 23 июнь) даврдаги дастлабки чиқишида айтилган фикрлар, намоён бўлган қатъият, ирода, гурури орадан чорак асрдан ортиқ вақт ўтиб, ўша инсоний фазилатларга амал қилиб ўтилган йилларнинг тўлиқ эътирофи, тасдиғи ўлароқ, Ўзбекистон халқининг 2015 йил 29 мартдаги мамлакат Президенти сайловларидаги хоҳиши ва иродасида ўз ифодасини топди. Сайловчилар 90,39 фоиз овозни Исломи Каримовга бериб, чорак асрлик сиёсатнинг Ватан тинчлиғи, юрт ободлиғи, эл-улуснинг фаровонлиғи учун бугунги кундаги энг мақбул, ҳаётбахш сиёсат эканини тасдиқ этди. Бу жаҳон амалиётида ўзига ҳос ноёб ҳодисалардан эканини унутмаслик лозим, албатта.*

Шухрат РИЗАЕВ



## “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДАН

*Достонни рус тилига  
Қодиржон ЭРГАШЕВ  
насрий таржима қилган*

V<sup>1</sup>

*Ул шахсувор васфидаким, қаронгу тунда тийра хок-дондин Буроқи барқваш узра чиққони “Миназ-зулумоти илан-нур” дин мухбир эрди, балки ул рокибнинг пок зоти остидаги пок оти, била “нурун ало нур” дин хабар берди ва бу нурлар малакут шабистонини мунаввар ва малак бўстонини рашки сипехри азхар қилди.*

*Восхваление того всадника, вознесение которого в той темной ночью на коне похожим на молнии, было вестью о выходе «из темноты в свет» и может, чистое существо того всадника вместе с чистым существом его коня извещало о «свете на свете» и эти лучи освещали опочивальню ангелов и сделали сад ангелов, вызывающим зависть синего неба.*

*Ул ақшомким, юзига луббати Чин,  
Эшиб маргула ёйди зулфи мушқин.*

*В той ночи, когда красавица Чина<sup>2</sup>  
Развязая завитки, распустила черные волосы.*

*Насим ул мушқ исин бутротти ҳар ён,  
Ҳаво раъноларига сотти ҳар ён.*

*Их благоуханье ветерок распространил,  
Продал их красавицам зефира повсюду.*

*Ёшунди мушқ ичинда Чин газоли,  
Дема Чинким, фалак заррин газоли.*

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонларда.

<sup>2</sup> Красавица Чина – солнце.



*Газель Чина скрылась среди мускуса,  
Не говори газель Чина, а золотистый газель неба.*

*Қаю заррин газола, турки Чин де,  
Қаро туфроққа киргон маҳжабин де.*

*Какая эта золотистая газель, скажи турчанка  
(красавица) Чина,  
Лунолика, вошедшая в чёрную землю.*

*Қуёш сўги иши киргач арога,  
Фалак лубатлари кирди қарога.*

*Стали держать траур по закатившему солнцу  
И колющие неба оделись в чёрные одеяния.*

*Не сўгу не қаро, иқбол шоми,  
Жаҳоннинг асру фаррухфол шоми,*

*Но это не траур, не чернота, а вечер счастья,  
Самая счастливая ночь мира.*

*Бўлуб ҳар шабнами Ноҳид янглиг,  
Ёруб ҳар ахтари хуришид янглиг.*

*Каждая капля росы этой ночи как Венера,  
Каждая звезда как Солнце сияет.*

*Ёруғлуқ мунча йўқ анжумга мақдур,  
Очиб рухсори шамъин юз туман ҳур.*

*Столько света нет даже у звёзд,  
Миллион гурий открывают свечи своего лица.*

*Бу ақшом ул чароги оламафрўз,  
Ичинда васл шамъи ўтидин сўз.*

*Этот вечер лампа, освещающая мир,<sup>1</sup>  
Чье нутро горело от свечи встречи.*

*Солиб бир гўшада партав ниҳони  
Ким, айлаб мизбонлиг Уммаҳоний*

*Находился в одном углу, излучая свет,  
Уммахани<sup>2</sup> оказывала ему гостеприимство.*

*Ки, етти ул бариди ҳомили роз,  
Қўлинда бир Буроқи барқпарвоз.*

<sup>1</sup> То есть, пророк Мухаммед.

<sup>2</sup> Уммахани – тётя пророка Мухаммеда. В ночь вознесения пророк находился в её доме.

*Подошёл тот гонец, несущий тайны,<sup>1</sup>  
Держа за узды коня, быстрого как молния.*

*Бири пайки назардин тездавроқ,  
Бири раҳиши гумондин гармравроқ.*

*Один из них<sup>2</sup> был быстрее, чем взгляд,  
Другой<sup>3</sup> быстрее, чем скоростной мысли.*

*Етишигач пайк шарҳи ҳол қилди,  
Ҳақ истидъосини ирсол қилди:*

*Прибыв, гонец объяснил положение,  
Передал просьбу Создателя.*

*"Ки етсун олам аҳлидин ниҳони,  
Муҳиб сарвақтига маҳбуби жони".*

*«Пусть придет, скрываясь от людей мира,  
К влюбленному любимый душой».*

*Бу сўз маҳбуб эшитгач дол бўлди,  
Навиди васлдин беҳол бўлди.*

*Услышав это, любимый не мог сказать слова,  
От вести о встрече он потерялся.*

*Қўуб от узра андоқ секриди бот  
Ки, ҳайрон қолдилар ҳам пайку, ҳам от.*

*Встал и запрыгнул на конь так,  
Что удивились гонец и конь.*

*Ҳам аввал ҳамла раҳиши барқҳўдин,  
Ўтуб туфроқу елу ўту судин,*

*При первом прыжке этот конь как молния,  
Прошел через землю, ветер, огонь и воду.*

*Қамарга чун хироми тавсан айлаб,  
Юзи хуршеди они равшан айлаб.*

*Когда его конь достиг Луны,  
Солнце его лица<sup>4</sup> освещало её.*

*Аторуд бодпойидин бўлуб шод,  
Бериб авроқу ажзосини барбод.*

<sup>1</sup> Имеется в виду ангел Гавриил (мусульмане называют его Жаброил).

<sup>2</sup> То есть Гавриил.

<sup>3</sup> То есть конь Бурак, который он привёз Мухаммеду.

<sup>4</sup> То есть пророка Мухаммеда.

*Меркурий обрадовался его быстрому как ветер коню,  
И бросил на ветер и бумаги, принадлежности.*

*Етургач Зухрага давлат рикоби,  
Дафин йиртиб қудуми эҳтисоби.*

*Когда его счастливые стремена достигли Венеру,  
Порвала она свою дойру, волнуясь из-за его приезда.*

*Қуёшқа чун суруб гардун хиромин,  
Уётдин ер қуйи айлаб мақомин.*

*На солнце он свой конь направил,  
И солнце от стыда сделало подземелье  
своим местопребыванием.*

*Чотиб Баҳромга раҳшин чу яқсар,  
Бўлуб ул наҳси асгар Саъди Акбар.*

*На Марс он гнал своего скакуна вдруг,  
Эта звезда несчастья превратилась в  
большую звезду счастья.*

*Тушуб чун Муштарий сори мурури,  
Қуёшни ёшуруб ҳар ламъа нури.*

*Когда он направился в сторону Юпитера,  
Каждый блеск его лучей затмил солнца,*

*Қолиб еттинчи қўргон росбони,  
Утуб чобуксувори осмоний.*

*Остался позади хранитель седьмой крепости,  
Пронесся всадник небесный.*

*Кириб чун секкизинчи торам ичра,  
Топиб ҳар дам ўзин бир олам ичра.*

*Войдя в восьмое купало неба,  
Каждый миг чувствовал себя в другом мире.*

*Ҳамал монграб қўюб Савр олида бош  
Ки, бўлсак иккимиз қурбон санга кош.*

*Ягнёнок<sup>1</sup> заблеял, Бык поставил голову перед ним сказав,  
«Если бы мы могли жертвовать собой ради тебя».*

*Тараб айлаб дамо-дам икки пайкар,  
Қўярға оллида бошин мукаррар.*

<sup>1</sup> Начиная с этого двустипшия, имеет место игра слов с использованием названий знаков Зодиака. Ягнёнок (хамал) соответствует русскому «овен».

*Эти двое проявили много радостей из-за того,  
Что могли несколько раз сложить головы перед ним.*

*Топиб қувватлиг андоқ неча Харчанг  
Ки, тортиб ранжасидин шери нар чанг.*

*Встретил он несколько Раков, Таких сильных,  
Что Лев убрал свою лапу от их пальцев.*

*Тутуб маҳсули ҳирзин ҳўша хирман,  
Чаёнга Каффанинг остида маскан.*

*Колос принимал урожай свой за хирман,  
Скорпион лежал под Весами.*

*Ўзин қошига чун қурбон қилиб ё,  
Қилиб Жадй анга шоҳу пай муҳайё.*

*Лук<sup>1</sup>, жертвуя собой ради его бровей,  
Коза<sup>2</sup> готовила ему рога и жилы.*

*Дема Далв ичра сувким, кавсари роҳ,  
Топиб Хут ўзни ул баҳр ичра тимсоҳ.*

*Не говори, что в Бурдюке<sup>3</sup> вода, это родник рая,  
Рыба<sup>4</sup> в ней считала себя крокодилом в море.*

*Булардин чун бийик тортиб амори,  
Савобит дурларин айлаб нисори.*

*Возвышалось его кресло выше этого и  
Планеты забросали жемчугами, одаривая его.*

*Алардин юқорироқ чун қилиб майл,  
Ўнуб йўлин малойик юз туман хайл.*

*Пожелал он подниматься еще выше,  
Ангелов сто племен поцеловали его путь.*

*Қанот бирла йўли гардин қилиб пок,  
Бу елдин қолмайин ул йўлда хошок.*

*Крыльями расчистили ему дорогу от пыли,  
От ветра крыльев не остался хворост на дороге.*

*Бериб чун Ариқа зоти тафохур,  
Бўлуб Ариш афсар, ул афсар уза дур.*

<sup>1</sup> Лук (ёй) – название знака Зодиака, соответствует русскому «Стрелец».

<sup>2</sup> Коза (Жадий) – то же название знака Зодиака, соответствует русскому «Козерог».

<sup>3</sup> Бурдюк (Далв) – соответствует русскому «Водолей».

<sup>4</sup> Рыба (Хут) – соответствует русскому «Рыба».

*Его персона удостоила Арша почетом,  
Арш стал короной, а он жемчугом в ней.*

*Чу Курси тўридин пироя топиб,  
Бийик Лавҳу Қаламдек роя ториб.*

*Курси украсился его присутствием,  
Приобрел высокую степень как Скрижаль и калам.*

*Юқорроқ кўргузуб чун раҳиши новард,  
Чиқориб ломакон майдонидин гард.*

*Его конь, поднимаясь выше,  
Поднял пыль на площади беспространства.*

*Тушуб андин бийик чун иттифоқи,  
Бориб андоқки тебранмай Буроқи.*

*Еще более высоко поднялся он,  
Достиг это место так, что его конь не двигался.*

*Самандин ташлагач ул маънавий ганж,  
Самандидек тутуб пайкин доғи ранж.*

*Когда кладезь мудрости<sup>1</sup> бросил своего коня,  
И конь, и гонец от этого страдали.*

*Қувониб пойбўси бирла Рафраф,  
Малойик ер ўпуб оллида саф-саф.*

*Рафраф обрадовался, целуя его ноги,  
Ангелы строй за строем поцеловали землю перед ним.*

*Этак силкиб, аёқ тортиб боридин,  
Қўюб юз бенишонлик ҳар соридин.*

*Встряхивая подол, подобрал свою ногу,  
Неприметность охватила его со всех сторон.*

*Этак энгдин илик тортиб аёқ ҳам,  
Аёқ бирла илик бориб қироқ ҳам.*

*Вынул руки из рукава, ноги из подола,  
Ноги и руки также остались в стороне.*

*Танидин тўрт гавҳар нақши бориб,  
Бўйи олти жиҳат тўнин чиқориб.*

*Из тела его вышли изображения четырех жемчужин,<sup>2</sup>  
Стан его выбросил чапан шести сторон.*

*Демаким тўрту олтидин мубарро  
Ки, бешу иккидин доғи муарро.*

<sup>1</sup> То есть пророк Мухаммед.

<sup>2</sup> Четыре жемчужины, то есть четыре элемента: вода, огонь, земля, воздух.



*Не скажи, что только лишился этих четырех и шести,  
Также от двух и пятерых освободелся он.*

*Чиқориб ўзлуги туфрогидин гард,  
Не ўзлукким, ўзидин ҳам бўлуб фард.*

*Вытряхнув пыль из земли своего существа,  
Не только от своего существа, но и от себя отделился он.*

*Макони бўлмаин жуз бемаконлиқ,  
Нишони қолмаин жуз бенишонлиқ.*

*Не стало у него обиталища, кроме беспристрастия  
(кроме как вне пространства),  
Не осталось примет, кроме как отсутствие примет.*

*Чу қолмай не нишони, не макони,  
Топиб мақсад маконидин нишони.*

*Не осталось ни обиталища, ни признака,  
Но он нашел признак преследуемой цели.*

*Насимин зоҳир айлаб васл боги,  
Топиб мақсуд иси йўқлуг димоги.*

*Подул ветер от сада встречи,  
Нюх небытия почувял запах цели.*

*Чекиб дам аждаҳойи ганжи мақсуд,  
Югуртуб айлабон будини нобуд.*

*Дракон, охраняющий сокровищницу цели  
своим дыханием.  
Заставил его бегать и превратил его бытие в небытие.*

*Чу қилди жилва шодурвони ваҳдат,  
Насими васл очиб домони ваҳдат.*

*Зонт единства показал свой блеск,  
Ветерок встречи открыл подол единства.*

*Иноят илги оламдин ниҳони,  
Ҳарими ваҳдат ичра чекти они.*

*Рука милости скрытно от мира  
Провела его в опочивальню единства.*

*Супургач "Мо таго" туфрогин ул бог,  
Чекилди наргисига куҳли "Мо зог".*

*После подметания земли «Мо таго»<sup>1</sup> в саду,  
Его нарциссы были подведены сурьмой «Мо зог»<sup>2</sup>.*

*Анга бу сурма бўлгоч қурратул-айн,  
Насиб ўлди мақоми "қоба қавсайн".*

*Это сурьма стала для него зеницей ока,  
Досталась ему степень «на расстоянии двух луков»<sup>3</sup>.*

*Ўзин гум айлабон, лекин топиб Ҳақ,  
Кўрунмай кимса Ҳақдин айру мутлақ.*

*Он потерял себя, но нашел бога,  
Совершенно не видно человека отдельно от божества.*

*Вужуди кўрмади жуз Ҳақ вужуди,  
Тузулди Ҳақ каломидин суруди.*

*Его существо не видела ничего, кроме существа бога,  
Его песня была составлена из слов божьих.*

*Суруди нагмау лаҳни камоҳи,  
Шафоат айламак уммат гуноҳи.*

*Его песня, музыка, напевы с начала до конца,  
Просить от бога грехи его последователей.*

*Чу айлаб Ҳақ тилидин ул шафоат,  
Бўлуб ҳам Ҳақ жавобидин ижобат.*

*От имени бога он объявил прощение,  
Что было исполнено богом.*

*Топиб чун васл этиб мундоқ ҳавас ҳам,  
Ҳавас қилганга топиб дастрас ҳам.*

*Он добился встречи и имел пожелания,  
Его руки достали того, чего он пожелал.*

*Ёниб чун мунча мулку ҳашмат олиб,  
Тани ёниб ва лекин жони қолиб.*

*Он вернулся, достигнув счастья и почёта,  
Но вернулось только его тело, а душа осталось там.*

*Борурда қолиби хокини тортиб,  
Келурда руҳ афлокени тортиб.*

*Когда он вознесся, потянул туда прах своего тела,  
При возвращении потянул сюда небосклон души.*

<sup>1</sup> Из аята 17. Сура «Звезда».

<sup>2</sup> Из аята 17. Сура «Звезда».

<sup>3</sup> Из аята 9. Сура «Звезда».

*Бўлуб боргонда дурри лойиқи тож,  
Вале қайтиб нечукким баҳри маввож.*

*Когда он пошел, был жемчужиной, достойной короны,  
А возвратился в качества буцуещего моря.*

*Ёниб гулиан агарчи гунча бориб,  
Кўз очкунча келиб, юмгунча бориб.*

*Он пошел туда как бутон, а вернулся цветником,  
Открыть глаза – пошел, закрыть – уже вернулся.*

*Бориб келмоклиги дарки қилинмай,  
Бурунму борди, ё келди билинмай.*

*Его уход и приход даже не были осознаны людьми,  
Была не заметно, когда ушел, когда вернулся.*

*Илоҳий, бу нубувват тожи ҳаққи,  
Анинг бу суръати меърожи ҳаққи,*

*О Боже, ради этой короны пророчества.  
Ради быстроты его вознесения.*

*Ким андоқким тилаб уммат гуноҳин,  
Сен эттинг афв алар феъли табоҳин.*

*Когда он просил прощения за грехи своих последователей,  
Ты простил неблагоприятные дела.*

*Навоийни демай, бир бенавони,  
Ўкуш журму гунаҳга мубталони*

*Не скажу Навои, а одного несчастного,  
У кого полно грехов и вин.*

*Анинг умматлиғига қобил айла,  
Шафоат қилгон элга дохил айла.*

*Сделай способным быть его последователем,  
Присоедини его к тем за кого он заступился перед тобой.*

*Гар элга баҳри гуфронинг ҳавасдур,  
Чу ул хасдур, анга бир қатра басдур.*

*Если желание народа – море твоих прощений,  
Он – хворост, ему достаточно и капельки.*

## Чарльз ДИККЕНС

(1812–1870)

### КАТТА УМИДЛАР

Роман<sup>1</sup>

*Инглиз ва рус тилларидан  
Шоазим МИНОВАРОВ таржумаси*

XLIII боб

Унинг ҳикоясидан кейин менда янги гумонлар пайдо бўлди, тўғрироғи, аввалги, ғира-шира гумонлар аниқ шаклга кирди. Агар Компесон тирик бўлса ва Провиснинг қайтиб келганини билиб қолса, оқибати нима бўлиши аниқ эди. Компесоннинг Провисдан қанчалар кўркишини мендан яхши биладиган одам йўқ эди; у Провис тасвирлаб бергандек одам бўлгани учун ҳам, душманидан бир умрга кутилиш учун, уни сотишига шубҳа йўқ эди.

Провисга Эстелла тўғрисида оғиз очмагандим ва бундан кейин ҳам у тўғрида индамасликка қатъий қарор қилдим. Лекин Гербертга Эстеллани ва мисс Хевишемни кўрмасдан чет элга кетолмаслигимни айтдим. Провис бизга тарихини ҳикоя қилиб берганида кеч кирганди. Мен кейинги кунийк Ричмондга боришга қарор қилдим.

Миссис Брэндлининг уйига келганимдан кейин, Эстелланинг оксочини чақиришди, у эса бекаси қишлоққа кетганини айтди. Қаёққа? Одатдагидек, Сатис Хаузга. Одатдагидек эмас, дедим мен, чунки у ҳеч қачон менсиз у ёққа бормасди. У қачон қайтади? Жавобда мени хайратлантирган мазмун бор эди; оксочнинг тахминича, агар Эстелла қайтгудек бўлса, қисқа муддатга келиб, кетиши мумкин экан. Менга ҳеч нимани тушунтиришни хоҳламаётганликларидан бошқа ҳеч нарсани тушунмадим, бутунлай ўзимни йўқотиб, уйга қайтдим.

Кеч кириб, Провис уйига чиқиб кетганидан кейин (уни доимо кузатиб кўяр ва доимо диққат билан атрофни текширардим), Герберт билан маслаҳатлашиб, мисс Хевишемниқидан қайтмагунимча чет элга бориш тўғрисида оғиз очмай туришга қарор қилдик. Унгача иккаламиз ўзимизча буни қандай айтиш кераклигини ўйлаб кўрадиган бўлдик: ё ўзимизни шубҳали одамлар кузатиб юрганидан кўрққандек кўрсатамиз ёки Англиядан ташқарига чиқмаганимни баҳона қилиб, саёҳат қилгим келаётганини рўқач қиламиз. Провис ҳар қандай таклифимни қабул қилишига иккаламиз ҳам шубҳа қилмаётгандик. Ва иккаламиз ҳам уни ортиқ бундай хатарга қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаётгандик.

Кейинги кун ичун ҳеч бир уялиб ўтирмасдан, бориб албатта Жони кўриб

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.

келишим керак, деб алдадим; Жога ва унинг исмига нисбатан шунчалар пасткашлик қилишга қодир эдим! Провисга йўқлигимда жуда эҳтиёт бўлиши зарурлигини уқтирдим, Гербертдан, мен қандай кузатган бўлсам, уни шундай кузатиб юришни илтимос қилдим. Бир кундан кейин қайтиб келаман, шунда унинг сабр косасини ортиқча тўлдирмасдан, қандай қилиб жентльменларча ҳаёт кечири бошлаш тўғрисида ўйлаб кўрса бўлади. Шунда, харид қилиш ёки бирор ўхшашроқ баҳона билан уни Англиядан олиб чиқиб кетса бўлади, деган фикр ҳаёлимга келди (кейинчалик маълум бўлишича, Герберт ҳам бу тўғрида ўйлаган экан).

Хуллас, мисс Хевишемнинг уйига ташрифимни уюштириб, ҳали тонг отмасдан, биринчи дилижон билан жўнаб кетдим ва қашшоқлардек булутлар увадаларидан ҳамда туман парчаларидан либос кийган, титроқ, йиғлок, тортинчоқ кун ёриша бошлаганида, Лондон узоқда қолиб кетганди. Шитирлаб ёғатган ёмғир тагида “Зангори қобон” олдиға етиб келдик. Оғзида овқат билан аравани кутиб олиш учун дарвозадан ким чиқиб келди денг? Бентли Драмлнинг шахсан ўзи!

У ўзини мени кўрмаганга олганидан, мен ҳам шундай қилдим. Ҳаракатларимиз сохта экани билиниб қолаётганди, бу ҳам оздек иккаламиз бир вақтда емакхонага кириб келдик, у ҳозиргина нонушта қилган жойга, менга чой тайёрлаб қўйилганди. Шаҳримизда уни кўриш менга пичоқ санчилиши билан тенг эди – унинг нимага келганини жуда яхши билардим.

Бир ой аввал чоп этилган, ёғ босиб кетган газетани ўқиётган қилиб кўрсатиб – унда маҳаллий янгиликлардан ташқари бегона унсурларнинг – қахва, шўрва, балиқ қайласи, гўшт ёғи, эритилган мой ҳамда винонинг кизамикни эслатадиган изларини кўриш мумкин эди – стол ёнига ўтирдим, у бўлса, камин ёнига туриб олди. Унинг ўчоқ олдида туриши аста-секин менга алам қила бошлади ва мен уни бу имтиёздан маҳрум қилишга қатъий қарор қилдим. Каминга яқинлашиб, кўмирни аралаштириш мақсадида косовга қўл узатдим, бунинг учун уни мистер Драмлнинг оёқлари ва панжара орасидан ўтказишга тўғри келди, лекин аввалгидек ўзимни уни кўрмаётганга олаётгандим.

– Саломлашгингиз келмаяптими? – сўради мистер Драмл.

– Э, бу сизмисиз, – дедим мен косовни қўлимда маҳкам сиқиб. – Мен бўлсам оловни ким тўсиб қўйди, деб ўйлаб ўтирувдим.

Шундан кейин бор кучим билан косовни ишга солдим, кўмир лангиллаб ёна бошлагач, елкаларимни ёзиб, оловга орқа ўгириб, Драмлнинг ёнидан жой олдим.

– Яқинда келдингизми? – сўради мистер Драмл елкаси билан секингина мени бир четга сураркан.

– Ҳа, – жавоб бердим мен ўз навбатида уни секин-аста чап елкам билан итариб.

– Гадой топмас жойлар экан, – деди Драмл. – Адашмасам, сизни шу ерлик дейишарди.

– Ҳа, – тасдиқладим мен. – Айтишларича, бу ерлар сизнинг Шропширингизга жуда ўхшаб кетармиш.

– Ҳечам ўхшамайди, – деди Драмл.

Кейин мистер Драмл этикларимга қаради, мен унинг этикларига назар солдим.

– Келганингизга кўп бўлдими? – сўрадим ундан камин олдидаги жойдан бир дюйм ҳам бўшатиб бермасликка қатъий қарор қилиб.

– Зерикиб қолиш учун етарли муддат, – жавоб берди Драмл ясама эсноқ



билан ва афтидан, ён босмаслик сиёсатини давом эттиришга қарор қилиб.

– Бу ерда узоқ бўласизми?

– Ҳозирча билмайман, – жавоб берди мистер Драмл.

Ичимдан келаётган титроқдан, агар мистер Драмл елкасини яна бир тола соч ўлчамида ўнг томонга суришга уриниб кўрса, уни деразадан улоқтириб юборишим мумкинлигини ҳис қилиб турардим; айна чоғда агар менинг елкам шундай уринишни амалга оширгудек бўлса, мистер Драмл ҳам мени даҳлиз томон улоқтириб юборган бўларди. У хуштак чала бошлади. Мен ҳам шундай қилдим.

– Шу яқин орада ботқоқликлар кўп, деб эшитдим? – деди Драмл.

– Ҳа, – дедим мен. – Нима бўлибди?

Мистер Драмл аввал менга, кейин этикларимга қаради, кейин: “Э, худойим!” деб кулиб юборди.

– Жуда хурсанд кўринасиз, мистер Драмл? – дедим унга.

– Э, йўқ, – жавоб қилди у, – унчалик эмас. Кўнглимни сал ёзиш учун отга ўтириб, ботқоқликларни ўрганиб қайтмоқчиман. Айтишларича, узоқ кишлоқлар, кичкина қовоқхоналар... устахоналар... ва бошқа нарсалар учрармиш. Хой!

– Нима истайдилар, сэр?

– Отим тайёрми?

– Кираверишда кутиб турибди, сэр.

– Хўш, унда гап шу, бугун ҳаво ёмон, ёш хоним от минмайди.

– Хўп бўлади, сэр.

– Бу ерда тушлик қилмайман, ўша хонимникига тушликка таклиф қилинганман.

– Хўп бўлади, сэр.

Драмл менга қаради, у қанчалар бефаросат бўлмасин, ёғ босган башарасидаги беҳаё тантана аксидан шунчалар қутуриб кетдимки, уни буклаб (эртакдаги қароқчи ялмоғизни шундай қилганди), ловиллаб турган чўғ устига ўтказиб қўйишга тайёр эдим.

Бир нарса иккаламизга ҳам аён эди: ёрдам келмагунича у ҳам, мен ҳам камин олдидан бир қадам ҳам нари кетолмасдик. Биз кўкракларимизни олдинга чиқариб, елкаларимизни ва оёқларимизни бир-бирига тираб, қўлларимизни орқага қилиб, михлаб қўйилгандек ёнма-ён турардик. Деразадан ёмғир пардаси ортида эгарланган от кўриниб турар, дастурхонга нонуштамни олиб келиб қўйишган, Драмлнинг нонуштасидан қолган идиш-товоқни олиб кетишганди ва хизматкор мени стол ёнига таклиф қилди, унга бош ирғадим, лекин иккаламиз ҳам жойимизда қолавердик.

– Ўшандан бери Қайинзорга ҳеч бордингизми? – сўради Драмл.

– Йўқ, – дедим мен. – Читтақларнинг ўтган сафар қилган ишлари менга етади.

– Иккаламиз келиша олмай қолганимиздами?

– Ҳа, – дедим қисқа қилиб.

– Қўйсангиз-чи, улар сизга марҳамат кўрсатишди, ахир, – деди захархандалик билан Драмл. – Бунчалар енгил бўлиш ярамайди.

– Мистер Драмл, – дедим унга, – бу мавзуда сиз гапирмасангиз ҳам бўларди. Жаҳлим чиққанида, (ўшанда шундай бўлганди деётганим йўқ) мен стакан отмайман.

– Мен эса, отаман, – деди Драмл.

Унга яна бир-икки марта қараб, ичимдан ғазаб қайнаб келаётганини ҳис қилдим-да, унга:

– Мистер Драмл, бу суҳбатни мен бошлаганим йўқ ва уни ёқимли деб бўлмайди, деган фикрдаман, – дедим.

– Албатта, ёқимли эмас, – деди у кибр билан, елкаси оша. – Буни ўйлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

– Бинобарин, – давом этдим мен, – бундан кейин таниш-билишчиликни умуман йиғиштириб қўйсақ, деб таклиф қилмоқчиман.

– Тўла қўшиламан, – деди Драмл. – Ўзим ҳам шуни таклиф қилган бўлардим, тўғрироғи, ҳеч қандай таклифсиз, шундай қилган бўлардим. Лекин сизга ҳали кўп сабр керак бўлади. Шусиз ҳам кўп нарса йўқотдингиз.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Ҳой! – деб қичқирди Драмл жавоб бермай.

Кираверишда хизматкор пайдо бўлди.

– Қулоқ солинг, ҳой. Исмингиз нимади? Ёш хоним бугун отда сайр қилмаслигини ва мен уникага тушликка таклиф қилинганимни эслаб қолдингизми?

– Худди шундай, сэр.

Хизматкор кафтини совий бошлаган чойнакка теккизиб, менга ёлбориб қаради ва чиқиб кетди. Шундан кейин Драмл ўнг елкасини кимирлатмасликка тиришиб, чўнтагидан сигара чиқарди, учини тишлаб узди, лекин жойидан кимирламади. Жаҳлим чиққанидан, нафасим сиқар экан, яна бир сўз айтилса, Эстелланинг исми тилга олинишини сезиб турардим, аммо уни айнан шу одам айтишини сира ҳам истамасдим; шунинг учун мен, хонада ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқдек, тўғримдаги деворга тикилганимча, ўзимни жим туришга мажбур қилаётгандим. Бу аҳмоқона соқовлар ўйини яна қанча давом этиши номаълум эди, лекин кўп ўтмай хонага иссиқ куртқаларининг тугмаларини йўл-йўлакай ечиб ва кўлларини бир-бирига ишқаб, учта тўладан келган фермер кириб келишди – кўринишидан уларни хизматкор ичкарига йўллаганди – ва шунчалар аҳиллик билан ўчоққа яқинлашдиларки, уларга жой бўшатиб беришдан бошқа иложимиз қолмади.

Драмлнинг қўполлик билан отнинг ёлидан ушлаб, эгарга ўтирганини кўрдим, от типирчилаб, орқага тисарила бошлади. Уни от чоптириб кетди, деб ўйлаб турганимда, қайтиб келиб, оғзидаги ёқишни унутган сигараси учун олов беришларини баланд овозда талаб қилди. Қаердандир – меҳмонхона дарвозасиданми ёки кўчаданми, чанг либосли бир одам унинг ёнига келди ва Драмл эгар устида эгилиб, сигарасини тутатаётганида у кулиб меҳмонхонанинг пастки деразаларига бош ирғади, бинога орқа ўгириб турган одамнинг қийшиқ елкалари ва таралмаган сочлари менга Орликни эслатди.

Кайфиятим шунчалар бузилгандики, ўша лаҳзада у Орликмиди, бошқа одамми, менга фарқи йўқ эди, нонуштага ҳам қўл урмадим, юз-кўлларимдан йўл ғуборини ювиб, таниш, эски уйга йўл олдим, қани энди бу уйни умуман кўрмаган, ҳеч қачон остонасидан ҳатлаб ўтмаган бўлсам!

#### XLIV боб

Мисс Хевишем ва Эстеллани пардоз столи турадиган ва девордаги шамдонларда мум шамлар ёқиб қўйилган хонада учратдим. Мисс Хевишем камин ёнидаги кичкина диванда ўтирар, Эстелла унинг оёқ томонида, ёстик устидан жой олганди. Эстелла тўқир, мисс Хевишем унга қараб ўтирарди. Кириб келганимда улар бошларини кўтардилар ва бараварига мендаги

ўзгаришни сезиб олдилар. Улар бир-бирларига қараб қўйганларидан, шундай хулоса чиқардим.

– Пип, – деди мисс Хевишем. – Сени қайси шамол учирди, Пип?

Унинг кўз қараши қаттиқ эди, лекин нимадандир ноқулай аҳволда эканини сезиб қолдим. Эстелла бир лаҳзага тўқишни тўхтатиб, менга тикилди ва ўша заҳоти кўзларини олиб қочди, лекин бармоқларининг ҳаракатидан, кар-соқовларнинг тилида саховатпешанг кимлигини биламан, деётгандек бўлди.

– Кеча Ричмондга Эстелла билан гаплашиб олиш учун борган эдим, мисс Хевишем, – дедим мен, – лекин нима учундир унинг бу ерга жўнаб кетганидан хабар топдим. Кейин мен ҳам келавердим.

Мисс Хевишем менга учинчи ё тўртинчи марта ўтир, деб ишора қилаётгани сабабли, у одатда ўтирадиган пардоз столи ёнидаги стулга ўтирдим. Ўша куни ҳалокат парчалари атрофда сочилиб ётган бу маконда ўша жой энг қулай бўлиб кўринганди.

– Эстеллага айтмоқчи бўлган гапларимни, хузурингизда, мисс Хевишем... тез орада... бир лаҳзадан кейин айтаман. Бундан хайрон бўлмайсиз ва у сиз учун ёқимсиз ҳам бўлмайди. Мен сиз истаганчалик бахтсизман.

Мисс Хевишем аввалгидек менга тикилиб турар, Эстелла тўқишда давом этар ва бармоқларининг ҳаракатидан сўзларимга кулоқ солаётгани кўриниб турарди; лекин у ҳамон бошини кўтармасди.

– Саховатпешам ким эканини билдим. Бу қувончли хабар эмас ва менга ҳеч нарса – на бойлик, на обрў, на мансаб олиб келмайди. Айрим сабабларга кўра, бу тўғрида батафсил гапира олмайман. Гап ўзганинг сири ҳақида кетяпти.

Эстеллага қараб туриб ва гапимнинг давомини ўйлаб жим қолдим, шунда мисс Хевишем такрорлади:

– Бу сенинг эмас, ўзганинг сири. Хўш, у ёғи-чи?

– Қишлоғимдан (бекорга ундан ташқарига чиққан эканман) бошқа ҳеч нимани билмайдиган пайтимда, менга биринчи марта бу ерга келишни буюрганингизда, мисс Хевишем, бу ерга, менинг ўрнимга келиши мумкин бўлган ҳар қандай бола каби, инжиқликларингизни кўтарадиган ва бунинг учун тегишли ҳақ оладиган хизматкор сифатида келиб қолган бўлсам керак.

– Ҳа, Пип, – деди мисс Хевишем боши билан тасдиқлаб, – айнан шундай бўлганди.

– Ва мистер Жеггерс...

– Мистер Жеггерс, – деб ишонч билан давом эттириб кетди мисс Хевишем, – бу ишга аралашмаган ва ҳеч нимани билмасди. У менинг ҳам, саховатпешангнинг ҳам ишончли вакили бўлиб чиққани – соф тасодиф. Бунинг хайрон қоладиган жойи йўқ, унинг мижозлари жуда кўп. Нима бўлганда ҳам бу оддий тасодиф ва бу ерда ҳеч кимнинг ҳеч нарсада айби йўқ.

Ҳолдан тойган чехрасига қараб, ҳозирга қадар у ҳеч нимани яширмай, ҳақиқатни гапираётганига ҳар қандай одам ишонч ҳосил қилган бўларди.

– Лекин мен адашиб, узок вақт нотўғри хаёлларга берилиб юрганымда сиз атайлаб мени огоҳлантирмадингизми?

– Ҳа, – деди хоним яна қатъият билан бош тебратиб, – сени фикрингдан қайтариб ўтирмадим.

– Бу шафқатсизлик эмасмиди?

– Мен ким бўлибманки, – деди мисс Хевишем баланд овозда ва

ҳассасини ерга шунчалар жаҳл билан урдики, Эстелла унга хайрон бўлиб қараб қўйди, – мен ким бўлибманки, эй, қодир Эгам, менадан шафқат талаб қилсалар?

Саволим ожизона берилганди ва оғзимдан беихтиёр чиқиб кетганди. Кутилмаган ғазаб ўрнини бадқовоқ сукунат эгаллагач, буни мисс Хевишемга айтдим.

– Хўш, хўш, – деди хоним. – Давом эт-чи!

– Хизматим учун менга шоҳона ҳақ тўланди, – дедим уни тинчлантириш учун, – менга темирчилик касбини эгаллаш имконияти берилди ва ҳозиргача бир нарсани ўзим учун ойдинлаштириш мақсадидагина саволлар бердим. Энди, бошқа, умид қиламанки, мақтаса арзигулик мақсад йўлида давом эттирмақчиман. Менинг атайлаб янглиш хаёлларга берилишимга монелик қилмай, мисс Хевишем, сиз нафси ўтқир қариндошларингизни жазоламоқчи... боплаб қўймоқчи бўлдингиз... Балки сизга тегиб кетмайдиган ва уларга нисбатан ниятларингизни тўғри ифодалайдиган бошқа бир сўзни ўзингиз айтарсиз?

– Тўғри, лекин бунга ўзлари сабабчи! Сен ҳам. Шунча кечирган укубатларимдан кейин, фикрларингиздан қайтариш учун машаққат чекиб ўтиришим керакми? Ўзингиз ўзингизни тузукка туширдигиз. Бу ерда менинг иштироким йўқ.

Тинчланиб олишини кутиб туриб (негаки охириги сўзларни у яна ғазаб билан, баланд овозда айтганди), давом этдим:

– Айрим қариндошларингизни, мисс Хевишем, мен яхши танийман ва Лондонга борган кунимдан бошлаб улар билан мунтазам учрашиб келяпман. Уларнинг мавқеим хусусида, худди ўзим каби, соддадилларча янглишганликларини биламан. Сизга бу гапларни эшитиш ёқадими, йўқми, менга ишонишни ихтиёр этасизми, йўқми, мистер Мэтью Покет ва унинг ўғли Гербертга нисбатан, ҳамонки уларни олийжаноб, тўғриси, фитна ва ҳасад қўлидан келмайдиган инсонлар сифатида тан олмас экансиз, ўта адолатсизлик қиляпсиз.

– Улар сенинг дўстларинг, – деди мисс Хевишем.

– Ўрнимизни эгаллаб олди, деб ўйлаб юрганларида улар мен билан дўстлашдилар, – эътироз билдирдим мен, – айна пайтда, агар янглишмаётган бўлсам, Сара Покет, мисс Жоржиана ва миссис Камилла менга умуман дўстлик қилмадилар.

Бундай қиёслаш билан Герберт ва отасининг кадрилини мисс Хевишемнинг назарида ошира олгандек кўриндим ва бу нарса мени хурсанд қилди. У менга синчков назар солди ва хотиржамлик билан сўради:

– Улар учун нима сўрамоқчисан?

– Фақат бир нарсани – уларни бошқалар билан бир хил кўрмаслигингизни. Тўғри, улар бир оиладан, лекин бир-бирларидан бутунлай фарқ қиладилар. Кўриб турганингиздек, – дедим мен қизариб кетаётганимни ҳис қила туриб, – менда айёрлик йўқ ва агар хоҳлаганимда ҳам улар учун сиздан нимадир сўрамоқчи бўлаётганимни яшира олмасдим. Мисс Хевишем, олийжаноб бир иш – дўстим Гербертга, ўзига сездирмаган ҳолда, оёққа туриб олиши учун пул ажрата олганингизда, буни қандай амалга оширишни сизга айтган бўлардим.

– Нега ўзи билмаслиги керак? – сўради хоним ҳассаси устида қўлларини ковуштириб ва мени яхшироқ кўриш учун олдинга эгилиб.

– Негаки, – дедим мен, – ўзим икки йил аввал ушбу олийжаноб ишни ундан сўрамасдан бошлаган эдим ва буни билиб қолишини истамайман.

Бошлаган ишимни охирига етказиб қўйишга нима менга монелик қилаётганини тушунтириб бера олмайман. Ҳали мен айтган бегона сирнинг бир қисми бу.

– Яна нима?

– Эстелла, – дедим мен титрай бошлаган овозимни енгиб олишга ҳаракат қиларканман, – сизни кўпдан бери, садоқат билан севишимни биласиз.

Унга мурожаат қилаётганимни эшитиб, Эстелла бошини кўтарди ва тўқишни тўхтатмагани холда менга ўта хотиржамлик билан қаради. Мисс Хевишемнинг назари мендан унга, ундан менга ўтаётганини ҳис қилдим.

– Агар янглиш хаёлларга берилиб юрмаганимда бу тўғрида аввалроқ гапирган бўлардим. Мисс Хевишем бизларни бир-биримизга мўлжаллаб қўйган, деб ўйлардим... умид қилардим. Танлаш ҳуқуқи сизга берилмаган, деган хаёлда индамай юрдим. Лекин энди буни айтишим керак.

Эстелланинг чеҳраси хотиржамлигича қолаверди, бармоқлари тўқишда давом этди, лекин у бош чайқаб қўйди.

– Биладан, – дедим бу ҳаракатга жавобан. – Биладан. Қачонлардир сизни ўзимники деб аташимга ҳеч бир умид йўқлигини биладан, Эстелла. Шу яқин орада ҳаётим қандай кечишини, на қаерда бўлишимни, на қашшоқликка тушиб қолиш-қолмаслигимни билмайман. Лекин сизни севаман. Сизни шу уйда биринчи марта кўрганимдан бери севаман.

Ўша, ўша хотиржамлик билан, тўқишни тўхтатмасдан, Эстелла яна бош чайқаб қўйди.

– Агар мисс Хевишем ўйлаб шу ишни қилган бўлса, унинг томонидан бу шафқатсизлик бўлган, бечора бир боланинг таъсирчанлигидан фойдаланиб, шунча йил бесамара умид, амалга ошмайдиган орзу билан қийнаб келиш – бориб турган шафқатсизликдан бошқа нарса эмас. Аммо, эҳтимол, у бу тўғрида ўйламагандир. Ўзининг азоблари билан бўлиб, меникини унутгандир, Эстелла.

Мисс Хевишем кўлини юраги устига қўйиб олиб, дам Эстеллага, дам менга қараб, кимирламай ўтирарди.

– Кўринишдан, – деди Эстелла хотиржам овозда, – мен тушуна олмайдиган қандайдир туйғулар... хаёллар – уларни қандай аташни билмайман – борга ўхшайди. Сиз, мени севаман деяпсиз, айтаётган сўзларингизни тушунаман холос. Қалбимда ҳеч нарса уйғотмайсиз, ҳаяжонга солмайсиз. Нима десангиз ҳам менга фарқи йўқ. Сизни огоҳлантиришга ҳаракат қилганман, тўғрими, ўзингиз айтинг?

– Ҳа, – дедим мен қайғуга ботиб.

– Ҳа. Лекин сиз гапларимни жиддий қабул қилмадингиз, натижада эҳтиёт бўлмадингиз. Ахир шундай деб ўйладингиз, тўғрими, айтинг?

– Ахир, сиз, Эстелла, шунчалар навқирон, шунчалар маъсума, шунчалар латофатлисиз! Йўқ, бу табиатга зид, ахир!

– Менинг табиатимга зид эмас, – эътироз билдирди у. Ва ҳар бир сўзини таъкидлаб, деди: – Бу менда шакллантирилган табиатга мос келади. Сизни қолган одамлардан бошқачасиз, деб ўйлаганим учун буларни айтяпман. Мендан бошқа ҳеч нарса кутманг.

– Бентли Драмлнинг шу ерда, шаҳарчамизда экани, хушомадлари билан сизни таъкиб қилаётгани тўғри эмасми?

– Тўппа-тўғри, – деди Эстелла ўта нафратланадиган одам тўғрисида гапирётгандек бефарқлик билан.

– Уни ўзингиздан нари итармаётганингиз, бирга от устида сайр қилаётганингиз ва бугун у сизникида тушлик қилиши ҳам тўғрими?



– Тўппа-тўғри.

– Эстелла, ахир уни севмайсиз, тўғрими?

Унинг бармоқлари биринчи марта тўқишдан тўхтади ва у юрагидан жавоб берди:

– Яна ўша гапни такрорлаяпсиз. Ёки, ҳеч нарсага қарамасдан, мени ҳали ҳам жиддий гапирмаяпти, деб ўйлаяпсизми?

– Лекин сиз унга турмушга чиқолмаган бўлардингиз-ку, Эстелла?

У мисс Хевишемга қаради ва тўқишини қўймасдан, бир лаҳзага ўйланиб қолди. Кейин:

– Нега сизга тўғриси айтмай? Унга турмушга чиқяпман.

Қўлларим билан юзимни беркитдим, унинг сўзлари мени қийноққа солиб, ўзимни анча вақт қўлга ололмадим. Яна бошимни кўтарганимда мисс Хевишемнинг юзи шунчалар кўрқинчли тус олган эдики, қайғуга ботиб, ўзимни йўқотаёзган бўлсам ҳам, мени даҳшатга солмай қўймади.

– Эстелла, азизам, мисс Хевишем сизни бу машъум, тўғрилаб бўлмас қадамни ташлатишига йўл қўйманг! Майли, сиз учун ҳеч нима бўлмай, – шундайлигини биламан – лекин ўзингизга муносиброқ эр танланг. Сизни кўришдан завқланадиган бошқа кўп яхши эркаклар, чинакамига севадиган кам сонлиларини ўлар даражада ҳақоратлаш, камситиш учун мисс Хевишем сизни Драмлга узатяпти. Менчалик кўп йиллардан бери бўлмаса ҳам, балки ўша кам сонли эркаклар орасида сизни мендек садоқат билан севадигани бордир. Ўшани бахтли қилинг, сиз учун буни кўтариш менга осонроқ бўлади!

Мурожаатим жўшқинлиги билан уни ҳайратга солди ва агар Эстелла руҳий ҳолатимни тасаввур қила олганида, эҳтимол, унда ҳамдардлик учқунини ёқа олган бўлардим. У юмшоқроқ овозда деди:

– Драмлга турмушга чиқяпман. Тўйга тайёргарликлар бошлаб юборилган, яқинда тўй бўлади. Нега тутинган онамдан норози бўляпсиз? У ҳеч нарса қилгани йўқ. Ўз ихтиёрим билан шундай қияпман.

– Ўз ихтиёрингиз билан шундай аблахнинг бўйнига осилияпсизми, Эстелла?

– Сизнингча, кимнинг бўйнига осилишим керак? – эътироз билдирди у табассум билан. – Унга ҳеч нарса беролмаслигимни дарров тушуниб оладиган одамнингми (агар одамлар буни ҳис қилолсалар)? Фойдаси йўқ. Гишт қолипдан кўчган. Менга ҳам, эримга ҳам ёмон бўлмайди. Мисс Хевишем эса, сиз айтгандек, тўғрилаб бўлмас қадамни қўйишга мени мажбур қилгани йўқ, аксинча у турмушга кечроқ чиқишимни хоҳлаган бўларди; лекин ҳозирги турмуш тарзимдан чарчадим, унинг менга ёқадиган томонларини ҳеч кўрмайпман ва ўзгартириш ниятидаман. Менимча, бу тўғрида етарли гаплашиб олдик. Биз ҳеч қачон бир-биримизни тушуна олмаймиз.

– У шунчалар аблах, шунчалар фаросатсизки! – дедим мен изтироб ичида.

– Ташвиш қилманг, унинг учун саховат фариштаси вазифасини бажармайман, – деди Эстелла. – Умид ҳам қилмасин. Хўш, мана менинг кўлим. Келинг, шу тарзда хайрлашамиз, орзуларга бой бола... ёки эркакми?!

– Оҳ, Эстелла! – инградим мен ва аччиқ кўз ёшларим, уларни ушлаб туришга қанчалар ҳаракат қилмай, унинг қўлига томди. – Агар Англияда қолиш ва аввалгидек одамларнинг кўзига қараш пешонамга ёзилган бўлса ҳам, сизнинг Драмлга хотин эканингизга қандай чидайман?

– Бўлмаган гап, – деди у. – Бўлмаган гап. Тезда кўникиб қоласиз.

- Ҳеч қачон, Эстелла!
- Бир ҳафтадан кейин мен ҳақимда ўйлашни ҳам унутиб юборасиз.
- Унутаман? Сиз – ҳаётимнинг бир қисми, менинг бир қисмимсиз.

Бу ерга оддий қишлоқ боласи бўлиб келиб, ўшандаёқ қалбимни чуқур жароҳатлаганингиздан бери ўқиган ҳар бир сатримда сиз борсиз. Ўшандан бери ниманики кўрсам – дарёда, кемаларнинг елканлари, ботқоқликлар, булутлар, ёруғлик ва қоронғилик, шамол, денгиз, ўрмон ва кўчаларда сиз бордексиз. Лондондаги энг мустаҳкам биноларнинг қўлларингиз жойидан қимирлатишга ожиз тошлари қанчалар мустаҳкам бўлса, сиймоингиз шунчалар мустаҳкам ва ўчмас бўлиб қалбимда аввалу ҳозир ва умрбод яшайди. Эстелла, охири нафасимгача жисмимнинг бир бўлаги, менда бор барча яхши нарсаларнинг – улар қанчалар кам бўлмасинлар – ва барча ёмон хислатларнинг бир бўлаги бўлиб қоласиз. Лекин ҳозир, видолашув лаҳзаларида сизни фақат яхшилик билан боғлайман ва бундан кейин фақат яхшилик билан эшлашга ваъда бераман, негаки юрагим ҳозир қанчалар оғримасин, менга ёмонликдан кўра кўпроқ яхшилик қилганингизга ишонаман. Парвардигор сизни афв этсин ва ярлақасин!

Ушбу бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар оқими изтиробнинг қайси тўлқинида яралди, буни ўзим ҳам билмайман. У қалб ярасидаги қон мисоли ташқарига оқиб чиқди. Икки-уч лаҳза Эстелланинг қўлига лабларимни босиб турдим, кейин хонадан чиқиб кетдим. Лекин, Эстелла менга ишончсиз ҳайрат билангина қараб турган вақтда, қўлини ҳамон юрагининг устидан олмаган мисс Хевишемнинг юзи қайғу ва тавбанинг қўрқинчли ниқобига айланиб улгурганини унутганим йўқ (маълум сабабларга кўра, уни тез орада яна эсладим).

Ҳаммаси тугаган, вайрон бўлганди! Шунчалар кўп нарса йўқотгандимки, кўчага чиққанимда, кундузги ёруғлик, ичкарига кириб кетаётганимдагига нисбатан хира тортиб қолгандек кўринди. Бир мунча муддат шаҳар четидаги кимсасиз кўчаларда яшириниб юрдим, хаёлларимни жамлашга улгургач, Драмлни кўрмаслик учун меҳмонхонага қайтиб бора олмаслигимни; ҳеч ким билан гаплашгим келмаётганидан дилижонга ўтира олмаслигимни тушундим ва Лондонга пиёда йўл олдим, ҳолдан тойгунимча юриш ва яна юришдан яхшироқ нарса ўйлаб топа олмадим.

Тун пайтида камдан-кам ҳолларда Тэмплга бу томондан кирганим сабаб ва йўл юриб, ҳамма ёғим лой бўлиб кетгани учун қоровул, табиийки, ярим очиқ дарвозадан киритишдан олдин, мени бошдан-оёқ яхшилаб кўздан кечирди. Шубҳадан холи бўлиши учун унга исмимни айтдим.

– Ўзим ҳам сизсиз, деб ўйладим, сэр, лекин ишонқирамадим. Сизга хат бор, сэр. Уни олиб келган одам, шу ернинг ўзида, фонусимнинг ёруғида ўқишингиз кераклигини айтиб қўйишни буюрганди.

Жуда ҳам ҳайрон бўлиб, хатни олдим. Хат эсквайр<sup>1</sup> Филип Пипга юборилган, юқори бурчагида: “Илтимос, ҳозирнинг ўзида ўқилсин”, деган ёзув бор эди. Конвертни очдим ва қоровул яқинроққа олиб келган фонус ёруғида Уэммикнинг қўли билан ёзилган қуйидаги сўзларни ўқидим:

“Уйга борманг”.

## XLV боб

Ушбу хабарни ўқишим билан Тэмпл дарвозасидан орқага қайтиб, Флит-стритгача югуриб бордим, у ерда тунги извошни учратиб қолиб,

<sup>1</sup> Эсквайр – Англияда зодагон ва мулкдорларнинг исми-шарифига қўшиб айтиладиган сўз (тарж.).

Ковент-Гардендаги туннинг истаган пайтида жой топиладиган “Хаммамс” меҳмонхонасига етиб олдим. Хизматчи суриштириб ҳам ўтирмай, эшикни очди, токчасида қатор турган шамларнинг биринчисини ёқиб, рўйхатидаги биринчи хонага кузатиб қўйди. Хона қуйи қаватда жойлашган бўлиб, мақбарага ўхшаб кетар, деразаси ховлига қараган ва деярли бутунича бахайбат, тўрт устунли сўри ихтиёрига бериб қўйилганди, у бир оёғини ҳеч бир тортинишсиз камин ичига киргизиб олган, иккинчисини эшикнинг нариги томонига чиқариб қўйган, жажжигина ювиниш чиннисини фик этмайдиган қилиб деворга тақаганди.

Тунги чирок беришларини сўрагандим, хизматчи ўша ажойиб пайтларда удум бўлган, дидсиз ишланган ҳасса шамни олиб кирди. Ҳассага сал-пал ўхшаб кетадиган бу жиҳоз, хиёл тегиб кетсангиз синиб тушарди, ундан ҳеч бир нарсани ёқиб ололмасдингиз, шам ёнларидан тешикчалар очиб қўйилган баланд жез миноранинг ичига ўрнатилган бўлиб, тешиклардан деворга ёруғ доирачаларнинг акси тушар, доирачалар менга ўта қизиқсиниб қараётганга ўхшардилар. Шилиниб кетган оёқларим, юракдаги безовталиқ билан, на ўлик ва на тирик ҳолда ўринга чўзилгач, мен ушбу афсонавий маҳлуқнинг ҳам, ўзимнинг ҳам кўзларимни юмишга ожиз эканим аён бўлди. Тун сукунати ва қоронғилигида иккаламиз бир-биримизга қараб вақт ўтказдик.

Қанчалар умидсиз эди ўша тун! Қанчалар хавотирли, мунгли, узун эди у! Хонада кул ва қизиган чанг ҳиди анқирди. Юқорига, пашшахонанинг бурчакларига қараб ётиб, гўшт дўконидан келган қанча кўк пашша, бозордаги қанча темирчак, атрофдаги жойлардан келган қанча бурга-ю битлар ёз келишини пойлаб ётишгандир, деб ўйладим.

Кейин улар ахир тўкилиб ҳам туришса керак, деган фикр хаёлимга келди ва ўша заҳоти юз-кўзимга нимадир аста-секин тегаётгандек ёқимсиз тасаввур пайдо бўлди, ундан орқам, бўйниларим кичишиб, шубҳаларимни ошириб юборди. Орадан қанчадир вақт ўтгач, одатда тун сукунатига раҳна соладиган ғалати товушларни эшита бошладим: бурчакда турган жавон шивирлар, камин хўрсинар, жажжи ювиниш чинниси бузук соат каби чиқиллар, токчадан вақти-вақти билан гитара овози келиб қоларди. Тахминан ўша вақтнинг ўзида девордаги доирача-кўзларнинг ҳар бирида: “Уйга борманг”, деган ёзув пайдо бўлди.

На атрофимни ўраб олган тунги шарпалар, на тунги овозлар бу сўзларни ҳайдаб юборишга ожиз эдилар: “Уйга борманг”. Бадандаги оғриқ мисол, фикру хаёлим ана шу икки сўзда бўлиб қолганди. Сал аввалроқ, газеталарда, тунда аллақандай одам “Хаммамс” меҳмонхонасига келиб, ўринда ўз жонига қасд қилгани, эрталаб қонга беланиб ётган аҳволда топилгани хабар қилинган эди. Бу воқеа ҳозир ўзим ётган ана шу даҳмада содир бўлган, деган фикр миямга ўрнашиб қолди, ўрнимдан туриб ерда ёки жиҳозларда қон излари йўқмикан, деб қарай бошладим; кейин эшикни очиб, хизматчи ёқиб ўтирган фонусни узоқдан кўрсам ҳам, енгил тортаман, деган умидда ташқарига қарадим. Лекин фикру зикрим нега уйга боришим мумкин эмас, у ерда ўзи нима воқеа содир бўлдийкин, қачон уйга бора оламан, Провис уйидамикан, деган саволлар банд қилганидан, бошқа нарсаларга жой қолмагандек эди. Ҳатто Эстеллани, бугун биз бир умрга хайрлашганимизни, видалашувнинг ҳар бир икир-чикирини, унинг ҳар бир қараши, ҳар бир сўзи, бармоқларини эпчиллик билан ҳаракатлантириб тўкиб ўтирганларини эсласам ҳам, барибир ҳамма жойда: “Уйга борманг” деган огоҳлантириш кўринаверди. Ниҳоят, жисмонан ва руҳан ҳолдан

тойиб, мудраб қолганимда эса, кўз ўнгимда тутундан ёзилган баҳайбат феъл пайдо бўлди, уни туслашим керак экан. Буйруқ майли: уйга борма, у уйга бормасин, уйга бормаймиз, уйга борманг, улар уйга бормасинлар. Кейин шарт майли: мен уйга бора олмаган бўлардим, боришни истамаган бўлардим, боришим керакмас эди, боришга қарор қила олмаган бўлардим, боришга ботинмаган бўлардим ва ҳоказо, ақлдан оза бошлаганимни ҳис қилибгина, нариги томонимга ағдарилиб, яна девордаги ёруғ доирачаларни кузата бошладим.

Мени соат еттида уйғотишларини буюргандим, негаки биринчи навбатда Уэммикни кўришим зарурлигини ва мавжуд шароитда унинг уолвортча қарашларигина мен учун фойдали бўлиши мумкинлигини тушуниб турардим. Шунчалар ёқимсиз тунни ўтказган хонани тарк этишни сабрсизлик билан кутаётганимдан, эшикни тақиллатишлари биланоқ, беҳаловат ўрнимдан сакраб турдим.

Соат саккизда Қасрнинг кунгурадор деворларига яқин келдим. Омадим келиб, қалъа дарвозаси олдида иккита иссиқ нон кўтариб олган хизматкор қизни учратиб қолдим, у билан кўтарма кўприкдан ўтдим ва ер ости йўли орқали ўзи ҳамда Қария учун чой тайёрлаётган Уэммикнинг олдида пайдо бўлдим. Эшиги очик хонанинг ичкарасида ҳали ўрнидан турмаган Қариянинг ўзини ҳам кўриш мумкин эди.

– Ҳа, мистер Пип! – деди Уэммик. – Қайтибсиз-да?

– Ҳа, – жавоб қайтардим мен, – лекин уйга бормадим.

– Жуда яхши-да, – деди у қўлларини бир-бирига ишқаб. – Мен ҳар эҳтимолга қарши Тэмплнинг барча дарвозаларида сиз учун хат қолдиргандим. Сиз қайси дарвоза орқали кирдингиз?

Жавобимни эшитиб бўлиб, у гапида давом этди:

– Бугун барча бошқа дарвозаларни айланиб чиқиб, хатларимни йўқ қиламан; эҳтиёж бўлмаган ҳужжатларни сақлаш керак эмас, деган қоидага амал қиламан. Энди сизга бир илтимос билан мурожаат қилишга ижозат беринг: Қария отамга мана бу қолбасани қовуриб бериш сизга малол келмайдими?

Бу ишни жуда катта мамнуният билан бажаришимни айтдим.

– Ундай бўлса, сиз кетаверишингиз мумкин, Мэри-Энн, – деди Уэммик оқсоч қизга ва у кўздан ғойиб бўлгач, айёрона кўз қисиб: – Биз эса, мистер Пип, шу йўл билан яккама-якка қоламиз, – деди.

Дўстона муносабати ва ғамхўрлиги учун унга миннатдорчилик билдирдим, мен чолга қолбаса қовураб эканман ва Уэммик унга нон кесиб, ёғ сураб экан, паст овозда суҳбатлаша бошладик.

– Шундай қилиб, мистер Пип, – деди Уэммик, – биз бир-биримизни тушунамиз. Ҳозир хусусий шахслар сифатида суҳбатлашяпмиз, махфий ишларни биринчи марта муҳокама қилмаяпмиз. Хизмат юзасидан фикр билдириш бошқа нарса. Биз эса, сиз билан хизматда эмасмиз.

Фикрига қўшилишга шошилдим. Шунчалар ҳаяжонланаётган эдимки, қолбасани машғалага ўхшаб ёндириб юбордим ва ўша заҳоти уни пуфлаб ўчирдим.

– Кеча эрталаб, – деди Уэммик, – ўзингизга маълум жойда, у ёққа сизни бир марта олиб боргандим, – ҳатто юзма-юз учрашувда ҳам, мистер Пип, исмлар ва атамаларни айтишдан қочган яхши...

– Анча яхши, – тасдиқладим мен, – сизни тушунапман.

– ...кеча эрталаб, – давом эттирди Уэммик, – ўша жойда тасодифан эшитиб қолдимки, колонияларга алоқаси бор ва қанчадир кўчар мулкка эга

бўлган қандайдир одам... аниқ кимлигини билмайман... исмини айтмаймиз...

– Керак ҳам эмас, – дедим мен.

– ...дунёнинг аллақайси бурчагидан – кўп одамлар, ҳар доим ҳам ўз хошиш-иродаларига бўйсуниб эмас ва асосан давлат ҳисобидан... борадиган жойдан...

Унинг юзига диққат билан қарайман деб, колбасани алангалатиб юбордим, оқибатда ўзим ҳам чалғидим, Уэммикни ҳам чалғитиб қўйиб, бунинг учун узр сўрадим.

– ...каерга кетаётганини айтмасдан ғойиб бўлиб, шов-шувга сабабчи бўлган эмиш. Шулар асосида, – деди Уэммик, – турфа хил тахминлар ва фикрлар юрганмиш. Яна эшитдимки, сизни ва Тэмплдаги уйингизни кузатишаётган экан, эҳтимол, ҳали ҳам кузатишаётгандир.

– Ким? – сўрадим мен.

– Бу мавзуга тегмасликни афзал кўраман, – деди Уэммик гапни четга буриб. – Хизмат бурчимни унутмаслигим керак. Турли пайтларда ўша ерда бошқа кўп қизиқарли воқеалар хусусида қандай эшитган бўлсам, бу тўғрида ҳам шундай хабар топдим. Ҳеч кимдан ҳеч қандай маълумот олганим йўқ, бу тўғрида фақат эшитдим.

Гапдан тўхтамаган ҳолда у қўлимдан колбаса ва санчқини олиб, кичикроқ патнис устига Қария учун нонушта тайёрлади. Лекин Қарияни овқатлантиришдан олдин у ётоққа кириб, чолнинг бўйнига оппоқ тоза сочиқ боғлади, ўтиришига ёрдам берди ва қалпоғини бошининг чеккасига суриб қўйганди, Қария чапани одамларга ўхшади-қолди. Кейин Уэммик эҳтиётлик билан отасининг олдида нонуштани қўйди ва сўради: – Хўш, Қария, ҳаммаси жойидами? – Чол қувноқ кайфият билан жавоб қайтарди: – Ажойиб, Жон, ўғлим, ажойиб! – Қариянинг кўриниши бегона кўзларнинг тушиши учун ҳали тайёр бўлмаганидан, ҳеч кимни кўрмайпман, деб тасаввур қилиш керак эди, бинобарин, ўзимни ҳеч нарсани сезмаётган қилиб кўрсатдим. Уэммик олдимга қайтганидан кейин ундан сўрадим:

– Мени ва уйимни кузатаётганлари (ўзим ҳам бундан шубҳаланиб юргандим), сиз ҳозир гапирган одам билан боғлиқ, тўғрими?

Уэммикнинг юзи ўта жиддий тус олди.

– Аниқ шундай, деб айтмаган бўлардим. Тўғрироғи, илгари айтмаган бўлардим. Лекин ҳозир, ҳа, шундай ёки шундай бўлади, шунга қараб кетяпти, деб айта оламан.

Литл-Бритенга нисбатан қулларча садоқат унга аниқроқ гапиришга имкон бермаётганини кўриб ва у шундоқ ҳам ўз қоидаларидан анчагина четга чиқиб кетганини миннатдорчилик билан қайд қилиб, бошқа савол бериб ўтирмасликни лозим топдим. Лекин олов олдида бир оз ўтиргач, яна битта савол беришга ботинмоқчиман, унга жавоб бериш ёки бермасликни ўзингиз хал қилинг, қарорингизни тўғри қабул қиламан, дедим. Уэммик нонушта қилишдан тўхтади, қўлларини қовуштириб, кўйлагининг енглари шимарди (қулай уй шароитидан тўла баҳра олиш учун у камзул киймасдан нонушта қилаётганди) ва саволингизни кутяпман, дегандек ишора қилди.

– Асл фамилияси Компесон бўлган ярамас одам тўғрисида бирор нима эшитганмисиз?

У яна бош ирғаб, жавоб қайтарди.

– У тирикми?

Яна тасдиқ ишораси.



– У Лондондами?

Уэммик яна бош ирғади, почта кутисининг тирқишини яхшилаб ёпди ва якуний бош ирғашдан кейин нонушта қилишни давом эттирди.

– Энди, – деди Уэммик, – ҳамонки саволлар тугаган экан – у яхшилаб тушуниб олишим учун бу сўзларни таъкидлаб, такрор айтди – мен эшитган нарсаларимдан хабар топганимдан кейин нималар қилганимни айтиб бермоқчиман. Сизни уйдан топаман, деб Гарден-Кортга бордим; тополмаганимдан кейин мистер Гербертни кидириб Кларрикер идорасига бордим.

– Уни топгандирсиз? – сўрадим мен юрагим така-пука бўлиб.

– Уни топдим. Исmlарни тилга олмасдан ва тафсилотларсиз унга, агар дўстингизнинг уйда ёки унга яқинроқ жойда – айтайлик Том, Жек ёки Ричард борлигини билсангиз, дўстингизни кутиб ўтирмасдан, Том, Жек ёки Ричардни бошқа жойга кўчириб турилса, яхши бўларди, дедим.

– Хайрон бўлиб, боши қотиб қолгандир?

– Ҳа, аввалига боши қотиб қолди. Том, Жек ёки Ричардни ҳозир узоқроққа олиб кетишга ҳаракат қилиш хавфли деганимдан кейин умуман боши қотиб қолди. Қулоқ солинг, мистер Пип. Мавжуд шароитда, модомики ўша одам келиб бўлган экан, катта шаҳарнинг ўзидан яхшироқ жой йўқ. Муддатидан аввал индан чиқмаслик керак. Беркиниб олиш керак. Ҳаммаёқ тинчигунча кутиш керак, ҳатто чет эл ҳавосидан нафас олиш учун ҳам, бурунни ташқарига чиқармай туриш керак.

Унга қимматли маслаҳати учун миннатдорчилик билдириб, Герберт нима чора кўрганини сўрадим.

– Мистер Герберт, – жавоб берди Уэммик, – ярим соатча ўзига келолмай ўтирди, кейин бир тадбир ўйлаб топди. У ҳеч кимга айтмаслик шарти билан бир ёш қизга уйланмоқчи эканини, унинг ётиб қолган бемор отаси борлигини айтди, бундан сиз, шубҳасиз, хабардорсиз. Отаси кемада хизмат қилган экан, ҳозир деразанинг олдида ётиб, дарёда юқоридан пастга ҳаракатланаётган кемаларни кўриб ётаркан. Ўша қизни сиз танисангиз керак?

– Ҳозирча йўқ, – деб жавоб бердим.

Тан олиб айтишим керакки, Клара, Гербертни ортиқча харажатлар қилишга ўргатяпти, деб ўйлаб, мени унчалик хуш кўрмасди; Герберт қизга иккаламизни таништиришни таклиф қилганида, у унчалик хурсанд бўлмаган, дўстим менга бор гапни айтиб бергач, танишув кечроқ муддатга қолдирилганди. Гербертга хуфёна ёрдам бера бошлаганимдан кейин ушбу ҳолатга мен фалсафий қараб келганман; ўз навбатида, Герберт ҳам, қайлиғи ҳам, учрашган кезларида учинчи бир одамнинг ҳозир бўлишини унчалик ишашмасди; Гербертнинг гапига қараганда Кларанинг менинг тўғримдаги фикри сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарган ва биз кўпдан бери бир-биримизга таъзим ва саломлар йўллаётган бўлсак ҳам, ҳали бир марта ҳам юзма-юз келмагандик. Айтмоқчи, Уэммикка мен барча тафсилотларни айтиб ўтирганим йўқ.

– Улар яшайдиган уй, – давом этди Уэммик, – дарё бўйида, Лондон кўпригидан пастроқда, Лаймхаус ва Гринвич орасида жойлашган, унинг соҳибаси, маълум бўлишича, анчагина ҳурматга сазовор бева аёл бўлиб, у юқори қаватда жойлашган жиҳозланган хоналарни ижарага бермоқчи экан; мистер Герберт мендан Том, Жек ёки Ричардни вақтинча ўша ерга жойлаштирсак, нима дейсиз, деб сўради. Мен қуйидаги уч сабабга кўра ушба режани маъқуллашимни айтдим: биринчидан, шахсан ўзингиз у

жойларнинг яқинида ҳам бўлмайсиз, одам босган каттаю кичик кўчалардан ҳам анчагина нарида. Иккинчидан, ўзингиз у ерга бормаи туриб, Том, Жек ёки Ричард тўғрисида мистер Герберт орқали маълумот олиб туришингиз мумкин бўлади. Учинчидан: маълум муддат ўтгандан кейин ва хавф-хатар бартараф бўлди, деган фикрга келиб, Том, Жек ёки Ричардни хорижий кемага ўтказишни хоҳлаб қолсангиз, марҳамат, кема ёнгинангизда, ўтириб, йўлга отланиш мумкин.

Ушбу далиллардан анча кўнглим тинчиб, Уэммика қайта ва қайта раҳмат айтдим ва давом этишини сўрадим.

– Шундай қилиб, сэр, мистер Герберт ишга ғайриоддий иштиёк билан киришди ва кеча оқшомда, соат тўққизларда Том, Жек ёки Ричардни – кимлигининг бизга қизиғи йўқ – янги жойга эсон-омон кўчириб қўйди. Илгари яшаб турган жойининг эгаларига уни Дуврга чакириб қолишди, деб айтилди, у ҳақиқатан ҳам Дувр йўлидан жўнаб, кейин четга бурилди. Буларнинг барчасининг яна бир катта ижобий томони – бари сизнинг йўқлигингизда содир бўлгани, яъни кимдир сиз билан алоҳида қизиқаётган бўлса, ўша соатларда сиз Лондондан қўплаб чакирим нарида бўлгансиз ва бутунлай бошқа ишлар билан шуғуллангансиз. Бу шубҳа қилувчиларни чалғитиб, маълум даражада мураккаб муҳит яратади; шунинг учун ҳатто кеча оқшомда қайтгудек бўлсангиз ҳам, уйингизга бормасликни маслаҳат бергандим. Бу янада кўпроқ англашилмовчиликка сабаб бўлади, англашилмовчилик эса, сизга қўл келади.

Кейин Уэммик нонуштани тамомлади, соатига қаради ва камзулини кия бошлади.

– Шуни ҳам билиб қўйингки, мистер Пип, – деди у энгига қўл солар экан, – кўринишидан мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим; лекин бундан ҳам кўпроқ нарсани қила олганимда – мен уолвортча нуқтаи назардан ва фақат хусусий шахс сифатида гапиряпман – мамнуният билан бажарган бўлардим. Мана манзил. Бугун оқшомда, уйингизга боришдан аввал, у ерга кириб, Том, Жек ёки Ричард яхши жойлашганига ўзингиз ишонч ҳосил қилсангиз ҳеч бир кўрқинчли иш содир бўлмайди, кеча уйингизга бориш керак бўлмаганининг яна бир сабаби шунда. Лекин уйингизга боргач, қайтиб у ерга борманг. Арзимайди, мистер Пип, арзимайди, – энгидан қўллари чиқар-чиқмас уларни қизғин сиқиб қўйдим. – Ва ниҳоят, сизга ўта муҳим бир фикрни айтишга ижозат беринг. – У қўлини елкамга қўйиб, сирли оҳангда деди: Унинг кўчар мулкни шу оқшомдаёқ қўлга киритишга ҳаракат қилинг. Уни олдинда нима қутаётганини айтиш қийин. Кўчар мулкни бекорга йўқ бўлиб кетишига йўл қўйманг.

Бу мавзудаги қарашларимни Уэммика тушунтира олишимга зиғирчалик ҳам кўзим етмаганидан, уриниб ҳам ўтирмадим.

– Кетишим керак, – деди Уэммик. – Оқшомгача вақтингизни шу ерда ўтказишни маслаҳат берган бўлардим, албатта бошқа зарур ишларингиз бўлмаса. Кўринишингиз анча ҳорғин ва Қария билан хотиржам вақт ўтказишингиз фойдадан холи бўлмайди – у тезда ўрнидан туради – ва бир бўлак... чўчкача эсингиздами?

– Албатта, – дедим мен.

– Унда, бир бўлак селли чўчка гўшти. Сиз қовурган колбаса ҳам ўшанинг гўшти – хуллас, барча кўрсаткичлари билан юқори сифатли чўчкача. Албатта, мазасини кўринг, эски танишлигимиз ҳурмати. – Кейин яхши кайфият билан қичқирди: – Хайр, Қария Отам!

– Ажойиб, Жон, ажойиб, болагинам! – деди чол эшикнинг орқасидан.

Тезда тошўчоқ олдида ухлаб қолдим, кейин кун бўйи Қария билан ўриндикларда дам мудраб, дам уйғониб, бир-биримизга овунчоқ бўлдик. Тушликка чўчка лаҳми билан ўша ерда етиштирилган сабзавотлардан тановул қилдик, кейин чолга энг яхши ниятлар билан, бош ирғаб ўтирдим, чарчаб кетганимдагина, беихтиёр бу ишни қилмаган бўлишим мумкин. Тим қоронғилик тушгандагина, у ердан чиқиб кетдим; Қария қокнон ковуришга тайёргарлик кўра бошлаганди ва чой идишларнинг сонига, шунингдек, чолнинг девордаги тахтачаларга тикилиб қўйишига қараганда, чойга мисс Скиффинсни кутаётганларини тушундим.

## XLVI боб

Тегирмон ховуз бўйидаги сийрак, ғалати уйлар орасидан олд томони ёғоч, уччала қаватида осма айвони борини танладим; унинг эшигига “Миссис Уимпл”, деб ёзиб қўйилганди. Менга айнан шу одам керак бўлганидан, эшикни тақиллатдим; уни ёши ўтинқираган, ёқимтой ва очик юзли аёл очди. Айтмоқчи, унинг ўрнини ўша захоти Герберт эгаллади, – у индамай мени меҳмонхонага бошлаб кириб, эшикни қулфлади. Ўзини уйидагидек ҳис қилаётгани кўриниб турган таниш чехрани ушбу бегона жойда кўриш ғалати эди.

– Ҳаммаси жойида, Гендел, – деди Герберт, – у деярли хурсанд, фақат сени жуда ҳам кўргиси келяпти. Менинг суюкли қаллиғим ҳозир отасининг олдида, бир лаҳза сабр қилсанг, у келади ва мен сизларни таништириб қўяман, кейин юқорига чиқамиз... Ҳа, ҳа, бу унинг отаси (Юқоридан аллақандай ваҳимали ириллаш овози келди ва юзим ўзгариб кетган бўлса эҳтимол).

– Чоли тушмагур қариб қуюлмаган шайтоннинг ўзгинаси бўлса керак, – деди Герберт жилмайиб, – лекин уни ҳеч қачон кўрмаганман. Ром<sup>1</sup> ҳидини сезяпсанми? Ичгани ичган.

– Ромними?

– Ҳа, – деди Герберт, – бод касали бор одамга бунинг қанчалар фойдаси борлигини бир тасаввур қилиб кўргин. Бунинг устига у бор озиқ-овқатларни хонасида сақлайди ва кундалигини ўлчаб беради. Хонаси баққолнинг дўконига жуда ҳам ўхшаса керак.

У гапини тугатмасдан, ириллаш давомли ўкиришга айланди, кейин ўчди.

– Пишлоқни ўзим кесиб бераман, деганидан кейин албатта ўкиради-да, – деди Герберт изоҳ бериб. Ҳамма аъзоларида боди бор одам ўзига азоб бермасдан ўнг қўли билан Глостер пишлоғини қандай кессин?

Қария ўзига яна яхшигина азоб берди шекилли, ўкирик янги куч билан такрорланди.

– Юқори қаватни Провисга ижарага бергани миссис Уимпл учун кам учрайдиган омад бўлди, – деди Герберт. – Одатда ижарачилар бундай шовқиндан қочиб қоладилар. Бу уй жуда ғалати, тўғрими Гендел?

Ҳа, уй ғалати эди, лекин саранжом ва озода ҳам эди.

– Миссис Уимпл – ажойиб уй бекаси, – давом этди Герберт фикримни эшитиб бўлиб. – Агар унинг оналарча ғамхўрлиги бўлмаганида, Кларам нима қилган бўларди, билмадим. Ахир Кларанинг қари Бойўғлидан бошқа ҳеч кими, на онаси ва на қариндошлари бор.

– Наҳотки унинг исми Бойўғли бўлса, Герберт?

<sup>1</sup> Ром – шакарқамишдан тайёрланган ўткир спиртли ичимликнинг бир тури (тарж.).



– Йўк, йўк, мен уни шундай деб чакираман. Унинг исми – Барли. Ота-онамнинг гапни ҳисобга олганда, қариндош-уруғи йўк, аждодларини деб ўзига ва атрофдагиларга азоб бермайдиган қизни севиш бахт эмасми?!

Герберт Клара Барли билан, қиз Хэммерсмитдаги аллақандай ўқув юртини тамомлаётганида танишганини эслатиб ўтди; касал отага қараш учун уни уйга чакириб олганларидан кейин, ёшлар оккўнгил миссис Уимплга бор гапни айтиб беришган, ўшандан бери нозик дид соҳибаси бўлган бека меҳр билан уларнинг ҳиссиётларини эҳтиётлаб, йўлга солиб келмоқда эди. Ёшлар, ром, бод ва камбағаллар учун дўкондан ўзга мавзуларда фикрлашга қодир бўлмагани учун, қария Барлини юрак сирларидан воқиф қилмасликка келишиб олгандилар.

Қария Барлининг тўхтовсиз ўкириши ва шифтдаги тўсинларнинг қисирлашига эътибор бермай, шивирлаб суҳбатлашаётганимизда, эшик очилиб, ичкарига қўлида сават кўтариб олган, новда қоматли, қора кўзли, йигирма ёшлардаги чиройли қиз кириб келди. Герберт шошиб унинг қўлидан саватни олди ва Кларасини менга таништирди. Қиз чиндан ҳам латофатли эди, уни ёвуз одамхўр қария Барли ўғирлаб кетиб, ўзига хизмат қилишга мажбурлаган оккўнгил фаришта, деб тасаввур қилиш қийин иш эмасди.

Герберт иккимиз ва Провис тошўчоқ ёнидан жой олганимиздан кейин, Уэммикнинг гаплари ва унга маълумот келадиган манбаларга ишонасизми, деб Провисга савол бердим.

– Ҳа, ҳа, – болагинам, – жавоб берди у жиддийлик билан. – Жеггерс ўз ишини яхши билади!

– Шундай қилиб, – гапимни давом эттирдим мен, – Уэммик билан гаплашдим ва унинг эҳтиёт чораларини кўриш тўғрисидаги маслаҳатларини сизга етказмоқчиман.

Кейин унга, бир нарсадан ташқари, бор гапни айтиб бердим. Уэммик Ньюгэйт қамоқхонасида эшитганларини (махбусларданми, назоратчиларданми – менга номаълум), кимдир унинг қайтиб келганидан хабар топгани, уйимни кузатганларини айтиб бердим; Уэммикнинг маълум муддат “индан чикмаслик”, кўришмай туришимиз зарурлиги, Англиядан қандай қилиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарашларидан хабардор қилдим. Вақти келгач, албатта у билан кетишимни, ёки, Уэммикнинг қайси йўл хавфсизроқ экани тўғрисидаги маслаҳатига қараб, орқасидан боришимни ҳам айтдим.

Шу пайтгача оловга тикилиб, хаёл суриб ўтирган Герберт, Уэммикнинг таклифини ўйлай туриб, унда бизлар билан ўртоқлашса арзийдиган бир фикр туғилганини айтиб қолди.

– Гендел, иккаламиз ҳам эшқакдан яхши фойдаланишни биламиз, вақти келганда мистер Провисни Лондондан дарёнинг куйи оқимига қараб ўзимиз олиб чиқиб кетсак бўлади. Бизга бу ортиқча шубҳалардан холи бўлиш имконини беради, мавжуд барча имкониятларни ҳисобга олишимиз керак. Ҳозир киш бўлса ҳам, ҳечқиси йўк; ҳозирроқ қайиқ топиб, Тэмпл зинаси ёнида сақлашинг ва дарё бўйлаб юқоридан пастга сузиб юришинг мумкин. Ҳар куни машқ қилсанг, тезда ҳамма бунга ўрганиб қолади ва одамларнинг эътиборини тортмай кўясан. Йигирма ёки эллик марта сузганингдан кейин, йигирма биринчи ёки эллик биринчи марта яна шу ишни қилаётганингни кўриб, ҳеч ким ҳайрон бўлиб ўтирмайди.

Режа менга ёқди, Провис-ку умуман, хурсанд бўлиб кетди. Биз уни амалга оширишга қарор қилдик, Тегирмон ҳовуз ёнидан сузиб ўтадиган

бўлсак, Провис бизни танимаганга оладиган бўлди. Лекин, бундан ташқари, хар сафар бизнинг сузиб ўтаётганимизни кўрганида, “Ҳаммаси яхши” демоқчи бўлса, шарқ томонга қараган дераза дарпардасини тушириб кўйишига келишиб олдик.

Пастда Гербертдан махбусимиз Провис фамилиясида қолаверадими, деб сўрадим. Йўқ, албатта, деди у, янги қўшнининг фамилияси мистер Кембл. Дўстим яна шуни айтдики, уйда яшовчилар Кембл ҳақида фақат бир нарсани билишади: уни Гербертга ишониб топширишган, янги кўчиб келган одам ҳеч нимага зорикмай ва ҳеч кимга қўшилмай яшаши керак.

Кейинги куни ўзимга қайиқ топгани жўнаб кетдим. Бу иш кўп вақт талаб қилмади, қайиқни уйимдан икки дақиқалик жойга, Тэмпл зинасига етказиб беришди. Шундан кейин эшқак эшишни, баъзан ўзим, баъзида Герберт билан машқ қила бошладим. Совук, шамол ва ёмғирларга аҳамият бермай, кўпинча дарёга чиқадиган бўлдим ва бир неча кундан кейин ҳеч ким менга аҳамият бермай кўйди. Аввалига Блекфрайер кўпригидан юқорироқда сузиб юрдим, лекин кейинроқ, айниқса, сув кўтариладиган вақтнинг ўзгариши билан, Лондон кўпригига борадиган бўлдим. Гап ўша ёмон ном чиқарган эски Лондон кўприги тўғрисида боряпти, куннинг баъзи пайтларида сув бу ердан гирдоблар ва ўрамалар пайдо қилиб, шиддат билан оқиб ўтарди. Аммо, бошқа қайиқчиларга разм солиб туриб, хавфли жойлардан ўтиб кетишни ўрганиб олдим, шундан кейин кўп сонли кемалар ва қайиқлар орасидан ўтиб, тез-тез Эритгача ҳам бориб келадиган бўлдим. Тегирмон ҳовуз қаршисидан биринчи марта Герберт билан ўтдим ва кетаётганимизда ҳам, қайтаётганимизда ҳам шарқий деразанинг дарпардаси икки марта очиб-ёпилганини кўрдик.

## XLVIII боб

Извош ёллаб, Жеггерс ва Уэммик учаламиз Жерард-стритга йўл олдик; етиб боришимиз билан, овқат тортилди. Турган гапки, бу уйда Уэммикнинг Уолвортдаги ҳиссиётларига ҳатто узокдан бўлса ҳам, қошимни сал кўтариб бўлса ҳам ишора қилишни хаёлимга ҳам келтирмаётгандим; лекин вақти-вақти билан у билан дўстона кўз уриштириб кўйишга қарши эмасдим. Аммо бунинг сира иложи бўлмади! У бошини фақат мистер Жеггерсга қараш учун овқатдан кўтарар, қаршимда гўё бошқа, мен билган Уэммикнинг қарама-қарши эгизаги ўтиргандек, мен билан ўта қуруқ ва совуқ муомала қиларди.

– Мистер Пипга мисс Хевишемдан келган хатни жўнатдингизми? – сўради ундан мистер Жеггерс биз ҳали дастурхон атрофига жойлашиб улгурмасдан.

– Йўқ, сэр, жавоб қилди Уэммик. – Мистер Пип билан идорага келганингизда хатни почта билан жўнатмоқчи бўлиб тургандим. Мана ўша хат. – Кейин у хатни менга эмас, хўжайинига узатди.

– Бу ерда икки қаторгина ёзув бор, Пип, – деди мистер Жеггерс, хатни менга берар экан. – Мисс Хевишем манзилингизни аниқ билмаганидан, хат Литл-Бритенга жўнатилган. Хоним сиз айтган бир иш бўйича ўзингизни кўрмоқчи эканини ёзган. Борасизми?

– Ҳа, – дедим мен у мазмунини аниқ баён қилган хатга кўз югуртирар эканман.

– Қачон бормоқчисиз?

– Мен бир ишга жуда боғлиқман, – дедим мен оғзини балиққа тўлдириб



олган Уэммика қараб, – вақтим ҳам унақа кўп эмас. Майли, зудлик билан йўлга чиқаман.

– Модомики, мистер Пип зудлик билан йўлга чиқиш ниятида экан, – деди Уэммик мистер Жеггерсга қараб, – жавоб ёзиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Бу сўзлардан, пайсалга солиш керак эмас, деган буйруқни тушуниб, эртасига жўнаб кетишимни уларга айтдим. Уэммик бир қадах мусаллас ичиб, менга эмас, яна мистер Жеггерсга қаради.

Ўша лахзада оқсоч аёл Молли Жеггерснинг ёнида туриб, дастурхонга қандайдир таомни қўяётган эди. Таомни эҳтиётлик билан қўйиб бўлгач, у орқага чекинди ва тортиниб, нимадир дейиш билан ўзини оқламоқчи бўлди. Шунда бармоқларининг ҳаракатини кўриб, хайратдан қотиб қолдим.

Жеггерс унга рухсат берди ва аёл хонадан товушсиз чиқиб кетди. Лекин менинг назаримда у ҳали кетмагандек эди ва кўз ўнгимда аниқ гавдаланарди. Мен унинг қўлларига, кўзларига, қалин сочларига қараб турардим; уларнинг ёнида ўзим жуда яхши билган бошқа қўлларни, бошқа кўзларни, бошқа сочларни кўраётган ҳамда шафқатсиз эр билан йигирма йил яшагандан кейин улар қандай кўринишларини тасаввур қилишга уринаётгандим. Ва яна оқсоч аёлнинг қўллари ва кўзларига қарар эканман, охирги марта, Эстелла ҳамроҳлигида ташландик боғ ва вайрона пивоҳона ичида дайдиб юрганимда, мени камраб олган ўша тушунтириб бўлмайдиган ҳиссиётни эсладим. Шу ҳиссиётнинг айнан ўзини дилижондан менга тикилиб турган кўзлар ва ўзига имлаётган қўлни кўрганимда бошимдан ўтказганимни; яна извошда қиз билан қоронғи кўчада кетаётганимда бирданига фонуснинг ёруғ нурлари тушганида, ўша ҳиссиётнинг ўзи мени яшин мисол камраб олганини ҳам эсладим. Эстелланинг исми тилга олинганида тўқийтгандек ҳаракат қилаётган бармоқларни ва диққат билан назар солаётган кўзларни кўргач, хотирамдаги ана шундай бўшлиқнинг ўрни тўлганини тушундим. Ва менда, бу аёл – Эстелланинг онаси, деган чуқур ишонч пайдо бўлди.

– Уэммик, – дедим унга иккимиз ташқарига чиққач, – мистер Жеггерсникига биринчи марта меҳмонга боришимдан аввал унинг оқсочига эътибор қаратишимни маслаҳат берганингиз эсингиздами?

– Шундай қилганмидим? – деди у. – Жуда ҳам бўлиши мумкин. Э, жин урсин, албатта эсимда! Қулфим ҳали тўла ечилмабди.

– Бўйсундирилган йўлбарс – уни шундай атаганмидингиз?

– Сиз уни қандай атаган бўлардингиз?

– Худди сиз каби. Айтинг-чи, Уэммик, мистер Жеггерс уни қандай қилиб бўйсундирган?

– Бу унинг сири. Аёл уникида кўп йилдан бери яшайди.

– Менга унинг тарихини айтиб беринг! Қизиқишимнинг алоҳида сабаблари бор. Орамизда айтиладиган нарса ҳеч қаёққа кетмаслигини яхши биласиз-ку, ахир.

– Умуман олганда, унинг тарихини билмайман, – жавоб берди Уэммик, – тўғрироғи, жуда оз нарса биламан. Лекин, билганларимни сизга айтиб бераман. Турган гапки, сиз билан ҳозир фақат хусусий шахслар сифатида суҳбатлашяпмиз.

– Албатта.

– Йигирма йилча аввал бу аёлни Олд-Бейлида қотилликда айблаб, суд қилишган, суд уни оқлаган. Ёшлигида у соҳибжамол эди, менимча унда лўдиларнинг қони бор. Нима бўлганда ҳам, ўзингиз яхши тушунасиз, ўша пайтларда унинг қони етарли даражада қайноқ бўлган.

– Лекин, уни оклашибди-ку?

– Мистер Жеггерс уни ҳимоя қилган, – давом этди Уэммик менга маъноли назар ташлаб, – ва ҳаммани ҳайратга солиб, бу ишни олиб борган. Иш қўл силтаб кетиладиганга ўхшарди, унда ҳали тажриба ҳам йўқ эди, лекин шунчалар усталик билан вазиятдан чиқиб кетдики, ҳамма қойил қолди: айнан ўшанда у ўзига обрў орттириб олганди, десак ҳам бўлади. У, ишни умуман тўхтаттирмақчи бўлиб, полиция маҳкамасида кунлаб қолиб кетарди; суд мажлисларида бўлса, ўзи сўзга чиқа олмаган тақдирда, адвокатдан бир қадам ҳам нари кетмасди, адвокат эса, бошдан охиргача унинг кўрсатмаси билан гапирарди – бу ҳаммага аён эди. Қотиллик жараёнида бу аёлдан ўн ёшлар чамаси каттароқ, бўйи ҳам узунроқ ва суяклари йўғонроқ бошқа бир аёл рашк оқибатида ўлдирилганди. Иккала аёл ҳам дайдилик билан шуғулланганлар, мистер Жеггерсникида яшаётгани, ҳали жуда ҳам ёшлигида аллақандай дайдига эрга теккан, одамлар айтмоқчи, бир пиёла сув билан никоҳлаб қўйилган ва шайтондек қизғанчиқ бўлган. Ўлдирилган аёлни (ёшига қараганда албатта у анави одамга мосроқ бўлган) Хаунслоу-Хис яқинидаги сомонхонадан топганлар. У роса калтакланиб, тирнаб ташланган, кейин эса, бўғиб ўлдирганлар. Гумон қилиниши мумкин бўлган ягона одам, ана шу аёл бўлган ва мистер Жеггерс, бу аёл жисмонан бундай қотилликни амалга оширишга қодир эмас, деган далилни ҳимояга асос қилиб олган. Менга ишонаверинг, – деди Уэммик энгимдан тортиб, – у пайтларда Жеггерс, аёлнинг қўллари қанчалар кучли эканини умуман тилга олмаган, ҳозир эса, бошқа гап.

(Уэммикка Жеггерс бизни меҳмонга чақирганида хизматкор аёлни қўллари кўрсатишга мажбур қилганини айтиб бердим.)

– Айтмоқчи, сэр, – давом этди Уэммик, – биласизми, яна нима бўлди, – тасодифан албатта, – қамоққа олинган кунидан бошлаб ўша аёл шунчалар усталик билан кийинтирилганки, чиндан ҳам, аслидагига қараганда, нозикроқ, кучсизроқ аёлга ўхшаб қолган; одамларнинг айтишича, айниқса қўйлагининг энглари шундай турганки, қўллари ўта ингичка ва заиф кўрсатган. Баданида бир-иккита кўкарган жойи бўлган – қайси аёлда бўлмайди дейсиз! – лекин қўллари орақ томонида қаттиқ тирнаб ташалган жойлари қайд қилинган ва: улар тирноқ изларими ёки йўқми, деган савол туғилган. Шунда, мистер Жеггерс, аёл қора тикан буталари орасидан ўтиб келганини, буталар унинг юз қисмига зарар етказмай, фақат қўллари тирнаб ташлаганини исботлаган; чиндан ҳам аёлнинг баданидан бир нечта зирапча топганлар ва улар судга далилий ашё сифатида топширилган, буталарни кўздан кечирганларида ҳам у ўтиб келган жойда улар синиб ётганини кўрганлар, аёл кийган қўйлак парчалари ва қон доғларини топганлар. Лекин энг кўркмасдан илгари сурилган далил қуйидагича бўлган: аёлнинг рашкчи эканини исботлаш мақсадида анчагина асосли шубҳани илгари сурганлар, эмишки, қотиллик содир этилган фурсатларда бу аёл, эридан қасос олиш учун бутунлай эсини йўқотиб, уч ёшли фарзандини ҳам бўғиб ўлдирганмиш. Мистер Жеггерс ҳимояни қуйидагича давом эттирган: “Биз булар тирноқ излари эмас, тиканак излари деяпмиз ва тиканакларни сизга кўрсатяпмиз. Сиз булар тирноқ излари, деб туриб оляпсиз ва айна пайтда, аёл, гўё уч ёшлик фарзандини ўлдирган, деган тахминни илгари суряпсиз. Лекин агар шундай бўлса, сиз мазкур тахминдан барча хулосаларни чиқариб олишингиз керак. У фарзандини чиндан ҳам нобуд қилган ва гўдак, онасига ёпишиб, қўллари тирнаб олган, деб фараз қилайлик. Хўш,

нима бўлибди? Ахир сиз уни боласини ўлдиргани учун суд қилмаяпсиз-ку, лекин шундай қилишингиз мумкин эди. Кўрилаётган ишга келсак, сиз булар тирноқ излари, деб туриб олаётган экансиз, бунга изох ҳам топиб кўйгандирсиз, билакс, ходисани шархлаш учун уларни ўзингиз тўқиб чиқарган бўласиз” Хуллас, сэр, – деди Уэммик, – мистер Жеггерс суд маслаҳатчилари мияларини охиригача чалғитиб кўя олди ва суд аёлни бегуноҳ, деб топди.

– Ўшандан бери у Жеггерсникида хизмат қиладими?

– Ҳа. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас, – деди Уэммик, – аёл ўзини оқлашлари билан унинг уйида, ҳозир қандай бўлса, шундай, яъни бўйсундирилган, итоаткор бўлиб хизмат қила бошлади. Ўшандан бери у, хизмат вазифаси талаб қиладиган айрим нарсаларни ўрганди, лекин бошиданок бўйсундирилган эди.

– Боласи ўғилми, қизмиди, эсингизда йўқми?

– Қиз дейишганди.

– Бугун менга айтадиган бошқа гапларингиз йўқми?

– Йўқ. Хатингизни олдим ва йўқ қилдим. Бошқа ҳеч гап йўқ.

Биз яқин дўстлардек хайрлашдик ва мен янги ташвишлар ва хаёлларнинг юки остида, эскиларидан асло халос бўлмаганим ҳолда, уйга қайтдим.

#### XLIX боб

Бунчалар тез келганимдан мисс Хевишем ҳайрон бўлса кўрсатаман, деган хаёлда, унинг феъл-атворидан ҳамма нарсани кутса бўларди, хатни ўзим билан олиб, эрталабки дилижонда Сатис Хаузга йўл олдим.

Илгарилари ҳам бўлганидек, кириб, хоним бошини кўтарса, менга кўзи тушадиган қилиб, каминнинг ёнидан жой олдим. У кўзимга шунчалар ғариб кўриниб кетдики, ундан ўпкалаб юришимга сабабчи бўлган аламдан ҳам аччикроғига мени дучор қилган тақдирида ҳам, раҳмим келган бўларди. Мен ҳам ушбу мудҳиш уйнинг бир бўлак вайронасига айланиб қолдим, деган хаёлда хонимга қараб турар эканман, бирданига унинг назари менга тушиб қолди. Хоним чўчиб тушди ва:

– Бу туш эмасми? – деди.

– Бу мен, Пипман. Мистер Жеггерс кеча хатингизни берганди, дарров етиб келдим.

– Миннатдорман. Миннатдорман.

Худди шунақа уवादаси чиқиб кетган иккинчи креслони оловга яқин суриб, унга ўтирдим ва юзида янги, мендан ҳадиксираётганга ўхшаган ифода кўрдим.

– Бу ерда охирги марта бўлганингда сен тилга олган мавзуга қайтмоқчиман ва юрагим ҳар ҳолда тошдан эмаслигини кўрсатмоқчиман. Лекин, сен, эҳтимол, менда инсонийликдан нимадир сақланиб қолганига энди ишонмай кўйгандирсан?

Уни хотиржам қилиш учун нималардир деган бўлдим, шунда хоним менга теккизишни хохлаётгандек қалтираётган қўлини илгари чўзди; унинг ниятини тушуниб, нима қиларимни ўйлаунимча, яна тез орқага тортиб олди.

– Дўстинг учун илтимос қилганингда, фойдали, яхши иш қилишни сизга ўргата оламан дегандинг. Ўша ишни амалга оширишни хоҳлаган бўлармидинг?

– Жуда, жуда хоҳлаган бўлардим.

– У қандай иш экан?

Мен илгарилари ҳам сезиб юргандек, чехрасида қатъият ифодаси билан у қўлини ҳассага тираб, диққат билан қулоқ солишга жазм қилиб, оловга тикилди. Унга ўз маблағларим ҳисобидан Герберт учун улуш тўламоқчи бўлганимни, лекин энди бу ишни уддасидан чиқолмаслигимни ҳикоя қилиб бердим. Ва ўша заҳоти қийинчиликларимнинг сабабини унга айтиб беролмаслигимни, негаки бу бошқа бир одамнинг асрори билан боғлиқ эканини тушунтирдим.

– Хўш, – деди мисс Хевишем, менга қарамай туриб, бош чайқаб. – Тўлик бўлиши учун қанча пул етмаяпти?

Рақам жуда катта кўринганидан кўркиб уни айтишга қийналдим.

– Тўққиз юз фунт.

Тез орада у ўрнидан туриб, қалам ва қоғоз қидириб, жонсиз хонага кўз ташлаб кўрди. Лекин улардан у ерда асар ҳам йўқ эди, шунда хоним чўнтагидан четига олтин ҳал берилган сарғиш ташриф қоғозларини олди ва бўйнидаги хиралашиб қолган олтин ғилофдаги қаламча билан улардан бирига ёза бошлади.

– Мистер Жеггерс билан муносабатинг ҳали ҳам яхшими?

– Ҳа, албатта. Кечагина уникида овқатландим.

– Мана топшириқ, уни олгач, мистер Жеггерс дўстингга сарфлай олишинг учун сенга пул беради. Бу ерда мен пул сақламайман; лекин мистер Жеггерс билмаслигини афзал кўрсанг, пулларни ўзим сенга жўнатишим мумкин.

– Ташаккур, мисс Хевишем, пулларни унинг идорасидан олганим менга жуда қулай бўлади.

У ёзганларини менга ўқиб берди; кўрсатма аниқ, тушунарли ва шундай мазмунда эдики, пулларни ўзи учун ишлатиб юборади, деган шубҳага асло ўрин қолдирмасди. Хоним титроқ қўллари билан қоғозчаларни менга узатди; у бўйнидаги қаламча илинган занжирни ҳам олиб менга узатаётганида қўлларининг титраши кучайганди. Бу орада у бирор марта ҳам менга қарамади.

– Энг устидаги қоғозчага исмим ёзилган. Қачонлардир, айтайлик синган қалбим кулга айлангач, орадан майли жуда кўп вақт ўтганидан кейин, исмимнинг тагига “Уни кечирдим”, деб ёза олсанг, шу ишни қилишингни сўрайман.

– Оҳ, мисс Хевишем, – дедим унга, – бу ишни ҳозирнинг ўзида амалга оширишга ҳам тайёрман. Ҳаммамиз ҳам жуда оғир хатоларга йўл қўямиз. Ўзим кўрлик қилганман, яхшилиқни билмаганман, ўзим кечиришларига ва яхши маслаҳатга муҳтожман, сиздан хафа бўлишга ҳаққим йўқ.

У энди менга қаради ва мени ҳайратга солиб, мени дахшатга солиб, олдимда тиз чўкиб, қўлларини мен томонга чўзди, эҳтимол ҳали ёшлигида онаси ибодат қилишни ўргатган ва қалби ҳали яраланмаган кезларида, қўлларини кўкка шундай чўзгандир.

Сочлари оқариб, қиёфаси адои тамом бўлган мисс Хевишемни оёқларим остида кўриб, ич-ичимдан изтиробга тушдим. Ўрнингиздан туринг, деб унга ёлвора бошладим, ёрдам бериш учун қўлларим билан уни ушладим; лекин хоним кўлимни ушлаб олиб, унга юзини босди-да, йиғлаб юборди. Илгарилари сира ҳам унинг кўзларида ёш кўрмагандим ва энди, улардан енгил тортса зора деган умидда, унга энгашдим. Тиз чўкиб турган мисс Хевишем ҳолсиз ерга ётиб олди.

– Оҳ! – деб ҳайқирди у тушқунликка тушиб. – Нима қилиб қўйдим! Нима қилиб қўйдим!

– Агар сиз, мисс Хевишем, менга қандай ёмонлик қилиб қўйганингизни ўйлаётган бўлсангиз, сизга айтишим мумкин: жуда кичкина ёмонлик. Мен ҳеч нарсага қарамай, уни севиб қолган бўлардим... У турмушга чиқиб бўлдим?

– Ҳа!

– Бу саволни бериб ўтирмасам ҳам бўларди – хувиллаб ётган уйдаги янги – бўшлиқ ҳиссиётидан буни дарҳол тушуниб олгандим.

– Нима қилиб қўйдим! Нима қилиб қўйдим! – У қўлларини қайира, сочларини ушлар ва такрор ва такрор: – Нима қилиб қўйдим! – деган фарёд ичи-ичидан отилиб чиқмоқдайди. – Ўтган сафар у билан гаплашмагунингча, бир замонлар бошимдан ўтказганларимни кўзгудек сенда кўрмагунимча, нималар қилиб қўйганимни билмаган эдим. Нима қилиб қўйдим!

У “Нима қилиб қўйдим”ни йигирма, эллик, саноксиз марта такрорлади!

– Мисс Хевишем, – дедим у жим бўлиб қолгандан кейин. – Мени деб виждонингиз сизни қийнамай қўя қолсин. Лекин Эстелла – бошқа гап; агар унинг қалбини тошга айлантириб, етказган азиятингизни озгина бўлса ҳам тўғрилай олишга қодир бўлсангиз, ўтмишдаги воқеаларга абадий аза тутиш ўрнига, ҳозир шу ишни қилишингиз керак.

– Ҳа, ҳа, буни биламан. Лекин, Пип, азизим! – Эркалаб айтилган ушбу ғайриоддий сўзларда аёлларга хос чуқур ҳамдардлик бордек эди. – Азизим, болажоним! Менга ишон: даставвал, у уйимга келиб қолганида бошимга тушган оғир мусибатдан уни ҳимоя қилмоқчи бўлдим. Аввал-бошида бошқа ҳеч нарсани хохламагандим.

– Начора, – дедим мен, – бўлиши мумкин.

– Лекин у вояга етгани ва кундан-кунга жозибали бўлиб боргани сари, ёмон ишга қўл урдим: уни ортиқча мактайдиган, ҳадялар берадиган, ўргатадиган бўлдим, ақл – қалбини ўғирлаб, ўрнига бир парча муз солиб қўйдим.

– Унинг тирик қалбига тегиш керак эмасди, – дедим ўзимни тия олмай, – ҳатто ўша қалб синган ёки қонга беланган тақдирда ҳам.

Мисс Хевишем бир дақиқача менга телбалардек қараб турди, кейин яна “Нима қилиб қўйдим!” бошланди.

– Агар бутун ҳаётимни билганингда эди, – деди у инграб, – мени яхшироқ тушунган, ачинган бўлардинг.

– Мисс Хевишем, – дедим иложи борица юмшоқроқ қилиб, – ҳаётингизни биламан, бу ерлардан биринчи марта жўнаб кетган пайтимдан биламан. Бошингизга тушган мусибатлар самимий ҳамдардлик уйғотди, сизга улар қанчалар таъсир кўрсатганини тушундим, деган умиддаман. Орамизда бўлиб ўтган воқеалар Эстелла тўғрисида сиздан биргина савол сўраш ҳуқуқини берармикан менга? Ҳозирги Эстелла эмас, бу ерга биринчи марта келиб қолган пайтдаги Эстелла тўғрисида?

Бека ерда, икки тирсагини увадаси чиқиб ётган ўриндикқа тираб, бошини қўллари томон эгиб ўтирарди. Саволимни эшитиб, у кўзларимга тикилди ва:

– Сўра, – деб жавоб қайтарди.

– Эстелланинг ота-онаси ким?

Мисс Хевишем бош чайқади.

– Уларни билмайсизми?

У яна бош чайқади.

– Билмайсизми?

У бошини чайқади.



– Лекин уни мистерс Жеггерс бу ерга олиб келган ёки юборган, тўғрими?

– Олиб келганди.

– Бу қандай рўй берганди, айтиб беринг.

Хоним атрофга олазarak қараб, шивирлаб гапира бошлади:

– Ушбу хоналардан чикмай яшай бошлаганимга анча вақт бўлганида (қанчалигини аниқ айта олмайман – бу ердаги соатлар нечада тўхтаб қолганини биласан-ку), унга гўдак қизчани тарбия қилмоқчилигимни, уни ардоқлашни ва менинг аҳволимга тушиб қолишидан асраб қолмоқчи эканимни айтдим. У ҳақда аввалроқ газеталарда ўқигандим, ўзини эса, биринчи марта, илтимосимга кўра, уйни ҳозирги аҳволга солиш учун келганида кўрганман. У мен ўзим хоҳлагандек етим қизчани қидириб кўришини ваъда қилди. Қунларнинг бирида уни, ухлаб ётган ҳолида бу ерга олиб келди, унга Эстелла, деб исм қўйдим.

– Ўшанда у неча ёшда эди?

– Икки ё уч ёшда. Унинг ўзи етим қолганини ва мен уни қиз қилиб олганимни билади холос.

Жеггерсникидаги аёл унинг онаси эканига шундоқ ҳам шубҳа қилмаётгандим ва ҳеч қандай далилларга эҳтиёж йўқ эди. Лекин бу ерда, ҳамма учун равшан бўлиб турган боғлиқлик бордек эди.

Ташрифимни чўзишга баҳона қолмаганди. Гербертнинг ишини ҳал қилдим, мисс Хевишем Эстелла тўғрисида билганларини ҳаммасини айтиб берди, мен эсам, хонимнинг виждон азобини енгиллаштириш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани айтиб ва қилиб бўлдим. Хайрлаша туриб бир-биримизга нималар деганимизнинг аҳамияти йўқ; лекин биз хайрлашдик.

Ҳовли саҳнига чиқиб, кўча эшикни очиб бериши учун оқсоч аёлни чақирсаммикан ёки яна бир марта юқорига кўтарилиб, йўқлигимда мисс Хевишемга ҳеч нарса бўлмаганига ишонч ҳосил қилиб, кейин кетсаммикан, деган ўйда иккиланиб туриб қолдим. Иккинчисини танлаб, зинадан кўтарила бошладим.

У билан хайрлашган хонага назар солиб, хоним увадаси чиқиб ётган ўриндиғида, каминнинг ёнгинасида ўтирганига гувоҳ бўлдим. Билдирмай кетиш учун секин эшикни ёпаётганимда кўз олдимда ёруғ аланга пайдо бўлди ва ўша заҳоти бошдан-оёқ аланга ичида қолган мисс Хевишемнинг мен томонга даҳшатли ҳайқирик билан югуриб келаётганини кўрдим.

Устимда икки қаватли шинель, елкамда плаш бор эди. Уларни устимдан юлиб олиб, у томон чопдим, полга ағдариб, кийимларимни устига ёпдим; ёпиш учун стол устидан баҳайбат дастурхонни, у билан бирга чириндилар тўплами ва унинг ичидаги газандаларни ҳам тортиб олдим; биз ёвуз рақиблардек бир-биримизга ёпишиб ерда ётардик, уни қанча кўп ўрасам, у янада кучлироқ фарёд солар ва халос бўлишга уринарди, – буларнинг ҳаммасини мен кейинроқ эсладим; ўша дақиқаларда ҳеч нимани ўйламаётган, сезмаётган, билмаётгандим. Аста-секинлик билан ерда ётганимизни, тутун қоплаган хонада увадалар учиб юрганини пайқадим.

Хонимни кўриб бўлиб, шифокор куйган жойлар жиддий, лекин ҳаёт учун хавфсиз, каттароқ хатар – асаблар қақшашида эканини айтди. Докторнинг кўрсатмаси билан хоним учун шу хонанинг ўзида, яраларни боғлашга энг қулай ер – катта стол устига жой қилдилар. Бир соатлардан кейин уни яна кўрганимда, мисс Хевишем бир пайтлар ҳассаси билан вақти келиб ётқизадилар, деб урган жойда ётганди.

Хизматкорлардан Эстелланинг Парижда эканини билдим, илтимосимга



кўра, доктор унга тезлик билан хат юборадиган бўлди. Мисс Хевишемнинг қариндошларига хабар қилишни ўз зиммамга олдим ва Мэтью Покетга бўлиб ўтган воқеани айтишга, қолганларга айтиш-айтмасликни унинг ихтиёрига ташлашга қарор қилдим. Лондонга келган кунимнинг эртасига Герберт орқали режамни амалга оширдим.

## L боб

Туни билан икки марта қўлларимни қайта боғлашди, учинчи марта эрталаб боғичларни алмаштиришди. Чап қўлим тирсагимгача қаттиқ ва елкамгача ўртачароқ куйганди; у жуда қаттиқ оғриётганди, олов ўша томонда кўпроқ бўлганидан, тагин ҳам омадим бор экан, деб ҳисоблаётгандим. Ўнг қўлимда куйган жойлар камроқ бўлиб, ҳатто бармоқларимни кимирлата олардим.

Бир куни оқшомга яқин, Герберт кундузги ёруғликка қараганда, кўпроқ аланганинг ёғдусидан фойдаланиб, боғичларимни алмаштираётганда, бирданига ниманидир эслаб қолди.

– Кеча кечки пайт Провиснинг олдида икки соатча ўтириб қолдим, Гендел. У гапга тушиб кетиб, ҳаёти тўғрисида яна айрим нарсаларни айтиб берди. Эсингдами у аллақандай аёл билан қийналиб яшаганини айта туриб, жим бўлиб қолганди... оғритдимми?

Сесканиб кетдим, лекин унинг қўл теккизишидан эмас, сўзларидан сесканиб кетгандим.

– Ёдимдан кўтарилибди, Герберт, лекин энди эсладим.

– Хуллас, қулоқ сол. У ҳаётининг ўша даври, у қанчалар мудҳиш, қанчалар даҳшатли давр бўлгани тўғрисида гапирди! Сенга айтиб берайми? Ёки бу ҳозир сени қаттиқ ҳаяжонга солиб қўядими?

– Албатта, гапириб бер. Ҳаммасини, сўзма-сўз айтиб бер.

Герберт энгашиди, бунчалар тоқатсизланаётганимнинг сабабини билмоқчи бўлаётгандек, менга диққат билан тикилди.

– Иссиғинг йўқми? – сўради у кафтини пешонамга қўйиб.

– Йўқ, – дедим мен. – Герберт, азизим, Провис сенга нима деганини айтиб бер.

– У айтдики, – деди Герберт, – ...кўрдингми, боғич шундоққина кўчиб тушди, энди янгисини, совиганини қўямиз... Хўш, азизим, бошида сесканасан-а? Ҳечкиси йўқ, ўтиб кетади ҳозир... У ўша аёл ёш, жуда рашкчи ва қасоскор бўлган деди. Чегараси йўқ даражада, Гендел.

– Чегара деганингда нимани назарда тутяпсан?

– Қотилликни... Вой, наҳотки оғриқли жойингга тегиб кетган бўлсам? Жудаям ачишяптими?

– Йўқ, билинмаяпти. Қандай ўлдирибди? Кимни ўлдирибди?

– Биласанми, балки у қилган ишни англатиш учун бу ўта кўрқинчли сўздир, – деди Герберт, – лекин ўша аёлни қотиллик учун маҳкамага торганлар, мистер Жеггерс уни ҳимоя қилган, муваффақият билан ҳимоя қилган, айнан ўшанда Провис унинг исмини биринчи марта эшитган. Қурбон бошқа бир аёл бўлган, у биринчи аёлдан анча бакувват бўлган, улар аллақандай омиборхонада ҳаёт-мамот жангига чиққанлар. Ким бошлаган, олишув ҳалол кечганми-йўқми – буни ҳеч ким билмайди, лекин унинг натижасини ҳамма яхши билади: қурбон аёлни бўғиб ўлдирилган ҳолатда топганлар.

– Ўша аёлни қамаганларми?

– Йўқ, оқлаганлар... Бечора Генделим, яна оғритдимми?  
 – Ҳечам оғримади, Герберт. Хўш? Кейин-чи?  
 – Ўша оқланган аёлнинг Провисдан боласи бўлган ва Провис уни жуда-жуда яхши кўрган. Рақиби бўғиб ўлдирилган оқшомда аёл Провиснинг олдига келган ва болани ўлдиришини (у уни қаердадир сақлаган), Провис уни ҳеч қачон кўролмаслигини айтган ва ўша заҳоти ғойиб бўлган... Мана, энг кийин қўлни тамомладик, энди ўнг қўл колди холос, униси ҳеч гап эмас. Яхшиси ҳозирча фонусни ёкмай тураман, каминнинг ўзи етади. Яраларингни аниқ кўрмасам қўлларим дадилроқ ҳаракат қилади... Лекин, азизим, сени ҳар ҳолда безгак тутяпти. Негадир тез-тез нафас оляпсан.

– Эҳтимол, Герберт. Хўш, шундай қилиб, ўша аёл айтганини қилибдими?

– Айнан ана шу – Провис ҳаётидаги энг даҳшатли нарса. Ҳа, у айтганини қилган.

– Яъни Провис шундай деяпти.

– Ҳа, албатта, азизим, – деди ҳайрон бўлиб Герберт ва яна менга тикилди. – Ҳаммаси унинг сўзлари. Менда бошқа маълумотлар йўқ.

– Ҳа, бунга ишониш учун етарли маълумотлар йўқ.

– Фарзандининг онасига яхши ё ёмон муносабатда бўлгани тўғрисида Провис индамади, лекин улар Провис бизга бу ерда айтиб берган аянчли турмушни тўрт-беш йилча баҳам кўрганлар, Провис, кўринишдан уни эҳтиётлаб юрган ва хароб қилишни истамаган. Шунинг учун боланинг ўлдирилгани тўғрисида кўрсатма беришга мажбур қилишларидан кўрқиб, яъни аёлни ўлимга маҳкум қилишларидан кўрқиб, у ғойиб бўлган, – ўзи айтмоқчи, йўлдан четга чиққан, – суд мажлисида ҳам уни аёлнинг телбаларча рашкига сабабчи бўлган Абель исмли одам сифатида тилга олиб ўтганлар. Суддан кейин аёл сувга тушиб кетгандек ғойиб бўлган-қўйган, шундай қилиб Провис ҳам фарзандидан, ҳам фарзандининг онасидан жудо бўлган.

– Лутфан айт-чи менга...

– Бир дақиқа, азизим, ҳозир тамомлайман. Ўша ёвуз рух, дунё бунақаларни кам кўрган, аблаҳ Компесон унинг кўрсатма беришдан бўйин товлаганини ва нима учун бундай қилганини билган, кейин уни буткул ўзига тобе қилиб олиш ва ундан кўпроқ фойдаланиш учун, чақув билан таҳдид қила бошлаган. Провис уни асосан шунинг учун ёмон кўришини кеча тушуниб олдим.

– Айт-чи менга, – дедим такроран, – ва унутмаки, Герберт, бу жуда муҳим, – буларнинг қачон содир бўлганини у сенга айтдимми?

– Жуда муҳим? Унда шошма, нима деганини аниқ эслаб олай. Бундай деди: “Йигирма йилча бўлди бунга, бундан кам эмас, Компесонга дуч келиб қолган пайтларим эди”. Черковингиз ёнида унга учраб қолганинда ёшинг нечада эди?

– Етти ёшлар бўлсам керак.

– Тўғри. Ўша воқеа бўлса уч-тўрт йил илгари бўлиб ўтган, унинг айтишича, сен унга ўша ўта оғир шароитларда йўқотган қизини эслатгансан, киз тахминан сен билан тенгдош бўлган.

– Герберт, – дедим мен бир лаҳзалик сукутдан ўзимга келиб, – деразадан тушаётган ёруғда сенга яхшироқ кўринаманми ёки каминданми?

– Каминдан, – жавоб берди Герберт яна менга яқинроқ келиб.

– Менга қара.

– Қараяпман, азизим.

– Менга тегиб кўр.

- Тегяпман, азизим.
- Иссиғи баланд ёки кечаги воқеалардан кейин ақли жойида эмас, деб ўйламаяпсанми мени?
- Й-йўк, азизим, – деди Герберт менга узоқ ва диққат билан тикилиб.
- Бир оз хаяжондасан, лекин умуман олганда, ҳар доим қандай бўлсанг, шундайсан.
- Ҳар доим қандай бўлсам, шундайлигимни биламан. Дарё бўйидаги уйда биз яшириб юрган одам эса, Эстелланинг отаси бўлади.

## LI боб

Мисс Хевишемнинг бошига тушган фалокат ҳақида Жеггерс ва Уэммика айтиб, уларнинг саволларига жавоб бериб бўлиб, чўнтагимдан Герберт учун менга тўққиз юз фунт бериш тўғрисидаги мисс Хевишемнинг кўрсатмасини олдим. Мистер Жеггерсга ташриф қоғозчасини узатганимда, кўзлари қошлари тагига янада кўпроқ кириб кетгандек бўлди, лекин у қоғозни Уэммика бериб, чек ёзиб, имзо қўйдиришга олиб келишни буюрди. Уэммик топширикни бажараётганида мен мистер Жеггерсга, мистер Жеггерс топ-тоза этикларига тебрана туриб менга қараб турди.

– Шахсан ўзингиз учун ҳеч нарса қилмаётганимиздан афсусдаман, – деди у чекка имзо қўйилиб, уни чўнтагимга солганимдан кейин.

– Мисс Хевишем марҳамат кўрсатиб, ўзимга бирор нимада ёрдам бера олиши мумкинлигини сўради ва мен йўк, дедим.

– Нима ҳам қилардик, ўзингиз биласиз, – деди мистер Жеггерс, Уэммик секингина “Кўчар мулк”, деб қўйди.

– Сизнинг ўрнингизда, йўк деб жавоб қилмаган бўлардим, – деди мистер Жеггерс, – лекин бундай ишларда ҳар ким ўзи билади.

– Кўчар мулк ҳар кимга керак, – деди Уэммик менга танқид кўзи билан қараб.

Бу ерга келишимга сабаб бўлган мавзу хусусида оғиз очишнинг вақти келди, деб қарор қилдим-да, мистер Жеггерсга мурожаат қилдим:

– Лекин, сэр, мисс Хевишемдан ҳар ҳолда бир нарсани илтимос қилдим. Ундан асранди қизи тўғрисида гапириб беришни сўрадим ва у билганларининг барини айтиб берди.

– Шундайми? – деди мистер Жеггерс ва этикларига қараб қўйиш учун эгилди, кейин яна қад ростлади. – Эссиз! Мен бундай қилмаган бўлардим, лекин хоним, албатта, ўзи билади.

– Эстелла тўғрисида мисс Хевишемдан ҳам кўпроқ нарсани биламан, сэр. Унинг онаси ким эканини биламан.

Мистер Жеггерс менга савол назари билан қараб, сўзимни такрорлади:

– Онаси?

– Унинг онасини бор-йўғи уч кунча олдин кўрганман. Сиз ҳам кўргансиз, сэр. Уни бугун ҳам кўргансиз.

– Ростдан-а?

– Эстелланинг ота-онаси тўғрисида эҳтимол сиздан ҳам кўпроқ нарса биларман, сэр. Мен унинг отасини ҳам биламан. Унинг исми Провис... Янги Жанубий Уэльслик.

Бу сўзларни эшитиб ҳатто мистер Жеггерс ҳам сесканиб кетди. У энгил сесканди ва ўша заҳоти ўзини қўлга олди; ўзини бор-йўғи рўмолчаси керак бўлиб қолгандек кўрсатишга уринган бўлса-да, барибир сесканди. Хабаримни Уэммик қандай қарши олганини билмайман, негаки, у билан

хуфёна мулоқотларимиздан ҳеч нарсани назаридан қочирмайдиган мистер Жеггерснинг хабар топишидан ҳадиксираб, ўша дақиқада у томонга қарамаётгандим.

– Қандай далиллар бор, Пип? – деди мистер Жеггерс ва рўмолча бурун томон ярим йўлда тўхтаб қолди, – Провиснинг бундай деб даъво қилишига қандай далиллари бор?

– У бундай даъвони қилаётган йўқ, – дедим мен, – ҳеч қачон қилмаган хам. Қизининг тирик эканидан мутлақо хабари йўқ.

Бу сафар қудратли рўмолча ҳам ожизлик қилди. Жавобим шу қадар кутилмаган эдики, мистер Жеггерс одатий амалиётини бажармаёқ, рўмолчани қайтариб чўнтагига солди ва қўлларини қовуштириб, жиддий ва ўткир нигоҳини менга қаратди, киёфасида ҳеч бир сесканиш аломатлари кўринмасди.

Кейин мен унга нималарни билишимни, қаердан билишимни айтиб бердим ва ҳикоямни, Уэммикдан олган маълумотларимни мисс Хевишемдан эшитган, деб хулоса чиқарадиган қилиб туздим.

Мистер Жеггерс ўйланиб, бошини қимирлатди ва ҳатто... ҳатто энтиқиб кўйди.

– Пип, деди у, – сизга тасаввур қилиниши мумкин бўлган ҳодисани баён қилиб бераман. Лекин, эсингизда бўлсин, шундай бўлган, деб ҳеч нарсани тасдиқлай олмайман.

Ҳеч нимани тасдиқлай олмайман, деб алоҳида огоҳлантирганини ҳар доим ёдимда тутишга уни ишонтиришим учун менга вақт бериб, у бир муддат жим қолди.

– Хўш, Пип, – деди мистер Жеггерс. – Қуйидагиларни тасаввур қилинг: тасаввур қилинг, аёл киши, ўзингиз баён қилган ҳолатларда фарзандини яшириб қўяди, лекин адвокати ҳимояни тўғри олиб бориш учун бола тирик ёки тирик эмаслигини билиши зарурлигини тушунтиргач, уни яшириб қўйганини тан олишга мажбур бўлади. Тасаввур қилинг, ўша вақтнинг ўзида бадавлат ва телбанамо хоним адвокатга асраб олиш ва тарбия қилиш учун бола топиб беришни топширади.

– Тушуняпман, сэр.

– Тасаввур қилинг, адвокат зулм ҳукмронлик қилаётган оламда фаолият юритган ва болалар тўғрисида шуни билардики, улар ҳаддан зиёд кўп туғиладилар ва ҳаммалари ҳалоқатга маҳкумлар. Тасаввур қилинг, адвокат уларни ўта жиддий равишда жиноят судида суд қилганларини кўп марта кўрган, маслаҳатчиларга намоёиш қилиш учун болаларни қўлга олишга тўғри келган; тасаввур қилинг, у болаларни қамоққа ташлаганларини, савалаганларини, сургун қилганларини, жамиятдан бадарға қилганларини, бинобарин, уларни жиноятчи қилиб тарбиялаб, вояга етишга имкон бериб, кейин дорга осганларини кўп марта кўрган. Тасаввур қилинг, у йўлида учратган барча болаларни, бир кун келиб балиққа айланиб, унинг тўрига илиниши керак бўлган балиқчалар, деб ҳисоблашга барча асосларга эга бўлган, негаки уларни айблаган, ҳимоя қилган, тақдир ҳукмига ташлаган, ота-оналаридан жудо қилган, турли йўллар билан ҳақорат қилган ва хўрлаганлар.

– Тушуняпман, сэр.

– Тасаввур қилинг, Пип, ана шу бир дунё болалар ичида қутқарилиши мумкин бўлган кичкина ва ёқимтой қиз учраб қолган: отаси уни ўлган, деб ҳисоблаб юрган ва суриштиришга кўрққан; окловчи қизнинг онасини қуйидаги баҳоналар билан итоатда ушлаб турган: “Нима жиноят

қилганингизни ва қандай қилганингизни биламан. Фалон жойга бориб, фалончига ҳужум қилгансиз, фалон равишда ўзингизни ҳимоя қилгансиз; кейин фалон ёққа бориб, сиздан шубҳаланмасликлари учун мана бундай йўл тутгансиз. Ҳар бир қадамингизни ўрганиб чиқдим ва воқеа қандай бўлганини ўзингизга айтиб беряпман. Қизингиздан воз кечинг, лекин сизни айбловдан озод қилишлари учун уни судда кўрсатиш керак бўлса, уни албатта олиб келадилар. Қизни менга топширинг ва мен сизни қутқариш учун қўлимдан келган барча чораларни кўраман. Агар сиз халос бўлсангиз, болангиз ҳам халос бўлади; агар сизни қатл қилсалар, ҳеч бўлмаса бола кутилиб қолади”. Тасаввур қилинг, аёл бунга кўнди ва суд уни оқлади.

– Сизни жуда яхши тушундим.

– Буларнинг ҳаммаси фақат тасаввур эканини ҳамми?

– Ҳа, буларнинг ҳаммаси фақат тасаввур эканини ҳам.

Уэммик ҳам такрорлади:

– Фақат тасаввур.

– Тасаввур қилинг, Пип, бошидан ўтказган кечинмалари, шунингдек ўлим олдидаги кўркув таъсирида ўша аёлнинг мияси бир оз айниган, одамлар орасига қайтишга кўркқан ва у адвокати олдида паноҳ излаб келган. Тасаввур қилинг, адвокат уни қабул қилган ва ҳар сафар унинг ёввойи, итоатсиз феъл-атвори ташқарига чиқай деганда, аёл буткул унинг ҳукми остида эканини эслатиб, уни тинчлантириб келган. Ушбу тасаввур қилинаётган ҳолатни тушунапсизми?

– Албатта.

– Тасаввур қилинг, ўша қизча вояга етиб, мақсад билан турмушга чиқди. Унинг онаси тирик. Отаси ҳам тирик. Ота ва она, бир-бирларидан хабарлари бўлмаган ҳолда, бир-бирларидан шунчадир чақирим ёки хатто шунчадир кулоч масофада яшаб келмоқдалар. Сиз хабардор бўлиб қолганингизни истисно қилсак, сир аввалгидек сир бўлиб қолмоқда. Ана шу охирги бандни алоҳида уқиб олишга ҳаракат қилинг.

– Яхши.

– Шу бандни алоҳида уқиб олишни Уэммикдан илтимос қиламан.

Уэммик ҳам:

– Яхши, – деди.

– Сир очилса ким манфаат топади? Отами? Фикримча фарзандининг онаси билан учрашув унинг аҳволини энгиллаштирмайди. Онами? Фикримча, агар уни шунчаки айбламаган бўлсалар, ҳозир қаерда бўлса, ўша ерда қолгани маъқул. Қизми? Келиб чиқиши тўғрисидаги сирдан эрини хабардор қилиб, уни йигирма йил илгари халос бўлган хорлик ва хўрликка қайта маҳкум этишдан нима наф бор?

## ЛII боб

Кўлимдаги чек билан мистер Жеггерсникидан мисс Скиффинснинг ҳисобчи акасининг олдида бордим; у ўша заҳоти Кларрикернинг идорасига бориб, уни олдимга бошлаб келди; ва мен жуда катта мамнуният билан орамиздаги ишни якунлаб кўйдим. Катта умидларимдан хабар топганимдан бери фақат ана шу олийжаноб ишни қила олдим, фақат ана шу ишни охирига етказиб қўя олдим.

Кларрикер имкониятдан фойдаланиб, ширкати ривожланаётганини, амалиётларни кенгайтириш учун энди у Шарқда кичик бир бўлим оча олишини ва модомики, Герберт энди унга шерик экан, у ерга уни



рахбар қилиб тайинлашини айтиб берди. Бундан, агар ўзим Англиядан чиқиб кетмаган такдиримда ҳам, тез орада дўстим билан хайрлашишга тўғри келишини тушундим. Айнан ўша лаҳзада, мени ушлаб турган лангарнинг занжири тезда узилишини, шамол ва тўлқинларнинг изми билан номаълум томонларга йўл олишимни ҳис қилдим.

Душанбаларнинг бирида Герберт билан нонуштага ўтирган эдик, почтадан Уэммикнинг қуйидаги мазмундаги хатини олиб келишди:

“Уолворт. Ўқиб бўлгач, ёқиб юборилсин. Ҳафтанинг бошида, ёки, айтайлик, чоршанба куни, агар истасангиз, ўзингизга маълум ишни амалга оширишга уриниб кўришингиз мумкин. Энди ёқиб юборинг”.

Хатни Гербертга кўрсатдим, кейин уни (аввал ёдлаб олиб) ёқиб юбориб, нима қилишимиз кераклигини муҳокама қила бошладик. Эшкак эшиш кўлимдан келмаслигини тан олмасликнинг энди иложи йўқ эди.

– Мен ўйлаб-ўйлаб, Темзадаги қайиқчилардан бирини ёллашдан кўра яхшироқ усулни топгандайман. Кел, Стартопни ола қоламиз. У яхши инсон, эшкакни жуда яхши билади, иккимизни яхши кўради, ишончли ва ҳалол ҳам.

Ўзим ҳам бу тўғрида бир неча марта ўйлагандим.

– Унга ниманидир изоҳлаб бериш керак бўлади-ку, Герберт?

– Жудаям озгина нарсани. Охиригача, буни ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган ҳазил, деб ўйлай қолсин; кейин Провисни кемага ўтқазиб учун муҳим сабаблар бор деб айтаемиз. Сен ҳам у билан кетасан, тўғрими?

– Ҳа, албатта.

– Қаёққа?

Бу мавзу хусусида кўп, машаққат билан бош қотиргандим ва, умуман олганда, қайси бандаргоҳга – Гамбурггами, Роттердамгами ёки Антверпенгами, – йўл олишнинг фарқи йўқ, муҳими уни Англиядан олиб чиқиб кетиш, деган қарорга келгандим. Бизни олиб кетишга рози бўладиган ҳар қандай хорижий кемага чиқиб олиш мумкин эди. Қайиқда иложи борича узокроққа, шубҳа туғилган кезларда савол-жавоблар ва кўрикдан энг кўп ҳадиксираладиган жой – Грейвзэнддан, албатта, нарироққа сузиб бориш керак, деб ҳисоблардим. Хорижий кемалар Лондонни сув қайтиши маҳал тарк этишларини ҳисобга олганда, биз аввалги сув қайтиш пайтида дарё бўйлаб сузиб кетишимиз ва кемага чиқиб олиш мумкин бўлган холироқ бир жойда кутиб туришимиз керак эди. Агар аввалдан маълумотлар тўпланса, вақтни аниқ ҳисоблаб чиқиш қийин иш эмасди.

Герберт билан ҳамма эҳтиёт чораларини келишиб бўлганимиздан кейин, уйга йўл олдим.

Эшикни калитим билан очиб, қутида менга юборилган, кўринишдан жуда кир бўлиб кетган, лекин саводли ёзилган хат борлигини кўриб қолдим. Уни тўғри (албатта чиқиб кетганимдан кейин) уйга олиб келишганди ва у қуйидаги мазмунда эди:

“Агар бугун ёки эртага кечки пайт *соат тўққизларда* ботқоқликка, тўғон олдидаги, оҳак куйдириладиган ўчок яқинидаги уйга келишдан кўрқмасангиз, афсусланмайсиз. *Амакингиз Провис* тўғрисида ниманидир билмоқчи бўлсангиз, вақт ўтказмай, албатта келинг. *Бир ўзингиз келинг*. Ушбу хатни ўзингиз билан олиб келинг”.



## LIII боб

Чеккадаги боғлардан ўтиб, ботқоқликка кадам қўйганимда тўлин ой чиққан бўлса ҳам тун зимистон эди. Ботқоқликлар ортида осмоннинг тор, мусаффо қисми ёришиб турар ва баҳайбат қизғиш ой унга зўрға сиғаётган эди. Бир неча дақиқадан кейин у баландроққа кўтарилиб, пастроқдаги булутлар ортига яширинди.

Кучли ёмғир бошланди. Ташқарида бирон-бир янги нарсани кўрмай, ботқоқлик яқинидаги уйга кирдим, ивиб кетмаслик учун остонада туриб, тун қаърига тикила бошладим. Модомики уйда шам ёнаётган экан, яқинда бу ерда кимдир бўлган ва тезда қайтади, деб ўйлаб, пиликнинг қанча ёнганини кўрмоқчи бўлдим. Ичкарига кадам ташладим, лекин шамни олишга улгурмадим, кимдир куч билан уни қўлимдан уриб туширди ва ўчириб қўйди, кейинги лахзада эса, орқамдан қалин арқондан сиртмоқ ташлаганларини тушундим.

– А-ха! – деди кимдир тишларини ғижирлатиб ва сўкинди. – Энди менда қутула олмайсан!

– Бу нимаси?! – кичқирдим мен типирчилаб. – Бу ким? Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар!

Тирсақларим биқинимга тортиб қўйилган, куйган қўлим чидаб бўлмас даражада оғриётганди. Кўринмас аллаким дам оғир кафти билан оғзимни ёпар, дам кичкиришимни пасайтириш учун устимга ётиб олар, кимнингдир иссиқ нафасини сезар эканман, мени нимагадир, маҳкам боғлаб ташлагуналарига қадар, ҳеч бир самарасиз, қутулишга интилавердим.

– Мана энди, – деди яна ўша овоз ва сўкиниб қўйди, – яна бир марта кичкириб кўргин, ўша заҳоти асфаласофилинга равона бўласан.

Яраланган қўлимнинг оғриғига чидолмай, ҳайратдан ҳали ҳам ўзимга келолмаган бўлсам-да, жуда жиддий дўқ қилинаётганини тушуниб жим бўлдим ва озгина бўлса ҳам, қўлимни бўшатишга уриндим. Лекин арқон бир бармоқчалик ҳам бўшашмади. Куйган жойи битмаган қўлим қайноқ сувда пиширилаётгандек эди.

Дераза ортидаги қоронғи тун ҳеч нарсани илғаб бўлмайдиган зимистон билан алмашганидан, кўринмас душманам дарпардаларни ёпганини тушундим. Қоронғида тимирскиланиб, у чақмоқтош ва пилик излаб топди, кейин ўт чиқаришга ҳаракат қила бошлади. Пиликка сачраётган учқунларга, бор кучи билан уни пуфлашига безовталиқ билан қараб турдим, лекин лахзадан ҳам қисқа фурсатларда лабларинигина кўролдим. Пилик намиққанидан, бундай жойда табиий, учқунлар бирин-кетин ўчиб қолмоқдайдилар.

У шошмаётганди, чақмоқтошга пўлат чўп билан такрор ва такрор зарба бермоқдайди. Учқунлар ёмғирдек ёғила бошлаганларида қўллари, башарасининг бир қисми кўзимга ташланди, кейин стол устига энгашиб ўтирганини ҳам кўрдим, бошқа ҳеч нарсани илғай олмадим. Мана яна пиликка пуфлаётган кўкариб кетган лаблар, ниҳоят пилик ёнди ва мен Орликни таниб қолдим.

Кимни кўришни кутгандим, тўғриси билмайман, фақат Орликни эмас. Уни таниб қолганимдан кейин аҳволим ҳақиқатан ҳам ёмонлигини тушуниб етдим ва ҳар бир ҳаракатини кузата бошладим.

У шошмасдан шамни ёқди, пиликни ерга ташлаб, тепкилаб ўчирди. Кейин мени яхшироқ кўриш учун шамни бир чеккага суриб қўйди, тирсақлари билан столнинг устига ярим чўзилиб, менга тикилди. Чордоққа

чиқадиған, девордан сал нарига, оёқлари билан полга мустаҳкамланған осма ёғоч зинага боғлаб қўйилған имни кўрдим.

– Мана, – деди у биз бир муддат бир-биримизга тикилиб бўлған имиздан кейин. – Энди мендан кутула олмайсан.

– Ечиб юбор мени. Қўйвор!

– Ҳозир-да, – деди у. – Ҳозир қўйиб юбораман. Руҳингни суғуриб, истаган томонига қўйиб юбораман. Озгина сабр қил.

– Нимага мени бу ерга алдаб чакириб олдинг?

– Наҳотки тушунмаётган бўлсанг? – жавоб қилди у ёвуз кўзларида ўт ёниб.

– Нега зимистонда менга хужум қилдинг?

– Негаки ҳаммасини бир ўзим бажармоқчиман. Икки кишига қараганда, бир кишининг оғзи маҳкамроқ бўлади. Қараб тур, ҳали, шайтонвачча!

Столнинг устига ётиб, мамнунлик билан бош чайқаб, ожизлигимдан шайтоний жазавода эдики, юрагим орқага тортиб кетди. Ундан кўзимни олмай жим турардим, у эса, қўлини бир бурчакка тикиб, қўндоғига мис қопланган милтиқни суғуриб олди.

– Бунинг нима эканини биласанми? – деди у мени мўлжалга олаётгандек ҳаракат қилиб. – Уни илгари қаерда кўрганинг эсингдами? Гапир, бўривачча!

– Эсимда, – жавоб қилдим мен.

– Мени у ердан хайдаб юборганлари сенинг ишингми? Сеникими? Гапир!

– Нима қилишим керак эди?

– Фақат шунинг ўзи учуноқ сени ўлдириш камлик қилади. Менга ёқадиған инсон ва менинг ўртамга тикилишга журъат этганинг-чи?

– Қачон?

– Ҳар доим. Мени доим унга ёмон кўрсатардинг.

– Ўзинг ўзингни ёмон кўрсатгансан, айбни ўзингдан қидир. Агар ўзингни ёмон кўрсатмаганингда, сени ҳеч нима билан ёмон кўрсатиб бўлмасди.

– Ёлғон гапиряпсан! Бу ерлардан мени даф қилиш учун кучингни ҳам, пулингни ҳам аямоқчи бўлмаган сен эмасмидинг? – Биддига сўнги учрашувимизда айтганларимни қайтараётганди. – Бўлмаса, билиб қўй: бугун мени бу ерлардан даф қилмаганингга чиндан ҳам ачинасан. Ҳа, ҳа, охирги фартинггача ҳамма пулингни сарфлаб бўлса ҳам даф қилишинг керак эди!

Бу ҳақиқат эди – у итдек тишларини ғижирлатиб, баҳайбат қўли билан менга таҳдид қилганида буни айниқса яққол ҳис этдим.

– Мени нима қилмоқчисан?

– Нима қилардим? – деди у кулочини бемалол ёзиш учун ўрнидан туриб, кейин бор кучи билан столга мушт туширди, – ўлдираман, вассалом.

Юзимга энгаша туриб, у аста муштини ёзди, сўлаги оқаётгандек кафти билан лабларини артди, мендан кўзини узмасдан яна ўтирди.

– Сен гўдаклигингдан қария Орликнинг йўлини тўсиб келяпсан. Етар, бугун у сени йўлдан супуриб ташлайди. Тамом! Кунинг битди.

Ажалнинг совуқ нафасини ҳис қила бошладим. Талвасада ўзим тушган тузукни кўздан кечириб, кутулиш йўлларини излаган бўлдим; кутулишга йўл йўқ эди.

– Бу ҳам кам, – деди у яна столга тирсакларини қўйиб, чўзилар экан. – Сендан бир парча латта, бир дона суюкча ҳам қолмайди. Ўлдириб ўчоққа

ташлайман – сендақаларнинг иккитасини ўчоқнинг олдига кўтариб бора оламан – одамлар нима деб ўйлашса, ўйлайверишсин, улар ҳеч нимани била олишмайди. Энди эса, бўривачча, сени кўйдек бўғизлашдан аввал, – деди Орлик, – ҳали бунга навбат келади, шунинг учун сени боғлаб кўйдим – устингдан мазза қилиб кулиб, аҳволингни томоша қиламан. О, рақибим жаноблари!

Яна ёрдамга чақирсаммикан, деган фикр хаёлимдан ўтди, холбуки, ушбу кимсасиз ерда ҳеч кимдан нажот келмаслигини ўзим ҳаммадан ҳам яхши билардим. Лекин унинг разил хурсандчилиги қаршисида ғазаб ва нафрат менга куч бағишлади ва лабларимни қаттиқ юмдим. Нима бўлганида ҳам унга тиз чўкиш эмас, куч етганича, охиригача қаршилиқ кўрсатиш керак. Ўша қўрқинчли лаҳзаларда ҳеч кимга ёмонлик тиламадим, Яратгандан афв этишини сўрадим, менга азиз инсонлар билан хайрлашмаганимдан ва энди ҳеч қачон хайрлаша олмаслигимдан, хатоларим учун мендан жуда ҳам қаттиқ хафа бўлмасликларини сўрай олмаслигимдан афсусландим, лекин Орликни мен ҳозир ҳам сира иккиланмай ўлдирган бўлардим.

Кўринишдан у ичиб олганди, кўзлари қизариб, яллиғланиб кетганди. Бўйнига алюмин сувдон илиб олган, бир вақтлар овқат ва ичкиликни у ана шундай олиб юрарди. У сувдонни лабларига яқинлаштирди, бир култум ичди; спиртли ичимликнинг ўткир ҳиди анқиди, унинг юзида қизил доғлар кўпайди.

– Бўривачча! – деди у яна стол устига чўзилар экан. – Қария Орлик ҳозир сени яна хурсанд қилади: ялмоғиз опангнинг ўлимига сен айбдорсан.

У гапини секин, ковушмай давом эттираркан, яна барча воқеалар – опамга хужум, унинг бетоб бўлиши, ўлими жуда катта тезликда кўз ўнгимдан ўтди.

– Йўқ, бу сенинг ишинг, аблах! – дедим мен.

– Бу сенинг ишинг, деб мен сенга айтяпман, ҳаммаси сени деб бўлган! – ғазабланиб кетди Орлик ва кўлига милтиқни олиб, бор кучи билан ҳавода силкиди. – Бугун сенинг орқангдан келгандек, опангнинг орқасидан секин яқинлашиб, шунақа туширдим! Ўлдирдим, деб ўйлагандим, яқинроқ жойда каттароқ ўчоқ бўлганида қайта тирилмаган бўларди. Лекин бу ишларни Орлик эмас, сен қилдинг. Сени ҳар доим аяшарди, Орликни сўкиб, калтаклашарди. Қария Орликни сўкиб, калтаклашармиди, а? Мана энди жавоб берасан. Сен айбдорсан, жавобини ҳам сен берасан.

Иккинчи марта заҳарига ичиб олиб, у ўриндикдан турди ва столни нарига сурди. Кейин шамни кўтариб, ёруғи юзимга тушиши учун зулмкор кўли билан уни тўсди ва айёрона тантана билан менга тикилиб қолди.

– Кулоқ сол, бўривачча, сенга яна бир нарсани айтиб бераман. Ўшанда қоронғида, зинада сен қария Орликка қоқилиб кетгандинг. Қария Орлик у ерда нима қилаётганди? Эшит, бўривачча, сенга ҳаммасини айтиб бераман. Иккалангиз мени бу ерлардан сиқиб чиқардингиз, бу ерлардаги осон насибамдан маҳрум бўлдим, шунда ўзимга янги ўртоқлар ва янги хўжайинлар топдим. Улар менга хатлар ҳам ёзиб берадилар, керак бўлганида, тушундингми, бўривачча, ўрнимга хат ёзадилар! Сендан фаркли равишда, тирранча, улар ҳар кимнинг кўлини ўхшата оладилар. Опангни дафн қилишга келганигдаёқ, сени адои тамом қилишни режалаштиргандим. Ишни пухта қилиш учун тайёргарлик кўришга тўғри келди, ўшанда қандай яшаётганингни, қаерда бўлишингни кузатишга қарор қилдим. Ҳали кўрасан, бир кун қария Орликнинг кўлига тушасан, дегандим ўзимга. Сени қидирувдим, Провис амакингни топдим. Зўрми,

а? Ҳали сенинг амакинг борми? Гержериникида мана бундай, иккита бармоғим билан бўйнини узиб олишим мумкин бўлган жўжалигингдан биламан (якшанба кунлари уйдан ташқарида дайдиб юрганингда қўлим тез-тез кичиб турарди), ўша пайтларда ҳеч қандай амакинг бўлмаганди, бунисини биламиз. Сенинг Провис амакинг, қария Орлик ботқоқликдан топиб олиб, опангни бошлаб туширгунга қадар сақлаб қўйган ўша темир халқани бир пайтлар оёғида олиб юрганини эшитиб қолганимдан кейин, сени ҳам худди шу усул билан йўқ қиламан дедим, тушундингми?.. Бу тўғрида эшитиб қолганимдан кейин... Хуллас...

Ўзининг ҳақоратомуз ҳаракати билан у шамни тўғри юзимга тақанди, беихтиёр четга ўтирилдим.

– А-ха! – кичкирди у кулгидан тўхтамай ва яна шам билан туртди. – Бир марта куйдинг-да, кўрқяпсан! Қария Орлик куйганингни билади, қария Орлик амакижонингни Англиядан секингина даф қилмоқчилигингни билади, қария Орликни алдашга сенга йўл бўлсин, у бугун келишингни ҳам биларди! Хўп, майли, бўривачча, сенга яна бир нарса айтаман, буниси охиргиси. Бир одам бор, амакинг уни писанд қилмайди, сен қария Орликни писанд қилмаганингдек. Жиянчаси асфалософилингга йўл олганидан кейин, амакинг ўша одамдан эҳтиёт бўлсин. Қариндошчасидан бир парча латта ҳам, бир бўлак суяк ҳам қолмаганидан кейин эҳтиёт бўлсин. Ўша одам Мэгвичнинг – кўрдингми, менга фамилияси ҳам маълум! – ўзи билан бир тупроқ устида тирик юришига ҳеч қачон йўл қўймайди, у Мэгвич бошқа юртларда яшаб юрганида у тўғридаги ҳамма нарсани айғоқчилик қилиб билиб бўлган. Ёнгинасида бундай рақиб юришини истамай, керакли жойга хабар ҳам бериб қўйгани тайин. Ҳар қандай қўлни ўхшатиб ёзадиган одам балки ўшадир, сен бундай қилолмайсан, тирранча. Эҳтиёт бўл, Мэгвич, Компесон ва дордан қочолмайсан!

У мени яна шам билан туртди, юзим ва сочларим куйди, бир лахзага кўзларим қамашди, кейин кенг яғринини менга қаратиб ўтирилди ва шамни стол устига қўйди. Қайтиб менга ўтирилгунича хаёлан калима ўтиришга, Жо, Бидди ва Гербертнинг ёнида бўлишга улгурдим.

Стол ва девор орасида бир неча қадамлик бўшлиқ бор эди. У ана шу ерда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Унинг шафқатсиз кўзлари ва узун, лапанглаётган қўлларига қараб туриб, нақадар катта жисмоний кучга эга эканини бугунчалик аниқ тасаввур қилмаганимни тушуниб етдим. Менда умиддан учкун ҳам қолмаганди. Миям қанчалик шиддат билан ишламасин, хаёллар ўрнига намоён бўлаётган кўринишлар қанчалар равшан бўлмасинлар, у бир неча дақиқадан кейин мени бутунлай йўқ қилиб юборишга узил-кесил қарор қилмаганида, шунча нарсани айтиб бермаслигини ҳар ҳолда тушуниб турардим.

У бирдан тўхтади, сувдонни қўлига олиб, тикинини улоқтириб юборди. Назаримда тикин, тарозининг тоши мисол, полга қаттиқ овоз чиқариб тушди. У секин-аста, сувдонни тобора тикка қилиб ичмоқда, менга қарамай қўйганди. Сўнгги томчиларни у кафтига куйди ва ялаб олди. Кейин бирданига жаҳли чиқиб кетди-да, сўкиниб, сувдонни стол устига улоқтирди ва энгашди; кейин қўлида тош майдалайдиган оғир болға ушлаб олганини кўрдим.

Қабул қилган қарорим эсимдайди: ялиниб-ёлворишларга вақт кетказмай, бор кучим билан кичкирдим ва жон-жаҳдим билан халос бўлишга урина бошладим. Фақат оёқларим ва бошим боғланмаганди, лекин ўзим ҳам илгари билмаган-сезмаган куч билан озод бўлишга уринаётгандим. Ўша

захоти ташқаридан кимларнингдир жавобан қичқиргани эшитилди, эшикка ташқаридан ёғду тушди, кейин кимларнингдир шарпалари, олишув, овозлар эшитилди ва Орлик, кимларнингдир тагидан, гирдобдан чиққандек суғурилиб чиқди-да, столнинг устидан сакраб ўтиб, қоронғилик қаърига сингиб кетди!

Ўзимга келиб, қўлларим ечилган, бошим кимнингдир тиззасида, ўша хонанинг ўзида ётганимни пайқадим. Нарвоннинг тўғрисида ётган бўлганимдан, хушимга келаётиб дастлаб кўзим тушган нарса нарвон бўлди, шундан ҳамон ўзимдан кетган жойда ётганимни тушундим.

Миям бутунлай қарахтлигидан, ким мени суяб турганини кўриш учун ўгирилишга ҳам мажолим келмади; ётган жойимдан нарвонга қараб турганимда, кимнингдир юзи уни мендан тўсиб қўйди. Бу тикувчи югурдагининг юзи эди!

– Буст-бутунга ўхшаяпти, – деди югурдак бола ўзини катталардек тутиб, – фақат ранги жуда оқариб кетибди!

Шу пайт мени суяб ўтирган одам устимга энгашиди ва мен уни танидим...

– Герберт! Эй, меҳрибон худойим!

– Секин, – деди Герберт. – Секин, Гендел. Хаяжонланма.

– Ва эски дўстимиз Стартоп! – дедим мен хаяжон билан у ҳам устимга энгашиганида.

– У бизга нимада ёрдам беришни ваъда қилганини эслагин-да, – деди Герберт, – хаяжонни тўхтат.

Ҳаммаси эсимга тушиб, ўрнимдан туриб кетдим, лекин қўлимнинг оғриғига чидай олмай яна ётиб олдим.

– Наҳотки, кечга қолган бўлсак, Герберт? Бугун қайси кун? Бу ерда қанча вақт бўлдим?

Бу ерда бир-икки кун – ундан ҳам кўпроқ ётиб олган бўлсам-а, деган кўркинчли фикр хаёлимдан ўтди.

– Кечга қолмадик. Бугун душанба ҳали.

– Худого шукур!

– Эртага сешанба, кун бўйи дам олсанг бўлади, – деди Герберт. – Лекин инграяпсан-ку, бечора дўстим. Қаеринг оғрияпти? Тура оласанми?

– Ҳа, ҳа, – дедим мен. – Юришга ҳам кучим етади. Фақат қўлим қаттиқ зирқираяпти.

Улар қўлимни кўздан кечириб, қўлларидан келган ёрдамни бердилар. Қўлим шишиб, яллиғланиб кетганди, биров сал тегса ҳам ачишиб оғриётганди. Герберт ва Стартоп рўмолчаларини йиртиб, шаҳарга етиб олиб, яллиғланишни тўхтатадиган боғламаларни топгунимизча қўлимни эҳтиётлик билан бўйинбоққа киргиздилар. Бир неча дақиқадан кейин биз қоронғи ва бўм-бўш уйнинг эшигини ёпиб, тош конидан ўтиб, орқага қайтдик. Фонус кўтариб олган тикувчининг шогирд боласи – эндиликда бакуват шогирд йигит олдинда фонус кўтариб борарди, эшикка ўшанда мана шу фонуснинг ёғдуси тушганди. Сўнгги марта кўкка назар солганимдан бери икки соат ўтганди, ой баландроққа кўтарилган, ёмғирга қарамай, зимистон чекинганди. Ўчоқдан тарқалаётган оқ тутун биздан нарилаб кетмоқдайди, мен яна кўкка қараб илтижо қилдим, лекин энди бу шукроналик илтижоси эди.

Мени қандай қилиб халос қила олганини гапириб беришга Гербертни кўндирганимдан кейин (аввалига у гапиришни умуман хоҳламади), шошганимдан имзосиз хатни хонамизда тушириб қўйганимни, у Стартопни йўлда учратиб қолиб, иккаласи уйимизга келишгани ва хатни



топиб олишганини билиб олдим. Хатнинг оҳангидан у ташвишга тушган, бунинг устига у Гербертга ёзган мактубимнинг мазмунига мос келмаган. Ўн дақиқача у ўйлаб кўрган, безовталиги тарқашнинг ўрнига кучайгач, у почта бекатига бориб, кейинги дилижон қачон кетишини билмоқчи бўлган, Стартоп ҳам у билан бирга борган. Охирги дилижон кетиб бўлганини билгач ва тўсиқлар пайдо бўлгач, безовталик ҳақиқий хавотир билан алмашинган ва изимдан ёлланма извошда боришга қарор қилган.

#### LIV боб

Қадимги Лондон кўприги, денгиз чиғаноқлари юкланадиган баркашлар ва голланд елканли қайиқлари тўхтаб турган Биллингстет бозори, Тауэрнинг Оқ минораси ҳамда Хиёнаткорлар дарвозаси орқада қолиб, биз бандаргоҳнинг энг серқатнов қисмига тушиб қолдик. Бу ерда Лит, Абердин ва Глазгодан келган парюрар кемалар юк туширмоқда ва юк олмоқдайдилар, пастдан улар бизга бениҳоя баланд кўринмоқдайди; ўнлаб кўмир ташувчи кемалар шовкин-сурон билан трюмларидан кўмирни кўтариб, баржаларга юкламоқдайдилар; эртага Роттердамга йўл оладиган кема шу ерда турарди, биз уни диққат билан кўздан кечирдик, Гамбургга кетадигани ҳам шу ерда эди, шундоққина парраклари ёнидан ўтдик. Мана ниҳоят юрагим тезроқ ура бошлади, қайиқнинг қуйруқ қисмида ўтира туриб, олд томонда Тегирмон ховуз қирғоғи ва зинани кўриб қолдим.

– У ўша ердами? – сўради Герберт.

– Ҳозирча йўқ.

– Тўғрида. У бизни кўрганидан кейин қирғоққа чиқиши керак. Белги-чи, белги борми?

– Бу ердан кўрмаяпман... Йўқ, менимча кўряпман... Ана, унинг ўзини ҳам кўрдим! Чакконрок! Секин, Герберт! Эшакларни кўтарамиз!

Қайиқ зинага оҳиста тегди, мана Провис унга чиқиб олди ва биз олға интилдик. У денгизчилар киядиган дағал плаш кийиб олган, кўлидан елкан тикиладиган матодан қора сумка бор эди, бандаргоҳларнинг азамат лоцмани<sup>1</sup> бўлганди-қўйганди.

Провис иккимиз юк халталаримизни тайёрлаб, Герберт ва Стартоп билан хайрлаша бошладик. Бир-бирларимизнинг қўлларимизни энди сиқиб бўлгандик, Герберт иккимиз кўз ёши ҳам қилиб олдик, сал олдиндаги кичик бир қўлтиқдан тўрт эшакли қайиқ отилиб чиқди ва у ҳам дарёнинг ўртасига қараб ҳаракатлана бошлади.

Ҳозиргача бизга фақат тутун кўринаётганди, негаки кеманинг ўзи қирғоқ муюлишининг ортида эди; мана унинг ўзи ҳам кўринди – у тўғри биз томонга сузиб келаётганди. Герберт ва Стартопга кемадагилар бизни яққол кўришлари учун оқимга қарши сузишни буюрдим, Провисга эса, плашига ўралиб олиб, жим ўтиришини айтдим. У тетик овоз билан: “Хотиржам бўл, ўғлим”, деди ва ҳайкалдек қотиб ўтирди. Бу орада нариги қайиқ, тажрибали эшакчиларнинг ихтиёрига бўйсуниб, йўлимизни кесиб ўтди, унга етиб олишимизга йўл қўйиб бериб, ёнма-ён суза бошлади. Орамизда эшаклар эшишга имкон берадиган масофанигина қолдириб, улар биздан асло узоқлашмадилар – эшак эшишни тўхтатсак, улар ҳам тўхтаб, икки-уч марта эшсак, улар ҳам айнан шундай қилиб, ҳаракатни давом эттирдилар. Йўловчилардан бири рулни бошқарар ва эшак эшаётганлар билан бирга бизга диққат билан қарамоқдайди; Провисга ўхшаб ўралиб олган иккинчи

<sup>1</sup> Лоцман – кемаларга бандаргоҳга кириш йўлини кўрсатадиган йўлбошловчи.



йўловчи ҳам бизга қаради, кейин ғужанак бўлиб олди ва рулдаги одамга бир нарса деди. Бошқа ҳеч ким ҳеч нима демади.

Бир неча дақиқадан кейин қаршимда ўтирган Стартоп қайси кема биринчи бўлиб келаётганини аниқлади ва: – Гамбургники, – деб шивирлади. – Кема жуда тез яқинлашмоқда, парраклари сувга урилаётганда чиқадиغان овоз борган сари кучаймоқдайди. Мана ҳозир қайиғимиз кеманинг соясига тушади, деб ўйлай бошлаган эдим ҳамки, нариги қайикдан бизга мурожаат қилдилар. Мен жавоб қайтардим.

– Орангизда ўзбошимчалик билан сургундан қайтиб келган одам бор, – деди рулда ўтирган одам. – Ана у, плашга ўралиб ўтирибди. Унинг исми Абель Мэгвич, бошқа исми – Провис. Мен уни қамокка оламан ва таслим бўлишни, сизларга эса, полицияга қўмак беришни таклиф қиламан.

Ўша дақиқадаёқ, эшкакчиларига ҳеч қандай кўрсатма бермасдан, у қайиғини бизнинг қайикка жуда яқин олиб келди: биз ўгирилишга улгурмаёқ, улар бир эшкак эшишда олдинга ўтиб, эшкакларни кўтаришди ва қайиғимизнинг четига маҳкам ёпишиб олишди. Кемадагилар орасида қаттиқ ҳаяжон кўтарилди, бизга нималарнидир қичқираётганларини, машинани тўхтатишга бўлган буйруқни, парракларнинг тўхтаганини эшитдим, лекин кема тўхтамай устимизга бостириб келаётганини ҳис қилаётгандим. Ўша дақиқанинг ўзида рулда ўтирган одам қўлини маҳбуснинг елкасига қўйганини, иккала қайикни оқим айлантира бошлаганини, матрослар оёқларини қўлларига олиб кеманинг кўйрук томонига югураётганларини эшитдим. Шу пайт маҳбус ўрнидан сакраб турди ва қўлини полициячининг елкаси оша узатиб нариги қайикда ғужанак бўлиб ўтирган одамнинг бошидан плашни юлиб олди. Ўша лаҳзанинг ўзида мен болалигимдаги иккинчи маҳбуснинг башарасини танидим ва ҳеч қачон эсимдан чиқмайдиган даҳшатда қотиб қолган бу башара ўзини орқага ташлади, кемадагилар кўплашиб ҳайқириб юборишди, ёнгинамда қаттиқ шалоплаш, кейин қайикнинг тагимдан чиқиб кета бошлаганини ҳис қилдим. Қандайдир лаҳзалар ичида минглаб тегирмон паррақларидан ва минглаб ёғдулардан ўзимни ҳимоя қилаётгандек бўлдим; ушбу лаҳзалар тугагач, мени қайикка тортиб олишди. Герберт билан Стартоп ҳам шу ерда эдилар, лекин қайиғимиз ва икки маҳбус ғойиб бўлганди.

Қулоқни қоматга келтирадиган бақир-чақир, отилиб чиқаётган буғнинг хуштаги, кеманинг бурилиб-сурилишлари орасида аввалига осмонни сувдан ва бир қирғокни иккинчисидан ажрата олмай қолдим; лекин денгизчилар усталик билан қайикни ўнглаб олдилар ва уч-тўртта кучли силташ билан уни олд томонга юргизиб, атрофни диққат билан кузата бошладилар. Тез орада сув сатҳида биз томонга оқиб келаётган қора нарсани кўрдик. Ҳеч ким ҳеч нарса демади, лекин рулдаги одам қўлини кўтарди, эшкакчилар аста эшкакларни қимирлатиб, оқим қайикни суриб кетишига йўл қўймай турдилар. Қора нарса яқинлашди, шунда мен Мэгвичнинг бир амаллаб, қийналиб сузиб келаётганини кўрдим. Уни қайикка тортиб олишди ва ўша заҳоти оёқ-қўлларини кишанлаб ташлашди.

Қайикни яна ўнглашди, сукунат ичида сув сатҳини кузатиш давом этди. Роттердамга кетаётган кема яқинлашиб қолганди, ҳеч нарсдан хабарсиз, у шахд билан сузиб келмоқдайди. Кемадагиларга қичқириб кўрилди, тўхтатишга ҳаракат қилдилар, лекин кеч бўлганди: бир дақиқадан кейин иккала кема ҳам биздан узоқлашиб кетди, қайик эса улар кўтарган тўлқинда чайқалмоқдайди. Ҳамма ёқ тинчиб, кемалар кўздан ғойиб

бўлгандан кейин ҳам кузатишни яна узоқ давом эттирдилар, лекин ҳамма бунинг энди бесамар эканини тушуниб турарди.

Ниҳоят чекиндик ва қирғоқ бўйлаб, бир қовоқхонага сузиб бордик, у ердагилар бизни кўриб жуда ҳайрон қолишди. Ўша ерда мен, кўкрак қафаси эзилган ва боши ёрилган Мэгвичнинг у энди Провис эмасди! – азобларини бир амаллаб енгиллаштира олдим.

Айтишича, у кеманинг остига тушиб қолган ва сув тагидан сузиб чиққанида унга боши билан тегиб кетган. Кўкрак қафасини, кўринишдан қайикнинг қиррасига уриб олган, зарба шунчалар кучли бўлганки, нафас олиши қаттиқ оғриқ билан кечмоқдайди. “Компесонни ўша лаҳзаларда нималар қилишга тайёр бўлганимни айтиб ўтирмайман”, деди у, лекин бошидан плашини юлиб олганида, аблах ўрнидан туриб, ўзини орқага ташлаган ва икковлон қайикдан сувга ағдарилганлар; қулаётган Мэгвич қайиғимизни итариб юборгани ва полициячининг уни тутиб олишга уриниши оқибатида, қайик ағдарилиб кетган. Яна у менга, иккаласи бир-бирига ёпишиб олганича сувга чўкканларини, сув остида қаттиқ олишув бўлганини, кейин у бир интилишда сув юзасига чиқиб олиб, сузиб кетганини шивирлаб айтиб берди.

У айна ҳақиқатни ҳикоя қилиб бераётганига шубҳа қилишга асосларим йўқ эди. Қайикни бошқариб келган полиция зобити ҳам уларнинг сувга қулаганларини ўша гап-сўзлар билан айтиб берди.

Қовоқхонада соат учларгача бўлди, сув кўтарила бошлаганда эса, Мэгвични қирғоққа олиб бориб, қайикқа ётқиздилар. Герберт ва Стартоп Лондонга қуруқлик билан кетишлари керак эди. Видолашувимиз қайғули бўлди, қайикқа чиқиб, Мэгвичнинг ёнига ўтираётганимда, у тирик экан, энди менинг жойим шу ерда бўлишини ҳис қилаётгандим.

Негаки, унга бўлган нафратимдан энди асар ҳам қолмаган, қўлимни ушлаб ётган, қувғин, ярадор, кишанланган махбус қиёфасида саховатпеша бўлишни хоҳлаган ва узоқ йиллар давомида менга нисбатан самимий, миннатдорлик, олийжаноблик туйғуларини асраб келган одамнигина кўраётгандим. Унинг қиёфасида мен билан, менинг Жога муносабатимдан анча яхшироқ муносабатда бўлган инсоннигина кўраётгандим.

Унинг нафас олиши борган сари қийинлашар ва инграшдан ўзини тутта олмай қолаётган ҳолатлари кўпаяётган эди. Унинг бошини соғ кўлим билан ушлаб туришга уринар эканман, тезроқ куни битса, оғир азоблардан қутулган бўларди, деган фикрдан ўзим даҳшатга тушдим. Уни таний оладиган ва кўрсатма беришга тайёр одамларнинг топилишига шубҳа қилмасдим ва афв этилишига умидим йўқ эди. Ахир ўз пайтида маҳкамада унга фақат ёмон тавсиф беришга ҳаракат қилгандилар, ўшандан кейин у қамоқдан қочиб, яна судланган, ўлим хавфи борлигини била туриб сургундан қайтиб келган ва моҳиятан, ўзини тутиб олишларига сабабчи бўлган одамни ўлдирганди.

Ботаётган куёш томон сузиб борар эканмиз, кеча у орқа томонимизда ботганди ва умидларимиз дарёси тескари томонга тўлқинланаётгандек кўринар экан, мени деб Ватанига қайтиб келгани тўғрисидаги фикрдан эзилаётганимни айтдим.

– Азиз ўғлим, – жавоб қилди у, – нима воқеа рўй бермасин, мен мамнунман. Мен болагинамни кўра олдим, жентльмен бўлишни эса, у менсиз ҳам уддалайди.

Йўқ. Ёнида ўтирар эканман, бу тўғрида атрофлича ўйлаб улгургандим. Йўқ. Бу ёғи шахсий истак-хоҳишларимга боғлиқ эмасди, Уэммикнинг

сермаъно ишораларини энди тушуниб ета бошлагандим. Унинг устидан хукм чиқарсалар, бор мулки мусодара қилинишига шубҳа қилмаётгандим.

– Гапимни эшит, ўғлим, – деди у. – Жентльмен мени танишини одамлар энди билмаганлари маъкул. Олдимга тасодифан, Уэммика ҳамроҳ бўлиб келгандек бўлгин. Қасам ичираётганларида эса, – буниси энди охиргиси бўлади! – менга кўриниб турадиган жойга ўтир. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

– Ёнингиздан ҳеч қаёққа кетмайман, – дедим мен. – Рухсат берилган соатларда доимо сиз билан бўламан. Худо шоҳид, менга қанчалар садоқат кўрсатган бўлсангиз, сизга ҳам шундай содиқ қоламан.

Кўли титраётганини сездим: у қайикнинг четига юзини ўгириб олди, ва яна томоғидан менга таниш бўлган қулт этган товуш чиқди, лекин у, Мэгвичнинг ўзи каби, анча юмшоқ эди. Ва шуниси яхши бўлгандики, сўзларини эшита туриб, мени бадавлат одам қилиш нияти барбод бўлганини унга зинҳор билдириш керак эмаслигини фаҳмлаб қолдим, акс ҳолда бунинг фарқига жуда кеч бўлганда бориб қолишим мумкин эди.

## LV боб

Кейинги кун уни полиция маҳкамасига олиб боришди, шахсини тасдиқлаш учун сузувчи қамоқхонада назоратчи бўлиб ишлаган қарияга одам юбориш зарурияти бўлмаганида, ишини дарҳол кўрган бўлардилар. Унинг ким эканини билишарди, лекин бунга гувоҳлик бериши мумкин бўлган Компесоннинг жасадини аллақерда тўлқинлар оқизиб юрар, Лондонда бўлса, ўша вақтда, гувоҳлик бериши мумкин бўлган қамоқхона ходимларидан ҳеч кимни тополмадилар. Маҳкамага боришдан бир кун олдин, яъни қайтиб келган кунимок, мистер Жеггерсдан ёрдам сўраб, унинг уйига бордим ва мистер Жеггерс маҳбусга қарши кўрсатма бермаслигини ваъда қилди. Бошқа ҳеч бир тadbирнинг иложи йўқ эди. “Гувоҳ келганидан кейин, – деди мистер Жеггерс, – иш беш дақиқада ҳал бўлади ва ер юзидаги ҳеч қандай кучлар уни бизнинг фойдамизга ҳал қилиб бера олмайди”.

Мистер Жеггерсга режамни – Мэгвичга бор нарсасидан маҳрум бўлганини айтмоқчи эмаслигимни баён қилдим. Мистер Жеггерс жаҳл билан “пулларни қўлдан чиқариб юборганим” учун койиди ва мулкни ҳеч бўлмаса қисман сақлаб қолишга уриниб кўриш учун, кечикмасдан арзнома ёзиш керак бўлади, деди. Айни пайтда у, чиқариладиган ҳукмлар ҳар доим ҳам мол-мулкни мусодара қилишни кўзда тутмасалар-да, бу сафар мусодарадан қочиб бўлмаслигини менга очиқ айтди. Буни ўзим ҳам яхши тушунаётгандим. Маҳбусга қариндош эмасдим, тан олинган муносабатларимиз йўқ эди; қамоққа олингунига қадар у менинг фойдамга бирон-бир васиятнома ёки ҳадя васиқасини ёзмаганди, бу ишларни энди қилишдан наф йўқ эди. Унинг мулкига мен ҳеч қанақасига даъвогар бўла олмасдим; шунда, ушбу ҳуқуқни қўлга киритиш учун бесамар уринишлар билан дилимни оғритиб ўтирмайман, деб аҳд қилдим ва қароримни кейинчалик ҳам ўзгартирмадим.

Чўкиб ўлган айғоқчи, мусодара бўлган тақдирда каттагина мукофотдан умидвор бўлган ва Мэгвичнинг мулклари тўғрисида аниқ маълумотлар йиғган, дейишга асослар бор эди. Фалокат содир бўлган жойдан кўплаб чакирим нарида бадбашара бўлиб кетган жасадни ниҳоят топганларидан кейин, уни таниб олиш учун чўнтақларидаги нарсаларгина асос бўлди – ҳамёнида сақланиб қолган ёзувларда Мэгвичдан катта миқдорда омонат

пул қабул қилган Янги Жанубий Уэльсдаги банк эгасининг исми, анчагина киммат турадиган ер мулкларининг рўйхати қайд қилинганди. Мэгвич камоқхонада мистер Жеггерсга берган рўйхатга юқоридаги икки банд киритилганди. Бу сафар ушбу шўрпешонанинг омилиги унинг жонига оро кирганди: Мэгвич, модомики ишга мистер Жеггерс киришган экан, менинг ворислик ҳуқуқим таъминланишига бир лаҳзага бўлса ҳам шубҳа қилмади.

Уч кун ўтгач, маҳкама айбловчиси кутаётган гувоҳ етиб келди ва унчалар мураккаб бўлмаган тергов ниҳоясига етди. Мэгвичнинг суди бир ойдан кейин ўтадиган маҳкама мажлисига белгиланди.

Ҳаётимнинг ана шундай қийин палласидаги окшомларнинг бирида Герберт кайфияти бузилган ҳолатда уйга келиб:

– Азизим Гендел, тез орада сен билан хайрлашишга мажбур бўлсам керак, – деди.

Шериги томонидан огоҳлантириб қўйилганим учун, бу хабарни эшитиб, Герберт кутган даражада хайрон бўлмадим.

– Агар ҳозир Қохирага жўнаб кетмасам, жуда яхши имкониятларни бой берган бўламан, лекин, иккинчи томондан, сенга энг керак пайтимда кетиб қоламан.

– Менга ҳар доим кераксан, Герберт, чунки сени ҳар доим яхши кўраман; лекин ҳозир бошқа вақтдагидан кўпроқ кераксан, деёлмайман.

– Жудаям зерикиб қоласан.

– Бу тўғрида ўйлашга вақт йўқ, – дедим мен. – Биласан-ку, қанча вақтга рухсат берсалар, унинг ёнида шунча ўтираман, агар мумкин бўлганида, кун бўйи олдидан кетмасдим. Қолган фурсатларда ҳам хаёлларим барибир унда.

Мэгвич тушиб қолган даҳшатли ҳолатдан иккаламиз ҳам чуқур изтиробда эканимиздан, у тўғрида бошқа аниқроқ гапларни айтишга кучимиз етмасди.

– Азиз дўстим, – деди Герберт, – фақат айрилиқ яқин экани сабабли – у эса, жуда яқин – сенга савол беришга ботиняпман: келажагинг ҳақида ўйлаб кўрдингми?

– Йўқ, мен келажак тўғрисида ўйлашдан кўрқаман.

– Лекин ўзингни унутиб қўйишга ҳаққинг йўқ, бундай қилиш умуман ярамайди, азизим Гендел. Қани кел, шунча йиллик дўстлигимиз ҳурмати, ишларинг тўғрисида бир оз гаплашиб оламиз.

– Розиман, – дедим унга.

– Янги идорамизга, Гендел...

Одоб юзасидан керакли сўзни айтишга ботинмаётганини кўриб, унинг ўрнига ўзим айта қолдим – ...клерк керак бўлади.

– Ҳа, клерк. Ва, тушунишимча, вақти келиб у (ўзинг яхши таниган бир клеркка ўхшаб), бемалол шерикка айланиб қолиши мумкин. Хўш, Гендел... хуллас, азизим, менинг ёнимга боргин!

Гербертга қизгин миннатдорчилик билдирдим, лекин унинг олийжаноб таклифига ҳозир жавоб бера олмаслигимни айтдим.

Ўша ҳафтанинг шанбасидаёқ Гербертни бандаргоҳга олиб кетадиган почта аравасигача кузатиб қўйдим; дўстим ёрқин умидларга тўлиб-тошиб, лекин мен билан видолашаётганидан жуда хафа бўлиб, жўнаб кетди. Кичик бир қаҳвахонага кириб, у ердан Кларага, Гербертнинг жўнаб кетгани, унга ҳадсиз-саноксиз саломларини етказиб қўйишимни сўраганини маълум қилиб хат юбордим, кейин ёлғиз ўзим уйга йўл олдим – агар шундай дейиш жоиз бўлса, негаки энди уйдаман дея олмасдим ва дунёда мен энди уйим деб айта оладиган жой йўқ эди.

## LVI боб

Суд мажлисигача бўлган бутун муддат мобайнида Мэгвич қаттиқ бетоб бўлиб ётди. Унинг икки қовурғаси синиб, ўпкалардан бирига жароҳат етганди, кун ўтган сайин нафас олиши кийинлашар ва оғриқ берарди. Шунинг учун, у оғриқдан эшитилар-эшитилмас, жуда паст овозда гапирар ва кўпинча сукут сақларди. Лекин мени тўхтамасдан эшитишга тайёр эди, шу сабабли гапириш ва назаримда, унга энг зарур нарсаларни ўкиб бериш, асосий вазифам бўлиб қолди.

Вақт-соати келгач, мистер Жеггерс ишни кейинги мажлисга қолдиришни сўраб илтимоснома ёзди. У кейинги мажлисгача етиб бормайди, деган фикрда ушбу қадам қўйилганди, лекин илтимоснома рад этилди. Унинг ишини биринчилар қаторида кўрдилар. Судда уни стулга ўтқаздилар, менга, маҳбуслар ажратилган панжаранинг ёнида туриб, унинг қўлидан ушлаб туришга рухсат бердилар.

Ишни кўриш узоққа чўзилмади – ҳаммаси равшан эди. Уни ҳимоя қилиш учун айтилиши мумкин бўлган ҳамма нарса: сургунда қандай ҳалол меҳнат қилгани, қонуний йўллар билан бойлик орттиргани айтилди. Лекин унинг қайтиб келгани ва энди ҳакам ҳамда маслаҳатчилар олдида турганидан ҳеч ким кўз юмолмасди. Уни айнан шунинг учун маҳкамага тортганларини ҳисобга олганда, айбдор, деб тан олмасликнинг иложи йўқ эди.

Суд залини, ундаги ҳамма нарсани, ҳатто ойнадаги апрель қуёши нурларида ярқираётган ёмғир томчиларини ҳозир ҳам кўриб тургандекман. Унинг қўлини ушлаган ҳолатда, панжара олдида турибман; унинг орқасида ўттиз иккита инсон – эркаклар ва аёллар қатор қилиб турғизиб қўйилган: баъзилари писандсиз, бошқалари кўрқувдан ғужанак бўлиб олганлар, айримлари пиқиллаб ёки хўнграб йиғламоқдалар, айримлари юзларини қўллари билан беркитиб олганлар, бошқа бирлари хўмрайиб атрофга алангламоқдалар. Аёлларнинг баъзилари чинқириб юбордилар, лекин энди уларни тинчлантириб қўйишди, ўртага яна жимлик чўкди. Бўйинларига оғир занжирлар илиб, медалларини тақиб олган шерифлар, судда ўралашиб юрувчи майда-чуйда хизматчилару йирикрок ваҳшийлар, жарчилар, суд ижрочилари, театрдаги каби одамлар билан лик тўла зал – ҳамма эндиликда ҳакам билан юзма-юз қолган маҳкумларга тикилиб турибди. Ҳакам уларга қарата нутқ сўзламоқда. Кўз ўнгида турган бахтиқаролар ичида, деярли гўдаклигидан қонунни бузиб келаётган; бир неча марта қамокқа ташланиб, бошқа жазоларни ўтаганидан кейин маълум муддатга сургун қилинган; зўравонлик ишлатиб, у ердан усталик билан қочган, шундан кейин умрбод муддатга сургун қилинган, алоҳида қайд этилишга лойиқ бир одам бор. Жиноятларини амалга оширган жойлардан узоқларга бориб қолганидан кейин, у маълум муддат айбини тушунгандек бўлган ва осойишта, ҳалол турмуш кечирган. Лекин, аллақандай машъум соатларда, уни узоқ вақт жамиятимизнинг оғриқли ярасига айлантдириб келган васвасалар ва одатларнинг қутқуларига дош беролмай, маконини ташлаб, қонун ҳудудига киришни таъқиқлаган мамлакатга қайтиб келган. Бу ерда уни тезликда фош қилганлар, лекин маълум муддат у адлия идораларидан беркитиб юришга муваффақ бўлган; қочишга уриниш чоғида уни ушлаб олганларида эса, қаршилиқ кўрсатган ва атайлабми ёки ғазабдан нима қилаётганини билмай қолибми – буни энди ўзи яхши билади – бутун ҳаёти тарихидан хабардор бўлган ва уни фош қилган кимсанинг ўлимига сабабчи бўлган. Уни сургун қилган мамлакатга қайтиб келгани учун ўлим жазоси белгиланган,



кейинчалик айбини янада оғирлаштиргани учун у ўлимга тайёр туриши керак.

Ойналарда ялтираётган ёмғир томчилари орасидан куёшнинг ёруғ нурлари катта деразаларни ёритмоқда. Ҳакамдан ўттиз икки маҳкумга қараб ёғдудан ташланган йўлка уларни бир-бирига боғлаганди ва бу билан ҳамма нарсадан воқиф бўлган ва ҳеч қачон адашмайдиган, бошқа, абадий ҳакам эҳтимол, бу ерда ўтирганларнинг айримларига, вақти келиб, ҳакам ҳам, маҳкумлар ҳам тенг равишда унинг ҳузурига боришларини эслатиб кўймоқда эди. Ёғду тушиб турганидан юзи аниқ кўринган маҳкум, ўрнидан қийналиб турди ва: “Милорд, ўлим ҳукмини менга Яратганнинг ўзи чиқариб бўлган, лекин сизникини ҳам қабул қиламан”, деб яна жойига ўтирди.

Худодан ҳукми ижро этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекилгунга қадар унинг жонини олишини илтижо қилдим ва шундай бўлишига қаттиқ ишонардим. Лекин, узоқроқ яшаса-я, деган хавотирдан изтиробга тушиб, ўша куни оқшомдаёқ Ички ишлар вазирига арзнома ёзишга ўтирдим. Унда маҳкум тўғрисида ниманики билсам, ҳаммасини баён қилдим, Англияга фақат мени деб қайтганини алоҳида таъкидладим. Арзномани эхтирос, ҳиссиётларга берилиб ёздим, кейинги куни уни жўнатиб бўлиб, бошқа мансабдор шахсларга, ҳатто ҳазрати олийнинг номларига ҳам, афв этишларидан умидвор бўлмасам-да, яна арзномалар ёзиб чиқдим. Ушбу шикоят мактубларини ёзишга берилиб кетиб, ҳукм эълон қилингандан кейин бир неча кун ва тун давомида, стулда ухлаб қолганларимни ҳисобга олмаганда, ҳеч тиним билмадим. Уларни жой-жойига жўнатиб, ўша жойлардан нари кетолмадим: яқинроқда бўлсам, ҳаракатларим зое кетмайдигандек кўринаверди. Телбаларча ҳаяжон ва изтиробга берилиб, оқшомлари шикоятларим йўлланган катта идоралар ва саройлар жойлашган кўчаларни кезавердим. Ҳозир ҳам, баҳорнинг совуқ, чанг оқшомларида ғарбий Лондоннинг эшиклари тамбаланган данғиллама уйлари жойлашган, қатор, беҳисоб фонуслар билан ёритилган кўчалари менда ғамнок ўйлар уйғотади.

Кунлар ўтгани сайин Мэгвич шифтга бефарқ тикилган кўйи борган сари кўпроқ жим ётадиган бўлиб борар, у ёки бу сўзимни эшитганидагина бефарқ юзида жонланиш белгилари пайдо бўларди. Баъзан у умуман гапира олмай қолар, бундай пайтларда у жавоб ўрнига кўлимни сиқиб кўярди; бинобарин унинг истакларини тез тушунишни ўрганиб олгандим.

Қамоқхонага ўнинчи куни келганимда унда одатдагига қараганда кўпроқ ўзгариш борлигини сездим. Эшикдан узилмаётган кўзлари кириб келишим билан ёришиб кетдилар.

– Азиз ўғлим, – деди у каравотининг ёнига ўтирганимдан кейин, – кечга қоласан деб кўрқаётгандим.

– Вақт энди бўлди, – жавоб қилдим мен. – Дарвоза олдида ҳам кутиб турдим.

– Ҳар доим дарвоза олдида кутасан, шундайми, болагинам?

– Ҳа. Бир дақиқани ҳам йўқотмаслик учун.

– Раҳмат сенга, ўғлим, раҳмат. Яратган сенга соғлиқ ато қилсин. Мендан юз ўғирмадинг, ўғлим.

Индамай унинг кўлини сиқдим, негаки ундан юз ўғирмоқчи бўлган вақтларимни унутолмасдим.

– Ҳаммадан ҳам қадрлиси шуки, устимда қора булут пайдо бўлганидан бери куёш чиқиб турган кунлардагига қараганда, мен билан яхшироқ муносабатда бўляпсан. Энг қадрлиси ана шу.

– Азизим Мэгвич, энди сизга бу нарсани айтсам бўлади. Нима деяётганимни тушуняпсизми?

Бармоқлари билан қўлимни сал сиқиб қўйди.

– Бир вақтлар қизингиз бўлган, уни ардоқлагансиз ва йўқотгансиз.

Бармоқлари қўлимни қаттиқроқ сиқди.

– Қизингиз ўшанда тирик қолган ва обрўли одамларнинг тарбиясини олган. У ҳозир ҳам тирик. У обрўли, соҳибжамол малика бўлиб етишган. Ва мен уни севаман.

Сўнгги интилиш ва менинг ёрдамим билангина у қўлимни лабларига олиб борди, кейин яна кўкраги устига оҳиста қўйиб, қўллари билан уни ёпди. Яна бир лаҳзага бефарқ кўзлари шифтга тикилди, кейин юмилди, ва боши кўкраги устига эгилиб тушди.

Кейин, биргаликда биз нималарни ўқиганимизни эслаб, эҳромга ибодат қилиш учун кирган икки кишига хаёлим кетди ва унинг ўлим тўшаги ёнида айтиш учун қуйидагилардан яхшироқ сўзларни айта олмаслигимни тушундим: “Парвардигор! Гуноҳкор банданга шафқат қил!”

## LVII боб

Бир-икки кун дам диванда, дам ерда – қаерим оғриётганига қараб, бошим оғриб, оёқ-қўлларим қақшаб, мадорсиз ва ҳиссиз қимирламай ётдим. Кейин даҳшат ва надоматларга тўла бўлган ниҳояси йўқ тун бошланди.

Кўзларимни очганимда Жо деразанинг ёнига борди, менга орқа ўгириб, кўзини артди. Мен эсам ҳали жуда ҳолсизлигимдан, ўрнимдан туриб, унинг ёнига бора олмаганимдан, ётган жойимда шивирлаб, уни дуо қила бошладим: “Парвардигор, уни ярлақагин! Парвардигор, фаришталардек саховати учун уни ярлақагин!”

Жо яна ёнимга ўтирганида кўзлари кизариб кетганди, мен унинг қўлини ушлаб олгандим ва иккаламиз ҳам бахтиёр эдик.

– Қанча вақт, Жо, азизим?

– Қанча вақт касал ётганингни билмоқчимисан, Пип?

– Ҳа, Жо.

– Майнинг охири ҳозир. Эртага биринчи июн.

– Шунча вақт сен шу ерда бўлдингми, Жо, азизим?

– Шунақа шекилли, оғайни.

Эзмалик қилавериб, Жони қийнаб қўймаслик учун (бунга ҳолим ҳам йўқ эди), ўша куни мисс Хевишем тўғрисида ундан ҳеч нима сўраб ўтирмадим. Эрталаб, у тузалиб кетдими, деб сўрагандим, Жо бош чайқади.

– У ўлдими, Жо?

– Нималар деяпсан, оғайни, – деди Жо танбех бериб ва кўринишдан мени аста-секинлик билан тайёрлаб олиш учун, – фақат, билсанг... у йўқ...

– Тириклар орасида йўқми, Жо?

– Шундай дейилса, тўғри бўлади, – деди Жо. – У тириклар орасида йўқ.

– Кейин у узоқ ётдими, Жо?

– Сен бетоб бўлиб қолганингдан кейин, адашмасам – бир ҳафтача, – жавоб берди Жо аввалгидек мени аяшга ва ҳаммасини секин-аста маълум қилиш ниятига содиқ қолиб.

– Жо, азизим, унинг мероси тақдири тўғрисида ҳеч нарса эшитмадингми?

– Биласанми, оғайни, – деди Жо, – айтишларича у анча аввал ҳаммасини мисс Эстелланинг номига хатлаб қўйган экан, айтмоқчиманки, унга боғлаб қўйган экан. Лекин мусибатдан икки кун аввал ўз қўли билан васиятномага

кўшимча қилиб қўйибди – яхлит тўрт мингни мистер Мэтью Покетга қолдирибди. Энг кизиғи, нима учун унга яхлит тўрт мингни қолдирганини биласанми, Пип? “Номи юқорида зикр этилган Мэтью тўғрисида Пип билдирган фикрга асосланиб”. Биддининг айтишича у ерда айнан шундай, деб ёзилганмиш, – деди Жо ва роҳат қилиб тақрорлади: – “Номи юқорида зикр этилган Мэтью тўғрисидаги фикрга асосан”. Бир ўйлаб кўргин-а, Пип, яхлит тўрт минг!

Жонинг назарида “яхлит” сўзи нимани англатиши мен учун сир бўлиб қолаверди, лекин кўринишдан, шундай шаклда пулнинг миқдори унга янада кўпроқдек туюлаётганди, негаки тўртта мингталикни у яхлит, деб мамнуният билан тақрорламоқдайди.

Жонинг ҳикоясидан жуда хурсанд бўлдим. Бошлаган ягона эзгу ишимни ниҳоясига етганини кўриш насиб қилди. Ундан бошқа қариндошларга ҳам меросдан теккан-тегмагани тўғрисида нималар билишини сўрадим.

– Мисс Сарага, – деди Жо, – йилига йигирма беш фунт тегадиган бўлди, ўт пуфагини даволашга дори олади. Мисс Жоржианага йигирма фунт – вассалом. Миссис Кэмэлга, – Камиллани шундай айтаётганини тушундим, – кечалари уйғонганида зерикмаслиги учун шам сотиб олишга йилига беш фунтдан тегадиган бўлди.

Кўрсатмалар одамига қараб шунчалар аниқ берилгандики, Жонинг гапларига тўла ишондим.

– Энди, ошна, – деди Жо, сени яна бир янгилик билан сийлайман, шу билан бугунга тамом. Биласанми, қария Орлик нима ишлар қилиб қўйди? Бировнинг уйига ўғирликка тушибди.

– Кимнинг уйига? – сўрадим мен.

– У одам кўкрак керишни яхши кўради, бўлгани шу, – давом этди Жо айбдорларча хўрсиниб қўйиб, – лекин инглизнинг уйи – унинг кўрғони, кўрғонга фақат уруш шароитида бостириб кириш мумкин. Уни гуноҳсиз умр кечирди, деб айтиб бўлмаса-да, ҳар ҳолда у аллоф, ҳурматли одам эди.

– Ҳали улар Памблчукнинг уйига бостириб киришганми?

– Ҳа, Пип, ҳа, – деди Жо, – кунлик тушумни ва пул солинган қутисини олиб қўйишган, мусалласини ичиб, овқатларини еб қўйишган, роса савалаб, бурнини бир томонга деярли қийшайтириб қўйишган, ўзини каравотига боғлаб роса тепкилашган, қичқирмаслиги учун оғзини бир йиллик кўчатларнинг уруғлари билан тўлдиришган. Лекин у Орликни таниб қолган ва энди у камоқхонада.

Шу тарзда, қадам-бақадам биз юракдан суҳбатлашиш учун барча ихоталарни олиб ташладик. Мен ҳамон ҳолсиз эдим, лекин секин-секин, аммо ишонч билан қувватимга қувват қўшилаётганди. Жо бўлса, менда нари кетмасди ва хаёлимда мен яна кичкина Пипга айланиб қолгандек эдим.

Камина соғайиб, Жо қишлоққа кетгач, унинг орқасидан эски ва қадрдон устахонамизга йўл олиш ва ўша ерда ҳамма гапларни очиб ташлаш, ундан ўпқалаш ва хузурида тавба қилиш, ва ниҳоят, мавҳум бир нарса сифатида пайдо бўлиб, энди аниқ ва қатъий ниятга айланган мақсадни айтишдан бошқа нима ҳам қилардим?

Ниятим эса, Биддининг ёнига бориш, унга тавба қилганим ва тақдир ҳукмига бўйсунганимни, бир вақтлар орзу қилган ҳамма нарсани йўқотганимни айтишдан, узок ўтмишга айланиб қолган дастлабки изтиробларим палласида юракдан суҳбатлашганларимизни эслатишдан иборат эди. Кейин унга: “Бидди, менимча бир вақтлар мени севардинг, менинг телба қалбим эса, сендан нари кетишга ҳаракат қилса-да, ёнингда бўлсам, хотиржам ва шод бўларди, бундай

ҳис-туйғуни кейинчалик ҳеч қаерда топмадим. Агар мени, ҳеч бўлмаса аввалги муҳаббатингнинг ярмичалик сева олсанг, барча хатоларим ва изтиробларим билан қабул қила олсанг, хато иш қилиб қўйган болани кечиргандек, мени кечири олсанг (мен жуда ноқулай аҳволдаман, Бидди ва ёш боладек эркаловчи қўл ҳамда юпантирувчи сўзларга муҳтожман), умид қиламанки, илгаригига қараганда сенга озгина бўлса ҳам муносиброқ бўламан. Кейин Жо билан устахонада ишлайми ёки ўзимиз томонларда бошқа иш қидириб кўрайми, ёки аввал сенинг жавобингни эшитмоқчи бўлганим учун, таклиф қилганларидан рад жавобини берган иш жойи кутаётган узоқ мамлакатга сени олиб кетайми, ўзинг ҳал қиласан буни. Агар ҳаётимни баҳам кўришга розилик берсанг, азизам Бидди, ҳаётим яхши томонга ўзгаради, ўзим ҳам яхшироқ одамга айланаман ва сен ҳам бахтли бўлишинг учун иложи борича ҳаракат қиламан”, дейман.

Ниятим шундан иборат эди. Яна уч кун ўзимга тўла даволаниш учун вақт бериб, уни амалга ошириш учун кадрдон қишлоғимга йўл олдим. Бу ишни қанчалар амалга ошира олганим ҳикоямга хотима ясайди.

### LVIII боб

Келажакка мўлжалланган ажойиб умидларимнинг барбод бўлгани тўғрисидаги хабар кадрдон шаҳарчамизга мендан илгари етиб келганди. “Зангори қобон”да ҳамма нарсани билишар ва у ердагиларнинг муносабати хайратланарли даражада ўзгарганини сездим. Мулкка эгаликни қўлга киритганимда менга ёқиш учун айланиб-ўргилиб хизмат қилган “Зангори қобон”нинг хўжайини, энди омад мендан юз ўтирганида, жуда совуқ муомала қилаётганди.

Сабабини билмаганим ҳолда, устахонага назарим тушадиган сониядан кўрқа бошладим ва ниҳоят уни кўрдим, устахона ёпиқ эди. Ўчоқда олов ёнмас, учкунлар ёмғир бўлиб сочилмас, босқонлар овоз чиқармасдилар; устахона бўм-бўш ва сокин эди.

Лекин ҳаёт нафаси уйни тарк этмаганди, кўринишдан меҳмонхонага ҳам жон кирганди – очиқ турган деразада оқ парда хилпирар, тоқчасига ёрқин гуллар қўйилганди. Уйнинг ичига гултуваклар оша қарайман деган ниятда секин дераза томонга йўналдим ва кутилмаганда, ер тагидан чиққандек, қаршимдан қўл ушлашиб олган Жо ва Бидди чиқиб қолишди.

Бидди арвохимни кўраётгандек қичкириб юборди, лекин ўша лаҳзадаёқ бўйнимга отилди. Мен Биддининг очилиб кетганини ва латофатини кўриб, Бидди менинг озиб-тўзиб кетганимни кўриб, йиғлаб юбордик.

– Бидди, азизам, қанчалар ясанибсан!

– Ҳа, азизим, Пип.

– Сен ҳам, Жо, қанчалар ясанибсан!

– Ҳа, Пип, оғайни.

Мен Жога, кейин Биддига, кейин яна Жога қарадим, ва шунда...

– Бугун тўйим куни! – деди Бидди бахтидан тўлиб-тошиб. – Жога турмушга чиқяпман!

Улар мени ошхонага олиб киришди, бўялмаган стол ёнида бўйнимни эгиб ўтирдим. Бидди қўлларимни ўпар, Жо эркалаб, елкамни силамоқдайди.

– Ҳали кучга кирмаган одамни бирданига ҳайратга солиб қўйдинг, азизам, – деди Жо.

Шунда Бидди:

– Шунга ўйламаганимни қара, Жо, жуда ҳам хурсанд бўлиб кетибман, – деб жавоб берди.

Улар мен билан кўришиб турганларидан бахтиёр, ташрифимдан бошлари осмонга етган, шундай кунда тасодифан уйларига келиб, хурсандчиликларини тўқис қилганимдан завқу шавққа тўлиб кетгандилар!

Хаёлимга келган биринчи нарса, эндиликда барбод бўлган охирги умидим хақида Жонинг ҳеч нима билмагани учун тақдирга бениҳоя шукрона айтиш бўлди. Меникида яшаётганида неча маротаба унга бу тўғрида айтишга оғиз жуфтлагандим. Агар ўшанда Лондонда у бир соатга ушланиб қолганида ҳам, кайтариб бўлмайдиган сўзлар оғзимдан чиқиб кетган бўларди!

– Азизам Бидди! – дедим мен. – Бутун дунёда эрингдан яхшироқ эрни топа олмайсан, агар бетоблигимда менга қандай қараганини кўрганингда, сен уни... йўқ, йўқ, сени уни ҳозиргидан кўпроқ яхши кўрмаган бўлардинг.

– Ҳозиргидан кўпроқ яхши кўра олмасдим, бу тўғри, – деди Бидди.

– Сенга эса, Жо, дунёдаги энг яхши хотин насиб қилган ва у, азиз, олийжаноб, сахий Жони муносиб даражада бахтли қилади!

Жо менга қаради, лаблари титрай бошлади ва кўзларини енги билан яширди.

– Қадронларим, Жо ва Бидди, сизлар ҳозиргина черковдан қайтдингиз, одамларга меҳр ва саховатга тўласиз, менга қилган ва мен нонкўрлик билан жавоб қайтарган барча яхшиликларингиз учун камтарона миннатдорчилигимни қабул қилинг! Тез орада хорижга жўнаб кетаётганим сабабли бир соатдан кейин уйингизни тарк этаман. Жо, азизим, бор вужудим билан умид қиламанки, болаларингиз бўлади ва анави бурчакда қиш окшомларида ўша бурчакни бутунлай тарк этган бошқа бир болани эслатадиган кичкинтой ўғлинг ўтиради. Жо, унга нонкўр бўлганимни айтма; Бидди, бағритош ва адолатсиз бўлган, дема; унга фақат икковингизни садоқатингиз ва саховатингиз учун чуқур ҳурмат қилганимни, ва у мендан кўра яхшироқ одам бўлиб етишади, чунки у сизнинг ўғлингиз, деганимни айтиб беринглар.

– Ўйлаб топган нарсасини-чи, – деди Жо енгини юзидан олмай туриб, – унга ҳечам бу гапларни айтмайман. Бидди ҳам айтмайди. Ва ҳечким айтмайди.

– Энди эса, қалбингиз билан бу ишни қилганингизни билсам ҳам, иккалангиз менга “сени кечирдик”, денглар! Айтинглар ва мен сўзларингизни эшитиб, уларни ўзим билан олиб кетай, ўшанда бундан буён менга ишонишингизни ва аввалгига қараганда мен тўғримда яхшироқ фикрда бўлишингизни билиб юраман.

– Эҳ, Пип, менинг азиз ошнам, – деди Жо, – Худо шоҳид, кечирадиган нарсамнинг ўзи мавжуд бўлса, сени кечирдим!

– Омин. Мен ҳам, – деди Бидди.

– Энди юкорига чиқиб, хужрамни кўраман, у ерда бир оз ёлғиз қолмоқчиман. Кейин, дастурхонингиз атрофида еб-ичганимдан кейин, чорраҳадаги устунгача мени кузатиб қўйинглар!

Бор нарсамни сотиб, менга қарз берганларни тўловини ҳозирча у қадар шоширмайдиган даражада хотиржам қилдим-да, Гербертнинг ёнига жўнаб кетдим. Бир ойнинг ичида Англия худудидан чиқиб кетдим, икки ойдан кейин Кларрикер ва Компания ширкатига хизматчи бўлиб ишга кирдим, тўрт ойдан кейин эса, масъулиятли вазифани ишониб топширдилар. Гап шундаки, Тегирмон ҳовуз ёнидаги уйнинг шифтидаги ёғочлар қария Билл Барлининг ҳайқирикларидан қисирламай қўйгандилар ва Герберт Клара билан никоҳдан ўтиш учун жўнаб кетган, менга эса, йўқлигида Шарқий бўлимни бошқариб туришни топширганди.



Компанияга учинчи шерик бўлгунимга қадар узоқ йиллар ўтди; лекин мен Герберт ва унинг хотини билан хотиржам, сокин ҳаёт кечирдим, кам харажат бўлдим, аста-секин қарзларимни тўладим, Бидди ҳамда Жо билан доимо ёзишиб турдим. Фаолиятга қўшилганимдан кейингина, Кларрикер, сирни жуда узоқ сақлаб келганини айтиб, ҳақиқатни бошқа яширолмаيمان, дея Гербертга бор гапни айтиб берди. Шундай қилиб, Герберт ҳамма нарсадан хабар топди, ҳайратининг ва миннатдорчилигининг чеки йўқ эди, дўстлигимиз аввалгидан ҳам мустаҳкам қарор топди. Савдо уйимиз машҳур бўлиб кетди ёки қоплаб пул орттирдик, деб ўйлаш нотўғри бўларди. Биз ўта катта ишларга сармоя тикмасдик, лекин яхши обрў топдик, ҳалол ишладик ва қашшоқлик нима эканини билмадик. Буларнинг катта қисмига асосан Гербертнинг туганмас ғайрати ва тетиклиги туфайли эришдик; нега у менга ҳаётга мослашмаган одам бўлиб кўринди экан, деб ҳайрон бўлиб юриб, ҳаётга мослашмаган у эмас, мен бўлсам керак, деган хулосага келдим.

## LIX боб

Декабрь оқшомларининг бирида, қоронғи тушганига чамаси икки соатлар бўлганида, кадрдон уйимизнинг занжирига қўл теккизганимда, Жо ва Бидди билан учрашганимдан кейин ўн бир йил ўтганди. Эшикни оҳиста тақиллатдим, ҳечким эшитмади, секин ошхонага мўраладим. У ерда, ўзининг ўчоқ олдидаги эски жойида, ўша-ўша бақувват ва тетик, лекин сочларига оқ оралаган Жо трубкасини тишлаб ўтирарди; Жо тиззаси билан тўсиб ўтирган бурчакда эса, менинг митти курсичамда... мен – кичкина Пип оловга тикилиб ўтирардим!

– Сенинг шарафингга унга Пип, деб исм қўйдик, оғайни, – деди Жо болакайнинг ёнидаги курсига ўтирганимни кўриб (адашимнинг сочларини тўзғитиб ўтирмадим!), сенга бир оз бўлса ҳам ўхшашини хоҳладик, кўринишдан ниятимизга етдик шекилли.

Менга ҳам шундай кўринди. Эртаси куни тонгда кичкинтойни сайрга олиб чиқдим, бир-биримизни бинойидек тушуниб, мириқиб суҳбатлашдик. Қабристонда бўлдик, болакайни таниш ёдгорлик устига ўтқазиб қўйгандим, ўша баланд жойдан туриб у ушбу қавмнинг аъзоси Филип Пирипп, шунингдек, юқорида зикр этилганнинг рафиқаси Жоржиананинг қабрларини кўрсатди.

– Бидди, – дедим мен тушлиқдан кейин суҳбатлашиб ўтириб, қизалоғи қўлида ухлаб қолгач, – Пипни, вақтинчага бўлса ҳам ўзим билан олиб кетсам бўларкан.

– Йўқ, йўқ, – деди Бидди мулоимлик билан. – Сен уйланишинг керак.

– Герберт билан Клара ҳам шундай дейишади, лекин уйланишим даргумон, Бидди. Уларникида яшашга шунчалар кўникиб қолдимки, уйланиш хаёлимга ҳам келмаяпти. Аллақачон қари бўйдоққа айландим шекилли.

Бидди қизалоғига қаради, унинг қўлчасини ўпди, кейин ҳозиргина боласига теккан иссиқ қўлини кўлимга қўйди. Ушбу хатти-ҳаракат ва никоҳ узугининг теккизиб қўйилишида чуқур маъно бор эди.

– Азизим Пип, – деди Бидди, – уни аниқ соғинмаётганингга ишончинг қилми?

– Албатта... шунақа шекилли, Бидди.

– Менга, шунча йиллик дўстингга айт-чи. Уни бутунлай эсингдан чиқардингми?

– Бидди, азизам, ҳаётимда бўлиб ўтган ва қандайдир из қолдирган ҳеч бир катта ёки кичик воқеани унутганим йўқ. Лекин ўша мискинларча орзу,

бир вақтлар уни шундай атагандим, ўша орзу, Бидди, энди саробга айланган!

Лекин, шу сўзларни айтаётганимда ўша оқшомдаёқ эски уй жойлашган ерга бир ўзим бориб, уни ёдга олишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Ҳа, Эстеллани хотирламокчи эдим.

Унинг турмуши оғир кечгани, шафқатсиз муносабатда бўлган, мактанчоқ ва кизганчиқ, кўпол ва бетайин, деб ном чиқарган эридан ажрашгани қулоғимга чалинганди. Эрининг, отига қилган разилларча муносабати оқибатида рўй берган бахтсиз ходисада ҳалок бўлганини ҳам эшитгандим. Эстелла ундан қутулганига чамаси икки йил бўлган, ўйлашимча, у қайта турмушга чиқиб улгурганди.

Биз кечки овқатни эрта қилдик, эр-хотиннинг марҳамати билан, Бидди иккимизнинг самимий суҳбатимиздан кейин мен ҳали куннинг ёруғида шаҳарга етиб олиш имкониятига эга бўлдим. Шошмасдан қадам ташлаб, таниш жойларни кўздан кечириб, ўтган кунларни эслаб, Сатис Хауз турган жойга етиб борганимда, қоронғи тушиб бўлганди.

Энди бу ерда на уй, на пивоҳона, на бошқа бинолар бор эди. Кўҳна боғнинг деворларигина сақланиб қолганди. Хувиллаган майдон тахта девор билан ўраб олинганди, девор оша ичкарига мўралаб, қари чирмовиқ айрим жойларда яна кўкариб, шағал ва чиқинди уюмларига яшил гилам тўшаганини кўрдим. Девордаги эшик қия очик эди, уни кенгроқ очиб, ичкарига кирдим.

Пешиндан бошлаб ҳавода совук, кумушранг туман муаллақ туриб қолган, ҳатто ой ҳам уни тарқатиб улгурмаганди. Лекин туман оралаб юлдузлар кўринар, ой кўтарила бошлаган ва кеча зимистон эмасди. Уйнинг қайси қисми қаерда бўлгани, пивоҳона, дарвоза, бочкаларнинг жойларини хатосиз чамалай олардим. Ҳаммасини эслай туриб, боғнинг ўт-ўлан босиб кетган йўлкасига кўз югуртирарканман, унда танҳо кезаётган одам шарпасига кўзим тушди.

Афтидан у ҳам мени пайқаганди: қарама-қарши томондан келаётган шарпа тўхтаб қолди. Яқинроқ бориб, унинг аёл киши эканини кўрдим. Яна ҳам яқинроқ боргандим, у ортига ўгирилиб узоқлаша бошлади, лекин кейин, бир оз ўйлагандек бўлиб, ўзига етиб олишимга имкон берди... Шунда у тўсатдан сесканди ва нимадандир ҳайратга тушгандек, исмимни айтди.

– Эстелла! – деб қичкириб юбордим.

– Жуда ҳам ўзгариб кетганман. Қандай таний олдингиз, ҳайронман.

Дарҳақиқат, унинг ҳуснидаги ёшлиқ таровати энди йўқ эди, лекин тасвирлашга сўз ожиз виқор ва жозиба сақланиб қолганди. Ҳа, булар яхши эсимда эди, лекин ушбу мағрур нигоҳларда илгари ҳечам бунчалар сокин қайғуни кўрмагандим; бир вақтлар ҳиссиз бу қўлнинг бунчалар дўстона тегинишини сезмагандим.

Биз боғ курсисига ўтирдик:

– Шунча йил ўтиб, илк учрашувимиз бўлиб ўтган айнан шу ерда кўришиб турганимиз қанчалар ғайриоддий! Бу ёққа тез-тез келиб турасизми? – дедим унга.

– Ўшандан бери бир марта ҳам келмадим.

– Мен ҳам.

Ой кўтарилаётганди, ва мен, оппоқ шифтга тикилган, эндиликда сўниб бўлган, бефарқ кўзларни эсладим. Ой кўтарилаётганди, фоний дунёда қулоғига кирган охирги сўзларни айтганимда, қўлимни қандай сиққанини эсладим.

Эстелла иккимизни қийнаб турган ноқулай сукунатни биринчи бўлиб у бузди.

– Бу ерга келишни кўп марталаб орзу қилдим ва умид боғладим,

лекин турли воқеалар йўл бермай келдилар. Эссиз, эссиз, кўҳна уй!

Кумуш туман оининг илк нурларидан сесканди, шу нурларнинг ўзи унинг ёнокларидан оқиб тушаётган кўз ёшларини ёритди. Ийглаётганини сезганимни Эстелла билмади ва ҳаяжонини босиб олиб, деди:

– Бу ерда юрганингизда ҳамма нарсанинг бундай аҳволга тушиб қолганига хайрон бўлгандирсиз?

– Ҳа, Эстелла.

– Ер менга қарашли. Қўлимдан чиқиб кетмаган ягона мулк шу. Қолган ҳамма нарсани бирин-кетин йўқотдим, лекин ерни сақлаб қолдим. Ўтган барча кўнгилсиз йиллар давомида уни қўлдан чиқармаслик учун қатъият ва сабот билан курашиб келдим.

– Бу ерга янги уй тушадими?

– Ва ниҳоят шундай. Бу жойлар ўзгариб кетишидан аввал улар билан хайрлашиш учун келдим. Сиз-чи, – деди Эстелла, унинг овозида дарбадар одамга хуш ёқадиган ҳамдардлик бор эди, – ҳали ҳам хориждамисиз?

– Ҳали ҳам.

– Ишларингиз яхшидир?

– Кўп ишлайман, оз нарсага қаноат қиламан, шунинг учун... ҳа, ишларим яхши.

– Сиз ҳақингизда кўп ўйладим, – деди Эстелла.

– Ростдан ўйладингизми?

– Кейинги пайтларда жуда ҳам кўп ўйладим. Қадрига етмай, ўзимдан нари қувганларимни эсламай юришга интилган давр – ҳаётимнинг узоқ давом этган қийин палласи бўлди. Лекин ушбу хотираларим бурчимга зид бўлмай қолганидан буён, қалбимдан уларга жой ажратдим.

– Менинг қалбимда сиз ҳар доим яшаб келгансиз, – жавоб қилдим мен. Ва биз яна жим қолдик.

– Бу жойлар билан хайрлашаётиб, сиз билан видолашиш насиб қилишига деярли умид боғламагандим, – деди Эстелла яна биринчи бўлиб жимликка чек кўяркан. – Шундай бўлиб чикқанидан жуда хурсандман.

– Яна хайрлашаётганимиздан хурсандмисиз, Эстелла? Айрилиқ мен учун ҳар доим оғир. Сўнги марта сиз билан қандай хайрлашганимни эслаш мен учун оғрикли бўлиб келган.

– Лекин сиз менга: “Яратган сизни афв этсин ва ярлақасин!” дегандингиз, – жиддий эътироз билдирди Эстелла. – Ҳамонки, сиз ўшанда буларни айтган экансиз, азоб, деб аталмиш энг талабчан устоз қалбингизда нималар кечганини менга уқтира олган бугунги кунда ҳам айта оласиз. Ҳаётда кўп зарбалар едим, синдим, лекин яхши томонга ўзгардим, деб ўйлагим келади. Бир пайтлардагидек, менга нисбатан самимий ва кечиримли бўлинг ва бизлар дўстмиз, деб айтинг.

– Бизлар дўстмиз, – дедим мен ўриндиқдан туришга унга кўмаклашар эканман.

– Ва дўст бўлиб қоламиз, – деди Эстелла.

Унинг қўлидан ушлаб олдим ва биз вайрона жойлардан нари кетдик; яна узоқ ўтмишда, мен биринчи марта устахонани тарк этган, субҳидам тумани кўкка ўрмалаган вақтлардагидек, кечки туман юқорига кўтарилар, ва кўз ўнгимдаги ой нурига чўмилган бепоён кенгликлар Эстелла билан навбатдаги айрилиқ соясидан фориг эди.

(Тамом)

## ГУЛБАДАНБЕГИМ

(1522–1603)

### ҲУМОЮННОМА<sup>1</sup>

*Форс тилидан*  
*Аҳмад ҚУРОНБЕКОВ*  
*таржимаси*

Подшоҳ ҳазратлари Хожа Касакка Сиви тарафга бориб, Мирулло Дўстга айт, бизнинг олдимизга келиб кўрсалар, яхши бўларди, деб айтдилар. Ўша Хожа Касак Сивига қараб кетди. Ҳазратлари [подшоҳ] то сен келмагунингча бу ердан кўчмаймиз, дедилар. У Сивига яқин борганида Маҳмуд қарвонбоши уни тутиб: “Бу ерга нима иш билан келдинг?” – деб сўрайди. У: “От ва туя сотиб олиш учун”, – дейди. У: “Бунинг ёнини ва бош кийимини текширинглар, эҳтимол, Оллоҳ Дўст ва Бобо Жужукқа вожиб фармон келтирган бўлса”, – дейди.

Уни тинтув қилишганда, ёнидан хат чиқади, у хатни бироқ ёкка бекитишга улгурмаган эди. Уни олиб ўқийди ва қайтиб бермайди. Ўша заҳоти Оллоҳ Дўст ва Бобо Жужукни қалъанинг ичкарасига олиб киради ва уларга анвои кўполликлар кўрсатади. “Бизнинг бу келишингдан хабаримиз йўқ, бу киши менинг кўлимда сабоқ олган ва Хожа Ғозий бизга яқинлик жиҳати бор эди ва Мирзо Комроннинг олдида эди, шунинг учун хат ёзган”, – деб қасам ичади. Маҳмуд Касакни бир гуруҳ хамроҳлари билан Шоҳ Ҳусайн ҳузурига жўнатишга қарор қилди. Мируллоҳ билан Бобо Жужук кечаси билан Маҳмуднинг олдида қолиб, уни юпатдилар ва уни тутқундан халос қилдилар.

Мирулло Дўст ҳазратларига [подшоҳ] уч юз анор ва юз беҳи бериб жўнатдилар ва кўлга тушишдан кўрқиб арзларини ёзмадилар. Аммо: “Агар Мирзо Аскарининг ёки амирларнинг арзномаси етиб келган бўлса, подшоҳ ҳазратларини кўришни хоҳласалар, Кобулга борса ёмон бўлмайди, акс ҳолда Кобулга боришни маслаҳат кўрмаймиз. Ахир ҳазратларининг одамлари кам, Худо билади, не ҳодисалар рўй бермайди”, – деб оғзаки айтиб юбордилар. Касак келиб арзга етказди.

Ҳазратлари “Энди нима қилсам экан?” деб ҳайратланиб, ўйга толдилар. Кенгаш қилдилар. Турди Муҳаммадхон ва Байрамхон кенгаш бердиларки, Қандаҳорга чегарадош Шимолиён ва Шоли Мاستонга азимат қилишдан ўзга чора йўқ. Чунки ана шу атрофда афғонлар кўп, уларни ўз томонимизга тортамиз. Мирзо Аскарининг амирлари ва мулозимлари ҳам биз томонга қочиб ўтсалар керак, дедилар.

Ахири ўзаро шундай қарорга келишиб, кўчама-кўча Қандаҳорга қараб силжидилар.

Шоли Мастон яқинидаги Рали номли манзилга қўндилар ва бу ерда ёмғир,

<sup>1</sup> Охири. Боши ўтган сонларда.

қор ёғиб, ниҳоятда ҳаво совуқ эди. Бу ердан Шоли Мастонга қараб кетишга қарор қилинганди. Намози аср вақтида бир ўзбек йигит қирчанғи отда келиб наъра тортди ва “Ҳазратлари тезда отлансинлар, йўлда гапимни арзларига етказаман, вақт кам ва ҳозир гапириб ўтиришга фурсат йўқ”, – деди.

Ҳазратлари ўша заҳоти отга миндилар, шовкин-сурон бошланди ва подшоҳ йўлга тушдилар. Икки ўқ етар масофага борганларида подшоҳ ҳазратлари Ҳожи Муаззам ва Байрамхонни Ҳамида бонубегимни келтиришга юбордилар. Булар келиб бегимни отлантирдилар ва Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳни ҳам олиб кетишга имконлари бўлмади. Бегим подшоҳга қўшилиш учун ўрдадан чиқиши ҳамано Мирзо Аскарый икки минг отлиқ билан кириб келдилар ва тўс-тўполон кўтарилди.

Етиб келиши биланоқ ўрданинг дарвозасига шошилдилар ва: “Подшоҳ қаердалар?” деб сўрадилар. Одамлар: “Овга кетганларига анча вақт бўлди”, – дедилар. Ва чиқиб кетишга улгурганини билдилар. Ахири Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳни бирга олиб, ҳамма подшоҳ одамларини ўлдириб, Қандаҳорга олиб кетдилар. Муҳаммад Акбар подшоҳни ўз аёли Султонимбегимга топширдилар. Мирзо Аскарыйнинг аёли Султонимбегим ўта меҳрибонлик кўрсатиб ғамхўрлик қилдилар.

Подшоҳ отга миниб тоғ тарафга юзландилар ва тўрт қуруқча йўл босдилар ва шундан сўнг шиддат билан олға юрдилар.

Ўша пайтда: Байрамхон, Хожа Муаззам, Хожа Ниёзий, Надим кўка, Равшан кўка, Ҳожи Муҳаммадхон, Бобо Дўст бахши, Мирзо Қулибек Чўлий, Ҳайдар Муҳаммад Ахтабеги, Шайх Юсуф Чўлий, Иброҳим эшик оғо, Яъқуб қўрчи, Анбар нозир, Малик Мухтор, Сунбул Мирҳазор, Хожа Касакдан иборат жамоат унинг мулозаматида эдилар.

...Ака-укаларнинг ўзаро келишмовчилиги ва амирларнинг орасида ҳамжиҳатлик йўқлигидан, чорасиз қолиб, шундай маслаҳатга келишдики, барча мавжудотларнинг сабабчиси ҳазратларига таваккал қилиб, Хуросонга кетишга азми қарор қилишди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ахири Хуросон минтақасига етиб келишди.

Ҳилманд дарёсига етиб келганида Шоҳ Таҳмос бу хабарни эшитиб, Ҳумоюн подшоҳни шу кўйга солган ва борлиқнинг яратувчиси бу ерларга олиб келган бу кажрафтор ва ғаддор ва нофаржом фалакнинг ишларидан хайратга тушиб, фикрга толдилар.

Барча аҳоли ва валийлар, олийзот ва олийнасаблар, катта-кичикни жамлаб подшоҳ ҳазратларига пешвоз чиқардилар. Улар ҳаммаси Ҳилманд дарёсигача келишди ва шоҳ [Таҳмос]нинг укалари Баҳром мирзо, Алфоз мирзо ва Сом мирзо ҳаммани уларнинг истикболига жўнатди. Барчалари шоҳ ҳузурига келдилар ва иззат-икром билан ҳазратларини олиб келдилар.

Яқинроқ етиб борганларида шоҳнинг укалари унга хабар бердилар. Шоҳнинг ўзи ҳам отга миниб, ҳазратларининг истикболига чиқдилар. Улар бир-бири билан дийдор кўришишди. Бу икки юксак мартабали подшоҳнинг ошначилиги ва ҳамжиҳатлиги худди бир пўст ичидаги икки бодом мағзининг бир-бирига яқинлигидай эди. Улар орасидаги ихлос ва иттифоқ шу даражага етдики, ҳазратлари у ерда бўлган бир қанча муддат ичида кўпинча шоҳ уларнинг манзилларига келардилар ва шоҳ келмай қолган куни ҳазратлари уларнинг ҳузурига ташриф буюрардилар.

Хуросонда бўлган даврларида ҳамма боғу бўстонларни ва Султон Ҳусайн мирзо барпо қилган ва ундан олдин қурилган олий иморатларнинг барчасига сайр қилдилар ва Ироқда бўлган пайтларида саккиз марта



овга чикдилар. У [шоҳ Таҳмос] ҳар гал овга чиққанларида ҳазратларини ҳам таклиф қилардилар.

Ҳамидабонубегим ё кажавада ё тахтиравонда ўлтириб томоша қилардилар. Шоҳнинг синглиси малика Султоним отга миниб шоҳнинг орқа томонида турардилар. Ҳазратлари: “Овда шоҳнинг орқасида бир заифа отга миниб турарди ва унинг жиловида бир оппоқ соқолли турарди”, – деб гапиргандилар. Одамлар: “Бу шоҳнинг синглиси малика Султоним”, – дердилар. Хулласи калом, шоҳ [Таҳмос] ҳазратларига хаддан зиёд меҳрибонлик ва мурувват кўрсатар ва оналарча ва оталарча мушфиқ ва ғамхўрлик қилардилар.

...Шу орада ўзининг вафодорлиги ва собиқ хизматларига қарамай, ўша бегона ва хавф-хатарга тўла юртда бевафолик қилди.

Подшоҳ ҳазратларининг туморларида бир неча дона қимматбаҳо лаъл бўларди. Ҳазратлари ва Ҳамидабонунинг ўзлариёқ биларди. Учинчи киши булардан хабари йўқ эди. Агар подшоҳ бирон жойга ташриф буюргудай бўлса, бу туморни Ҳамидабонубегимга топширарди. Бир куни бегим бошини ювишга кетдилар. Ўша туморни кир ўрайдиган сочикқа тугиб, подшоҳ каравотининг бош томонига бекитдилар. Равшан кўка фурсатни бой бермай, бешта лаълни ўғрилайди ва Хожа Ғозий билан тил бириктириб, уларни Хожа Ғозийга топширади ва бир оз вақтни ўтказиб, сарфламоқчи бўлишади.

Ҳамидабонубегим бошини ювиб қайтганидан сўнг подшоҳ ҳазратлари ўша туморни бегимга бердилар. Бегим кўлида турган туморнинг вазни камайиб қолганини дарҳол пайқайди. Бегим буни подшоҳга айтади.

Ҳазратлари: “Бу қанақа гап бўлди, сиз билан мендан бошқа учинчи кишининг бундан хабари йўқ эди. Нима бўлганикан? Ким олганикан?”, – дедилар. Улар ҳайрон бўлиб қолдилар.

Бегим укалари Хожа Муаззамга, шундай иш бўлди, деб айтади. “Агар шундай бир пайтда укалик бурчингизни бажо келтирсангиз ва бу ишни ортиқча шов-шувсиз бир йўлини қилиб, сўраб-суриштирсангиз, мени бу хижолатпазликдан қутқарсангиз, йўқса, то тирик эканман, подшоҳнинг олдида юзим шувит бўлади”, – дейди.

Хожа Муаззам: “Хаёлимдан бир фикр ўтди: мен подшоҳ ҳазратларига яқинлигимга қарамай, бир ориқ қирчанғи от сотиб олишга қувватим келмайди. Хожа Ғозий ва Равшан кўка, аксинча, ўзларига тўбичоқ отлар сотиб олишган, лекин ҳали тилласини беришмаган. Уларнинг бу харидлари бир нарсага умидворлиги бўлмаса, бежиздан эмас”, – дейди.

Бегим эса: “Эй, ука, опа-укаликни кўрсатиш вақти келди. Бу олди-сотдини, албатта, суриштириш керак”, – дейди. Хожа Муаззам: “Моҳи чечам, сиз ҳеч кимга бу гапни айтманг. Иншоолло, ҳақ жойида қарор топади, деб умид қиламан”, – дейди.

Бу ердан тўғри ўша савдогарларнинг олдига боради ва улардан: “Бу отларни қанчага сотдингиз? Бу отларга қачон тилласини берасиз? Ваъда қилишган тиллаларни қай тариқа адо қиласиз?” – деб сўрайди. Савдогарлар: “Бизга бу икки шахс лаъл берамиз деб ваъда қилишди ва отларни олиб кетишди”, – дейдилар.

Хожа Муаззам у ердан Хожа Ғозийнинг хизматкори олдига келади. Ундан: “Хожа Ғозийнинг кийим-кечак бўғчаси ва бор буди-шуди қаерда туради?” – деб сўрайди. Хожанинг еtimi айтадики: “Бизнинг Хожамизнинг бўғча ва нари-бериси йўқ, битта тақияси бор, уни ухлаётганида гоҳи бошига, гоҳи кўйнига солиб ётади”, – дейди.

Хожа Муаззам гап нимадалигини фаҳмлайди ва кўнглига тугиб кўядики, ўша лаъллар Хожа Ғозийнинг қўлида ва ўша тақиясида сақламоқда. У ҳазратларининг олдига келиб: “Мен Хожа Ғозийнинг тақиясида ўша лаълларнинг дарагини топдим. Мен бир йўлини қилиб, уни ўғирламоқчиман. Агар Хожа Ғозий ҳазратларининг олдига келиб, мендан шикоят қилса, ҳазратлари менга ҳеч нарса демасинлар”, – дейди. Ҳазратлари буни эшитиб, табассум қиладилар.

Хожа Муаззам ўша кундан бошлаб, Хожа Ғозийга ҳазил-мутойиба ва кочириш қила бошлайди.

Хожа Ғозий келиб, подшоҳ ҳазратларига арз қиладики, “Мен бир бечораҳол кишиман, ўзимга яраша обрў-иззатим бор ва бу қандай гапки, Хожа Муаззам кичик ёшда бўлишига қарамай, бу бегона вилоятда мен билан ҳазил-мутойиба ва мазах қилади ва мени таҳқирлайди?” – деди. Подшоҳ ҳазратлари: “Ҳечқиси йўқ, ёши кичик, бирон нарса хаёлига келиб қолган ва бу дилхираликлардан бир оз кўнгили очиш учун беадаблик қилган бўлса керак, сиз ҳеч нарсани кўнглингизга олманг, у ёш бола”, – дейдилар.

Бошқа куни Хожа Ғозий девонхонага келиб ўтирган эди. Хожа Муаззам уни ғафлатда қолдириб, тақиясини бошидан юлиб олади. Унинг ичидан тенги йўқ лаълларни олиб, подшоҳ ҳазратлари ва Ҳамидабонубегимнинг олдиларига олиб келиб кўяди. Подшоҳ ҳазратлари табассум қиладилар, Ҳамидабонубегим хурсанд бўладилар ва Хожа Муаззамга офаринлар ва раҳматлар айтишади.

Хожа Ғозий ва Равшан кўка ўз қилмишларидан шарманда бўлиб, ҳар иккаласи шоҳ [Таҳмос]нинг олдига боришади ва шоҳга хуфёна бир нарсаларни етказишади, шу қадар гапларни айтишадики, шоҳнинг кўнглида хиралик пайдо бўлади.

Подшоҳ ҳазратларига маълум бўладики, шоҳ Таҳмоснинг ихлос ва эътиқоди бурунгидай эмас. Дарҳол қанча лаъл ва жавоҳири бўлса, ҳаммасини шоҳга тортиқ қилиб жўнатадилар. Шоҳ Таҳмос подшоҳга айтадики, бизни бир-биримиздан бегона қилган Хожа Ғозий ва Равшан кўканинг гуноҳи, дейди, бўлмаса биз сизни ўзимиз билан битта одам ҳисоблардик.

Ҳар иккала подшоҳ қайтадан яқдил бўлишди ва бир-бирига нисбатан кўнглидаги ғуборни чиқариб юборишди ва ўша икки ҳаромхўр ҳар иккала подшоҳ томонидан рад қилинди. Подшоҳ ҳар иккаласини шоҳ Таҳмосга топширди. У лаълларни қандай қилиб бўлса ҳам, қачон бўлса ҳам, қайтиб олдилар, уларни эса зиндонга солишни буюрдилар.

Подшоҳ ҳазратлари Ироқда бўлган даврларини охиригача кайф-сафо билан ўтказдилар ва шоҳ турли йўллар билан кўнгилиларини кўтарар ва подшоҳ ҳазратларига ажибу ғариб совғалар жўнатар эдилар. Ниҳоят ўз ўғлини, хонлар ҳамда султонлар ҳамда амирларини подшоҳ ҳазратлари билан бирга ёрдамга тайинлаб, кўнгилидагидай яроқ, чодир утовлар, соябону айвонлар, ипак гиламлар, терма шолчалар ва ҳар хил уй анжомларидан кераклигича: тўшакхона, хазиначона, ҳар хил корхоналар; бовурчихона (ошхона) ва подшоҳона мулозимлар хонаси тайёрлаб, қутлуг соатда бу икки подшоҳи олиймақом бир-бирларига рухсат беришди.

Подшоҳ ҳазратлари у ердан Қандаҳор томонга йўл олдилар. Подшоҳ ҳазратлари ўша пайтда бу икки бевафонинг [Хожа Ғозий ва Равшан кўка] гуноҳини шоҳдан тилаб, уларни кечириб, ўзлари билан бирга Қандаҳорга олиб кетдилар.

Подшоҳ ҳазратларининг Хуросондан қайтиб Қандаҳорга келаётганини эшитган Мирзо Аскарӣ Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳни Кобулга – Мирзо Комроннинг ҳузурларига жўнатдилар. Мирзо Комрон уни бизнинг аммамиз Хонзодабегимга топширдилар.

Аммамиз уни олиб боққанларида Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ икки ярим ёшда эди. Уни жуда яхши кўрардилар. Унинг қўлоёғини ўпардилар ва худди укам Бобуршоҳнинг қўл-оёқларининг ўзгинаси, жудаям ўхшаш, дердилар.

Подшоҳ ҳазратларининг Қандаҳорга келганлари аниқлангач, Мирзо Комрон Хонзодабегим ҳазратларига ялиниб-ёлвориб: “Сиз давлат томонидан подшоҳнинг ҳузурига – Қандаҳорга боринг, бизни яраштириб кўйинг”, – деб сўранарди.

Хонзодабегим ҳазратлари Акбар подшоҳни Мирзо Комронга топширдилар, Мирзо Комрон ўз аёлларига топширдилар ва зудлик билан Қандаҳорга кетдилар.

Подшоҳ ҳазратлари Қандаҳорга келганларидан сўнг, Мирзо Комрон ва Мирзо Аскарӣни қирқ кун қамал қилдилар. Сўнг Байрамхонни Мирзо Комроннинг олдига элчиликка юбордилар.

Мирзо Аскарӣ ожиз ва забун ҳолатда ташқарига чиқиб гуноҳидан ўтишларини сўради ва подшоҳ ҳазратларининг хизматларига етишди. Подшоҳ ҳазратлари Қандаҳорни олиб, зафар кучдилар ва шох [Тахмос]нинг ўғлига бердилар. Бир неча кундан сўнг шохнинг ўғли тоби қочиб ўлди. Подшоҳ ҳазратлари Байрамхон келганидан кейин Қандаҳорни унга бердилар.

Ҳамидабонубегимни ҳам Қандаҳорда қолдириб, Мирзо Комроннинг орқасидан йўлга тушдилар.

У билан бирга кетаётган Хонзодабегим Қабалҳак деган жойга етганда уч кунгача иситмалади. Табиблар тузатишга қанча уринмасин, фойдаси бўлмади.

Тўртинчи куни сана тўққиз юз эллик бирда Ҳақ раҳматига етишдилар. Уша Қабалҳак мавзесида дафн қилдилар. Уч ой ўтгандан сўнг олиб келиб, подшоҳ отам ҳазратларининг мақбарасига кўйдилар.

Мирзо Комрон Кобулда бўлган бир неча йил давомида ҳеч қачон юриш қилмагандилар. Подшоҳ ҳазратларининг келишларини эшитиб, уларнинг бирданига чопқин яшашга ҳаваслари кўзиб қолди. Чопқин яшаш учун ҳазоралар<sup>1</sup> томонга жўнади.

Шу аснода дарвишлик гўшасини ихтиёр қилган Мирзо Ҳиндол, подшоҳ ҳазратларининг Ироқ ва Хуросондан қайтганлари ва Қандаҳор устидан ғалаба қозонганларини эшитиб, фурсатни ғанимат билиб Мирзо Ёдгор Носирни сўратиб: “Подшоҳ келиб Қандаҳорни фатҳ қилибди. Мирзо Комрон сулҳ тузиш учун Хонзодабегимни жўнатган эдилар. Подшоҳ бу тариқа сулҳни қабул қилмадилар. Подшоҳ ҳазратлари Байрамхонни элчи қилиб жўнатгандилар. Мирзо Комрон Байрамхоннинг сўзларига кўнмадилар. Ҳозир подшоҳ Қандаҳорни Байрамхонга топшириб, Кобулга қараб келмоқдалар. Келинг, бизу сиз бир-биримиз билан аҳду паймон қилиб, ҳийла билан подшоҳ ҳазратлари олдига етиб олайлик”, – деди. Мирзо Ёдгор Носир рози бўлди. Бу икков ўзаро аҳду паймон туздилар.

Мирзо Ҳиндол: “Сиз қолишдан қочишни афзал кўринг. Мирзо Комрон эшитгач, албатта, менга, Мирзо Ёдгор Носир қочибди. Сиз бориб

<sup>1</sup> Ҳазора – жой, кенг, қасабага ўхшаш ҳудуд. Самарқанднинг Жомбой туманидаги “Ғазира” деган шаҳарча номи шу сўздан олинган бўлса, аҳтимол (мух.).

кўнглини тинчитиб олиб келинг, дейиши аниқ. Мен боргунимча сиз аста-секин кетаверинг. Мен етиб олганимдан сўнг, иккаламиз биргалашиб имкон борича тезроқ подшоҳ ҳазратларининг хизматларига етишамиз”, – дейди. Мирзо Ёдгор Носир қарорни бир жойга қўйиб қочади. Мирзо Комронга хабар кетади. Мирзо Комрон шу ондаёқ қайтиб Кобулга келади ва Мирзо Ҳиндолни тилатиб: “Сиз бориб Мирзо Ёдгорнинг кўнглига таскин бериб олиб келинг”, – дейди. Улар шу заҳоти отга миниб, бор кучи билан унга етиб ҳамроҳ бўлади. У ердан илгарилаб, беш-олти кунда келиб, ҳазратларининг хизматларига мушарраф бўладилар. Улар ҳазратларига Такия Ҳимор йўли билан кетиш керак, деб арз қиладилар.

Сана тўққиз юз эллик бир муборак рамазон ойининг тўққизида Такия Ҳиморга тушдилар. Ўша куниёқ Мирзо Комронга хабар етиб борди. Мирзо Комрон бир ажиб изтиробга тушди. Ўша заҳоти чодирларни олиб чиқиб, Гузаргоҳ қаршисида тикди.

Подшоҳ ҳазратлари рамазон ойининг ўн бири куни Жулга тепадан тушдилар. Мирзо Комрон ҳам жанг қилиш мақсадида унинг рўпарасига тушди. Шу орада Мирзо Комроннинг ҳамма амирлари ва сипоҳийлари қочиб келиб, подшоҳ ҳазратларининг оёқларини ўпишга мушарраф бўлдилар.

Мирзо Комроннинг донғи кетган амирларидан бири Бопус ўз жамоаси билан қочиб келиб, ҳазратларининг пой-қадамларини ўпишга муяссар бўлдилар.

Мирзо Комрон якка-ёлғиз қолдилар. Теварак-атрофида ҳеч ким қолмаганини кўргач, донғи кетган амирларидан бўлган Бопуснинг уйи шу яқинда эди, бориб унинг эшик-деворини бузиб, вайрон қилдилар. Аста-секин юриб, Наврўзий боғи ва Гулруҳбегим қабристони олдидан ўтиб, ўн икки минг отлиғини ташлаб кетдилар.

Қоронғи тушгач, ўша йўл билан кўл ёқасидаги Бобо Даштийга келиб тўхтадилар ва Мирзонинг катта қизи Ҳабибабегим ва Мирзо Комроннинг ўғли Иброҳим Султон мирзо ва Хизрхоннинг акасининг қизи Ҳазорабегим, бегим ҳарамининг синглиси Моҳбегим, Ҳожибегимнинг онаси Мехрафруз бека ва Боқи кўканинг барчасини олиб келинг, деб Дўстий кўка ва Жўғихонни юбордилар. Ниҳоят бу гуруҳ Мирзо Комронга ҳамроҳ бўлдилар ва Мирзо Тата ва Бақарга қараб йўл олдилар.

Бақар йўлида жойлашган Хизрхоннинг вилоятига етганда Ҳабибабегимни Оқ Султонга никоҳлаб бердилар ва ўзлари Бақар ва Тата томонга жўнадилар. Подшоҳ ҳазратлари 12-рамазон куни кечаси соат 12 дан ўтганда ғалаба ва саодат ва иқбол билан Болои Ҳисорга келиб тушдилар. Подшоҳ хизматларига мушарраф бўлган Мирзо Комроннинг одамлари ҳаммалари ноғора чалиб ҳазратларининг хизматларида Кобулга кириб келдилар. Шу ойнинг ўн иккинчи куни, онамиз ҳазратлари Дилдорбегим ва Гулчехрабегим ва бу ҳақир ҳазратларининг дийдорларига мушарраф бўлдик.

...Бир неча кундан сўнг Ҳамидабонубегимни тилатиб, Қандаҳорга одамларини юбордилар. Ҳамидабонубегим келганларидан кейин Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳнинг хатна тўйини қилдилар. Ва суннат тўйи анжомларини тайёрлашга киришилди.

Наврўздан сўнг ўн етти кун шодиёналар бўлиб ўтди ва кўк либос кийишди. Ўттиз-қирққа яқин қизларга кўк кийим кийиб тоғнинг тепасига чиқишга ҳукм бўлди. Бир Наврўзда Ҳафт Додарон тоғига чиқишди. Аксар халқ ҳузур-халоват, фароғатда яшарди.

Муҳаммад Акбар подшоҳ беш ёшга тўлганда, Кобулда хатна тўйи қилишди. Тўйни ўша катта девонхона ичида ўтказишди. Ҳамма бозорни безатишди. Мирзо Ҳиндол, Мирзо Ёдгор Носир, султонлар ва амирлар безаш учун кўркам ва чиройли жойларни тиклашганди. Бека бегимнинг боғида бегимлар ва заифалар ажойиб жойлар ҳозирлашганди. Барча мирзолар ва амирлар соқчини ўша девонхона боғига олиб келишганди.

Бир ажойиб ва ғаройиб маърака бўлди. Одамларга кўркам кийимлар ва кўпдан-кўп бош-оёқ сарполар улашилди.

Раият, уламою фузало, ғарибу ғурабо, бой ва камбағаллар, каттаю кичик барча тинч-осуда ҳаёт кечирарди.

Шундан сўнг Зафар қалъасига йўл олдилар ва бу қалъада Мирзо Сулаймон турарди. У жанг қилишга чиқди. Тўқнаш келгач, қаршилиқ кўрсатишга тоб беролмади ва қолишдан қочишни афзал билди.

Подшоҳ ҳазратлари ғалаба ва саодат билан Зафар қалъасига кирдилар. Ва Кешимда подшоҳнинг ўзлари ташриф буюргандилар.

...Ҳазратлари Кобул атрофига етиб келгач, Мирзо Комрон волида ҳазратлари ва мени уйдан чақиртириб, волидам ҳазратларига қўрбегининг уйида бўлинг, деб ҳукм қилдилар. Менга эса мана шу сизнинг уйингиз, шу ерда бўласиз, дедилар. “Нега энди бу ерда бўлар эканман, менинг волидам қайси жойда бўлса, мен ўша ерда бўламан”, дедим. Улар менга жавобан айтдиларки, сиз, демак, Хизр хожaxonга бир хат ёзасиз, келиб бизга қўшилсин ва хотиржам бўлсинлар. Мирзо Аскарый билан Мирзо Ҳиндол менга ака-ука бўлганларидай, улар ҳам менга ака-ука ва ҳозир мадад берадиган вақтлари, – дедилар.

Мен унга жавобан: “Хизр хожaxon саводи йўқки, менинг хатимни таниса. Мен ҳеч қачон ўзим ёзмаганман”, – дедим. “Ташқарида фарзандлари номидан ёзишади. Сизнинг фикрингизга нима келса, шуни ёзинг”, – дедилар. Ниҳоят Маҳди Султон ва Шер Алихонни тилатиб жўнатдилар. Мен хатнинг бошида: “Сенинг ака-укаларинг Мирзо Комроннинг ёнида. Сен ҳам уларнинг олдига боришни ва ака-укаларингга қўшилишни ҳечам ҳаёлингга келтирмагин. Зинҳор, минг бора зинҳор ҳазратларидан айрилишни ҳаёлингга келтирма”, – деб ёздим.

Шундай, алҳамдулиллоҳ, шукрки, мен нима деб айтган бўлсам, хон ортиқча иш қилмадилар.

Подшоҳ ҳазратлари Мирзо Комрон Маҳди Султон ва Шер Алини Хизр хожaxonни олиб келишга юборганини эшитиб, ҳазратлари ҳам Мирзо Ҳожининг отаси Қамбарбекни Хизр хожaxonни тилатиб юборди.

Ўша пайтларда хон ўзининг тураржойида эди. [Подшоҳ] айтиб юбордиларки, зинҳор, минг бора зинҳор Мирзо Комронга бориб қўшилмасин, бизнинг хизматимизга келсинлар. Шундай қилиб, Хизр хожaxon бу хабар ва қутлуғ тилакни эшитгач, ул фалак мақом ҳузурларига йўл олдилар ва келиб Уқобайнда хизматларига етишдилар.

Ниҳоят ҳазратлари Минордан ўтганларида Шеруянинг отаси Шерафканни бош қилиб, лашқарини унга қўшиб, Мирзо Комрон билан жанг қилишга юборди. Биз тепалиқдан туриб, унинг ноғора чалиб Бобо Даштий ёнидан ўтиб кетаётганини кузатардик. Биз: “Худо сенга бориб жанг қилишни буюрмасин”, – дердик ва йиғлардик.

Ниҳоят Деҳи Афғононга етганларида икки томоннинг қоровул қўшинлари тўқнаш келди. Тўқнаш келиши биланоқ ҳазратларининг қоровул қўшини Мирзо Комроннинг қоровулларини қўлга олдилар ва ҳазратларининг олдига олиб бордилар.



Ҳазратлари мўғулларга буюриб, уларни пора-пора қилдирди. Жангга кирган Мирзо Комрон қўшинларининг аксарияти асир тушдилар. Ул ҳазратлари баъзиларни қатл қилдилар ва баъзиларни қамокқа ташладилар. Шу жумладан, Мирзо Комроннинг амирларидан бўлган Жўғихон ҳам қўлга тушди.

Подшоҳ ҳазратлари ва уларнинг хизматларида бўлган Мирзо Ҳиндол зафар кучдилар ва шодиёна карнай-сурнай чалдириб, асъаса ва даб-даба билан Уқобайнга кириб келдилар. У ерда ўзларига чодир, қўшк, айвон барпо қилдилар. Мирзо Ҳиндолни Пули Мастон посбонлигига тайинладилар ва ҳар жой-ҳар жойдан амирларга посбонлик жойини тайинладилар.

Етти ойгача камал қилиб турдилар. Тақдир тақозоси билан бир куни Мирзо Комрон ҳовлидан даҳлиз томонга ўтиб кетаётган пайтда бир киши Уқобайдан тўфанг<sup>1</sup> отди. Улар чопқиллаганича ўзларини чеккага олишди. Улар Акбар подшоҳни уларнинг рўпарасига олиб чиқиб ушлаб туришни буюрдилар. Ахири энг муқаддас ва олийзотни Мирзо Муҳаммад Акбарни рўпарада тутиб туришибди, деб огоҳлангирдилар. Ҳазратлари, тўфанг отманглар, деб буюрдилар. Шундан сўнг подшоҳлик одамлари Болои Ҳисордан тўфанг отмадилар. Мирзо Комроннинг одамлари Кобулдан Уқобайнга қараб тўфанг отардилар. Подшоҳнинг одамлари Мирзо Аскарини уларнинг рўпарасига турғизиб қўйишарди. Подшоҳ қўшини одамлари ҳазил қилишарди. Мирзо Комроннинг одамлари қалъадан ташқари чиқиб жанг қилишарди ва икки томондан кишилар ҳалок бўлардилар.

Кўпинча ҳазратларининг одамлари ғолиб келардилар. Энди қалъадан довюрак одамлар ташқарига чиқмасдилар. Ҳазратлари аёллар ва болалар, бегимлар ва аҳли ҳарам ва бошқа қуроллардан отгирмасдилар ва уйларга сув етказиб беришни камайгирмасди.

Қамал ишлари узоққа чўзилгач, ҳазратларининг олдига Хожа Дўст Хованд элчи жўнатиб: “Худо ҳаққи, Мирзо Комрон нимани сўраса рози бўлинг ва биз Худо бандаларини азобдан қутқаринг”, – дейишди.

Ҳазратлари ташқаридан уларга атаб тўққизта қўй, етти шиша гулоб ва бир шиша лимон шарбати ва етти-тўққиз матолар ва бир қанча ярим тайёр кийимлар юбордилар. Улар: “Сизларни ўйлаб, қалъага қаттиқ ҳужумга ўтмаётибман, мабодо сизларнинг душманларингиз сизларга бошқача муомала қилмасинлар”, – деб ёзибдилар.

Ўша пайтларда Жаҳон Султон бегим икки ёшда эди, ўша камал даврида вафот қилди.

Ва улар: “Агар биз қалъага қаттиқ ҳужумга ўтсак, шу онда Мирзо Муҳаммад Акбарни бекитиб қўйишлари мумкин”, дердилар. Хуллас, одамлар намозшомдан бомдодгача жанговар ҳолатда туриб, ғавғо солишарди. Мирзо Комрон қочган кечаси, намозшом ўтди, хуфтон ҳам бўлдики, ҳеч бир шовқин-сурон кўтарилмади. Ўша ерда бир доvon бўлиб, пастдаги аҳоли тепасига қараб чиқишарди. Шаҳар аҳолиси тинчланиб, ором олаётган бир пайтда бирданига жуббаю қалқон ва зирхларнинг овози кўтарилди. Биз бир-биримизга ғала-ғовур бошланди, деб хабар қилдик. Жиловхона [қабулхона] олдида мингга яқин одам турарди.

Биз ҳаммамиз ваҳимада эдик ва ҳеч нарсадан беҳабар ташқарига чиққандик. Шу пайт Қорачахоннинг ўғли Баҳодирхон келиб, “Мирзо [Комрон] қочибди”, деб хабар берди. Девор устидан арқон ташлаб, Хожа Муаззамни чиқариб олишди.

<sup>1</sup> Тўфанг – милтиқ.

Бизнинг одамларимиз, бегимлар ва бошқалар ташқарида эдик. Бизнинг уйимизда бекитилган дарвозани очишди. Бекабегим: “Кетдик, уй-уйимизга борайлик!” – деб қистади.

Мен эса: “Бирпас сабр қилинлар, кўчадан юриб ўтишимиз керак, эҳтимол, ҳазратларининг олдидан биронтаси келиб қолар”, – дедим. Айни шу пайтда Акбар нозир келди ва: “Ҳазратлари мен келгунимча уйларида чикмасинлар деб буюрдилар”, – деди.

Бир оз вақт ўтгач, ҳазратлари келдилар ва Дилдорбегим ва мен билан кўришдилар. Ундан сўнг Бекабегим ва Ҳамидабонубегим билан кўришдилар. Сўнг: “Тезда бу уйдан чиқинлар, бу қафасдан дўстларни Худо сақласин ва душманларга насиб қилсин”, – дедилар. Нозирбекка: “Бир томонда сен бўлгин, бошқа томонда Турдибек туриб бегимларни ўтказиб қўйинлар”, – деб буюрдилар. Ниҳоят ҳаммалари келдилар ва ўша кеча ҳазратларининг хизматларида бўлдик. Хурсандчиликдан кеча бир зумда тонгга улашди. Лашкарда ҳазратлари билан бирга келган Моҳ Чучакбегим, Хониш оғо ва ҳарамлари билан кўришдик.

...Мирзо Комрон Қобулдан қочиб Бадахшонга кетди ва Толуконда яшаб турарди. Ҳазратлари Ўртабўғда эканларида, эрталаб намозга турганларида, ҳазратларининг мулозаматида бўлган Мирзо Комроннинг аксар амирлари қочиб кетдилар, деган хабар келди. Жумладан, Қорачахон, Мусоҳибхон, Муборизхон, Побухсон ва кўпчилик бетавфиклар кечаси қочиб Бадахшонга кетиб, Мирзо Комронга қўшилдилар. Ҳазратлари бахтли соатда Бадахшонга йўл олдилар ва Мирзо Комронни Толуконда қамалга олдилар.

Бир оз вақтдан кейин, Мирзо Комрон унинг ҳукмронлигини қабул қилиб итоат қилди ва келиб ҳазратларига таъзим бажо келтирди.

Ҳазратлари Қўлобни Мирзо Комронга ва Зафар қалъасини Мирзо Сулаймонга, Қандаҳорни Мирзо Ҳиндолга ҳамда Толуконни Мирзо Аскаррийга иноят қилдилар.

Бир куни Кешимда чодир тикдилар, ака-укалардан Хумоюн подшоҳ ҳазратлари, Мирзо Комрон, Мирзо Аскаррий, Мирзо Ҳиндол, Мирзо Сулаймон йиғилишдилар.

Подшоҳ ҳазратларининг хизматларида шай бўлган бир қанча тўрага амр қилдиларки, офтоба-чиловчин обкелинлар, қўл ювиб бирга таом тановул қилайлик. Аввал подшоҳ ҳазратлари, ундан сўнг Мирзо Комрон қўл ювдилар. Мирзо Сулаймон ёшга нисбатан Мирзо Аскаррий ва Мирзо Ҳиндолдан улуғроқ эди.

Ҳурмат юзасидан ҳар иккала ака-укалар офтоба ва чиловчинни Мирзо Сулаймоннинг олдига қўйдилар. Мирзо Сулаймон қўл ювгандан кейин бурнини хунук қилиб қийшайтирди. Мирзо Аскаррий ва Мирзо Ҳиндол ўта жаҳли чиқиб: “Бу қандай қишлоқчилик? – дедилар. – Аввало биз подшоҳ ҳазратлари ҳузурда қўл ювишга не ҳаддимиз бор? Лекин шундай ҳукм қилганлари учун ҳукмини ўзгартиролмадик. Бу бурун жийириш қилиқларини қандай тушунса бўлади?”.

Охири Мирзо Аскаррий билан Мирзо Ҳиндол ташқарига чиқиб қўлларини ювиб келиб ўтирдилар.

Мирзо Сулаймон қаттиқ шарманда бўлди. Ҳаммалари бир дастурхонда ўтириб таом ейишди. Ҳазратлари бу йиғинда бу ҳақирни эсга оладилар ва укаларига қараб: “Гулбаданбегим Лоҳурда, менинг бир орзуим бор, ҳамма ака-укаларни бир жойда кўрсам, дердилар. Бугун эрталаб ўтирганимизда шу сўзи ёдимга тушди. Иншооллоҳи таоло, Ҳақ субҳонаҳу таоло бизнинг йиғинимизни ўз паноҳида асрагай! Худога маълумки, менинг замиримда

ака-укаларга зиён етказиш истаги у ёқда турсин, ҳатто бирон мусулмонга зиён етказиш истаги йўқ. Иншоолло таоло, сизларнинг ҳаммаларингизга ўзаро бирдамлик ва ҳамжихатлик тавфиқини Оллоҳ таоло каромат қилсин”, – дедилар.

Одамлар орасида ажойиб кайфият ва хушнудлик юзага келди. Негаки амирлар ва навкарларнинг аксарияти бир-бирига қавм-қариндош эдилар. Ўз хўжайинларининг бир-биридан айрилгани жонибидан, улар ҳам бир-биридан ажралган, балки бир-бирининг қонларига ташна эдилар. Эндиликда ҳаммалари бирлашиб шоду хуррамлик билан ҳаёт кечиришарди.

...Мирзо Комрон Кўлобда эди. Тархонбека номли бир айёр ва маккор кампир “Ҳарамбегимга ошиқлик изҳор қилинг, бунда бир қанча манфатлар бор”, деб йўл кўрсатди. Мирзо Комрон ҳам ўша ақли калтанинг тилига кириб Беги оғо орқали Ҳарамбегимга хат ва рўмолча юборди. Бу кампир хат билан рўмолчани олиб Ҳарамбегимнинг олдига қўяди ва Мирзо Комроннинг мулозаматини ва беҳад иштиёқини изҳор қилади. Ҳарамбегим: “Ҳозирча бу хат ва рўмолчани саклаб қўйинг, қачон мирзолар ташқаридан келишса, бу хат билан рўмолчани келтиринг”, – деди.

Беги оғо йиғи-сиғи ва илтимослар билан: “Бу хат ва рўмолчани Мирзо Комрон сизга бериб юборди ва анча пайтдан буён сизга ошиқ ва сиз бўлсангиз уларга нисбатан бемурувватлик қиляпсиз”, – дейди.

Ҳарамбегим қаттиқ эътироз билдиради ва шу заҳоти Мирзо Сулаймон ва Мирзо Иброҳимни чақириб: “Мирзо Комрон сизларнинг номардликларингизни билганки, менга шу хатни ёзган. Ҳақиқатда, мен шунга лойиқ бўлсам керакки, менга шундай ёзган. Мирзо Комрон сенинг катта аканг бўлса, мен эса уларга келин ўрнида бўлсам ва менга шунақа мазмунда хат ёзса. Бу хотинни тутинглар ва уни тилка-пора қилинглар, токи бошқаларга ибрат бўлсин ва ҳеч ким бировнинг оиласига кўз олайтирмасин ва бузуқ хаёлларга бормасин. Бу хотиннинг мендан ва болаларимдан кўркмай шундай хат келтиришига қандай ҳадди сиғди?” – дейди.

Шу ондаёқ Биби Давлатнинг қасдини олиб Беги оғони пора-пора қилиб ташлашади. Мирзо Сулаймон ва Мирзо Иброҳим шу туфайли нафақат Мирзо Комрон билан оралари бузилди, балки душман бўлдилар. “[Мирзо Комрон] қарши чиқиш пайида, қаршилик бундан аниқроқ бўлмайди, чунки Балхга юриш пайтида хизматларида бирга бормади”, – деб ҳазратларига ёздилар. Мирзо Комрон Кўлобда бу гаплардан чўчиб, ўзини четга тортишдан бўлак иложини топмадилар.

Ўғли Абулқосим мирзони Мирзо Аскарининг олдига жўнатади ва кизи Ойша Султонбегимни бирга олиб Мирзо Комрон Толуқон томонга кетади.

Мирзо Комроннинг аёлининг исми Хоним эди. Унга: “Сиз қизингиз билан орқадан келинг. Қаерда жойлашсам, ўша жойга сизларни чақираман. Аммо ҳозирча сиз Хўст ва Андаробга бориб туринг”, – дейди.

Бу Хонимнинг ўзбек хонлари билан яқинлиги бор эди. У ўзбекларга маълум қиладики, агар мақсад ўлжа олиш бўлса, молу дунё ва бор кулларини олинглар ва заифаларни қўйинглар. Агар эртанги куни Ойша Султонбегимнинг акасининг ўғли буни эшитса, сиздан ранжийди, дейди. Юз макру ҳийла, юз ҳайронлик ва бехонумонлик билан ўзбеклар туткунидан кутулиб, Хўст ва Андаробга етиб келади ва ўша ерда жойлашади.

Мирзо Комрон Балх мағлубиятидан хабар топади. Ҳазратлари мен

ҳақда ўйлаганча эмас аслида, дейди. Ва Кўлобдан чиқиб кетиб ҳар қаерларда юрарди.

Шу аснода ҳазратлари Кобулдан чиқиб, Дашти Қибчоққа етиб борган эдилар ва ҳеч нарсадан беҳабар бир тепаликка тушган эдилар. Мирзо Комрон тиш-тирноғигача қуролланган ҳолда юқоридан ҳазратларининг лашкарига бостириб келдилар.

Оллоҳнинг иродаси экан, бир кўр кўкрак, бўйнинг узилгур, ситамкор золим, нобакор келиб подшоҳ ҳазратларини ярадор қилди. Уларнинг [подшоҳ] муборак бошларига жароҳат етиб, бутун пешонаси ва кўзлари қонга беланган эди.

Худди шундай подшоҳ ҳазратлари, фирдавсмакон Бобурга мўғуллар билан жангда бир мўғул жароҳат етказган эди, ўшанда тақияси ва салласи йиртилмаган, аммо муборак бошлари жароҳатланган эди. Хумоюн подшоҳ ҳазратлари доим таажжубга тушиб: “Бу ғалати бош экан, тақия ва салла йиртилмаса-да ва боши жароҳатланса!” – дерди. Қисқаси, уларнинг муборак бошлари ҳам шундай бўлди.

Дашти Қипчоқ мағлубиятидан кейин, ҳазратлари Бадахшонга кетдилар. Мирзо Ҳиндол, Мирзо Сулаймон, Мирзо Иброҳим келиб ҳазратларига таъзим бажо келтирдилар ва ҳазратлари Кобулга кетдилар. Мирзолар давлатни қўллаб-қувватлаб, яқдиллик ва ҳамжихатлик билан хизматда бўлганлари сабабли Мирзо Комрон жўнаб кетдилар.

Подшоҳ ҳазратлари: “Келинга айтинглар, зудлик билан Бадахшон лашкари ва одамларини тартиб бериб жўнатсин”, – деб Ҳарамбегимга айтиб юборди. Бегим ўта қисқа вақт ичида, бир неча минг кишига от ва яроқ бериб, уларни керакли анжом билан таъминладилар ва доволгача ўзлари бирга келиб, у ердан лашкарни олдинга жўнатдилар. Ўзлари орқага қайтдилар. Бу лашкар келиб подшоҳ ҳазратларига қўшилдилар.

Чорикорон ва Қорабоғда Мирзо Комрон билан жанг бўлди. Ҳазратларининг лашкари ғолиб чиқиб, зафар қозонди ва Мирзо Комронни мағлубиятга учратдилар. Мирзо Комрон қочиб даралар ичига, Лағмонотга кетади.

Мирзо Комроннинг куёви Оқ Султон: “Сиз доимо Хумоюн подшоҳ ҳазратларига қарши чиқасиз, бундан қандай маъни чиқади? Итоат қилиб, ҳукмга бўйинсунсангиз ёки бизга рухсат берсангиз, маъқул бўлмасмикан? Чунки ҳамма биздан кўряпти”, – дейди. Мирзо Комрон қўполлик қилиб: “Менинг ишларим шу даражага етиб кептики, энди сен менга насиҳат қиладиган бўп қопсан”, – деди. Оқ Султон ҳам аччиқ устида: “Агар мен сизнинг олдингизда қоладиган бўлсам, менинг ҳалолим ҳаром бўлсин”, – дейди. Оқ Султон шу заҳоти ажралиб, аёли билан Бакар томонга кетади. Мирзо Комрондан Шох Ҳусайн мирзога фармон келади: “Оқ Султон мени ранжитиб кетди. Агар у ерга боргудай бўлса, унинг хотини билан бирга бўлишига йўл қўйманг ва аёлини ундан ажратинг ва унга “Қаерга хоҳласанг боравер!” денг”, мазмунида.

Шох Ҳусайн мирзо фармон келиши билан Ҳабибабегимни Оқ Султондан ажратади ва Султонга Маккаи Муаззамага кетишга рухсат беради.

Ўша Чорикорон жангида Мирзо Комроннинг [амири] Қорачахон ва бошқа атоқли кишилари ўлдирилади. Ойша Султонбегим ва Давлатбахт оғоча қочиб Қандаҳорга кетаётганларида подшоҳлик одамлари Тақия Ҳимордан тутиб келишди. Мирзо Комрон афғонларга қўшилиб, уларнинг орасида яшарди.

Подшоҳ ҳазратлари аҳён-аҳёнда норинж<sup>1</sup> боғига бориб турарди. Ўша

<sup>1</sup> Норинж – норжил, апельсин (муҳ.).

йили эски одатга кўра норинжни кўриш учун тоғ-дараларига кетдилар. Мирзо Ҳиндол уларнинг хизматида эди. Ҳарам аҳлидан Бекабегим, Ҳамидабонубегим ва Моҳ Чучакбегим ва бошқа кўпчилик бегимлар бирга эди.

Менинг ўғлим Саодатёр ўша кунлари бемор эди, бинобарин, мен бора олмадим. Бир куни подшоҳ ҳазратлари даралар бағрида овда эдилар ва Мирзо Ҳиндол хизматларида эди. Ов бароридан келиб турарди. Мирзо [Ҳиндол] қайси томонда ов қилса, ҳазратлари ҳам ўша томонга борарди. Мирзо кўп ов қилди. Мирзо Чингизхон одобига кўра ҳамма овларини ҳазратларига тақдим қилди. Чингизхон тўраларида кичиклар катталарга шундай муомала қилиши расм бўлган. Хуллас, у ҳамма овини ҳазратларига тортиқ қилади. Шундан сўнг “Опаларнинг ҳиссаси колди-ку”, деган фикр Мирзонинг дилидан ўтади. “Яна опалар гинахонлик қилмасин! Яна бир оз ов қилай-да, опаларга олиб борай”, – деб Мирзо яна овга машғул бўлди. У бир оз ов қилиб қайтаётганида, Мирзо Комрон тайинлаган одам йўлини тўсиб чиқади – Мирзо бундан беҳабар – унга қараб ўқ отади. Ўқи табаррук елкаларига тегади. Менинг аҳли ҳарамларим ёки опаларим эшитиб безовта бўлмасин, деб шу заҳоти “Келган бало ўзи билан даф бўлди”, – деди. “Сизлар хотирингиз жам бўлсин. Мен сиҳат-саломатман”, – деб ёзибди. Хулоса шуки, ҳаво исиб кетгач, ҳазратлари қайтиб Кобулга келдилар. Бир йил ўтгандан сўнг ўкнинг жароҳати тузалди.

Бир йилдан кейин Мирзо Комрон яна атрофига одам тўплаб, жанг қилиш қобилиятига эга, дейишди. Ҳазратлари ҳам жангга тайёрланиб, дараликлар томон йўл олдилар. Мирзо Ҳиндол уларнинг хизматида эди.

Улар тоғ дараларига асъаса-дабдаба билан етиб тушганларида, жосуслардан ҳар лаҳза ва ҳар соатда “Мирзо Комрон шу кеча чопқин ясашга қарор қипти”, деган хабар келарди.

Мирзо Ҳиндол келиб ҳазратларига арз қилдилар ва ҳазратлари мана шу тепаликда турсинлар, укам Жалололидин Муҳаммад Акбар подшоҳ ҳузурларида бирга бўлсин. Бу тепаликда одамлар эҳтиётни қўлдан бермай, посбонлик қилсинлар, деб кенгаш бердилар.

Ва ўзлари одамларини чақириб ҳар бирига алоҳида-алоҳида далда бердилар ва кўнгил кўтардилар. “Ҳамма хизматлар ҳам бир тараф, бугунги кечадагиси бир тараф. Иншоолло, сизлар дилингларида нима муддаоинглари бўлса, сизлар истагандек юксак даражада қадрланади”, – деб таъкидладилар. Ҳаммани жой-жойига қўйиб ўзларига жубба-жома, тақия ва дубулға келтиришларини сўради.

Тўшакчи бўғчани энди қўлга олган ҳам эдики, кимдир акса урди. Тўшакчи бўғчани бир соат ушлаб турди. Кечикиб кетгани учун яна биттасини таъкидлаб юбордилар. Эслатгандан кейин ҳамма нарсани келтиришди. Ўзлари сўрадилар: “Нега кечикиб кетдинг?” Тўшакчи жавоб қилдики, энди бўғчани ердан кўтарган эдим, кимдир акса урди, шу сабабли бўғчани қайта қўйдим, кечикишимнинг сабаби шу, деди.

“Бекор қилибсан, иншооллох, шаҳодат муборак бўлсин дегин”, – дедилар. Сўнг: “Дўстлар барчаси гувоҳ бўлсин, мен барча ҳаром нарсалардан ва ношойиста амаллардан тавба қилдим”, – дедилар.

Ҳозир бўлганлар барчаси фотиҳа ўқиб, муборакбод қилдилар. Кейин: “Нимча, кийим, жубба келтир”, – дедилар ва уни кийиб хандақ тепасига кетдилар ва сипоҳийларга мардоналик тилаб тасалли бердилар.

Шу аснода Мирзо Ҳиндолнинг товоқчиси (ошпази) Мирзонинг



овозини эшитиб: “Мени қилич билан чопишяпти”, – деб фарёд солди. Мирзо уни эшитиши ҳамоно отдан тушдилар ва уларга қараб: “Биродарлар бизнинг товоқчини қилич билан чопишса-ю, биз ёрдам бермасак, бу мардоналикдан эмас”, – дедилар ва ўзлари хандакка тушдилар. Сипоҳийларнинг ҳеч қайсиниси отдан тушмади. Мирзо икки марта хандакдан чиқиб ҳамла қилдилар. Шу ҳаракатларда шаҳид бўлдилар. Билмадим, қайси бераҳм золим ўша беозор йигитни зулм тиғи билан жонидан айирдийкан. Кошки ўша бешафқат тиғ менинг кўзу юрагимга ёки менинг ўғлим Саодатёрга ёки Хизр хожаҳонга санчилган бўлса. Оҳ, юз оху афсус, во дариғ, минг дариғ!

*Эй дариго, эй дариго, эй дариғ,  
Офтоб ниҳон бўлди ортида тиг.*

Хуллас, Мирзо Ҳиндол ҳазратларининг хизматларида дили ачишиб жонбозлик қилди.

Мирбобо Дўст Мирзони кўтариб, Мирзонинг хонадонига олиб келди ва ҳеч кимга билдирмади. Ясовулларни олиб келиб дарвозага қўйди: “Ким келиб сўраса, Мирзонинг жароҳати оғир, ҳазратлари “ҳеч ким кирмасин”, – деб амр қилганлар дейсизлар”, – деди.

Подшоҳ ҳазратларининг хузурларига келиб: “Мирзо Ҳиндол ярадор бўлди”, – деди. Ҳазратлари бориб Мирзони кўрай, деб от чақирдилар. Мир Абдулхай: “Уларнинг жароҳати оғир, ҳазратларининг боришлари ўринли эмас”, – деди. Ҳазратлари тушундилар ва қанча ўзларини тутишга уринмасин, чидолмадилар.

Хизр хожаҳоннинг қароргоҳи Жўйи Шоҳийда эди. Ҳазратлари Хизр хожаҳонни тилатиб: “Мирзо Ҳиндолни Жўйи Шоҳийга олиб бориб, вақтинча ушлаб туринг!” – дедилар. Хожаҳон туянинг жиловидан тутиб, ҳой-ҳой йиғлаб, фарёд солиб кетар эди. Бу хабар подшоҳ ҳазратларига етиб борди. Хизр хожага: “Сабр қилмоқ керак. Менинг дилим сендан баттар куймоқда, аммо ўша қонхўр, золим ғанимнинг дастидан сабрсизлик қилмаётибман, холбуки, у яқинда турибди, сабрдан ўзга чора йўқ”, – деб айтиб юбордилар.

Юз афсус ва надомат, дарду алам билан Жўйи Шоҳига олиб бориб омонат қўйдилар.

Агар ўша золим, биродаркуш, бегонапарвар, бераҳм ўша кеча келмаганида бу бало осмондан ёғилмас эди. Подшоҳ ҳазратлари Кобулга хатлар ёздилар. Бу хатлар опа-сингилларга етиб келиши билан бутун Кобул мотамсарога айланди ва саодатли шаҳид кетган Мирзонинг ҳолига бутун еру кўк фарёд чекиб, зор йиғларди. Гулчеҳрабегим Қораҳоннинг уйига кетган эдилар. Улар қайтиб келганларидан сўнг қиёмат қойим бўлди ва азбаройи кўп йиғлагани ва ғам-қайғудан бемор бўлиб қолганидан ақлушини йўқотди.

Мирзо Комрондай золим ва бераҳм кишининг баҳодирлигидан Мирзо Ҳиндол шаҳид бўлди. Шу кундан бошлаб Мирзо Комроннинг ишларида рушду ривож бўлганини эшитмадик, балки орқага, таназулга юз тутди, кундан-кун баттар бўлиб, ёмонлаша берди, шундан сўнг Мирзо Комронга давлат ёр бўлмади ва муродига етмади, гўё Мирзо Комроннинг ҳаёти, балки кўзининг нури Мирзо Ҳиндол бўлгандай эди.

Ўша мағлубиятдан сўнг тўғри Шерхоннинг ўғли Салимшоҳнинг олдига қочиб борди. У бир минг рупия берди. Шу орада Мирзо Комрон

арзи ҳол қилиб, ундан кўмак сўрайди. Салимшоҳ Мирзога жавобан ҳеч нарса демайди, лекин орқаваротдан ўз укаси Мирзо Ҳиндолни ўлдирган одамга қандай қилиб ёрдам бериб бўлади, дейди. Бундай одамни аксинча нобуд қилиб, ўлдирса савоб бўлади. Мирзо Комрон зимдан бу кенгашни эшитади ва ўз одамларига ҳам маслаҳат солмай, бир кечада жуфтакни ростлаб қолади ва Мирзонинг одамлари беҳабар қоладилар. Булар қолдилар. Салимхонга хабар етиши билан кўпчилик одамларини қамокка ҳукм қилди. Мирзо Комрон Бҳира ва Хушобга етиб борганда, ўша минтақадаги Одам Гаккар юз хийла ва макр билан уни қўлга олиб, подшоҳ ҳазратларининг олдига олиб келди.

Оқибатда Мирзо Комрондан кўнгли қолган барча хонлар ва аёёну ашроф, қатта-кичик, сипоҳийлар ва раият аҳли ўша йиғинда бирлашиб: “Подшоҳлик ва ҳукмронликда ака-укалик расми назарга олинмайди. Агар ака-укаликни юз-хотир қилсангиз, подшоҳликни тарк этинг, агар подшоҳликни хоҳласангиз, укангиздан кечинг, Дашти Қипчоқда мана шу Мирзо Комроннинг дастидан муборак бошларига жароҳат етди, афғонларни макр-хийла билан алдаб, тил бириктириб, Мирзо Ҳиндолни ўлдирди. Мирзонинг дастидан кўпчилик Чиғатой аҳли нобуд бўлди, оила аҳли қамокка тушди, номусидан айрилди. Энди одамларнинг оилалари ва болаларининг асирликка азоб чекишга тоб-тоқати қолмади ва бошқалар дўзах азобини чекмоқда. Бизнинг молу жонимиз, оила аҳлимиз ҳазратларининг бир тола тукларига садақа бўлсин. Бу ука эмас – бу ҳазратларининг душмани”, – деб арз қилдилар. Хулосаи калом, ҳамма бир бўлиб, жиддий арзига етказдиларки “...Мулк раҳнагари юз-тубан бўлгани яхши”. Подшоҳ ҳазратлари уларга жавобан айтдиларки, гарчи сизларнинг айтган сўзларингиз менинг ёдимда бўлса ҳам, аммо кўнглим бўлмаётибди. “Ўша арзга етказганларимиз айни муддао”, – деб фарёд чекиб тиладилар.

Оқибатда ҳазратлари: “Агар барчангизнинг маслаҳатингиз ва ризолигингиз шу бўладиган бўлса, ҳаммангиз йиғилиб тилхат ёзинг”, – деб буюрдилар. Амирлар ҳаммаси ўнгу сўлдан йиғилиб ўша: “Мулк раҳнагари юз-тубан бўлгани яхши!” мисрасини ёзиб бердилар.

Подшоҳ ҳазратлари ҳам мажбур бўлдилар. Раҳтош мавзесига етганда Сайид Муҳаммадга: “Мирзо Комроннинг кўзларига мил торт”, – деб амр қилдилар. Ўша заҳоти мил тортдилар. Подшоҳ ҳазратлари мил тортгандан сўнг...<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қўлёзма шу ерда узилган (Тарж.).

**Бранислав НУШИЧ**

**УНВОН КЕРАКДИР ЙИГИТГА**

**(Фалсафа доктори)**

*Тўрт пардали комедия<sup>1</sup>*

*Рус тилидан  
Муҳсин ҚОДИРОВ таржимаси*

**ИККИНЧИ ПАРДА**

**Цвийович уйидаги меҳмонхона**

1

**В е л и м и р** (*киради ва эшик олдида туриб қолади*). Кечирасиз, мен сизга халақит бердим.

**С л а в к а** (*хатни гижимлаб*). Йўқ, асло! Мен сизга ёзаётган эдим! Сиз билан учрашолмай юргандим. Ҳеч ким айтишни истамаган нарсани билмоқчиман. Уч кундан бери уйимизда даҳшатли хаяжон ҳукм суради. Сизни кунда уч марталаб чақирришади, мендан эса яширишади. Нима бўлаяпти ўзи?..

**В е л и м и р**. Сиз нега ташвишланасиз?

**С л а в к а**. Нега ташвишланмас эканман? Дадам уч кундан бери оҳ-воҳ қилади... Пепик... Пепик... Пепик дегани ким? Кимнинг исми? Нимага бу дадамни бунчалик қаттиқ ташвишга солиб қўйди?

**В е л и м и р** (*довдираб*). Хабарим йўқ! Пепик?

**С л а в к а**. Биласиз. Сиз бизга яқин қишисиз, ҳаммасини биласиз. Худо хайрингизни берсин, айтинг менга. (*Ўйлайди.*) Агар бу ишларда сиз ҳам қандайдир роль ўйнаётган бўлсангиз ва сир очилгудай бўлса менинг кўзимга ёмон кўриниб қолишингиз мумкин бўлса... у ҳолда ҳақиқатни билмаганим яхши.

**В е л и м и р**. Кўзингизга ёмон кўринишимни истамайсизми?

**С л а в к а**. Ҳа, истамайман...

**В е л и м и р**. Ташаккур сизга!

**С л а в к а**. Демак, сиз ниманидир яшираяпсиз!

**В е л и м и р**. Отангизга сўз бердим.

**С л а в к а**. Сўз берган бўлсангиз, нима ҳам қила олардим...

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда.

В е л и м и р. Сўз мени боғлаб турибди, бироқ сизнинг олдингизда мен пок бўлишим керак.

С л а в к а. У ҳолда бу ерда нималар бўлаётганини очик айтинг.

В е л и м и р. Сиз мени чет элга кетганимни ва отангиз мени таъминлаб турганини биласиз.

С л а в к а. Биладан.

В е л и м и р. Аммо сиз ҳаммасини билмайсиз... Швейцарияда, Фрейбургда мен акангизнинг номи билан яшаб, унинг ҳужжатлари билан ўқиганман.

С л а в к а (*ҳайрон*). Нега?

В е л и м и р. Отангиз қай йўл билан бўлмасин, Милорадга фалсафа доктори дипломини олиб беришни истади.

С л а в к а (*ноҳуш ажабланиб*). Қандай қилиб?.. Наҳотки ҳалиги диплом...

В е л и м и р. Ҳа, дипломда акангизнинг номи бор холос, бироқ у ҳеч қачон Фрейбургда ўқимаган.

С л а в к а. Шунча вақт қаерда эди бўлмаса?

В е л и м и р. Европа бўйлаб саёҳат қилиб юрди, одамлар чет элда ўқиб юрибди деб ўйлашлари учун.

С л а в к а. Сиз унинг ўрнида имтиҳон топширдингизми?

В е л и м и р. Ҳа.

С л а в к а. Ё тавба, нақадар тубанлик, нақадар пасткашлик! Мендан шуни яшириб юришган экан-да. Хўш, сиз нима учун бунга кўндингиз?

В е л и м и р. Хиждолатдан, қанчалик калтабинлигимни кеч тушундим. Аммо ўшанда мен чет элга чиқиб, жаҳоншумул олимларнинг маърузаларини тинглаш орзуси билан яшардим, моддий ночорлигим туфайли бу орзу гўёки амалга ошмайдиган туш каби эди. Бирдан тушни рўёбга чиқариш учун имкон туғилганда, мен ўйламай-нетмай рози бўла қолдим.

С л а в к а. Бари бир диплом ололмаган бўлсангиз, нимага ўқидингиз, ҳайронман.

В е л и м и р. О, бу унчалик даҳшат эмас. Менинг иззат-нафсим ҳамиша бунақа бир парча қоғоздан устун бўлиб келган. Диплом кўпинча жоҳилликни яшириш вазифасини бажаради. Кимки чинакам билимли бўлса, дипломга муҳтож эмас...

С л а в к а. Тўғри, бироқ, ҳар ҳолда, сиз учун ҳаёт йўллари бекилган.

В е л и м и р. Мансаб йўли бекилгандир, балки, аммо мен учун фанга, илмий ишга йўл очик.

С л а в к а. Балки шу фикр билан таскин топиб юргандирсиз, бироқ менимча бу енгилтаклигингизни оқлай олмайди.

В е л и м и р. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

С л а в к а. Бошқа гапирманг, эшитишни истамайман.

В е л и м и р. Бекам, ҳозир мен ўзимни гуноҳлари учун тавба қилаётган одамдай ҳис қилаяпман. (*Пауза.*) Фрейбургда бир бева аёлнинг уйида ижарада яшардим. Унинг талаба қизи бор эди.

С л а в к а (*бир оз кўркүв билан*). Университетда ўқирмиди? Чиройлимиди?

В е л и м и р. Балки, лекин ҳозир бу муҳим эмас. Биз кўпинча университетга бирга бориб, бирга қайтардик, бир-биримизга ёрдамлашардик – у менга, мен унга. У бизнинг тилимизни ўрганишга киришди ва икки-уч йилда яхшигина эгаллаб олди.

С л а в к а (*кўнгли гап бўлиб*). Яхши тайёрланибди-да... Гапиринг, мен ҳаммасини билмоқчиман.

В е л и м и р (*ноқулай аҳволда*). Бирда қоним қизиб...

С л а в к а (*ўта диққат билан*). Нима, нима деяпсиз?

В е л и м и р. Ортик гапиролмайман... Қилмишимдан пушаймон бўлдим, бироқ... Бироқ виждонсиз, бадбахт бўлиб қолишни истамай, ўша куниек унинг қўлини сўрадим.

С л а в к а (*титраб*). Сиз..

В е л и м и р. Сўнг никохдан ўтдик. (*Славка бу гапдан ўзини йўқотиб, қўллари билан кўзларини бекитганича йиглаб юборди. Велимир ҳайрон бўлиб, ҳаяжонланиб.*) Бекам, бу қанақаси, Худо хайрингизни берсин...

С л а в к а (*ўзига келади, Велимирга қарашга ботинмай, четга қараб гапиреди*). Кечирасиз, асаб. Сухбатни давом эттирайлик.

В е л и м и р. Бор гап шу, шуларни айтиб сизнинг олдингизда тавба қилмоқчи эдим.

С л а в к а (*хижолат билан*). Мен сизни сўроққа тутмаслигим керак эди, кечирасиз...

В е л и м и р. Нега? Сўрайверинг, сизга ҳаммасини айтиб бераман.

С л а в к а. (*қучли хижолатда*). Ҳамонки, никох севги туфайли бўлгач...

В е л и м и р. У чиройли, истарали аёл, бирга яшаб кетишимиз ҳам мумкин эди-ю, лекин кўп ўтмай ундан кўнглим совиди.

С л а в к а. Кўнглингиз совиди? (*Ҳуш ёққандай ҳайрон бўлади.*)

В е л и м и р. Ҳа, кўп ўтмай мен ўзимни қопқонга тушганимни англаб етдим. Унинг онаси мени бойвачча эканимни билиб, қизини менга яқинлаштириш учун нима мумкин бўлса, барини қилган. Балки Клара гуноҳсиздир, аммо... Аммо у онасининг ниятларини амалга ошишига имкон яратган.

С л а в к а. Клара – хотинингизми?

В е л и м и р. Ҳа.

С л а в к а. Пепик дегани ким бўлди?

В е л и м и р. Пепик... бизнинг боламиз... Хотиним бола билан йўлга чиқдим, деб ёзибди.

С л а в к а. Бугун-эрта Белградга келиб қоларкан-да?

В е л и м и р. Ҳа.

С л а в к а. Ҳайронман, нега энди бу дадамни бунчалик ташвишга соларкин.

В е л и м и р. Чунки қонун бўйича Клара акангизнинг хотини-да.

С л а в к а. Қанақасига?

В е л и м и р. Акангизнинг номида бўлганим учун бошқа фамилия билан никохдан ўтолмадим.

С л а в к а. Энди менга ҳаммаси равшан. Дадам шунинг учун ҳам асабийлашиб, фиғони фалакка чиқиб юрган экан-да.

В е л и м и р. Менга қанчалик оғирлигини тасаввур қиляпсизми. Дадангизнинг менга яхшиликлари кўп.

С л а в к а. Чинданам, вазият... Сиз ундан қандай чиқмоқчисиз?... Дадамнинг ҳам аҳволи...

В е л и м и р. Мен жуда афсусдаман, шунинг учун ҳам бутун масъулиятни, кўнгилсизликларни, ҳамма-ҳаммасини ўз зиммамга олишга тайёрман!

## 2

Ж и в о т а (*Благое билан бирга киради; Велимирга*). Шу ердამисан?

В е л и м и р. Ҳа, сизни кутиб турибман.

Ж и в о т а (*қизига*). Славка, сен боравер. Бизнинг жиддий гапимиз бор.

С л а в к а (*эшик олдида бориб*). Дада, кўп ташвишланаверма, ўтинаман.



Бирон чора топармиз. Биз ҳаммамиз сенга ёрдам берамиз. Ишон менга, бундай бўлишида жаноб Велимир гуноҳкор эмас.

Ж и в о т а. У гуноҳкормас, йўқ, мен гуноҳкорман!.. Бор!

## 3

Ж и в о т а (*Велимирга*). Унга айтдингми?

В е л и м и р. Шундай қилиш керак эди: унинг назарида виждонли киши бўлиб қолишни истадим.

Ж и в о т а. Менинг назаримда, виждонсиз кишисан, бу сени ташвишга солмайдими? Сенга ишониб, қаттиқ янглишган эканман. Мен сени одам деб университетга юбордим, ўқир, имтиҳон топшириб қайтар дедим. Сен мана қандай имтиҳон топширибсан. Клара камлик қилса, етмаганига мана сенга Пепик, дебсан-да!..

В е л и м и р. Мен сизга диплом келтирдим-ку ахир.

Ж и в о т а. Келтирдинг, албатта, келтирдинг, лекин болани нимага келтирасан? Мен сенга нима учун пул тўлагандим? Уйимга бегона болани етаклаб келгин дебми!

В е л и м и р. Бегонамас! У – менинг болам.

Ж и в о т а. Сеникиликка сеники-я, бироқ унинг отаси аслида ким – ҳамма гап шунда.

В е л и м и р. Бунақа гап йўқ.

Ж и в о т а. Йўқ?.. Менинг ўғлим-чи?

В е л и м и р. У расман ота холос.

Ж и в о т а. Расман, албатта! Расман уйланган, расман боласи бор, мана энди менинг бошим расман ёрилай деяпти.

Б л а г о е. Адвокатга учраган эдик, у ҳам нима маслаҳат беришни билмай қолди. Энг қийини шуки, ҳақиқатни айтишдан қўрқасан киши.

Ж и в о т а (*Велимирга*). Энди менга айт-чи, ўша, сенинг хотининг, агар, ўн, борингки, йигирма минг динар берсанг келган жойига қайтиб кетармикин?

В е л и м и р. Билмадим... Бундан нима фойда?

Ж и в о т а. Нима фойда? Сен-ку мана тинчиб, уйланиб олибсан, ахир мен ҳам ўғлимни уйлашим керак-ку! Яхши бир жой топилган эди, лекин мен ҳеч нима қилолмайман, қўл-оёғимни боғлаб қўйдинг.

В е л и м и р. Бу билан нимага эришасиз? Клара пулни олиб, Швейцарияга қайтган тақдирда ҳам барибир ўғлингизга қонуний хотин, боласи эса – сизнинг меросхўрингиз бўлиб қолаверади-ку.

Ж и в о т а (*чўчиб*). Қанақасига? Сен энди меросга ҳам бошингни тикаяпсанми?

В е л и м и р. Мен эмас, тушунсангиз-чи, гап мен ҳақимда бормаяпти.

Б л а г о е. Гап Пепик ҳақида!

Ж и в о т а. Пепик! Менинг меросхўрим-а?

В е л и м и р. Шундай деса ҳам бўлади.

Ж и в о т а. Йўқ, ҳеч қанақа Пепикнинг кераги йўқ! Эшитаяпсанми? Пепиксиз ҳам ташвишим бошимдан ошиб ётибди! Меросхўрмиш! Бир менинг қўлимга тушиб кўрсин-чи ўша меросхўр!..

В е л и м и р. Ҳали у митти гўдак.

Ж и в о т а. Гўдак!.. Худди шунақа митти гўдаклар одамга туядай ташвиш келтиради. (*Асабий юради, бирдан тўхтаб.*) Бугуноқ ажралиш ҳақида ариза ёз!

Б л а г о е. Мен ҳам шу фикрдаман.

В е л и м и р. Қандай қилиб бировнинг хотини билан ажралишаман?

Ж и в о т а. Нима, бўлмаса мен ажралишайми?

В е л и м и р. У билан никоҳдан ўтмаганман-ку.

Ж и в о т а (*хурсанд*). Никоҳдан ўтмагансан? Демак, сен ноқонуний уйллангансан? Шуни олдинроқ айтмайсанми, бошимни қотириб ўтирмасдан?

В е л и м и р. Никоҳдан ўтганман, фақат ўғлингизнинг номи билан.

Ж и в о т а. А? Нима ҳақкинг бор!.. Бугуноқ полицияга хабар қиламан! Билсанг агар, бу жиноят! Ушбу мамлакатда ҳам қонун борлиги сенга маълумдир?

В е л и м и р. Кўриб турибман, аҳвол чатоқ, шунинг учун ҳам нима десаңгиз розиман. Агар хоҳласангиз, ҳозироқ полицияга бориб, ҳаммасига иқроор бўламан.

Б л а г о е. Шошма, бир оз ўйла... Полицияда нега бировнинг номи билан уйландинг, деб сўрашса нима дейсан?

В е л и м и р (*елкасини қисиб*). Ҳм..

Ж и в о т а. Ҳазиллашдим, дер. Милорад – унинг ўртоғи, болаликда бирга ўқишган, унинг устидан бир кулмоқчи бўлган.

Б л а г о е. Шунақаям ҳазил бўладими?! Никоҳ, дейлик, ҳазил бўла қолсин, Пепик-чи? Болаям – ҳазил, деб бўлмайди-ку. Буниям қўя турайлик. Полицияда: “қайси ҳужжатларга асосан никоҳдан ўтдингиз, таксир?” – деб қолишса нима бўлади? А?!

Ж и в о т а. Ҳужжатлари бўлган-ку.

Б л а г о е. Бўлишга бўлган-у, бироқ бировники бўлган-да! Мана шу чатоқ! Полицияда сўрашади: ҳужжатларни қаердан олдинг, ундан нима мақсадда фойдаландинг, Фрейбургда шунча йил нима қилдинг?!

В е л и м и р. Мен университетда ўқидим, дейман.

Ж и в о т а (*чўчиб*). Ш-ш-ш, жим, бундай дея кўрма, тушундингми?

В е л и м и р. Тўғриси айтишни талаб қилишади-да.

Ж и в о т а. Тўғриси айтишни... Ким сенга айтди, полицияда тўғри гапиришади деб? Ҳамма полицияда тўғри сўзлаганида, аҳолининг ярми турмада бўларди!..

В е л и м и р. Нима қилай бўлмаса?

Ж и в о т а. Ҳеч нима қилма! Қилғиликни қилиб бўлгансан! Бу ёғига аралашма. Мен ўзим бир ёқлик қиларман.

В е л и м и р. Ихтиёрингиз.

Ж и в о т а. Милораднинг маърузасини ёзиб тугатдингми?

В е л и м и р. Мана! (*Бир қанча ёзилган қогозларни Животага беради.*)

Ж и в о т а. Нима тўғрида ёздинг?

В е л и м и р. Антиципатив динамика тўғрисида.

Ж и в о т а. Яна динамиками? Мундоғ бир салмоқлироғи топилмабди-да. Антиципа... тилинг ҳам айланмайди бу сабилга. (*Қогозларни Благоега бериб.*) Қани, сен уриниб кўр-чи! (*Велимирга.*) Анави Райсер қани?

В е л и м и р. Кеча кечкурун мен уни кутиб олдим. Кечки овқатни бирга қилдик. Эрталаб шаҳарни айландик, кейин мен уни университетга ректор қабулига олиб бордим...

Ж и в о т а (*Благое қўлидан қогозларни олиб, чўнтагига солиб қўяди*). Яхши ўйлабсан, университетда гумдон қилавер, ўшалар шуғулланаверишсин.

В е л и м и р. У сиз билан танишмоқ-чи.

Ж и в о т а. Мен билан танишишининг ҳожати йўқ. Университет бўлмасам.

В е л и м и р, Уни бу ниятидан қандай қайтараман?  
Б л а г о е. Йўқ, Живота, нима бўлса ҳам, сен уни қабул қилишинг керак.

Ж и в о т а. Энди сен қолувдинг. Ўзинг қабул қилавер, шунча гапни биларкансан.

Б л а г о е. Мен қандай қилиб қабул қиламан?

Ж и в о т а. *(мясига бир фикр келиб)*. Шошма, чинданам унинг отаси бўлақол – вассалом!.. Немисчани биласан, уй таъмирланаяпти, шу сабабли мен сизни қабул қила олмайман, дейсан. Бирон жойда тушлик қиларсиз... Шу йўл билан мен ундан осонроқ кутиламан.

В е л и м и р. Жаноб Благое менга ота бўлиб учрашсин, демоқчимисиз?

Ж и в о т а. Райсерга барибир! Сен менга қандай ўғил бўлиб олган бўлсанг, бу ҳам сенга шундай ота бўлиб олиши мумкин!.. *(Ҳамёнидан пул чиқариб Благоега беради.)* Мана пул, тушликка етади. Ҳар қалай ойналарни синдирмасанглар керак!

Б л а г о е. Жиддий айтаяпсанми?

Ж и в о т а. Жиддий, албатта. Уйимда бутун Швейцарияни йиғишимни истайсизми: Пепик, Клара, Райсер... *(Велимирга.)* Ажаб, бира тўла Швейцария Республикаси президентини ҳам таклиф қилавермабсан-да... Кўриб туриб яна эътироз билдирганларингга ўлайми!

Б л а г о е. Эътирозимиз йўқ!..

Ж и в о т а. Бўлмаса, ана, ота бўлиб, бошлаб бор! Ҳеч бўлмаганда, шу профессордан қулоғим тинчисин.

Б л а г о е. Яхши, фақат ҳалиги...

Ж и в о т а. Нима, ҳалиги? Боринг!.. *(Благоега.)* Мана ўғлинг! *(Велимирга.)* Мана отанг!

Б л а г о е. Сен шундай дегандан кейин... қани юр, ўғлим.  
*(Велимир билан бирга чиқади.)*

## 4

Б л а г о е *(ўзи қайтиб кириб)*. Ҳалиги темир йўл министрининг яхши таниши – Драга хоним келибди.

Ж и в о т а. Ўшами? Бирон нимани билиб келибдими? Қани?

Б л а г о е. Кутиб турибди.

Ж и в о т а *(эшикка бориб)*. Нимани кутади? Кутиш кимга керак?  
*(Эшикни очиб.)* Марҳамат қилинг, хоним!

Б л а г о е *(эшик олдида)*. Киравер, киравер, совчи!

Ж и в о т а. Марҳамат!.. *(Благоега.)* Сен ўз ишингга боравер.  
*(Благое чиқади.)*

## 5

Ж и в о т а. Бекорга кутибсиз.

Д р а г а. Меҳмонларингиз бор экан, нозик ишни, биласиз, хилватда гаплашмаса бўлмайди.

Ж и в о т а. Марҳамат, ўтиринг!

Д р а г а *(ўтириб)*. Нимага келганимни сезгандирсиз?

Ж и в о т а. Ҳа, Благое учини чиқарган эди.

Д р а г а. Мен министрникига шошмасдан, бир йўлим тушганда кириб ўтмоқчи эдим. Газетада ўғлингизнинг маъруза ўқиши ва маърузада

кандайдир хорижий олим бўлиши ҳақидаги хабарни кўриб қолиб, газетани сумкамга солдим-у...

**Ж и в о т а** (*завқланиб қўлларини ишқалайди, эшикка бориб*). Мара! (*Драгага*.) Хўш, шундай қилиб ишимиз нима бўлди?

**Д р а г а**. Ишонаманки, яхши бўлади.

## 6

**Ж и в о т а**. Бу киши Драга хоним, Благоенинг совчиси.

**М а р а** (*саломлашиб*). Биз танишиб олдик.

**Д р а г а**. Танишиш нимаси, биз ахир қариндошмиз!

**М а р а** (*ўтириб*). Кўпдан кўришмай... Ўтиринг.. Аҳволлар яхшими, кудажон?

**Ж и в о т а** (*Марага*). Драга хоним темир йўл министрининг хотини билан яхши таниш, жаноб министрнинг бўйи етган кизи бор экан...

**М а р а** (*чехраси очилиб*). Бизнинг Милорадгами?

**Ж и в о т а**. Йўқ, менга!.. Унга-да, албатта!

**Д р а г а**. Жуда чиройли киз! Нима деяётган эдим, ҳа, жаноб доктор Милорад Цвийовичнинг маърузаси тўғрисида босилган газетани сумкамга солдим-у...

**М а р а**. Хўш?..

**Ж и в о т а**. Мана шу “солдим-у” деган жойида сени чақириш учун тўхтагандик.

**Д р а г а**. Министрникига югурдим. Бордим, денг. Салом, аҳволлар қалай?

**Ж и в о т а** (*унинг ҳикоясини давом эттириб*). Ташаккур, ёмон эмас, ўзингиз қалайсиз?

**Д р а г а**. Ҳа, ишлар жойидами? Нима қилаяпсиз? Об-ҳаводан, шаҳар янгиликларидан, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, пировардида, гапни маъруза томонга буриб юбордим.

**Ж и в о т а**. Аҳа, шундай!

**Д р а г а**. “Эрталаб ёш олим доктор Цвийович маърузасига борасизларми?” – деб сўраб қолдим.

**Ж и в о т а**. Улар нима дейишди?

**Д р а г а**. Мана шу ёш олим билан танишсангиз бўларди, ҳамманинг оғзида дув-дув гап, фан мўъжизаси эмиш, келажаги порлоқ, дедим.

**Ж и в о т а**. Ҳа, яхши айтибсиз.

**Д р а г а**. Кеча-ю кундуз китобдан бошини кўтармайди, дедим.

**Ж и в о т а**. Ҳа, у худди шундай, мана Марадан сўранг. (*Мара нима дейишини билмайди*.) Қанча гапирдим: китоб деб умрингни хазон қилма, ёшлигингда ўйнаб қол ўртоқларинг билан... У нима дейди денг? “Дада мени ранжитманг, мен учун фан – муқаддас!”. Ўғлимиз мана шунақа!

**Д р а г а**. Қиздай бирам мулойим, бирам камтарки, дедим, ресторан нима, ҳар хил бошқа муассасалар нима, билмайди!

**Ж и в о т а** (*тасдиқлаб*). Ҳа, тўғри, билмайди!

**Д р а г а**. Ичмайди, чекмайди, олим, бой, рисоладагидай ...

**М а р а**. Бўлмасам-чи, худди шундай!

**Д р а г а**. Олимлиги ҳам ростми?

**Ж и в о т а**. Сўраб нима қиласиз? Дипломига бир қаранг. Хўш, улар нима деди?

**Д р а г а**. Ҳеч нима, нукул сўрагани сўраган. Оиласи, мавқеи... Мана қулай фурсат, дедим, эрталаб у маъруза ўқийди, боринг, эшитинг. Ўша ерда

кўрасиз... Қиз қизиқиб: “Ойи, ўтиниб сўрайман, эрталаб маърузага борайлик”, – деб қолди. Келишса керак.

Ж и в о т а. Бу учрашув учун бир баҳона, Мара.

М а р а. Насиб этса!

Д р а г а. Чиқиб кетаётганимда онаси орқамдан: “Драга хоним, бизникига кириб туринг, албатта кириб туринг”, – деб қолди.

М а р а. Кейин-чи?

Ж и в о т а. Сенга яна нима керак?

Д р а г а. Ҳаммаси жойида бўлади, мен яхши биламан бу ишларни. “Драга хоним, бизникига кириб туринг, албатта кириб туринг” деган гапининг тагида нима борлиги равшан.

Ж и в о т а. Биласиз, мен камбағал эмасман, аммо, ҳар ҳолда, билиб қўйсақ чакки бўлмас: қизига неча километр сеп бераркин?

Д р а г а. А? Нега сепни километрлаб ўлчайсиз?

Ж и в о т а (*қулиб*). Аҳа! Новвойдан тандирда қанча пул пишираяпсан деб эмас, қанча нон пишираяпсан деб сўралади-а? Нон – унинг бойлиги. Темир йўл министрида ҳам шундай: километрлар – унинг бойлиги.

Д р а г а. Мен негадир унча тушунмадим, жаноб Живота.

Ж и в о т а. Ҳозир тушунтираман. Министрнинг қўлида Трансбалкон темир йўлининг қурилиши. Бу – минглаб километр, давлат аҳамиятига эга! Мен бутун Трансбалкон йўлини сеп қилиб берсин деяётганим йўқ, бундай қилолмайди, лекин тўрт юз-беш юз километрини ажратиб берар ахир.

Д р а г а. Шунақа денг? Ўз фарзандига бермай, кимга берарди... Совчигаям, балки, бирон километри тегиб қолар.

Ж и в о т а. Бўлмасам-чи. Мен сизга кўприк ёки тоннель ваъда қилолмасам-да, бирон километр...

М а р а. Маъзур тутасиз, сиздан баъзи нарсаларни сўраб олсам.

Д р а г а. Марҳамат қилинг, Мара хоним.

М а р а. Қиз чиройлими?

Ж и в о т а. Министрнинг қизи бўлади-ю, чиройли бўлмайди!

М а р а. Одоблими?

Д р а г а. Ҳа-да. Одобли бўлмаганида, аллақачон эрга тегиб кетган бўларди.

М а р а. Бизнинг Милораддан қатта эмасмикин?

Ж и в о т а. Қатта, бемаъни гап! Министрнинг қизи-я!

Д р а г а. Хуллас... Эрталаб маърузада бўлишади, мен ана ўша ерда ўғлингиз уларга ёқдим, йўқми, биламан. (*Ўрнидан туради.*) Келиб ҳаммасини сизга айтиб бераман.

Ж и в о т а. Жуда яхши!

Д р а г а. Энди менга жавоб, хайр қудажонлар. (*Хайрлашиб чиқади.*)

М а р а (*қузатиб*). Хайр, раҳмат сизга.

Ж и в о т а (*қузатиб*). Раҳмат, кириб туринг, албатта кириб туринг!

## 7

Ж и в о т а. Хўш, эшитдингми?

М а р а. Бахти очилармикин?

Ж и в о т а. Ўргулай, министрнинг қизи-я, министрнинг қизи!

М а р а. Яхши, Живота, фақат... Нима десамикин... қандайдир ғалати... уйлангани уйлантираяпмиз.

Ж и в о т а. У эмас, унинг номи уйланган.

М а р а. Уйқумда ҳаловат йўқ, туни билан ўйлаб чиқаман: орзу-ҳавас кўрсам



дегандим, бирдан осмондан шалоп этиб келин тушди, кимлигиниям билмай-сан киши, бунинг устига – невара. Милован, Радован ёки Доброслав бўлсаям майлийди, Пепик деганларига ўлайми!.. Одам исмини айтишга уялади.

Ж и в о т а. Нимасини айтасан... Бир бошимга шунча ташвиш!

М а р а. Ишониш қийин... Адвокат ҳеч нима демадимиз?

Ж и в о т а. Адвокат яхши маслаҳат берди: Клара келиб, “ассалому алайкум” дейиши билан Милорад унга бир тарсаки туширади.

М а р а. Аёлни уриш, нега?

Ж и в о т а. Ҳақорат қилиш учун. Ҳақорат – ажралиш учун баҳона.

М а р а. Милорад кўнмайди.

Ж и в о т а. Бўлмаса, аёл ўғлингни тарсаки билан туширсин – бу ҳам ҳақорат.

М а р а. Нима деяпсан, қўйсанг-чи! Благое айтганидай, биз Кларани гувоҳлар олдида хиёнатда айблаймиз.

Ж и в о т а. Тентак, ким гувоҳ олдида хиёнат қилади.

М а р а. Благое айтдики, Милорад уни уришга рози бўлмаса, балки ўпишга рози бўлар.

Ж и в о т а (*ишонч билан*). Рози бўлади. Ўғлимни яхши биламан, бундай ишларга суяги йўқ.

М а р а. Милорад уни ўпиб турганида, бошқа хонадан гувоҳлар чиқиб, уларни судга олиб боришса қандай бўларкин, дейди Благое.

Ж и в о т а. Хўш, судда нима қиламиз?

М а р а. Кларани хиёнатда айблаймиз!

Ж и в о т а. Ана бу донони қаранг-а... Благоенинг синглиси эканинг шундоққина кўриниб турибди.

М а р а. Нима бўпти?

Ж и в о т а. Ахир Милорад унинг қонуний хотини-ку. Демак у судга “Қонуний хотиним мени ўпгани сабабли мен уни хиёнаткор деб биламан ва ажралишни талаб қиламан”, дер экан-да.

М а р а (*ҳайрон*). Во-ей, ҳаммаси алкаш-чалкаш бўлиб кетди-ку, бошимни йўқотиб қўймасам кошкийди.

## 8

М и л о р а д (*киради, қўлида газета*). Бу нимаси?

Ж и в о т а. Нима?

М и л о р а д. Мана бу, газетада ёзилган нарса: гўё мен маъруза ўқирмишман, мени эшитай деб чет элдан доктор Райсер келган эмиш.

Ж и в о т а. Газетада ёзишибдимиз, демак, тўғри.

М и л о р а д. Нима тўғри?

Ж и в о т а. Доктор Райсернинг келгани.

М и л о р а д. Лекин менинг маъруза ўқишим нотўғри.

Ж и в о т а (*Марага*). Кўраяпсанми? (*Милорадга*.) Ҳой, менга қара.

М и л о р а д. Қанақа маъруза, нима тўғрисида?

Ж и в о т а. Мана маъруза тайёр. (*Қўлёзмани беради*.)

М и л о р а д. Ўзингга буюрсин. Менга керакмас.

Ж и в о т а. Илтимос қиламан. Бунда сенинг бахтинг масаласи турибди! (*Марага*.) Сен ҳам бир нима десанг-чи, оғзингга талқон солдингми?

М а р а. Нима дейман? Болагинам ақлли, айтганингни қилади.

Ж и в о т а. Бахтинггина эмас, ор-номусинг ҳам шунга боғлиқ, агар билсанг, менинг номусим ҳам!

М и л о р а д. Ҳа, шунақа денг, сизларнинг номусларингни мен ҳимоя қилай,



менинг шаънимга доғ тушсаям майли. (*Марага.*) Кеча ўн минг динор сўраган эдим, бермади.

Ж и в о т а. Шу ўн минг динорни берсам, маъруза ўқийсанми?

М и л о р а д. Аввал бераман дегин, кейин бир гап бўлар.

Ж и в о т а. Бир оз камайтиргин, камайтирасанми-а? Ўн минг динор, ахир, жуда кўп-ку!..

М и л о р а д. Жуда кўп?.. Шунча қарзим бор. Диплом, хотин, бола етмай тургандай, маърузани ҳам бўйнимга илдингиз! Яна ўн минг динор кўп эмиш!..

Ж и в о т а. Ахир буларнинг ҳаммаси сен учун. Маъруза сенга нима келтиришини биласанми? Мара, тушунтир бунга, маърузада ким бўлишини очик айт.

М а р а. Ўғилгинам, министрнинг қизи бўлади, атайин сени кўриш учун келармиш, совчи шундоқ деди.

М и л о р а д. Совчига бало борми, уйланганман-ку?

Ж и в о т а. Нима қилибди? Уйланганлар ажралишмайдими? Буни менга кўйиб бер.

М а р и ц а (*кириб*). Иккита хоним келишди.

Ж и в о т а. Қанақа хонимлар?

М а р и ц а. Уч-тўрт кун бурун келишувди-ку, ўшалар.

Ж и в о т а. Етимхонадан. (*Милорадга.*) Маъруза учун келишган.

М и л о р а д. Бу мени қизиқтирмайди.

Ж и в о т а. Бутун Белградда масхара бўламиз-а. (*Марицага.*) Майли, киришсин.

М а р и ц а. Хўп бўлади. (*Чиқади.*)

## 9

Ж и в о т а. Ўғлим, ўзингниям меням шармандаликдан қутқар.

М и л о р а д. Ўзимни қутқараман. (*Кетмоқчи бўлади.*)

Ж и в о т а (*кийимидан маҳкам ушлаб*). Мара!.. Ушла!..

М и л о р а д. Ўн минг динор берасанми?

Ж и в о т а (*иккиланади, хонимларнинг оёқ товлушини эшитиб, ноилож рози бўлади*). Хўп, майли, товламачи, юлғич!

## 10

П р о т и ч в а С п а с о е в и ч (*кириб, бир овоздан*). Салом, хоним афанди! Салом жаноб Цвийович!..

Ж и в о т а. Менинг ўғлим, доктор Милорад Цвийович!.. ("*р*" *ҳарфига алоҳида урғу бериб гапирди*)

Х о н и м л а р. Ҳа, бизнинг ёш олим, жуда соз, бағоят хурсандмиз. (*Кўришадилар.*)

Ж и в о т а. Ҳозиргина ўғлим сизлар билан танишиш иштиёқида эканини айтиб турганди.

Х о н и м л а р. Оҳ, бу қандай бахт!..

С п а с о е в и ч. Биз вакил...

П р о т и ч. Тўққизинчи етимхона бошқармаси кенгаши...

С п а с о е в и ч. Протич хоним, маъзур тутасиз, мен ўзим... биз газетадан маърузани эшитиш учун Фрейбургдан доктор Райсер келганини билиб қолдик.

Протич. Жаноб Райсерни шахсан таклиф этмоқчи эдик.

Спасоевич. Уни қаердан топса бўларкин?

Живота. Яхшиси, қидирманглар, афтидан, у маърузаларни ёқтирмаса керак.

Протич. Газеталарда шу маърузани эшитиш учун келди деб ёзилган-ку.

Живота. Ҳа, албатта, жаноб Райсер умуман маърузаларни ёқтирмасида, буни эшитади.

Спасоевич (*Милорадга*). Жаноб доктор, сизни бошқармамиз кенгаши аъзоларидан биронтаси тингловчиларга таништирса яхши бўлмасмикин. Шунга нима дейсиз?

Милорад. Менга барибир.

Протич. Балки, сизни кенгашнинг иккита аъзоси таништиришини истарсиз?

Милорад. Иккита бўлса ҳам майли, бироқ улардан биттаси гапиргани маъкул.

## 11

Благое (*киради, ҳансираган ҳолда*). Ана у, келаяпти!..

Живота. Ким?

Благое. Профессор Райсер!..

Хонимлар (*хурсандликдан сакрашиб*). Оҳ, қандай соз!..

Живота. Эсинг жойидами? Уни менинг олдимга олиб келиб нима қилардинг?

Благое. Нима қилай, Милораднинг онасини кўришим керак деб туриб олди!..

Живота. Отасини кўрди-ку, онасини нима қиларкан?

Спасоевич. Бахтимизни қаранг-а, буюк олим билан шахсан танишиб, етимхонага таклиф қиламиз.

Живота (*Благоега*). Бориб айт, келмасин!

Благое. Шунча уриниб кўрдим, бўлмади!

Живота. Унда йўқол кўзимдан!

(*Благое хижолат чекиб, чиқади.*)

## 12

Живота (*секин кулаётган Милорадга*). Ҳа, сен нимага шақиллаб колдинг?

Милорад. Благое тоғам жуда кулгили-да.

Живота. Кулгиликка кулгили! Лекин энди нима қиламиз?

Протич. Тўққизинчи етимхона номидан унга ташаккур билдиришга ижозат берсангиз.

Живота (*ўзини тамомила йўқотиб*). Ҳа, унга айтинг... фақат, илтимос, ўзингизни йўқотиб кўйманг... э, кечирасиз сиз эмас, сен Милорад, кўркма, дадил бўл!..

Милорад. Нега энди мен?

Живота (*баттар доводираб*). Ҳа, ҳа, сен эмас. Мара, унда сен дадил бўл.

Мара (*чўчиб*). Нега энди мен?

Живота. Нега энди мен, нега энди мен?! Кимдир уни кутиб олиши керакми, йўқми!..

*(Благое, Райсер, Велимир кирадилар)*

Благое. *(биринчи бўлиб киради, доводираган, ўзини йўқотган)*. Марҳамат қилсинлар, марҳамат қилсинлар! *(Райсер киргандан кейин.)* Ижозатингиз билан... Милораднинг отаси, жаноб Животани таништирсам...

Живота. Қачондан бери мен ота бўлиб қолдим, нега мени бу ишга аралаштирасан?

Благое. *(баттарроқ доводираб)*. Яъни, масалан, мен – ота, бу эса она. *(Животани кўрсатади.)*

Хонимлар. Вой ўлмасам!..

*(Мара чўқинади, Милорад қотиб-қотиб кулади.)*

Велимир *(жаҳли чиқиб, аҳволни тузатмоқчи бўлади; Благоега)*. Дада, нима бўлди сенга, мана бу-ку ойим.

Благое. Ҳа, ҳа... *(Райсерга, Марани таништириб.)* Ижозатингиз билан таништирсам, Милораднинг ойиси.

Райсер. *(тилни китобдан ўрганган киши бўлганидан секин, ҳижжалаб)*. Ҳурматимни қабул қилсангиз, хоним афанди, мен ўғлингизни жуда кадрлайман.

Живота. Марҳамат қилсинлар!

Хонимлар *(Животага)*. Ўтинамиз бизни таништиринг, бизни таништириб кўйинг!

Живота *(Благоега)*. Буларни таништир!

Благое *(ўзини олиб қочиб)*. Мен буларни танитайман.

Хонимлар *(Райсер олдига келиб, бир овоздан)*. Ҳурматли жаноб профессор, биз 9-етимхона бошқармаси кенгашининг аъзоларимиз. Мазкур етимхона шундай бир муҳим ижтимоий муассасаки...

Райсер *(Велимирга)*. Илтимос, таржима қилиб беринг...

Спасоевич *(Протичга)*. Э-э, рухсат беринг, мен гапирай, бўлмаса жаноб профессор бизни тушунолмади.

Протич. Гапиринг, марҳамат!

Спасоевич. Биз, олийҳиммат жаноб профессор, 9-сонли етимхона бошқармаси кенгашининг аъзоларимиз!

Протич. Мазкур етимхона шундай бир муҳим ижтимоий муассасаки...

Спасоевич. ...маърузалар ташкил қилиб туради.

Живота *(Благоега)*. Ҳозир бомба портлайди!

Протич. Биз сизни маърузага таклиф қилгани келдик, маърузани сизнинг саховатли шогирдингиз... *(Милорадни кўрсатади.)* Жаноб доктор Милорад Цвийович... ўқийди.

Райсер *(ажабланиб)*. Кечирасиз...

Спасоевич. Унинг ҳурматли отаси жаноб Живота... *(Животани кўрсатади.)*

Благое *(секин Животага)*. Портлади...

Протич. ...илтифот қилиб, жаноб докторни кўндиришда бизга ёрдам берди.

Спасоевич. Биз шунинг учун ҳам бахтлимизки, ҳурматли жаноб профессор, Фрейбургдан атайлаб шу маърузада қатнашиш учун келибсиз.

Райсер *(Велимирга)*. Мен ҳеч нимага тушунолмапман. Қанақа маъруза ўқимокчисиз?!

Спасоевич. У эмас, жаноб доктор Милорад Цвийович. *(Милорадни кўрсатади.)*

Р а й с е р. Э, ха, жанобнинг ўғли. *(Благодени кўрсатади.)*  
 П р о т и ч. Унинг ўғли эмас! Бу жанобнинг ўғли! *(Животани кўрсатади.)*  
 Ж и в о т а *(Протичга)*. Худо хайрингизни берсин, мени бу ишга аралаштирманг.

Р а й с е р *(Животага)*. Сиз кимнинг отасисиз?

Ж и в о т а. Билмай қолдим!

М а р а. Эҳ, Живота!

Р а й с е р *(Благоега)*. Хўш, сиз кимнинг отасисиз?

Б л а г о е. Билмай қолдим!

П р о т и ч *(Животага)*. Таксир, ахир Милорад Цвийович сизнинг ўғлингиз-ку, маъруза ўқиб беради, шундай эмасми?

Р а й с е р. Пардон, хоним, доктор Милорад Цвийович – бу кишининг ўғли. *(Благодени кўрсатади.)*

Б л а г о е. Ха, шундай!

Х о н и м л а р. Вой ўлмасам!

Ж и в о т а. Кўриб турибсиз, масала равшан, бу тўғрида ортиқ оғиз очмаган маъқул.

С п а с о е в и ч *(Марага)*. Ўғлиниб сўрайман сиздан, хоним афанди, айтинг-чи, ўғлингизнинг отаси ким?

М а р а. Мен қаердан билай?!

Х о н и м л а р. Вой ўлмасам!..

М и л о р а д. Ойи, нима деяпсан?

М а р а. Нима деяётганимни ўзимам билмайман, ипга ўралиб қолган фозга ўхшайман.

Х о н и м л а р. Аммо марҳамат қилиб тушунтирсангиз, биз негадир англаёлмаяпмиз...

Ж и в о т а *(ўзига бир оз келган эди, бирдан қайнаб кетади)*. Овозларингни ўчирасанларми, йўқми! Нега ҳадеб оилавий ишимизга аралаша-верасанлар?.. Менга Пепик камлик қилиб турувди, энди етимхонани ҳам елкамга ортишди...

Х о н и м л а р. Бу нимаси, таксир!

Р а й с е р *(уни тинчитишга ҳаракат қилиб)*. Хонимлар демокчики...

Ж и в о т а *(қайнаб)*. Э-э, сизни ўзи Фрейбургдан қайси алвасти чақирди, нега ҳа деб оилавий ишларимга бурнингизни тикасиз?.. Ҳой, Византия, оиламни тинч қўй! Фрейбург номини эшитсам кўнглим айнайди. Бас! *(Бақиради.)* Етар!.. *(Умумий ҳаяжон, Велимир Райсерни тинчитишга уринади. Протич ва Спасоевич Мара билан Благоега бир нималарни тушунтираяпти. Милорад бир четда туриб, мазза қилиб кулаяпти. Живота мушкул бир аҳволда, ўзича.)* Пепик, бечора Пепик, мени не кўйларга солдинг!..

## ПАРДА

*(Давоми бор)*





Абдулхамид  
ИСМОИЛ

(1954 йил туғилган)

## ЖИНЛАР БАЗМИ

ёхуд катта ўйин

Асарда rassom Бахтиёр Маҳкамов сувратларидан фойдаланилди.

### Роман<sup>1</sup>

Маълумки, ёзувчилар реал дунёда яшаган ёки яшаши мумкин бўлган антиқа кишилар образларини яратиб, улар ҳаётида рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган ибратли воқеалар асосида асар яратадилар. XX асрда адабиётнинг реал ҳаётга яқинлашиши натижасида адабий қаҳрамонлар галереяси ўтмишда яшаган машҳур тарихий шахслар баробарида кун кеча ёруғ дунёни тарк этган реал кишилар образлари билан ҳам бойиди. Жамиятда нафақат Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур сингари давлат, фан ва маданият арбоблари, ҳатто кун кеча яшаб ўтган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек сингари ўзида ўзбек халқи тарихининг муайян даврини акс эттира олувчи шахслар ҳақидаги асарларга катта эҳтиёж туғилди. Ана шу эҳтиёж тақозоси билан бир қатор романлар, спектакллар, кинофильмлар, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратилди.

Абдулла Қодирийнинг сермазмун ижоди ва фожиали ҳаёти нафақат китобхонлар, балки ижод аҳлининг диққат-эътиборини ҳам анчадан бери ўзига жалб этиб келади. Миллий театрнинг томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинган Иззат Султон драмаси асосидаги “Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари” спектакли, Ўзбекистон телевидениесининг Хайриддин Султонов асари асосидаги “Мозийдан бир саҳифа” видеофильми, ўнлаб ҳикоя ва шеърларда яратилган улуғ адиб образи севимли адабий қаҳрамонлардан бирига айланиб, айниқса, ёш авлод учун ватанпарварлик ва халқпарварликнинг энг юксак намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

<sup>1</sup> Романдан парча.

Яқинда Абдулла Қодирийга бағишланган яна бир янги асар яратилди. Ўзбек китобхонларига шеърлари, адабий ва публицистик мақолалари билан таниш бўлган Абдулҳамид Исмоил “Жинлар базми ёхуд катта ўйин” романини ёзиб тугатди.

Абдулҳамид Исмоил Абдулла Қодирий ва Чўлпонларнинг фуқаро сифатида оқланишидан икки йил олдин, 1954 йилда туғилган. Она юртида дастлабки таълимни олганидан сўнг, Москвага бориб, ҳарбий билим юртида ўқиган. Уни 1974 йилда тугатгач, Тошкентга келиб ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида ўқиган. Сўнгера яна Москвага бориб, Бутуниттифоқ Ёзувчилар уюмсида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Унинг Тошкентда ўзбек тилида 2 та шеърлар тўплами, “Ўзбекистон маданияти” газетасида бир неча мақолалари босилган. А.Исмоил Чўлпоннинг бир неча шеърлари ҳамда “Кеча ва кундуз” романини рус тилига таржима қилган, Чўлпон ижодида бағишланган бир неча мақола ёзган. Асарлари ўзбек, рус, инглиз, немис, француз тилларига таржима қилинган.

А.Исмоил 70-йиллардан бери Чўлпон ва Қодирийнинг фожиали тақдирлари мисолида сталинча қатагон сиёсатининг келиб чиқиш сабаблари билан қизиқиб, Ўзбекистондаги, Россия ва бошқа бир қанча архивларда шу масалага ойдинлик киритувчи янги материалларни излаган. “Жинлар базми”даги Ян Виткевич, Артур Конолли (Хоналиев), Нурми Триғулов сингари махфий хизмат ходимлари билан боғлиқ саҳифалар шундан далолат беради.

Абдулла Қодирий ижоди мухлислари адибнинг 1937 йил қатағони арафасида Амир Умархоннинг канизи ҳақида янги роман ёза бошлаганини яхши билишади. Атоқли фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг хотирлашича, адиб агар шу асар тугаллаиб, нашр этилган тақдирда китобхонлар “Утган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларини ўқимай қўяди, деб хавотирланган. Демак, бу роман бадиий баркамоллиги билан Қодирийнинг аввалги икки асаридан ҳам баланд бўлиши кутилган.

Ҳабибулла Қодирий отаси ҳақидаги китобларида бу романнинг ғоявий ўйналиши тўғрисида муайян маълумот берган.

“Жинлар базми” воқеалари адибнинг қамоққа олиниши воқеалари билан бошланиб, унинг НКВД қамоқхонасидаги сўнги кунли тасвири билан тугайди. Муаллиф ана шу сюжет чизиғига параллел равишда романда бошқа воқеаларни ҳам олиб киради. Бу воқеалар Амир Умархоннинг канизи Ойхоннинг ўта машаққатли тақдири билан боғлиқ. Асар муаллифи романда Ойхон яшаган фожиали давр билан Қодирий яшаган фожиали давр ўртасидаги яқинликни; ихтиёрида катта куч бўлган зolim ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат айрим кишилар, балки халқ ва мамлакат тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тарих сабоқлари асосида очиб беришга интилган.

Ёзувчи адиб ҳаётига доир сюжет чизиғини шакллантиришда асосан Ҳ.Қодирийнинг “Отам ҳақида” ва Н.Боқийнинг “Қатлнома” китобларида берилган материалларга таянган.

Адабиётшуносларнинг фикрича, А.Исмоил адабиётнинг топталган кўчаларидан боришни истамайдиган, янги-янги адабий экспериментларга мойил ёзувчи. “Жинлар базми” ҳам муаллифнинг шу сирадаги асаридир.

Наим КАРИМОВ

*Кўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин  
Хайлимнинг бир бурчида беркитдим.  
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда  
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим.*

*Қулогимга ол бахт, деб эшитилган  
Азонларни шайтоний деб ўйладим.  
Шунинг учун бахт берган малакка  
Турли-туман афсоналар сўйладим.*

*Сочларини ўйнаб туриб эшитди  
 Ва дедиким: “Афсоналар беҳуда”.  
 Бул сўзлари қулоғимга етишди:  
 “Оқдим, – деди, – қонли, зардобли сувда...”*

*– Оқ-оқ, – деди афсоналар султони, –  
 Сенинг тахтинг, бахтинг унда кутадир.  
 Ул зардобли, қонли сувлар остида  
 Қора кийган жонинг жилва этадир.*

*Кет, эй шайтон, босирқадим... кўрқаман;  
 Кет-кет. Қилич синган, қалқон тешилган.  
 Кўрасанми? Мен эзилган, ётаман,  
 Устимга-да бало тоғи йиқилган.*

*Сўнги нафас, охирги дам, эй малак,  
 Кел, бир қара, сўнгера йиқилсун фалак!*

ЧЎЛПОН

## УЛОҚ

Ўша йил куз ўзгача чиройда келди. Шаҳар кезиб Кўкчадаги янги тушган трамвай бекатидан хувиллаган кўчалар бўйлаб уйга қайтасанми, Самарқанд дарвозадаги синчу гувала деворлар ортига кўз кирини ташлайсанми, толиқиб ўз боғинга чиқасанми – кўк осмон остида алвон-алвон ранглар. Сарғишу кизғиш барглар негадир бу кузак қовжирамай, шоҳу бутоқлардан узиломдан, гўёки мусаффо ва осуда ҳавода қишларга довур ялт-ялт ҳилпирагусидек. Шундай эса-да, силжимас ҳаводаю қартайган қуёшда аллақандай ҳазинлигу аччиқлик, кўзга бўлмаса-да, димокқа сезиларди. Узоқларда ёқилган чўпу хазоннинг элас-элас исимиди бу тахирлик...

Ким билсин...

Бугунга Абдулла ток кўмишни мўлжаллаган. Барди ўрилиб, хув чеккароқда увун-тўда ғарамланган. Туновида болалар гулхан ёқиб, бардига ўт қўйиб юборай дейишди. Худо бир асради ўшанда. Ток-қайчи қўлида, Абдулла кенг ишқом тагида тураркан, бир-икки ерда истак узилиб, бағозлар бўшаганига кўзи тушди-да, бу фавқулудда ҳолни нимага йўйишини билмади: ҳосилнинг мўллигими ё қаровнинг озлигимиди боис? Рост-да, бу ёзу бу куз боғига одатдагидек қаролмади, жабр бўлди пояга. Кўнгли алахсиди. Офтобчувоқ кўкламда токни очганидан бери, оламда жинлар базми бошланиб кетгандек. Кўча-кўйда уззукун янграгани – ғат-ғат оркестру “ура-ура” хайқириқлари. Хадрадан то Ўрдага қадар ҳар бинога сўлақмондек қилиб расмлар осилган. Ерга тикилган хода борки, устида ранг-баранг байроқ. Кечалари эса ягана кўрган даладек бирма-бир жўралари йўқолади. Бириси куни Ғози Юнус домланинг беркиनावериб унниққан ўғли Тўлқин, отасининг тилла соатини кўтариб, пул сўраб келибди. Тунов эса Чўлпоннинг бебахра хотини Катя хоним: “Сиз тавсия хати ёзиб юборинг, сизга ишонишади-ку!” – деб йиғлайди. Кимга ким ишонарди ҳозир?! Кунимиз бетайин, қаттол замонга қолиб кетган бўлса. Дала яганаланиб, уватга айлангани йўқ. Ҳазрат айтмиш: “Бешаи Мозандаронга тушти ўт”. Олағовурда хўлу қуруқ бир ёняпти. Мана унинг ўзи ҳам эгарланган очаға оддек тайёр турибди. “Чўх!” – дейишса кетади.

Бу маъюс хаёлларда Абдулла токнинг пастқам, олақароқ новдаларини кеса

бошлаганини ҳам сезмай қолибди. Аста-секин қийшанғи пояни бутокларди. Ҳали-бери чуғурлашиб болалари ҳам ёппасига, қийғос ҳашарга чиқиб келишса ажаб эмас. Афсуски, тўнғичи Ҳабибулла касал бўлиб ётиб қолди, ёнига кириб ишни тезлаштиришармиди. Лўмбиллаган кенжатоий Масъуд “отам-отам” бўлиб, ўроқ деганда косовни узатса-да, гапга солиб турар. Кенжасини эслаб, Абдулла мийиғида кулиб қўйди. Олам ҳодис, ҳалида нарвонни шитоброқ тиккайтирилган ишқомга қўйса борми, маймунчадек тепасига чиқиб кетади. “Дада-чи, дада, чилпиган истакларни мен кесай”, – деб боғбон-отачадек хархаша қилади. Майли-да! Қайдам, тоқларнинг барини бугун кесиб, ётқизиб, қўндоқлаб, барди билан ёпишга улгурмас-ўв! Яна эрта бор, яна Худо хоҳласа индин бор... Тоқларини қўмар ҳам, совуқлар ҳам ўтар, шовур-шовур ёмғирли қўклам қайтиб, буюрса, пояю бачкилар яна занг отар... Бир – қўмилади, бир – яна ҳеч нарса бўлмагандек, очилади... Адабиёт ҳам шундай эмасми, деб ўйлади, қаншаридаги бир томчи терни арғиб, Абдулла.

Олачалпоқдан кўзлари қамашдимиди, чунки худди шу пайт кесилган бир новда қўлига илашиб, шапалоқдек барғни ўзи билан ерга тортдию, бояги барғ остида яширинган майдагина ғужумча узум очилиб қолди. “Қирмизка-қирмизка!” – деб ўтган йили аллақадан топиб эккан токи. Бояги шингил ҳам қирмизка номига монанд, узилмай панада ётаверганидан, қип-қирмизи бўлиб етишган, юм-юмалоқ узумчалари ҳам – зўри келса – шабнам томчисидан зиёда эмас, худди ўйинчоқ ғужумнинг ўзгинаси. Юраклари дук-дук урди Абдулланинг. Анчадан бери қўнглига тугиб юрган китоби бор эди: уч подшоҳга хотин бўлган гўзал қаниз ҳикояси. Барғ остида қизларнинг луччак бетидек қип-қирмизи бўлиб яширинган бу шингилнинг кеч кузда бир куни яланғоч қинғайган новдалар аро тўсатдан муҳайё бўлиши Абдулланинг чигал ўйларини бирдан ёзиб юборгандек эди. “Масъуд, отам, кела қолинг!” – деб уй томонга ҳайқирди. Қўнғил қурғур қув-да, ғужум ҳали тахир бўлмасин, дея, кенжасига илинган шингилнинг энг майда донасини эндигина узун рўзадан чиққан тишига қўйиб эдики, безаха узумча тирс этиб, тилни ёрадиган шираю маза бехосдан Абдулланинг бутун вужудига урди.

Бирварақайига билди у қандай бошлашини бу қиссани. Шундай ажабтовур қисса бўлсинки, уни ўқиган одам “Ўткан кунлар”ни ҳам, “Меҳробдан чаён”ни ҳам унутиб юборсин. Кўча бошидаги Аҳмад қоридан “Бадое ул-вақоё”ни олиб ўқиш демаса, Мулло Олим маҳдуму Ҳақимхон тўраларни аврасидан астаригача титкилаб чиқди. Манави уйнинг атала-бўтала ишларидан хотиржам бўлиб, бир қиш оёғини сандалга солиб, узлатда ўтирса, қиссани албатта ёзиб битиради...

Лўппи кенжатоий, отаси, Отабеги уйдан чиқавермагач, Абдулла чирсиллатиб яна бир дона ғойибдан келган қирмизка узумдан еди-да, ғужумчанинг қолдиғини, бежама сифат, қулоқ кетига қистириб, ишга киришди.

Ўша аёз қишнинг 31 декабрь куни, янги 1938 йил арафасида, Абдуллани уйдан қамокқа олиб кетишди...

\* \* \*

Абдулланинг ўз қиссасини кеч кузда ғайбдан пайдо бўлган бир бошча узумдан эмас, улоқдан бошлаганича ҳам бор экан.

Янги йил арафаси, 31 декабрь куни уйига бостириб кела, Янги йил кутамиз деб турган бола-чақанинг доду войию оби-дийдасига қарамай, ўртадаги байрам дастурхонини ағдар-тўнтар қилиб, Абдулланинг китобу қоғозлари



тинтувига киришишганида, ана ўша улок сахнаси бир кечиб ўтди Абдулла хаёлидан. “Чўх!” – дейишни кутган от эдим, энди бу чавандозлар ўзимни тақимларига босишади чоғи”, деб ўйлаган эди ҳамки, шайтони лаинлар икки кўлига икки кишан солиб, икки кўлидан судраганича, ҳовлида кўтарилган қиёмат оралаб, дарвоза тагида турган учқур машинага улоктиришди.

Хадраларга етганда атрофларда Янги йил мушаклари отилгани, радиокарнайлардан Янги йилнинг лахтак-лахтак табриклари янграётгани Абдулланинг қулоғига чалингандек бўлди. Аттанг, бугун Темирийўлчилар саройига бориб, болаларига олиб келган Янги йил совғаларини уйда яшириб қўйган эди-да! Ҳар бир бордонда Москвадан келган ширинликлару болаларга энг ёққани – биттадан сап-сарик норинж бор эди-я! Хотини Раҳбарбону, болаларини юпатгач, бўйсаралаб, совға халталарини бўлишармикан? Ё йиғи-сиғида эсидан чиқиб қолармикан?

Абдулла бундан ўн бир йил аввал қамалиб чиққанлиги учунми, на саросима, на ғулғулага тушган эди. Боёв кўнгил ўшанда ғалаёнга учраб, ўшанда куйиб бўлган. Ҳозир эса ачингани – Янги йилсиз қолган болаларию киш ўртасида узилган иши.

Ташқаридан анбух карнай-сурнаю ноғораларнинг ғат-ғатию гиж-бадабанги қулоғига чалинар экан, кўлидаги кишани ҳар силкинишдан занг урганида тўймисан тўйни эсларди у.

Шу пайт ичи қоронғи машина таққа тўхтаб, Абдулланинг хаёлини узди. Манзилига етиб келишибди-да... Нималарни ўйлаётган эди боягинда. Ҳа, қандили ўчган уйдаги болаларига улашилмаган бешта куёшранг норинж ҳақида... Аттанг-а! Йўқ, навқирон ёшлигида ёзган бир ҳикояси бўлгич эди. Отасининг бир ваҳимали саргузашти ҳақида. “Жинлар базми” деган... Отасига ўхшаб Абдулланиям жин босдими?

Эшиклар шарақлаб очилди-да, ташқарида осуда ёғаётган лайлак қорни ҳар томонга тўзитиб, ҳайқириқ янгради: “Кадыри, выходи!”. Тўрт тарафи қоп-қора олабаргоҳ бино билан ўралган ҳовлида одам оёғи босмаган покизаю беғубор зумрад қор ётарди...

\* \* \*

Кўлида кишани билан Абдуллани қоронғи бинонинг қоронғи зиналари бўйлаб қоронғи ертўласига судрашди. Ертўланинг бир хонасида темир катакка илинган жинчирок остида пешанаси кетга кетган бир барзанги ўрис Абдулланинг чопони остига кўлини тикиб, чўнтақларини кавлаб, сарик чақагача бор пулини йиғиб олди-да, сўнг иштониға ёпишиб, камарини ечди. “Мана бунга имзо чек!” – деб бир парча қоғозни узатар экан, Абдулла кўлидаги кишанга имо қилган эди: “Ҳа, ёзувчишка, қичиган кўлланинг қисқарибди-да!” – деб тиззасига оғир этиги билан тепган эди, Абдулла чидаб бўлмас оғриқдан икки эгилди. “Тишла энди ручкани!” – деб ўшқирди бу бандибон жаллод.

“Кўй, Винокуров, – деб аралашгандек бўлди уйда тинтув қилганлардан бири, – келиши биланок ўлдириб юборма! Ҳали бу ифлосни сўроқ қилишим керак! Пока же в одиночку!” – деб буйруқ берди-да, Винокуровни Янги йили билан табриклаб, ўзи уйга, оиласи билан байрамни кутгани кетишини айтдию маҳбусни унинг қарамоғида қолдирди.

Янги йил аламини олдими, ўшанда Абдулладан қияпешона Винокуров, ё Янги йил қилиб аввалдан ичиб олган эканми, роса тепкилади, сўқди, урди маҳбусни ва чалажон ҳолатда, якка камерага ташлади. Бўғзига ёпишай



деса – қўллари кишанланган, тишлай деса – номардлик, лабини қон қилиб тишлаганича Оллоҳга солди бу безанглаган махлуқни Абдулла...

Лўқиллаган оғриққа ҳам кўникса бўларкан: нафасингни оғриқ тўлқинларига мослайсан-да, бу мавжнинг авжини атайин кутасан, лекин адолатсизлик аламига чидаб бўлмайди, кучсизлик азобига бардош бериш қийин. Абдулла аввалига анавининг бағритошлигинию юрагини анор қилиб эзган бу оғриқни унинг ўрислигига йўйди, бироқ уйдан чиқаверишида афтидан андинок татар терговчининг “ий” лаганроқ талаффузидаги гаплари эсига тушди: “Сини биз билибиз. Уртақларинг барлигини бизга йеткурганлар...”

Қамоқ борки, қамоқда тепки емасдан қолмайсан. 26-йили ҳам Абдуллани ўлардек тепкилашган. Унда ўзининг эгиз ўзбеклари. Лекин унда ҳам юрагини қон қилгани бу тепкилару муштлар эмас, ўзи ишонган, ўзи дўст деб тутинган қорақўзларнинг хиёнати бўлган эди. Ўшанда шу қорақўзларга қайта қараш ўрнига маҳкамадан, тузукроғи, уни отиб ташлашни сўраган эди. Ўшанда бебок ёшлиқ ғурурида на бола-чақасини, на Раҳбарини ўйлаган экан...

Бердимикан Раҳбарбону болаларига аталган норинжларни? Эртага (ё аллақачон бугунми?) Абдулла болаларини Темирийўлчилар саройига арча байрамга олиб бориши керак эди. Темирийўлчилар саройида арчаларнинг ҳам энг каттаси, томошанинг ҳам энг сараси бўлгич эди. Ўтган йили болаларига айниқса одам гапига жавоб берувчи қирриқ итлар ёққан эди. Кейин бу ажойиб махлуқлар бир-бирини чанада басма-бас тортиб кетишган эди. Олиб борармикан Раҳбар болаларини, ё олиб борса-да энди қўйишмасмикан уларни? Эшик тагидан ҳайдармикан баттоллар, қамалганнинг болалари деб? Юраги бирам эзилди болаларини эслаб.

Бир куни ўзининг болалигида рус мактабида ўқиётган чоғи ҳавас қилиб башанг янги шим, янги чопонда арча байрамга келаётганида мактаб қоровули Холмирза тажанг эшик тагида тутиб олиб: “Сан ҳам копир бўлдингми?” – деб балдоқи билан бола болдирига аямай тушириб қолганида, буни кўрган адабиёт ўқитувчиси Георгий Евстигнеевич, чолнинг олдига келиб, тоза сарт тилида: “Ахир Исо ибн Мариямнинг милоди бу. Исо сенинг ҳам пайғамбаринг-ку!” – деб айтганини эслади Абдулла. Ўшанда янги шимию оёғи қонга беланиб, арча байрамнинг ўрнига Георгий Евстигнеевичнинг извошида аввал касалхона, сўнг уйига қайтган эди у. Йўқ, саховатнинг ҳам, разолатнинг ҳам миллати бўлмас экан.

Ана, буларнинг барини гуржи бошқариб ўтирибди. Бирининг гўштини бири еган...

Бу фикрда Абдулланинг алмойи-алжойи хаёллари яна олисларга учди...

\* \* \*

Янги йил ҳам кирибди. Янги йилингиз муборакбод, Абдулла! Бир қиш ўтирсам қиссамни ёзиб битираман, деган эдингиз. Худо хоҳласа демаган экансиз-да ўшанда. Кўнглингизда бор эдию бу хатар, ахир Фитрату Чўлпон, Вадуд Маҳмуду Ғози Юнус, Анқабою Элбекни олиб кетган жойда сизни тинч қўйишармиди?! “Чўх”, деса кетадиган от экансиз, арқонингизни узунроқ ташлаб қўйишган экан-да, “Қани, ёзиб турсин-чи, роса қизиғида босамиз”, дейишган эканми.

Янги йилни қаерда кутиб олсанг, йилинг ҳам шундай ўтади, деган ўрислардан юққан бир ирим бор эди, қамоқда ўтказар экансиз-да бу йилни, Абдулла! Ўтган сафар олти ой деганда қўйиб юборишган эди, бу сафар ана Фитратнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам қамоққа тушганига ярим йилдан ошиб кетди. Чиқишидан дом-дарак йўқ. Улар ҳам шу атрофдамикан? Бир-икки

девор наримикан? Анави барзанги Винокуровга ўхшаб ҳайқирса, жавоб беришармикан?!

Ҳах! Эсига тушди боя миясида чакнаган анави учкун. Муҳаммадҳакимхон тўранинг чимилдиқ пойлагани. Деярли ёд олган “Мунтахаб ат-таворих”ни эслади Абдулла. “Аммо камина ҳам айни ёшлик даврим бўлгани учун ва ҳам бир томони шўхлик қилиб ҳеч ёққа кўзгалмадим ва беадаблик йўлига кириб чимилдикнинг бир чеккасида бекинганча, ул ой ва қуёшнинг яқинлашувини тўйиб томоша қилдим. Хуллас, ўша чоғда Амир Умархоннинг димоғида жуфтлашиш шароби кўпирди, ул дилрабо юзида эса ҳаё тори шабнам донасидек намоён бўлди. Нозу ниёз лаҳзалари қизиди – харидор иштиёқи кучайиб, мол эгаси мулойимлиги ортди. Чунки орзу қишининг булутни мақсадини ҳосил қилиш учун мурод пардаси ортида шай турарди. Гулгунча шамолнинг уятсизлиги натижасида қабога бандини ечишга мажбур бўлди ва ўзининг гулгунлиқ оғушига солди. Омонлик суманининг ғунчаси мақсади ҳосиллик насими ҳилпираши сабабидан оғзини очди ва мақсуд бўстонида кумуш ранг садафга симоб гавҳари томчилади.

Айни ўша пайт каминанинг кулгиси қистаб қолса бўладими?”

\* \* \*

Ойхон пошша Сайид Ғози хожа ҳазратларининг тўнғич қизи эди. Ўн саккизга ҳали кириб-кирмаган бу қиз ёш умрига қарамай кўпни кўрганиданми, ўз онаси Қантак пошшога қиз эмас, сингил қатори эди. Улар туғилиб ўсган Ўратепани Хўқанд подшоҳи Амир Умархон босиб, сайидлар паноҳи Маҳмуд хожаю бошқа улуғ-улуғ ҳазратларнинг қўлларига кишан солганида, бало Сайид Ғози хожанинг ҳам хонадонига кириб келди. Қишнинг қаттиқ совуғига қарамай буларнинг барини қор устида зор йиғлатиб бутун борлигини мусодара қилишди-да, уловга солиб, Хўқанд томон бадарға этишди. Ойхон пошша ўшанда ўн беш ёшда эди. Оч-яланғоч булар Хўқандга етишгач, Амир Умархоннинг хожাগонга қарши ғзаби битмай, Сайид Ғози хожаю Ўратепа улусининг бошқа улуғларини ундан ҳам нари, Шаҳрихонга сургун қилди. Ул бечораларни шу қадар талашган эдики, бир кулча нон буларнинг кўзларига фалак чархи, жулдур кўйлак эса бихишт ҳилъатидек кўринарди.

Қиш қаҳратонида яйдоқроқ ерда бир кулба қуриб, Сайид Ғози хожа маҳалладаги учта-тўртта майдага дарс ўқитиш ила, Қантак пошшо билан Ойхон пошшо эса дўппи тикиш ила кун кўриша бошлашди. Дўппи гулларини ипакдан тикишса-да, ўзлари бўз кўйлак кийишди. Топган-тутганлари фақат қора қозон қайнатишга етиб турди холос. Кичик ука-сингилларини – отасини уринтирмасдан – ўзи ўқитди Ойхон пошша. Уларга аллалар айтди, эртақлар тўқиди, ғазаллар битди.

Ютган аламлариданми, иккинчи қишга бориб, Қантак пошшанинг аввалига бўқоғи шишиб кетди. Кейин битмас йўтал ёпишди. Сайид Ғози хожа аллақадардан кийик ўти тилаб келди, уни қайнатиб ичиришди, ёрдам бергани йўқ, кўкламга етар-етмас беш болани тирик етим қолдириб, Қантак пошша бу вафосиз дунёдан кечди. Зор-зор йиғлаб қолишди булар. Энди Ойхон пошша отасига ягона суюнчиқ, ука-сингилларига она ўрнида қолди. Илгари ҳафтасига ўн дўппи тиккан бўлса, энди йигирматадан тикди, ўшанданми шахло кўзлари икки ўткир ханжардек чархланди, укаларини ювди, таради, ўқишию ошига қаради, ҳаракатлари сиртлоннинг урғочисидек енгилу эпчил бўлди, бирданига мункайиб қолган отасининг синиқ кўнглини асраб-авайлаб чегалади – овозлари чиннидаги қиёмдек ширалади...

Буни биринчи бўлиб ҳар кўклам Эски Новқатдан Шаҳрихонга келиб,

боғчаларни чопишдаю экин экишда ёрдам бериб юрадиган амакиваччаси Сайид Қосим хожа йигитча сеза бошлади. Энди у аввалгилардек ишини битирса, Сайид Ғози хожа ҳазратларининг дуосини олиб йўлига ошиқмас, балки турли баҳона топиб, бир буларнинг ковушларини ямар, бир тандиру ўчоғ атрофидаги сувоқни янгилар, бир деворингиз нураб қолибди, дея пахса каларди.

Сайид Ғози хожанинг болалари ҳам Сайид Қосимни хуш кўрар, бири унга лой отган, бошқаси хипчин олиб келиб, тойчоқ ясаб бер дея хархаша қилган, учинчиси “Қагта бўлсам, сизга тегаман”, деб ваъдалашган. Фақат Ойхон пошша ўзини бу амакиваччаси билан сипо тутар, керагида чойига, керагида жойига қарарди.

Ўша эрта кўклам ҳам бошқа ишларини битириб бўлгач, Сайид Қосим буларнинг икки тупгина токини очиб бериш важҳида яна Эски Новқатига қайтишга кеч қолди. Холбуки, Сайид Ғози хожа ўша куни Янги Новқат томон Саҳобани зиёрат қилгани ўзининг ўн тўрт яшар ўғли Сайид Олим билан йўлга чиққан эди. Ойхон пошшанинг икки синглиси маҳалладаги отинча-бувиникига дарс олгани чиқиб кетишган, ёлғиз кенжатой Сайид Нозимхон уйда ҳали ҳам уйкусидан турмаган эди.

Сайид Қосим аввалига ишкомининг бир-икки ямоғини янги ходалар билан ямади. Бир чой қайнар вақтдан сўнг токни очишга киришди, бардиларни аста бир чеккага йиғди, кўндокланган токни авайлаб очди, ҳартугул, совуқ урмабди ва оҳиста таг-тагидан бошлаб, ток поясинию новдаларини истак билан ишкомга тараб-тараб боғлай бошлади. Кўклам жони поя танасидан югура бошлаган, шўралар эгилиб-букилиб, ҳар томон гажак ташлаётган эди.

Шу пайт чойини кўтариб Ойхон пошша келиб қолди. “Ҳормангиз, ака! – деб сўрашди-да, қўлтиғидаги қийикчани ёзиб, ичидаги нонни ушатди, чойни пиёлага қуйиб имо қилди: – Чойдан ичиб олинг, қувват бўлади!”. “Майлингиз!” – деб жавоб берди Сайид Қосим ва дастурхончага яқинлашар экан, Ойхон пошшанинг анави гажак-гажак шўралар каби ўгирилиб, уй томон кетажагини пайқади-да, бирдан:

– Менга ёрдамингиз керак эди, Ойпошша! – деди.

Ойхон бир қиё боқди-да:

– Нима эди, ака?– деб сўради.

Бу “ака” деб айтган сўзида неларни англамади ўша он Сайид Қосим, дами ичига тушиб кетиб, қарийб шивирлади:

– Шотини ушлаб туролмайсизми? Ишкомнинг тепаси нозикроқ, шўрани боғлаб олай...

Ойхон бебоғ шўрадек ялт этиб ўгирилди.

– Майлингиз...

Чой ҳам бир чеккада қолиб кетди, Сайид Қосимча, қўлу нафаси титраганича, ишком тагида ётган нарвонни турғизиб, ишкомнинг пухтароқ бир ходасига тирадию:

– Мана бу тарафдан ушлаб турсангиз, мен дарровгина токни тараб ташлай, – деди.

Ингичка Ойхон қаддини ростлаб, бор жаҳди билан нарвонга ёпишди. Сайид Қосим эса бирданига ўзини дорбоз янглиғ ҳис этиб, шоти тепасига учиб чиқди. Кўклам шабадаси унинг юзу сочларини қитиқлар, у эса ўзини ишком тепасида тугул, бутун олам узра учаётгандек сезарди. Қўлидаги истак билан бир новдани боғлади, иккинчисини. Учинчиси – бебошроғи хийла узокқа қайрилган экан, истак ушлаган қўли билан чўзилганини билади Сайид Қосим, бирданига нарвон бир томонга оғиб, боягина янгидан ямалган ишком катаги

қарс этдию, кизнинг “Дод!” – деганига қарамай, Сайид Қосим нарвони билан осмондан ерга қулади.

“Дод!” – деб Ойхон йигит олдиға ташланди, бетларига уриб боқди, ёқасидан ушлаб силкитиб кўрди, қани, жон асорати кўринса. Йигитнинг юзига дув-дув ёшлар оқди, жонсарак лабларини йигитнинг тер босган манглайига босган эди, йигит бирданига бир ингради.

– Вой Худойим! – деб хитоб қилган Ойхонни: “Кўрдим, кўрдим, ўпишдийла!” – деган овоз чўчитди...

Кечаси кенжа укаси Сайид Нозимхонни кучоғида олиб ётаркан, Ойхон пошша унга:

– Сиз боягини ҳеч кимга айтиб юрманг-а, яна, – деб сирлашарди.

Кўшни хонада ётган Сайид Қосимнинг эса урилган бадани лўқ-лўқ қакшаса-да, юраги елвизакка бўй берган новдадек сархуш эди...

\* \* \*

Эргалаб қамоқхонанинг эшиги шарақлаб очилди-да, чўчиб: “Қаердаман ўзи?” – деб уйғонган Абдуллага ошпаз аскар бир товоқ бўтқа билан бир кружка чой қолдирди. Қамоқдаги биринчи уйғониш бошқача бўлади. Буни Абдулла биринчи қамалишидан эслаб қолган: тушсиз уйқуда бўлса-да, қамоқда эканлигини англайсану уйғонгач биринчи хаёлинг – “Тунги васвасаларим туш бўлиб чиқса-я!” деган ўй бўлади. Лекин, қарайсанки, босинқираш ёки алахсираш эмас экан у, ростданам қамоқдасан. Ростданам кеча 31 декабрь уч киши келиб, қўшнинг гувоҳлигида уйингни тинтув қилишган, Раҳбару болалар қор устида зор йиғлашган, гўдаклигида: “Кўтаринг бер!” – деб қўлга ўрганган кенжатоғи Масъуд: “Дадажон!” – дея, кишанланган қўллари томон талпиниб қолган...

Урилгани, тепилгани ҳам рост, бурчақда турган пақирдаги сувга турмоқчи бўлган Абдулла бутун вужуди зирқираганидан яна жойида узалиб қолди. Йўқ, наҳс босиб, бомдодниям қазо қилибди, аста туриб таҳоратини олиши керак, қазо қилиб бўлса-да бомдодни ўқиб олиши лозим... Бадандаги оғриғини енгиб, Абдулла ўрнидан турди, бурчақда таҳорат ушатди, ётоғига қайтиб, қибла қайси томонда эканини билмасдан, гардкамига қазо бўлган бомдодини ётоқ бўйлаб ўқиб олди. Бўтқага кўнгли бормади, тахир чойни ичиб олди.

Чой фикрларини ёзиб юборди.

Ўйламабмиди, шу деворлар орқасида Ғози Юнус аллома бўлиши мумкин, Фитрат домла бўлиши мумкин, Чўлпон, ҳа, Чўлпон бўлиши мумкин, деб. Аравада ашула айтган қизни Чўлпон ёзмаганмиди, ана ким Шаҳрихоннию Эски Новқатни афзалроқ чизиб бериши мумкин эди. Қўмсади Чўлпонни Абдулла. Қанчадан-қанча гаплашадиган гаплари тугилиб юрган эди кўнглида. Энди кўришармикан у билан бу ерда? Энди етказа олармикан унга рус хотинининг хавотиру ташвишларини?..

Қамоқдаги биринчи кун айрича. “Нималар бўларкан?” – деб пуч хаёлларда эшик орқасида қитир ётган ҳар бир сасга қулоқ тутиб ўтирасан. Лекин узоқ-узоқ ҳеч нарса бўлмайди. Бундан яна беҳудаю зое хаёлларга бериласан. Яна бир нарсаларни эслайсан, яна ўз кўнглингни оғир тегирмон тошлари орасига соласан. Бундан чиққани эса – пуф деса тўзиб кетадиган тўқимаю тахайюл уни...

Оғир тош деди. Лекин Ойхон пошшанинг ўз қамоғидаги биринчи эртаси бундан юз қарра оғир бўлмаганми? Зўрланган ул кизнинг, эргалаб келин саломга чиқиб, ўз отаси Сайид Ғози хожага бош эгиши, ундан сўнг хонага бирин-кетин кириб келаётган хотин-халаж, уни зўрлаган ва ҳалқумидаю

корнида оғир бир тугун қолдирган амирнинг онаю холалари, аммаю хотинлари олдида қад эгиш оғирлигини бир зумга сездию Абдулла, ўз нолишини шу кезок унутиб, хаёлини Оллохнинг зикрига бурди.

Озми-кўпми вақт ўтди, қамоқхона эшиги яна очилиб: “Заклученный Кадыри, руки за спину, на выход!” – деган аскар уни ертўладаги бошка бир катакка бошлади, у ерда қўлига номери ёзилган тахтача тутқазиб, бир юзи тарафидан, бир ёнидан расмга туширишди, кейинги катакда эса қартайган жухуд сартарош сочию соқол-мўйловини тозалаб киртишлади. Ғўдайиб турган аскар ўнгида оғиз очишга изн берилмаганиданми, соқовликдан ичи ёрулгудек у сартарош пишилларди, вишилларди, шивирларди, илож топмагач, гапга чанқоклигини қўллари орқали ифодаларди. У Абдулланинг кўпикдан озод бетларига енгил шапатлар туширар, яктагининг ёқасини тортиб қўяр, қулоғига энгашиб яна пишиллар, вишиллар, яна ўзига бир нарсаларни шивирларди.

Абдулла бирданига Сайид Қосим устида гиргиттон бўлган Ойхонни эсладию, кулиб юборай деди. Йўқ, устара остидаю анави аскарнинг муздек кўзлари ўнгида ўзини жиддий тутгани дуруст. Келиб-келиб бу кулгининг нуқси манови бечора сартарошга ҳам урмасин. Уям ахир бир навъ маҳбус эмасми? Қўлга тушмай деб буларга ишлаётганмикан? Ё чинданам маҳбусмикан? Қўлларини аямай оппоқлади у Абдулла ёноқларини.

\* \* \*

Шомга Абдулла “Ваз-Зуха” билан “Ваш-Шамсу”ни овозини чиқариброк ўқиди. Намоз ярмида эшик яна шарақлади-да, кечки нонуштага бижиганрок карамнинг қовурдоғи билан бир бурда қора нон келди. Анави карамнинг ўткир ҳиди бутун қамоқхонани тутди. Намозни дилга ўтқазиб, Абдулла ошпаз аскарнинг қўлидан овқатини кутиб олди. Негадир эсига тўнғич ўғли Ҳабибулланинг доимий ҳазили – қачонки уйда карамдан томоқ пиширилар экан, “лутфи караминг...” деб хиргойи қила бошлаши тушди. Касал қолди-я, ётган ерида тўнғичи. Олдига кириб хайрлашишга ҳам қўйишмади.

Кечки овқатни тарқатган аскар йигитча мусулмондан эканми, чиндан ҳам темир товоқдаги таомни узатишида аллақандай лутфу карам бордек эди. Кимга ўхшатди-я шу йигитни Абдулла? Гап очиб боқса бўларди, аммо намозини бузгиси келмади. Балки бу йигитча воситасида Чўлпонми, Ғози Юнуслар билан хабарлашармиди... Намозини ўқиб бўлгач, Абдулла овқатдан татиб боқди. Бижиган карамнинг тахир таъми оғзини қамаштирди. “Есам, кейинроқ ерман”, деб нонини кавшай бошлади у. Кечга келиб суяқлари яна оғрий бошлаганини сезди. Ҳар бир чайнашдан жағларининг оғриғи чаноғига, чаноғидан икки курагига, куракларидан қовурғаларига, қовурғаларидан белию оёқларига тарқарди. Бир бурда нон оғриқ билан ейилди. Рост, оғзида ширин бир таъм қолди. Уни анови бижиқ карам талхи билан бузгиси келмади Абдулла ва яна ўйга толди.

Эслаганларининг барини ёзиб улгурганмиди? Ёзиб улгурганларини эсладимми холос? Ё бари тўзиб, ақлига келгани пойинтар-сойинтар бўлдимми? Чунки ёзса буларнинг барини: Умархоннинг Хўқанд саройию Насруллохоннинг Бухоро аркини қориштирмасди. Чунончи орада бир эмас, ўн йил фарқ бор. Амир Умархонга муқобил қиладиган бўлса Амир Ҳайдарни кўпроқ ёзарди. Лекин нега бирданига Насруллохонга ўтиб кетди? Хаёллари, хаёти тўзиб кетганиданми? Сезганлари анча тиникроқ эди-ку... Моҳларойимнинг ҳам феълу атвори бошқачароқ эмасмиди? Нима бўляпти Абдулланинг миясида ўзи? Жин босди дегани шуурига ҳам етиб бўлдимми?



Абдулла зўр бериб буларнинг барини унутишга ҳаракат қилди. Чўлпон айтмиш:

*Тун ёмон, тун қоронги,  
тун кўрқинч, тун азоб,  
тунда эски ва янги  
ҳар нарса хаёл, сароб...*

Буларнинг барини ўзининг сўнгги пайт севиб-севиб ўқиган “Зарбулмасал”га алмаштирмоқчи бўлди. Шу нарсанинг ҳалига қадар поёнига етгани йўқ эди. Қай йўсинда қиссасига киритишини ўйлаб-ўйлаб, ўйларининг тубига етмаган эди.

“Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, илгарига айёми нафаржомда Фарғона иқлимида Кайкубод отлиғ подшодин қолган бир эски шахристон бор эди. Аммо ани ҳавоси хуш ва боди дилкаш. Сабза, раёҳин, анвои гуллар, чечаклар касратидин кўрган баҳор чоғда товуснинг парларидек турланиб, мунаққаш кўринур эди. Ва анинг ёнида бир ёғочлик ерда Япалокқуш маскани, ота-бобосидан қолган жойи бор эрди. Аммо Бойўғлининг бир қизи бор эрдик, меҳри ховарий юзига банда эди.

*Оразидин шамсу қамардур хижил,  
Сўзларидин шахду шакар мунфаил,  
Ҳосили умри эди ул бойни,  
Оти Гунашбону ўшал ойни....”*

Ахир бу Амир Умархоннинг Сайид Ғози хожа қизи Ойхон пошшага уйланиши тарихи-ку! Наҳотки ҳозирга қадар Абдулла буни сезмаган бўлса! Қойил-э!

Лаззатидан ўзича ёдга тушиб қолган сўзларни бирма-бир қайтарар экан, Абдулла ички севинч билан ўз инкишофини ўзи тасдиқлаётгандек эди. Япалок Кўркушни совчиликка юборганини эслаб, Ҳаким тўранинг “Мунтахаб ат-таворих”га қиёслади:

“Бойўғлининг бир чиройлик қизи бор эмиш. Бизни тарафдин совчи бўлиб боринг. Ҳарқанча қалин бўлса топилур.

Анда Кўркуш айди: “Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чочилур”, деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзининг бурчидан чиқар: “Минг чордевор қизимнинг қалини”, деб. Ҳоло подшоҳимиз ҳазрат Сайид Умархон амирул-муслимийн аҳд ва замонларида одам маъмур ва раоё масрур. Ҳар нечук аёлмандлар тасбиҳи маржондан уйрулур – бир бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким айтмишлар: “Ёлғон масал турмас”, “Уят – ўлумдин қаттиг”. Яна айтмишлар: “Эрман ёғочининг эгилгани – сингани, эр йигитнинг уялгани – ўлгани...”

Ахир Гулханийнинг ҳам ўша тарафларда туғилганини билмасмиди Абдулла? Атанг, текшириб боқмаган экан, Нола таҳаллусли шоир Сайид Ғози хожага агарчи қариндош чикмаса, онҳазрат кўлларида таҳсил олган бўлмасин... Сайид Амир Умархон ҳақидаги заҳарханда бундан далолат эмасми?..

Ундан кейин Фазлийдан маълумки, Гулханий Умаршоҳга навкар бўлган. Ким билсин, бу дўлвор одамни Амир Умархон Ҳакимхон тўрага қўшиб

Сайид Ғози хожаникига важоҳат учун юборган бўлса-чи?! Ҳақимхон тўра қиз билан ота орасида нималар ўтганини ёзмаса-да, Гулханий “Зарбулмасал” да бу сахнани тоза ўхшатган-ку!

“Анда Бойўғли айди: “Ори, боланинг бўйи етибдур. Ўзидан сўраб жавоб берсам керак”, – деб туруб, кизининг олдига кирди: “Эй болам, Япалоқ бибининг боласи Кулонкирсултон ҳавохоҳ бўлуб, совчи юбормиш, на жавоб берурсан?”

Анда Гунашбону ойим, нечукким рўзғор қизларининг аълоларидур, “Сукут – аломати ризо” дегандек, бошини қуйи солиб ўлтурди. Бойўғли қизнинг майлини билиб айдики: “Бу болиғанинг қўнгли эр тилар ўхшар”, – дегач, қиз тилга келиб айди: “Эй, бемаъни чол, соқолингдин уёл. Хомуш турмоқлик жавоби бўйла бўлурми? Хайр ишиға мутакаллим бўлғоннинг хитоби бўйла бўлурми?”

Шу пайт калитлар ғичири билан эшик шарақлаб очилди-да, йўғон ва малла навкар Гулханий ўрнида девсимон Винокуров камокхонага кириб келиб: “Ну что, с Новым годом что ли, буржуазно-националистическая крыса, думал зарылся в нору здесь? А я тебя тут же за хвост!” – деб “Карнайчидан нима кетди, пуф”, – дея Гулханий билан хайрлашишга улгурмаган Абдулланинг оғзи-бурнини бир қилиб, урибу тепиб кетди...

\* \* \*

Эрталаб эшик ғичирлашидан сесканиб уйғонган Абдулла зехни билан эмас, кечаги аламининг кучи билан кириб келганга ҳамла қилмоқчи эканлигини уйғониши биланоқ туйиб, қўллари муштга тугилган эдики, қараса эшикдан анави бесўнақайроқ ўзбек аскарчаси кириб келаяпти. “Худо бир асради-я!” – деб ўзиними, ё йигитними ўйлади Абдулла ва мусулмон бу йигитга юзини ювмасдан салом беришга бетламай, апил-тапил қонлари қотган пешонасию кўзларини, шишган икки ёноғу оғриган жағини бурчақда ювиб олди.

Йигитнинг ўзи шивирлаброқ салом бергандек бўлди. Саломи ҳам Тошкентчасига: “Соламан, ака!” кабилида бўлиб, Абдулла юзини чопонининг этагига артиб, алигини олди.

– Ока, сизга нон-чой опкелудув...

Абдулла кечагидақа бўтқа билан кружкадаги чойни таъзим билан қабул қилиб, пастроқ овозда:

– Тошкентликмисиз? Қайси маҳалладансиз? – деб сўради.

Аскарча идиш-товокни тақиллатиброқ топширар экан, бу шовкинга овозини ўраб:

– Қумлоқливуза, Калҳовуз бўйидан. Бзайа хизмат бўса этувринг! – деб пичирлади.

Абдулла ҳам кружка билан товокни бир-бирига шақирлатиброқ:

– Майли, ўйлаб боқай-чи! – деди-да, қайрилиб, “уху-уху” билан чиқишга юзланган аскарчага: – Чўлпон билан Ғози Юнус дегани қайси хонадайкан? – деб қолди.

Эшитдими унинг саволини қумлоқлик аскарча, ким билсин, эшик шарақлаб ёпилдию, Абдулла анави бўтқа устида ўз хаёллари билан яккама-якка қолди.

Нимани сўраса экан бу йигитчадан? Нима келар экан унинг кўлидан? Пичоқ обкелиб бер, десамикан? Эпллармикин? Ё осонроғи – бир парча қоғоз билан қалам топ деб уйдагиларига хат ёзиб юборсамикан? Нима деб ҳам ёзарди? Эсон-омонман деса – ёлғон, эрта-индин чиқиб қоларман деса – пуч хаёл, уриб-тепкилашяпти, деб ёзмайди-ку! Ё Винокуров деган

ярамасни ўлдирмоқчиман, кечиринглар ва алвидо дейиши ҳам қип-қизил аҳмоқлик. Лекин барибир негадир аввалига бир парча қоғоз билан қалам сўрашни ният қилиб қўйди, жилла курса, Раҳбарга: “Темирйўлчилар саройига бордингларми?” – деб ёзиб юборар. Кейин: “Канизак қиссасининг кўлёмаларини шийпондаги ёқилмайдиган чўян печканинг ичига беркитган эдим, уни қариндош-уруғларникида асраб қўй!” – дермиди? Кўлёманинг тўлароқ қисмини авваламбор болалардан, қолаверса, Раҳбарнинг ўзидан яшириб, чўян печкада сақлаши кўл келдимикан, терговчилар майда-майда қоғозларгача барини тинтиб-тортиб-тергаб олишди, бироқ шийпондаги печканинг ичига қарашга биронтасининг ақли етмади...

Абдулла мазасиз сўк бўткани еркан, яна терговчилару домкомни эслади. Тергови қачон бошланаркан? Бир-икки кун Янги йил қилиб, дам олишса керак, демакки, бу кунлар Винокуровнинг маҳрига ёзилиб, Винокуровнинг хасмига айланган экан-да!

Пичок сўраши керак кумлоқлик йигитчадан.

Ойхон пошша гўшангада янчилган талқондек ётар экан, на дод дейишга кучи, на юм-юм йиғлашга ёши, на ўзини бўғиб ўлдиришга мажоли бор эди. Зўрланган қизнинг адоқсиз кечаси... Зўрлаган махлуқ эса ғул олгани чимилдиқ ортидан ташқарига чиқиб кетган, унга эргашгану қулаган нафрат киз кўкрагини тегирмон тошидек босган. Тепинди қиз, тимдалади, тишлади, дарранда-чи, бундан қайтага жўшиб, пишқириб, кўпикларини нозик гулбаданга сочди. Чип-чип кону оғир оғрикка буланиб ётган қиз: “Энди келса бўғзига тишим билан ёпишаман!” – деб маржондек тишларини ғижирлатиб ётибди.

Ойхон пошша уловга солинганида навкарлар орасида баланд бўйли кизғишроқ одамни кўрган эди. Кўзига иссиқ кўринган бу навкар ваҳший хайвонни ҳам гўшангагача кўриб келган эди. Ўратепада отасининг қўлида ўқиган кўхлик Муҳаммад Шариф бўлмасин тағин! Ўзини “Нола” атаган отаси уни эркалаб “Гулханий” деб атарди... Агарда ўша бўлса, ялиниб, эркаланиб, ханжар сўрасамикан?..<sup>1</sup>

\* \* \*

Ёзувчи халқи одам танимади. Илк қарашда бу фикр зиддиятли туюлса-да, Абдулла умрида неча бор бунга амин бўлган. Ёзувчи халқи одамларни тўқийди, ўз хаёлларидан ясайди. Безайди, ясантиради, тусантиради. Қарабсизки, бир ярамас исқирт ҳам бу бежовда туппа-тузук қахрамонга айланади-қўяди. Одамларни ким яхши танир экан – хотинлару театр режиссёрлари. Раҳбар билан Маннон Уйғурни эслади шу топда Абдулла. Аёлларнинг юраги хавф сезади чамаси: “Дадаси, манови шогирдингиз ортиқча мулозамат қиладимиз, эҳтиёт бўлинг, кўнгли тоза эмас унинг...” – дегани дуппа-дуруст гап бўлиб чиқади. “Йўғ-э, хотин, бу йигит адабиётимизнинг келажаги, ҳали шундай ярқирайдики!” – деб Раҳбарбонусига бас келиши эса аксинча ёппа-ёлғон бўлиб чиқади.

Маннон Уйғур ҳам одамларни тўқимади, афтидан, вазият ичига солади. Ана ўшанда аблахнинг аблахлиги, мунофиқнинг мунофиқлиги, дўстнинг дўстлиги яққол очилади-қўяди шекилли...

Абдулла бу бекорчи фикрларда қамоқдаги яна бир кунни ўтказарди. Бир тарафдан кишининг калта кунни йўқолиб боришидан юраги ачишса-да, бошқа

<sup>1</sup> Журнал имкониятидан келиб чиққан ҳолда асардаги Абдулла Қодирийнинг хибсдаги кунларига оид айрим тафсилотлар қисқартирилди. – Тахр.

ёндан, кеч тезроқ келишинию чўнтагидаги бир парча қоғозу бир кесим каламчадан тезроқ фойдаланишни орзукиб-орзукиб кутарди.

Махмуд Қошғарийда ўқиган эски туркча бир сўз – “им” сўзини ўйларди Абдулла. Бу сўз ўзбекчада “имо” ё “имлаш” сифатида қолган холос. “Им” сўзи эса икки одам ўртасидаги келишилган очқич сўзни англатар экан. Солдатлар орасидаги парол сўзини. “Им билган эр ўлмас”, – дейди Қошғарий. Кумлоқлик аскар билан бир имга келишиб олишсамикан?

Шу пайт Абдулланинг фикрларини бузиб, Муборакнинг жўраси Содик Абдулла елкасига қокди-да, бесўнақай имладию: “Мана бу одам Чўлпон деганийззи ёнида ётуди”, – дея, ёнидаги симрайганроқ, тажангроқ махбусга имо-ишора қилди.

Абдулла хаёллари тўридан озодланар экан, Чўлпон отини ҳамано туйса-да, бу ерга нима алоқаси бор эканлигини дарров тушунмай, бир оз гарангсигандек эди. Миядаги тегирмон тошлар айланиб, негадир қайта Маннон Уйғурга йўлиқди. Бир пайтлар Маннон Уйғуру Чўлпону Абдулланинг ўзи ва яна бир қанча ўзбек Москвада яшаган эди. Рост, Абдулла ўшанда ўз муддатининг сўнгигача пойтахтда қололмади, бироқ Москвадан Тошкентга ёлғиз ўзи қайтаркан, бир кун эмас бир куни Чўлпоннинг Москвада яшаган ҳаёти ҳақида бир нарса ёзишни орзу қилиб келди. Роман бўлмаса қисса бўлар, қисса бўлмаса узунроқ ҳикоя... Аммо, афсус, буни ҳам ёзолмади.

У Содикнинг жўраси билан саломлашди.

– Лазиззода, – деб таништирди ўзини энсаси қотганроқ бу одам. – Чўлпон ҳақида суриштирган экансиз. У мен билан тўшак бўлишиб ётган.

Лазиззода иштиёқсиз бир йўсинда қамок ҳаётининг кундалиқ манзараларини кавшар, Абдулла эса анави ёзилмай қолган асар армонини қайтадан, юрагида аччиқ бир ўкинч билан туярди. Ана шу ўкинч, ана шу юпанчсизлик ҳақида бўлиши керак эди бу асар. Дунёнинг марказига айланган Москва, ўқидан чиққан олам, ҳар соҳада инқилоб. Москвага илгарироқ келиб қолишган Ботуми, Фитрат уйларидаги учрашувлар. Буларнинг ҳар бири ўз соҳасини ағдар-гўнтар қилиб, янгидан тузаётган даҳо. Чўлпоннинг-да ўзбек шеърлятида қилаётганлари аслида булардан қолишмасди, бироқ ўзлари билан ўзлари овора бу даҳолар бошқаларни кўришармиди...

Буларнинг орасида ким билан топишди Абдулла – тагли-тугли, шажараю насабли зодагон Алексей Толстой билан. Иккаласи тарихни севишда бирлашишди. Инқилоблар эса бир шоир сўзига мувофиқ:

*Эски ола-гастон  
тартибсизликдан  
янгисини ясаи  
бу балки яшаи... –*

деган фикрда, иккиси-да айна хулосага келишди. Лекин Толстойни эмас, Чўлпонни эслаётган эди Абдулла. Бировнинг юртига тушиб қолган шоирни.

*Билмадим, кўнглимни юпатгай кимлар,  
Тоғларми, тошларми ё оқар сувлар...*

Ёки кун кетишига Абдулланинг кўнгли бўшашиб кетди.

*Денгизлар қайнаса, тошса сувлари  
Кесилса йўлчининг истак йўллари,*

*Денгизга айланса ўнг ва сўллари,  
Шунда юпатгайму ҳўлланган кўзлар?..*

Лазиззода Чўлпоннинг ғилдирак кўзойнаги хақида гапирар, Абдулла эса ўзининг ёзмаган асарини афеус билан эсларди...

Абдулла Москвада ўқиб юрган чоғи кимдир Тошкентдан Чўлпоннинг “Уйғониш” китобини олиб келди-да, бу китоб дарҳол ўзбеклар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Абдулла Чўлпонни анчадан бери билар, 1919 йили “Ўзбек ёш шоирлари” юғурмаси шов-шув бўлиб кетгач, Чўлпон номини танимаган инсон қолмаган эди. Булар бир-икки маротаба Фитрат домланинг “Чиғатой гурунги”да ҳам бир-бирига йўлиқишган, бироқ Чўлпон – машҳур шоир, Абдулла эса у вақт атиги бир-икки ҳикоя чоп этган беном ёш ёзғучи – шунинг учун ҳам “сен айри, мен айри” бўлиб юришган.

Бироқ “Уйғониш” Абдулланинг қўлига тегдию, муқовадаги икки сатр: “Нечун очилди кўзим, қайда қолди уйқуларим? Бу уйғонишда тўлиб тошди, ошди қайғуларим...”ни ўқидию, кўзлари очилди. Бу тилда ҳали ҳеч ким ёзмаган, бурун ёзилган адабиёт эса бу тилнинг ўнгида шалвираган увададек титилиб-тўкилиб, Абдулла Москва осмонига қараганича: “Меним ўйимми қора ёки юрт кўкида булут...” дея, аллақандай сармастликда бу шоирни топишга, унга ўз кўнглидаги бор севгинию эҳтиромни, фахрнию хавасни рози изҳор қилишга интиқиб интилди.

Ҳали ҳам эсида Москвадаги ўша учрашув. Зиё Саиду, Айн деган икки кизилсўз Москва Ёзувчиларнинг ишчи-пролетар ассоциацияси дачасида ёш ўзбек адибу шоирларини тўплаб, рус пролетар қаламкашлари оталиғида икки кунлик ўқув семинари ўтказадиган бўлишди. “Ўрмонда ош дамлаймиз” – деб Чўлпону Боту, Олтою Анқабой, Абдуллаю яна аллакимлар зўр иштиёқ билан дачага тўпланишди. Семинар Чўлпоннинг бир шеърини шарҳ этишдан бошланди:

*Кўнгли жимдир. Совуқ кўкда  
қараб унга ёниб турган  
хануз холаю юлдузлар.  
Бутун атроф ва ҳарёқда  
“Нон! Олтин!” – деб фигон қилган  
талашчи, галвачи эллар.*

*У жим, лекин фигонларга  
қулоқ берган ва кўз тиккан  
узоқларга-йироқларга!..*

Аввалига Айн бу шеърнинг ғоявий чуруклигию, буржуа индивидуализми хақида оғиз кўпиртириб гапирди. Бу шеърнинг Зиё Саид томонидан тайёрланган рус таржимасини ўқиган Авербух дегани ҳам марксизм ғояларидан келиб чиқиб, шеърнинг пала-партишлигию мантиқий носозлигини фош қила бошлади. Бир нуктада у:

– Мен айтаётган хулосаларимни таъкидлаш учун худди шу шеърни бошдан-оёғига ўгириб ёзиб чиқдим. Бирон нарса ўзгаргани йўқ – ўша-ўша мужмаллик! – дея, ўқий бошлади.

*Узоқларга-йироқларга  
қулоқ берган ва кўз тиккан  
у жим, лекин фигонларга*



*талашчи, галвачи эллар  
“Нон! Олтин!” – деб фигон қилган  
бутун атроф ва ҳарёқда.*

*Ҳануз холаю юлдузлар  
қараб унга ёниб турган  
кўнгил жимдир. Совуқ кўкда.*

Ундан кейин Зиё Саид урди, яна бир-икки рус пролетар тоифаси девалашди, танаффусда Чўлпон кўздан ғойиб бўлди. Уқув семинарининг иккинчи қисмида Олтой мақталди, Абдулла рағбатлантирилди... Кейинги танаффусда дили беҳаловат Абдулла Чўлпонни қидиришга тушди. Қараса, у ўз хонасида темир каравотига чалқанча ётганича, бошини чангаллаган. Ёлғиз икки кўзойнаги милтирайди.

Абдулла унинг оёқ томонига ўтиб, каравотнинг бир чеккасига ўтирди. Орада сукунат. Кейин Чўлпон ҳазин овозда:

– Буниси менинг шеърим ҳам тугул, Блокни таржима қилган эдим, – деб хўрсиниб кўйди-да, кўшиб кўйди: – Емаган сомсага пул тўладик-ку...

Абдулла ўзини тутолмай, кулиб юборди. “Бефаросат! – деб ўйлади у ўзича баногоҳ. – Шоир андуҳда ётсаю, сен кулиб ўтирсанг!” Бироқ Чўлпон ҳам кутилмаганда кулиб юборди.

Роса отамлашишди ўшанда иккиси. Абдулла тўкилиб-сочилиб Чўлпоннинг “Юпанч истаги”ни ўқиди:

*Ўйлаган ўйлар-ла кўнгил юпанмас,  
Кўнгилнинг истаги ўй билан қонмас,  
Айталар бу тунда ёруғ шам ёнмас  
Чақмаса гугуртни асл ўзуллар...*

– Жумабозор истансасида чекиш хумори тутиб, гугурт тополмай бу шеърни ёзган эдим, – деб қувлик қилди Чўлпон. Булар яна ичаги узилиб кулишди...

Шу-шу пролетар ёзувчиларининг фитналари орасида буларнинг иккиси киёмат дўст бўлишган эди...

\* \* \*

Фитналарнинг улуғи Умаршоҳнинг девонида эмас, балки ҳарамиди юз берарди. Булардан сўнггиси – Мохларойим бошига Ойпошша кундош бўлиб тушгач, Мохларойим туйган зорликни Ойпошшанинг ўзига ҳам билдириш воқеаси бўлди. Айтмаганмиди Мохларойим бир ғазалида:

*Урди зулфинг ҳалқаси бўйнимда печ,  
То хаёли дами сайёд айладим.*

Сайддан сайёдга айланди бу ишда ҳарамнинг тўнғич бекаси. Ойпошша Мохларойимдек бекнинг қизи эмаса-да, мартабада юқорироқ “хўжа қизлардан” – пошшалардан эди. “Оқсеякликда” ундан ортиқ нима бўлиши мумкин – хўжаларга ўхшаб ҳалифалар авлодидан эмас, Пайғамбаримизнинг уруғларидан бўлган сайид ё тўра қизи. Ҳарам атрофида ким кўп – ғаддор кампирлар. Булардан иккитасини ишга солган эди, қидириб-қидириб уруғига “қорача” зинҳор аралашмаган эшон Султон Хожани калоннинг исмат пардаси ортида ўтирган қизини топишди. Ҳам ота, ҳам она томонидан сайидликнинг

ипак толасидан яралган бу маъсума – ота тарафидан Ахрорий, она томонидан Махдуми Аъзамий шажара самари бўлиб, хусну латофатда ойдан бож олар эди. Ана ўша сайиданинг таърифини амирул-муслимийннинг кулоғига етказиш пайидан бўлди ҳарамнинг тўнғич бекаси.

Шу пайт сайидлардан бири Махмудхон тўра Ўратепага ҳоким бўлиш дағдағасида кунора Амир Умархоннинг хузури олийларига катнардди. Орага отинчаларнинг улуғини солиб, Сайид Махмуднинг пошшаси орқали унинг Ўратепа ҳокимлигига бўлган иштиёқи эшон Султон Хожаи калоннинг бокира кизини амирул-муслимийн никоҳига олиб бериш орқали ҳал бўлиши ётиғи билан етказилди.

Хон хузурига кейинги ташрифи замонида Сайид Махмудхон тўра мўминлар амирининг Пайғамбаримиз хонаводасига уланиши аҳамиятини таъриф у тавсиф этди.

– Бу дунёнгизни Парвардигоримиз бекаму кўст берди, энди нариги дунёни ҳам Тангримизнинг суюкли арзандаларидан бўлмоқчи экансиз, бунинг ҳам тадоригини кўриб қўйган маъқул.

Сайид Махмудхон тўра тез-тез гапирар, бу билан бирга ҳамиша суҳбатдоши билан сир бўлишгандек туюларди. “Бошқа одамга айтмас эдим, бироқ сизга...” – дегандек.

– Бошқа ёндан амирул-муслимийн рутбангиз ушбу алоқанинг ҳам омили, ҳам мақсади мувофиқидир, – деб сўнги сўзларни пичирлаш ила ютарди Махмудхон тўра.

– Боғда ўсган энг чиройлик гулни боғбон чакасига такади эмасми, ул гули раънонинг дурри шабнами осмонимизнинг ягона кўёшига тобедир, – деб тобларди у тезоб амирни. – Хулласи шоир айтмиш:

*Агарда бо магар ҳам жуфтсози,  
Аз у фарзанд зояд кошки ном.*

Яъни:

*Агар билан магарни жуфт қурсанг,  
Ундан кошки исмли фарзанд тугилар.*

У қилиб, бу қилиб, совчи солишга кўндирди у Умархонни. Совчилар эшон Султон Хожаи калоннинг эшик турмини бузишди. Тўзиди ўшанда сайидлар хонадони, уясига пашша қирган арилардек ғувиллади аҳли байт. Улуғ-улуғ сайиду хожалар келишди Амир Умархон қошига: асилзода шайхулислому табаррук қозикалонлар амирни бу кўримсиз, нобакор ишдан қайтармоқчи бўлишди. “Исён” деб айтди бири, “ғулув” деб айтди иккинчиси, бироқ шу ерда амирул-муслимийннинг ҳам қайсарлиги тутди. Бундан бир кеча аввал ғўшанишинликда ҳарамнинг тўнғич бекаси бетаъма айтган ғазалдан ўқиди ул “оқсуяклар”га:

*Берур зурур ила оройишу фашу дастор,  
Ки худнамолиг эрур зеби корхонаи шайх...*

Булар кетидан дарғазаб амирнинг ўнгига қирган Сайид Махмудхон тўра эса – ё қудратингдан! – юракка малҳам босгандек, Умаршоҳ ҳозиргина шайхулислому қозикалонга қайтарган жавобини улагандек мана бу сўзларни айтса бўладими:

*Хомуш этарман ани бир шарори оҳ ила  
Агарчи тез эрур ўт каби забонаи шайх.*

Қисқаси, пишди амирул-муслимийн юрагида ихтиёр. Эшон Султон Хожаи калон хонадонига совчи бўлиб Сайид Маҳмудхон тўранинг ўзи борди. Тагин эшонларнинг бузурги билан сирлашгандек нафасини ичига ютиб-ютиб, совчилик мақсадини айтди. Эшон Султон Хожаи калон аввалига ўз кулоғига ишонмади, Сайид Маҳмудхон жумла кетларини ютишда мақсадини яхши англалолмади, дея уни узок гапга солди. Ул зот қарасалар, Султон Маҳмудхон хазрати эшон билан тилсимлашгандек, ички гапини чиндан ҳам фитнаю исёнларнинг каттасига олиб боряпти. Бир зум эшонимиз ўз уруғини дуои бад қилиб, қувиш хаёлига ҳам бордилару, шайтонга “хай” бермай, дея, ўзларини зўрға тутиб олдилар.

– Амирул-муслимийн – Худонинг ердаги сояси. Сайид Ғози хожа қардошимиз ҳам бул андишаларга борган, ахир тақдиру муваққатга тан бериб, исмат пардаси ортидаги душизасини... – Сайид Маҳмудхон тўра яна сидкидилдан гапирган маҳрамдек жумласининг сўнгини пичирлашга ўтди.

– Сайид Ғози хожа нима қилган экан? – деб билмагандек овоз пилигини бу мавхумиятда юқори кўтарди Эшон Султонхон.

– Амирул-муслимийннинг бошараф Минг уруғи билан чатишди, энди ўзлари ҳам файзлик амалига эриш...

– Айтаётганингизнинг бари эриш... – деб гапни узди Эшон Султонхон Хожаи калон. – Менинг Минг бўладими, юз мингми, қорачага берадиган кизим йўқ, тамом-вассалом!

Ўз қардоши Сайид Маҳмудхон тўрага, амирул-муслимийн Умархонга “йўқ” дейишга ботинди онҳазрат, бироқ ишга хон саройининг ҳарамии бош қўшган экан, бул мардона “йўқ”ларнинг бардошлари бир кун турар, икки кун. Эшон Султонхон Хожаи калоннинг отин пошшалари бор эмасми. Бардош ташки хужумдан эмас, ички мулоҳазадан емирилар экан...

Бир ой ўтар-ўтмас муаррихларнинг жимжимадор ёзиши бўйича: “Амир Умархон тўйхонанинг осмонўпар чодирини бахт тахтига ўтирди ва унинг мажлиси, хурсандчилик ўтириши муҳтарам бекларнинг қуёшангиз пешоналари нуридан безак топди. Арғувоний шароб жомлари ялтирашдан ва тароватли майин ичимлик тўла қадаҳлар ёғдуси ўтирганлар юзи саҳифаларини равшан айлаб, кўзларини қамаштирди. Сиймбадан соқийлар юзининг нури офтоби ул базмгоҳ теварагини нурлантириб сафобахш этди. Хушовоз мутрибларнинг дилқушо нағмалари майпарастлар хузур-ҳаловати ва қувончини неча чандон зиёда қилди...”

Индаллосини айтганда эса, Амир Умархоннинг суюкли кенжа бекаси Ойпошша устига ундан-да ёш, ундан-да зодагон келин туширилди...

\*\*\*

...Хаёлга келган нарсани ёзавериш керак эмас экан. Ким билибди, “бузук кулба” деган истиора эргага кўнгил вайроналарига айланишини, “соия девор” қиёси эса ёп-ёруқ ҳаёти устига умрбод ташланган кўланка бўлишини?! Ёзганинг бир кунмас-бир кун бошингга тушар экан... қошки билсайди бунини аввал...

Абдулла бу фикрларни ўзига ҳам чоғлаб боқди. Қарда ёзган экан бошига тушган бу қора кунларни? Нахотки тўқол Ойхон пошшанинг Амир Умархон ҳарамидидаги туткунлик ҳаёти бугунги қамоқнинг аломати бўлган эса? Шунга энтиккан эдимиз, “бир қиш ўтириб, ёзиб олай бу қиссани”, деб? Бу фикрларда ёнбошлаган Абдулла кўзи қандай илинганини ҳам билмай қолди.

Тушида кўрса, Амир Умархоннинг ҳарамидида ўз онаси Жосият биби Амирнинг хотинларига бош-қош бўлиб ўтирганмишлар.

– Қаерларда қолиб кетдинг, ўлгур, Қозонингга кетганингдан бери қоранг ҳеч кўринмайди! – деб жаврармишлар.

Абдулла оналарини юпатиб:

– Мана қайтиб келдим, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? – деб қизиқармиш.

– Ойхон пошша менга қиз ўрнида бўлиб қолди, шунга қараб ўтирибман, – дермиш онаси. – Анови, чилласида чироқ кўрмаган, Мадалининг менга ҳеч ёқмаяпти-да, нукул эркакман деб чиранишини қара!

– Кўп айтдим унга, – деб оқланармиш Абдулла. – Отангга чақаман, дедим. Анча кўркиб қолгандек эди...

– Балодан кўркибди. Ўлик отасидан кўрқадими энди? Ҳозиргина “Кўлийздан энди бемалол чой ичадиган бўлдик!” – деб эшигига келиб кетди, шилқиминг...

Абдулла тушида кучаниб, Амир Умархон чиндан ҳам ўлганини, уламою эшонлар, оқ кигизга ўраб, ўн етти яшар Мадалини хонликка кўтариб бўлишганини эслади.

– Майли, менам борай-чи... – деб журъатсизгина, қаерга боришини билмай, бироқ Ойхон пошша эшигидан кетиши шартлигини билиб, онасидан юз ўгирди Абдулла.

– Яна Қозон-позонларингга гум бўлиб кетмагин-а, бола! – деб кетидан безиллаб қолди Жосият биби...

Қизиқ, саройдан чиқиб, кадам ўлчаганича, Абдулла Кўбирариқ кўчасидаги ўз уйига йўл олармиш. Роппа-роса 277 кадам санагач, уйига кириб келармиш, қараса: уйда ҳеч ким йўқ. Раҳбарни, болаларини чақирармиш – бирон жавоб келмасмиш. “Тўй-пўйга кетишгандир-да”, – деб тинчланармиш Абдулла ва боғига чиқиб, шийпони олдида тўхтармиш. Қош ҳам қорая бошлаган, “Болалар бемаҳал чиқиб кетибди-да!” – деб куюнармиш у. Кейин диққатлироқ қараса, девор ортида ўйнаб, сипоҳлар гулхан ёқиб, унинг уйию ҳовлисини куршаб ўтиришганмиш. “Ким экан булар?” – деб ваҳимага тушармиш Абдулла. “Яхшиямки болаларим уйда йўқ экан!” – дея бир зумга суюнармиш у, бироқ ўша лаҳзаёқ “Булар олиб кетган бўлмасин болаларимни”, – деган саросимага тушармиш. “Йўқ, ҳозиргина уйга қайтаётганимда булар йўқ эди-ку!” – деб эслармиш у. “Эндигина келишган бўлса керак...”

“Ҳа, булар Мадалихон моданинг навкарлари. Афтидан, Абдуллани бу тўсқовуллар тутқунликка олган. Хонабанд қилишган. Ойхон пошша ҳақида айтган насиҳатлари Мадали модага ботиб кетган ўхшайди, шунга аччиқ қилган. Энди бу ёғига – Худо пошшо, билганини қилади...”

Абдулла ташқарига қарабди. Посбонлар ўзлари билан овора, аския қилиб, увилдирик ташлаган бақалардек, қаҳқаҳа уриб ётишибди. Кўча ўртасида темир ўчокдаги қозонда эса шўрва биқирлаб қайнаб ётибди...

Навкарларнинг қурбақа вақ-вақлаши ҳали ҳам ерни осмонга кўтарарди. “Сўнгги кулган зап кулар!” – деб ўйлаб қўйди ўзича Абдулла...

\* \* \*

Абдулла ҳозиргина кўрган тушини ўйлай бошлади, аввалига ҳодисаларни бирма-бир эслаб чиқди: онасини, Ойхон пошша эшигини, Мадалихон модаю кадам санашини, шийпонини, ҳовлисида ҳувиллаган бўшлиқни, уйини куршаб олган навкарларни, қайнаётган қозону унга шўхлик қилиб ташлаган дорини... Бу сахналардан юраги бир увушди, бир ёришди. Кейин буларга таъбир излай бошлади. Онаси Жосият бибини кўргани – балки уларнинг руҳлари чиркиллаётганидандир. Шў кунларда на тиловатида тузукроқ эсга олди, на ис-пис чиқаришга ёлчиди. Ўзи онасидан икки дунё қарздор. Улимларининг

иккинчи куниёқ ҳали жасадлари қабрда совиб улгурмасдан, думини думалок қилиб, Қозонга кетворган эди. “Пиширип қўйиптими ўшатга, ёзувчиликмиш, ёзувчи бўмий ордона қоғур!” – деб қолгандир руҳлари ўшанда. “Болалигингда кулоғийни биттасини тешип қўювдим, иккаласини тешип сирға сопқўйсам бўларкан, ўтирардинг олдимда, аммаммии бузоғидай, қимилламастан...”

Оналарининг Ширвон бувинамо гапларини эслаб, Абдулла маъносина кулиб қўйди.

Лекин Ойхон пошша нима қилиб юрибди онасининг ёнида? Раҳбар бонунинг тимсолимикан у? Ахир сарғишроқдан келган Раҳбар бонусини кўпроқ Мохларойимга ўхшатарди-ку Абдулла. Устига Кумушу Зайнабу Раънолар кундош бўлиб тушган тўнғич хотинга... Бир куни шийпонда пиқ-пиқ йиғлаб ўтирса, ўғли Ҳабибулла Жосият биби билан Раҳбар бонунини етаклаб келибди: “Қарайла, адам йиғлаб ўтириптила!” – деб. “Ҳа, бола, тинчлийми, кўзинг хўл жойга тушип қопти?” – деб эҳтиётгина кесатгандек бўлди Жосият биби. “Ўлдирдим! Ҳозиргина ўлдирдим! Шу қўлларим билан Кумушни ўлдирдим...” – деб йиғисидан тўхтамаган эди ўшанда Абдулла. “Бу бола жинни бўпқопти!” – деб “Лоилохо”ни ўқиганича, келинию набирасини олиб чиқиб кетган эди онаси. Ўша тун ким йиғлади – Раҳбар бону йиғлади. “Сиз мени яхши кўрмайсиз, яхши кўрганингиз Кумушу Зайнаб!” – дея. “Ҳей, инсон, улар ахир тўқима-ку!” – деса, кани, тўхтаса! “Тўқимага ҳам эркак киши йиғларканми?!” – дейди...

Мана энди буларнинг устига Ойхон пошша. Ҳозир қумлоқлик Суннат буларнинг уйига бориб, Раҳбарга Абдулла дилхатини етказгач, Раҳбар қўлғезмани топиб, ҳойнаҳой ўзи кўз югуртириб чиқадиган бўлса, яна кўнгли вайрон бўлади-ку! Айниқса ҳозир бошига шу кулфатлар тушиб турган бир пайтда-я! “Ҳа, қўювринг, қоқиндик, шу болам ўзи болалигидан овсарроқ эди!” – деб келинини тинчитадигану яримтаки кўнглига тасалли берадиган Жосият онасини ҳам Худо кўп кўрган бўлса... Бекор қилдимикан Абдулла бир парча қоғозда шунча хатога йўл қўйиб. “Ўша ерда ётсаям куюқкани – қўлғезма!” – деб ўйламайдими Раҳбари?

Кўнгли булғанди, қуйқаланди, олудаланди Абдулланинг. Ойхон пошшани ўйлаётган эди. Ўзи Сайид Қосимга айланиб, ошиқи мубтало бўлдим унга? Ёки тескарисими – Сайид Қосимнинг қўлидан нима ҳам келарди? – деб ўзини Ойхон пошшага айлантирдим?

\* \* \*

Абдулла бирданига бу ҳислар қаердан келаётганини сезиб қолди: Қумлоқлик Суннатни уйига элчи қилиб юбормадими ўзи, ундан хушхабар кутишдек эди бу туйғу. Яна ўз ўйларига толмоқчи эди Абдулла, бироқ шу пайт қизилсоқол Журъатнинг йўғон овози: “Тур ҳамманг! Тукқан хотиндек чўзилиб ётаверасанми?!” – деб қамоққонани ларзага келтирди...

\* \* \*

Қиссаси учун майда деталларнинг улкан аҳамиятини Абдулла яхши биларди. Ана ўша майда-чуйдалар романни ишончга тўлдиради, ўйнатиб юборади, Абдулланинг ўз таъбирида “серсув” қилади. Шунинг учун у эринмасдан-ялқамсинмасдан деталлар йиғар, ҳар бир бўлажак қахрамонини таг-тубига қадар тушуниб етишга уринарди. Ана ундан кейин қахрамонлар ўз ҳаётларини табиий равишда яшай бошлардилар. Абдусамад тўпчи ҳам шулардан бири эди. Абдулла уни ҳали ёзишга киришмаган, лекин шунча шоху ҳукуматларини ўйинчоқ қилиб ўйнагану безаб-безаб сотган бу жаҳонгаштада



Ўз киссасига ярагулик бир нарса борлигини пайқарди у. Виткевич ҳам ҳали тўлалигича ёзилмаган бир шахс эди. “Қани, профессордан гап олай-чи!” – деб ён-атрофидагиларни беминнат оқартиб ўтирган профессор олдига борди-да, русчасига:

– Даврангизга қўшилсам майлими? – деб сўради.

Профессор, гапини узар-узмас, бошини лиқиллатиб қўйди-да, ҳикоясини давом эттирди. Бу сафар у тилини бузмасдан русча сўзлар, шу туфайли унинг ҳикояси раvon ва раvшан кечарди.

– Биз Далварзинда қазилмалар қилаётган пайт, таллон чоллар менга “Далварзин” сўзини тушунтириб айтишганки, Али Термизни қўлга киритиб, шимол томон юрган экан. Далварзин атрофи чоҳ бўлиб, сувга тўла экан. Сувнинг қаердан келганини билмаган Али қалъани ҳам ололмабди. Али дорбоз бўлган экан, арқон ташлаб чоҳни текшираётган чоғи, Далварзин подшоҳининг кизи унга ошиқ бўлиб қолибди. Қиз Алига хат ёзиб, севгисини изҳор этибди. Али эса: “Севсанг, чоҳга сув қаердан келишини айт”, – деб шарт қўйибди. Қиз: “Тўпалангдарёга сомон ташлагин-да, чоҳнинг қаеридан чиқиб келса, ўша ерини тўс”, – деб маслаҳат берибди. Али шундай қилибди. Қалъани бостирса, буларнинг бари хайвонга айланиб ўлганмиш. Якка бир кучук юрганмиш. “Бу менинг отам Дал”, – дебди киз. Али сўрабди: “Отанг сени не билан боққан?” – “Илик билан” – деб жавоб берибди киз. “Илик билан боққан отангни сотган эсанг, сен менга вафодор бўлурмисан?!” – деб Али бу кизни чопиб ташлабди. Далварзин деган от ўшанда қўйилган экан...

Абдулла бу ҳикояни узилмасдан тинглаб ўтирди. Афсуски, киссасига ярамайди-да, бирмунча алғов-далғов бўлса-да, анча чиройли экан. Профессор ҳикоясини битирдию Абдуллага: “Хўш, хизмат” кабилида ўгирилди. Абдулла эроний Али Аббос Казвиний билан кечган хатосини қайтармаслик учун:

– Менинг отим Абдулла, – деб қўл узатди.

– Профессор Засипкин, – деб жавоб берди олим.

– Мен ёзувчиман... Сиз кеча Иван Виткевич ҳақида сўзлаган эдингиз, ўша давр ҳақида китоб ёзишни режалаяндим...

– Молодой человек, где вы так хорошо научились говорить по-русски? (Сиз русчани қаердан бу қадар яхши ўргангансиз, навқирон йигит?) – деб хайратланди профессор ва жавобини кутмай: – Бу ҳолатда узокни режалаш бир оз қалтисроқ эмасми? – деб ўзича кулиб қўйди.

Абдулла профессорнинг қай бир саволига жавоб беришни билмасдан, мақсадига ўтиб қўя қолди:

– Виткевич ҳақида бир оз сўзлашсак...

– Виткевич, нима Виткевич, Виткевич келган Бухорога 1837–36 йили, – деб ўзбекчага кўчди профессор. – Бундан аниқ юз йилча бурун.

– Русча гапираверинг, мен болалигимдан рус-тузем мактабида ўқиганман. Ажойиб хотираларимни уйғотасиз... – деб зарофат қилди Абдулла, бир йўла профессорнинг бояги саволига жавоб бераркан.

Профессор она тилига кўчди.

– 1835 йилнинг 31 декабрь куни Иван Виткевич (Абдулла яна ўша машъум сана – 31 декабрни эшитиб, беҳосдан сесканиб олди) Бухорога карвони билан етиб келади. Карвонни божхонада кушбегининг ўзи қаршилаб олади.

У Шопўлат исми остида яширинган Виткевични ўз олдига чақирибди-да:

– Ўрисмисан? – деб сўрабди.

– Ўрисман, – деб айтибди Виткевич.

– Нимага келдинг?

– Шунчаки. Қозоқлардан асирларимизни олгани бориб эдим. Йўлларга қор ёғиб, бекорчиликда Бухорони кўриб кетай дедим.

– Молинг борми?

– Йўқ.

– Пулинг-чи?

– 200 червоним бор. Мана, ўзингиз санаб кўринг! – Виткевич ҳамёнини кушбегига узатибди. Кушбегининг кўзлари ола-кула бўлибди, бироқ очикдан-очик бу пулни тортиб олишга уялибдими, баҳона қидира бошлабди.

– Бухорога ҳар нарсага қонун бор, ана ўша қонун бўйича сендан бож олишимиз керак.

– Бизда ҳам қонун устувор. Бош устига! – дебди Виткевич.

– Искандарни танийсанми? – деб сўрабди бирдан кушбеги.

– Зулқарнайнними?

– Йўғ-э, Искандар Бёрнсни.

– Ҳа, саёҳатчимиз, сиз, кушбегини менга роса мақтаган...

Кушбеги мирс-мирс кулиб кўйибди.

– Ана ўша Искандар менга бир китоб ҳадя қилган...

– Оти нима экан у китобнинг?

– Ҳарфлари зардан...

– Оти қандай?

– Муқовасига гавҳар тошлар қадалган...

Шу пайт Виткевичнинг тўппончаларинию милтиқларини кўтариб келишибди. Кушбеги булардан ҳайиқибди чоғи, бу ўрусдан қанча бож олиш муҳокамасига тушибди.

– Муслмонлардан биз чилдан як оламиз. Кофирлар икки ҳисса тўлайди, – дебди кушбеги. – Армани, ҳиндулардан панж фисад олинади. Искандар ҳам шунча тўлаган. Ўрислардан... тўхта-чи... – Кушбеги татар муллани чақириб, номига ундан сўрагандек бўлибди-да, – Як фи дах! – деб кўйибди.

Форсчани сувдек билган Виткевич:

– Агар мехоҳед як аз панж ва ё ҳамеаш бикунед бигиред! (Хоҳласангиз бешдан бирини ё бариниям олишингиз мумкин!) – деб жавоб берибди.

Ўсал бўлган кушбеги:

– Сен забони форсийни қайдан ўргандинг? – деб қизиқибди ва охир икки юз червондан йигирматасини олибди-да, бир неча бор:

– Мен хондан яна сўраб боқаман, агар ҳақингни олган бўлсак, қайтариб берамиз, – дебди.

Шундай қилиб Виткевич Бухорога кириб келибди.

\* \* \*

...Абдулла у ҳақда ёзиб бўлган саҳналарни бирма-бир эслаб чиқди. Бир нарсани, назарида, янада қалинроқ ёзиши керак: Моҳларойим билан Ойхон пошша муносабатларини. Амир Умархон хотинлари сифатида буларнинг кундош ҳаётини балки етарлича ёзгандир, лекин Амир Умархон ўлимидан сўнг Ойхон пошша ҳарамдан чиқиб кетиш тараддудида экан, нега 15-16 яшар ўспирин шох – Мадалихоннинг онаси фарзона Моҳларойим унга ёндашгани йўқ? Ахир маълум-ку, ҳокимият у қадар Мадалихоннинг кўлида тугул, Моҳларойимнинг кўлида қолган эди. Яккаш онасига гап қайтаришдан кўрққан йигитча Мадалихон, ҳали қотмаган мишиғини тортиб, елқанот каптарларини учириб юриш ўрнига, нега ўғай оналари Ойхон пошшагаю ундан кейинги кундоши Зубайда пошшага тегажқлик қилиб юрган?! Моҳларойим “пишт!” – десаёқ, бу ўғри мушук ўз ақли-хушини йиғиб олмасмиди? Мана шу ери

қийнарди Абдуллани бу қиссада. Аёл кўнглини билиш қийин экан. Хотини билан маслаҳатлашай деса, хотини уни буларга қизганиши тайин... Ё аксинча, худди мана шу гайир аёл қизганчи туфайли, сўлаги қуримаган Мадалихон бу икки кундошга Моҳларойим томонидан гиж-гижланганмикан?

*Рашиқдин юз фитна барпо айлади даври фалак,  
Кўзларим ойинасин ёр олдида ҳайрон кўруб...*

Балки юз фитнани даври фалак эмас, рашиқ туйган кўзу кўнгилнинг ўзи барпо этгандир?!

Бориб-бориб Ойхон пошшанинг қулоғига Муҳаммад Шарифнинг машъум ўлими хабари етишди. Бундан бир оз вақт аввалроқ, отаси Сайид Ғози хожа Умархон тарафидан ўз пайтида ато этилган файзлик лавозимидан четлаштирилганди. Энди тарозию бозорларга бошқалар мутасадди бўлишди. Отаси файзликдан кетгач, қутилмаганда ётиб қолди. Лекин булари ҳам холва экан.

Бир куни намоз асрдан кейин ҳарамнинг ажузалиридан бири Ойхон эшигига келиб: “Хон ҳазратлари бекамга оталарини кўриб келиш ижозатини бердилар. Шохаравага отлар уланган, тезда отларнинг!” – деб қолди. Ойхон пошша атир-упа қилмасдан чачвонини қўлга олдию эшик тагидаги мўрдак аравага шошилди. Кажавва ичида чачвонини четга ташлади-да, аравакашга: “Отамникига!” – деб буюрди. Отлар пишқириб арава силжиди. Ўрда дарвозасига яқинлашишар экан, ташқаридаги майдондан аллақандай шовқин эшитилди. “Шошилганда йўлни тўсишмаса гўрга эди!” – деб ижирғанди Ойхон. Мана ўрда дарвозалари очилиб, арава майдонга чиқиб борди. Чиндан ҳам майдонда тумонат одам қий-чув орасида бир нарсага машғул эди. “Хон ош берибдими? – деб ўйлади Ойхон. – Ё дорбозлар ўйинимикан? Унда карнайлар ғат-ғатию ноғоралар бум-баки қани?” Арава сарой аркидан ғиштин йўл бўйлаб сакраб-сакраб, майдон томон пастлар экан, Ойхон пошша аста чап томондаги шоҳи пардани қиялатиб бокди. Кўргани – ғазабнок оломону бир уюм тош бўлди. Юраги шиғ этди: “Кимнидир тошбўрон қилишяпти чамаси... Келиб-келиб унинг саройдан чиқишига тўғри келадими бу ўлгур қазо... Ким экан бу осий?” Қарамай ўтиб кетаверса ҳам бўларди, ўзининг бошига шунча ғам тоши ёғилиб ётганда бировнинг журмию дарди кўнглига сифармиди. Лекин аёл кўнгли сабрсиз эмасми, бирпас ўтиб чидолмай ўнг ёнига сурилиб бу тараф пардасини ҳам қиялатиб очди. Майдон ўртасида оқ яқтаги кип-қизил қонга бўялиб бўлган, қўл-оёғи боғлиқ ялангбош йигит тиз чўкиб ўтирарди. Пасткам қуёш ўша томондан кўзга урар, магар анави қон дегани ҳам қуёш аксимикан? Ойхоннинг юраги яна шиғ этди. Арава қия ғиштин йўлдан майдонга тушиб бўлгач, тезлигини шиддатлади. “Ким экан узоқдаги бу йигит, гуноҳи нима экан?” Арава майдон ўртасида ёлғиз тиз чўккан бу йигит сари яқинлашар экан, Ойхоннинг юраги гуп-гуп уриб, оломон жунбушида у яна пардасини қиялатди. Кўзига ташлангани – аравага муштарақ сакраб-сакраб думалаётган кип-қизил қуёш бўлди. Қаерда кўрган эди бу каби қуёшни? Бояғи зўрлик-зўмбиликка юз тутган лобар йигит қаерга йўқолди? Шу маҳал халойиқ айюҳаннос кўтариб, тошбўрон бошланди чамаси, тошлардан бири келиб арава шотисига тақ урди. Аравакаш йигит жон ҳолатда отларини камчилаб чоптирди. Ойхоннинг кўркувдан фалажланган қўли пардада қотган эмасми, арава сапчиши билан шоҳи парда кенг очилди-да, майдон ўртасида кип-қизил қонига беланиб йиқилган йигит – Сайид Қосим эканлигини кўрган Ойхон икки дунёга “Дод!” – дедию аравага ўлик ҳолатда йиқилди...

\* \* \*

Яна бир ҳодиса рўй бердики, Ойпошшанинг шамчиروق нуридек беқарорликда тикланган дамани қайта ичига тушуриб юборди.

Ойхон пошша ўзининг кичик кундоши Зубайда пошша билан апок-чапок эди. Иккаласининг хожалар авлодидан бўлишию кундош зуғуми остида яшаши бирлаштирдими буларни, баҳарҳол икки хўжа қиз бир-бирларининг эшигида соатлаб вақтларини ўтказар, катта кундошларининг дабдабали мушоираларию дағдаға тўла зиёфатларини кесатки аралаш мазах қилишар, ўзлари бирлашиб ҳажвиялар тўқишарди. Рост, Ойхон Зубайда пошшага ҳеч қачон Сайид Қосим ҳақида оғиз очмаган, ўз сирини ўз юрагига кўмган эди. Бу роз истисно, Зубайда ҳар бир бошқа нарсада Ойхоннинг маҳрами эди.

Жонидан тўйган кунларидан бири Ойхон пошша кечаси Зубайданинг ясадоқ эшигига кириб боради деса, Мадалихон бу ўғай онасининг уйида ҳам илгари Ойхонга қилган қилиғларини қиляпти. Зубайда эса қўрққаниданми, ё ўзини йўқотганиданми, бу қилиқларга, бу ваҳший шаҳватга “ғинг” демайди. Бостириб қиради деса – юраги бетламади Ойхоннинг, орқага қайтай деса – оёғи фалаж бўлиб қолди унинг. Ўз кундошининг Мадали модазан тарафидан зўрланганига беҳосдан шохид бўлди ўшанда Ойхон.

Кейинчалик Зубайданинг кўнглини ёрмоқчи бўлди у. Лекин даҳшатиданми, анча пайтгача Зубайда ёрилмади-ёзғирмади, қарахт бўлиб юрди. Бир кун эса кечаси Ойхон пошша эшигини қоқиб кириб келди-да, хўжа қиз кўнглидаги тўпланган зардобларини йиғлаб-йиғлаб, кундоши олдида тўкди. Жазавода модазан бу муртадни дуои бадлар билан қарғаб турган бир пайт буларнинг устига маст-аласт Мадали мода кириб келди-да, “Сир очадиган ҳали сенми?” – дея, чилвирсоч Зубайдани Ойхон пошша кўзи ўнгида чопиб ташлади...

\* \* \*

Абдулла ич-ичидан келган титроқни енгиш учун Рафаил тўғрисида ўйларини узди-да профессор Засипкин ёнига ўтди. Профессор ўз хаёлларига чўмган, Абулланинг яқинлашишини кўриб “Бир дақиқа”, – дегандек ишора қилди. Бир зум ўтар-ўтмас у Абдуллага боқди-да: “Миямни банд тутиш учун ўзим билан ўзим шахмат ўйнаётган эдим”, – деди. “Бунақасиям бор эканми?” – деб ўзича хайрон бўлган эди Абдулла, юзида бу савол акс этдими, профессор гўё жавоб бергандек: “Сизга ҳам тавсия этаман, мияга машқ”, – деди.

– Мен сиздан сўрамоқчи бўлганим, руслар чиндан ҳам полковник Штоддартни қутқаришга ҳаракат қилишганми? – деб мақсадига кўчди Абдулла.

– Менинг билганларим бу хусусда узук-юлук, – деб бошлади ўз ўзбекчасида профессор Засипкин. Абдулла яна унга русча мурожат этиб:

– Нима билсангиз бари мен учун муҳим, – деди.

– Билишимча, – русчага ўтди профессор, – 1840 йили Бухородан Санкт-Петербургда Муқимбек деган элчи юборилади. Санкт-Петербургда у чор Александр II томонидан қабул қилинади ва унинг қўлига чорнинг Бухоро амирига ёзган ёрлиғи топширилади. У ёрликда Русия билан Бухоро амирлиги орасидаги муносабатлар олқишланиб, Русия подшоси Бухорога ўзининг элчиси подполковник Бутеновни юборишни маълум қилади. Бутеновга қўшиб эса, амир илтимосига биноан, маъдан ишлари бўйича бир мутахассисни ҳам жўнатишади.

Бу ёрликқа қўшимча тарзда Русия вице-канцлери ҳам Бухоро амирлиги вазирига кенгроқ мактуб ёзиб, унда чор Александр IIнинг ёрлиғидаги бандларни такрорлагач, қайта Бутеновга меҳрибонлик кўрсатишни ҳамда

истаган пайтида ўз юртига, Муқимбек қайтганидек, қайтиш имконини яратиб бериш сўралади.

Худди шу хатда полковник Штоддарт ҳам “Стадерт” шаклида тилга олинган. Вице-канцлер бундай деб ёзади: “Маълум бўлишича, Амир ҳазратлари бу ерга келган элчи билан биргаликда қўлингизда бўлган инглиз Стадертни ҳам юбормоқчи бўлган, бироқ хиваликлар хужумидан ҳайиқиб, бу ниятдан тийилган. Русия билан Британия орасидаги умумий келишувга биноан англашилган ният биз учун жуда қимматлидур.

Авалли хавотир энди ўртадан кўтарилгани туфайли Амир ҳазратларининг ул ниятлари амалга ошади деган умиддамиз. Мазкур инглизни бу ерга етказиш учун энг ўнғай йўл – уни карвон билан Оренбургга жўнатишдир. У ерда мардонавор ҳарбий ҳоким керакли чоралар кўра биларди”.

Мен бу сўзларни ёддан билмасам-да, маъноси шундай бўлган.

Абдулла Муборакнинг гаплари рост эканлигига иқрор бўларкан, профессор Засипкин лекциянамо ҳикоясини шу ерда узиб, Абдулланинг қулоғига энгашди-да, тирсагига нўкиб, яна ўзининг ажиб китобий ўзбекчасида:

– Нега сиз сўрамайсиз сизни қизиқтирган саволларни Косоний домладан. У ажойиб-ажойиб тарихчи! – дея боя қўш супургида супиришу, уларни тик кўйиш устидан ижирғанган кишига ишора этди.

– Албатта, албатта, – деб ўз сулукатида уни ишонтиргандек бўлди Абдулла, кейин тутинди, – мен уларни танитайман-да...

– Юринг, мен сизни тавсия этаман унга.

Профессор чуқ дўппи кийган бароқ қошли, семиз бурун, хўмрайганрок отахон олдига ўтиб борди-да:

– Домла Косоний, ижозат беринг тавсия этай сизга ёзувчи ўртоқ Қодирийни, – деди.

Ўз ўйлари билан банд пажмурда юз домла қалин қошлари остидан Абдуллага бир назар ташлади-да, қулоғи оғирроқ одамдек Абдулланинг ўзидан:

– Отингиз нийма? – деб сўради.

– Қодирий... Абдулла Қодирий, – кисиниброк ўзини таништирди Абдулла.

– Ёзувчи Қодириймисиз? Эшитғондим, – деб қўяқолди беҳаяжон овозда Косоний домла. – Мен янгиларни ўқимайман-та, ўқиганим эскича, – деб тушунтирди у.

Гапга яна профессор Засипкин аралашди:

– Ўртоқ Қодирий ёзаяпти китоб воқеалар ҳақида 19-асрнинг: Муҳаммад Алихон, Насруллоҳхонлар тўғрисида. Мен ўйладимки, сиз бўласиз яхши ҳамсухбат... Сиз гаплашинг, мен шахматимни битирай, – дея ўрнига қайтиб кетди.

– Хўқанд хонлиғию Бухоро амирлиги денг? Абдуллоҳ Амирий-лашкарнинг “Тарихи Сиғорий”и бор, “Баёни таворихи ҳавоқини шаҳри Хўқанд” деган китоб бор, бияғда “Девони Ғозий”, Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ат-таворих” – ажойиб манбалар, Ниёз Муҳаммад Хўқандий “Тарихи Шоҳрухия”ни ёзғон, бу китобнинг тош босмаси Қозонда чиққон, Тожирнинг “Ғаройиби сипоҳ” дейдигон асари, Абдулкарим Намангонийнинг “Умарнома”си, Абу Убайдулла Муҳаммаднинг “Хулосат ул-аҳвол” тазкираси, Имомали Қундузийнинг “Тарихи манзума”, Исҳоқхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона”.

Домла Косоний сидирғасига китоб кетидан китоб, манба кетидан манба келтирардики, Абдулланинг боши беҳосдан айланиб кетди. Домла буни сезди, чамаси, бир зумга тиниб, Абдуллага ўткир кўзларини қадади-да:

– Хулласи калом, китоб кўп, умр оз, – деб хулосалади.



– Муборак айтган ҳикояларни эшитган бўлсангиз керак? – ўсмоқлади Абдулла.

– Қаттиграқ гапиринг, кулагим оғир, – деди домла ва Абдулла томон бошини эгди.

– Муборак айтган ҳикояларни эшитдингизми? – бир поғона кўтарди овозини Абдулла.

– Йўқ, нима экан? – деб қизиқсинди домла.

– Йўқ, шунчаки, – деб қўяқолди Абдулла ва савол тарзида: – Амир Насруллоҳ саройига инглизлар келишган экан, – деб бошлаганди, Домла Косоний дарров:

– Зағчақўз инглизларингиз нафақат Амир Насруллоҳ баҳодурхон, балки Хўқандга Мадалихон мода олдиға ҳам, Хивага Муҳаммад Раҳимхон хузурига ҳам келишғон. Ва нафақат инглизлар, яламсиқ русларингиз ҳам ўша замон серкатнов бўлиб қолишғон, – деди.

– Руслар инглиз элчиси Штоддартни Бухородан қутқармоқчи бўлишган эканми? – деб савол доирасини торайтирди Абдулла.

– Элчи дейилса-да, аслида у жўнакай жосус бўлган. Насруллоҳхон унинг суханчинлигини тез англаб олғон. Бир-икки ров чоҳга ташлагон, зиндонбанд қилғон. Руслар Бутенев деган элчиларини юбориб, бу нораво полковнигингизни қутқариб олмоқчи бўлишғон. Ўша ҳолатда амир инглизингизга кўп меҳрибонликлар кўрсатиб, ундан торож этилган мол-бисотини қайтариб берғон. У пайт Амир Насруллоҳ Хўқандга юриш азмида бўлғон – бунинг ўзи башқа ҳикоя. Ўша вақт полковнигингиз Ўрусия элчихонасида яшағон. Дуруст, амирнинг вазири уни ўз қарамоғига олмоқчи бўлғон, бироқ Штоддартингиз: “Илло билло, мени вазир кўлига топширмангиз, у мени ўлдиради”, – деб русларга ялинғон. Шунда бир субҳи содиқ руслар инглизингизни ўз таржимонлари билан вазир саройига юборишқон. Ўрислар таржимонингизга “Инглизсиз қайтмайсан”, – деган шарт қўйишғон. Вазир инглизингизни олиб қолай деса, чақчайган таржимонингиз ўзини инглиз кўлига боғлаб “Йўқ, усиз кетмайман!” – деб туриб олғон. Хоҳ-нохоҳ вазир маташмасдан буларингизни кўйиб юборғон...

Домла “Косоний” эса-да, негадир лаҳжаси кўпроқ Андижонийга тортар, Абдулла: “Кўпрак Анжанда таҳсил олғондур-та” деб ўзича ўйлаб қўйди. Домла-чи, мухтасар ҳикоясини битириб, Абдуллага: “Саволларингиз борми?” – дегандек зингил солди-да, кейин:

– Чоғимда аср пайти тушиб қолди. Асримни ўқиб олай, – дедию, Абдулладан сўради: – Таквондан бормисиз ё янгиларданмисиз?

– Алҳамдулиллоҳ! – деган эди Абдулла, домла бир кўзини муғомбирона қисиб қўйди-да: – Жамоада ўқисоқ бўлмасу, жамоада ўқиғондек ёндама ўқиб олайлик, Худо ўзи кечиргувчи, – деди ва ёнига имлади. Абдулла домланинг берисига тиз чўқди.

\* \* \*

Кечки овқат битиши биланок яна терговга чақиришлар бошланди. Тағин Абдулла ўз оти янграшини кутди, бироқ профессор Засипкин чақирилди, Домла Косоний чақирилди, Абдулла танимаган бошқалар чақирилди, унинг отини ҳеч ким атагани йўқ. Абдулла узук-юлуқ бир нарсаларни ўйлаб ўтирди. Бир кумлоқлик Суннатни эслади, “Эртага келиб қолармикан?” – деган умидга борди, кейин пайдар-пай бу ерда бўлиб ўтган суҳбатларни хотирасида янгилаб олди. Ниҳоят қиссаси ҳақида хаёл сура бошлади. “Қатта ўйин” у шпионларнинг саргузаштларини романига қай тарзда ва қанчалик киритишини чамалаб

бокди. “Керакмикан ўзи?” – деган ўйга ҳам борди. Сўнг “Маили, кейинчалик бир тўхтамга келарман”, – дея яна Ойхон пошшасига қайтди.

Ойхон пошша бир зўрланди, икки пайхонланди. Орада ишсиз қолгану чиндан ҳам турган-битгани Нолага айланиб бўлган отасидан Эски Новқатда шаҳид Сайид Қосимнинг йил оши бўлганини эшитди. Кейин иликузди баҳорга чиқар экан, ҳомиладорлигини англади. Йўғлай деса – кўзида ёши қолмаган, ўзини ўлдирай деса – аллақачон тирик мурдага айланган, қочай деса – оғир оёғи кишанланган, ичкиликка ружу қўйди ўшанда Ойхон пошша. “Бошим қоронғи”, – деб бўза ичди, “Ғазал ичидаман”, – деб чоғир сипқорди, қолган пайт эса миясини бемаъни бир нарсага чалғитиш учун Гулсум канизаги билан соатлаб шатранжда доналар суриб ўтирди.

Мохларойим ўз кундошининг жангу жадалсиз тан берганини кўриб, хайрон қолди. Хонпошшани тўлақон ҳаётга қайтаришга чўх уринди, тамгарок зиёфатлар уюштирди, шуқуҳли мушоиралар тузди, бодабада базмлар барпо қилди – ҳеч ёрдам бергани йўқ.

Муҳаммадалихон Ойхон пошшанинг ҳомиладорлигидан хабар топгачок, уни ўз никоҳига олишга шошилди. У ўзига содиқ уламони чақириб, никоҳ фатвоси ҳақидаги гапни ўртага ташлади. Лекин ҳатто бу миждову мертик муллалар орасида журъатлироғи топилиб:

– Ҳазратим, шариатда бу иш аниқ кўрсатилган. Агарда ўғай онангизни ўз никоҳингизга оладиган бўлсангиз, тўртала мазҳаб наздида ҳам сиз кофир бўласиз. Яхшиси сиз илгариги одатингиз бўйича бу аёл билан яширинча зино қилиб юраверганингиз маъқул. Ҳаттоки сир очилиб, сизни зинода айблашса, бу кофирлик айбидан дурустроқдир, – дебди.

Бироқ унга бошқа мулла зид келибди:

– Кўпгина уламолар зинони ҳам кофирликка тенг кўришган. Бошқа тарафдан хоҳ кичик, хоҳ катта гуноҳ аниқ далил билан исбот этилган экан, уни ҳалол санаш қуфрдир!

Мадалихон қараса, уламою ислом йўли билан ўз ниятига эришиш амри маҳол. Шунда у:

– Мен сенларни ишимга чора топиш учун чақирдим. Менга муллачилик қилиб, бошимни қотириш учун эмас! Қаллами бу ё қуруқ салла! – деб муллаларни олдиға солиб, қувибди.

Ўша кун, ўз отасидек, аччиғида қиморхонага борган экан, у ерда Қорамаҳрам исмли қиморбозу банги улфати амирни танг аҳволда кўриб:

– Таксир, тинчликми ўзи, қовоғингиздан қор тугул дўл ёғяпти? – деб сўраган экан, Мадалихон ўз сирини ул тоғутсифатга очибди.

– Ҳа, шунга ҳам ота гўри қозихонами, – дебди ул шайтон. – Бу моча уламонгиздан ўргилдим. Ахир она бачадонида ётганимизда чуксиз эмасдик-ку. Туғилганда бу албатта онамизнинг фаржига тегади. Хўш, нега у пайт тегиш жоизу кейин ножоиз бўлиб қоларкан? Фарқи фақат у пайт сабий бўлганмизу энди балоғатга етканмизми?!

Бу бединнинг имонсиз гаплари Мадалихоннинг қулоғига мойдек ёқибди:

– Балли! Зўр сўзларни айтдинг, ҳалигача таъбимга бу қадар ёқадиган сўзни ҳеч ким айтмаган эди, – деб унга шу ернинг ўзидаёқ эғнидаги зарбоф тўнни ечиб берибди.

Бирор кундан кейин Мадалихон ўз ҳузурига янгидан тайинланган шайхулислом қозикалону муфтий-аъламларни чақириб, уларга никоҳ хусусида маслаҳат солибди. Оғизлари энди ошга етган янги уламолар ўз валиий неъматлари бўлган Мадалихонга содиқ бўлиб: “Ба назди мужтоҳидини

киром асли эътибор ақди шаръийдир”дан бошлаган янги фатво чиқариб, “бинни муфтии аълам марҳум”, “бинни Хўқандий марҳум”, “бинни мударрис марҳум” деган муҳри баҳайбатлари билан қалаштириб беришибди.

Рост, мардумнинг айтишича, ўшанда ҳазрати Калон Соҳибзода деган шайх бир куни дарғазаб ҳолатда хон саройига от устида кириб келибди-да, от устидан тушмасдан тахт ўнгига бориб, Мадалихонга:

– Ту сак шуди, модарзан! (Сен ит бўлдинг, модарзан!) – дебди.

Шунда сарой аъёнлари Мадалихон “Жаллод!” – деб ҳайкиради дейишса, писмиқ Мадали мулойимгина:

– Тақсирим, бул итнинг тупроғидан чиқиб кетсинлар! – дебди.

Шундай қилиб, Мадалихон, муродига етиши қаторида, эл орасида Мадали мода ё Мадали модазан – ўз онасига уйланган Мадали лақабини олибди...

\* \* \*

Аямажиз битиб, март ойининг бошлари эди. Абдулла қамокда ўтказган кунларининг ҳисобини йўқота бошлаган, лекин март ойи келганини бошқалардан эшитгач биларди. Шу кунгача у нималар билан яшаган, кимлар билан ҳамнишину ҳамроз бўлган, кимлар билан нелар ҳақида суҳбат курган, қандай хаёлу ўйларга берилган – буларнинг барини Худонинг ўзи билади, бироқ ўша куни кечки овқату шомдан кейин бирданига унинг номини жарлаб чақириб қолишди. Икки ой давомида кутавериб, ҳеч кимга керакмаслигинингга кўниқиб қоларкансан пашмалоқ киши, лекин энди кутилмаганда уни чақиритгач, шошиб қолди Абдулла. “Нимага чақиритяпти уни?! Вақти-соати етибдими?! Ё “ол қулим” деб қўйиб юборишармикан?!” Абдулланинг юраги ҳаприқди. Оёғини сезмаган ҳолатда йўрғалаб, эшикка етди.

– Руки за спину! Следуй за мной! (Қўлингни ортингга! Изимдан қолма!) – деб сенсираб буюрди ёшгина аскар. “Йўқ, буниси қўйиб юборишга ўхшамайди...” – деб ўзича ўйларди Абдулла. Кетидан шарақлаб эшик ёпилди. Икки ойда илк бор Абдулла қамокхонадан ташқарига чиқаётган эди. Аскар уни ўз олдида солди. Даҳлиз қамокхонадан анча ёруғроқ эди. Абдулланинг кўзлари қамашди. Даҳлиз узундан узоқ, биринчи куни аблаҳ Винокуров томонидан урилгани учунми, яхши англамаган экан. Унинг муштлари беҳол тугилди. Аскар буни сизди шекилли, милтиғи билан қўлига уриб:

– Шаг вправо, шаг влево – буду стрелять! (Ўнгга ё чапга бир қадам ташласанг отаман!) – деб огоҳлантирди. Даҳлиз бўйлаб бошқа қуролли зиндонбонлар шай туришарди. Булар орасида ўзбек башараси кўринмасди. Узун даҳлиз бўйлаб Абдулла деярли охирига етганида, аскар эпчиллик билан ёндаги бир эшикни итарди-да:

– Кир! – деб буюрди.

Агар бу якка хонада стол билан икки стул бўлмаганида, уни куштхона деб билармиди Абдулла, бироқ анави анжомларни кўриб, алоқ-чалоқ кўнгли шиғ этдию тинчигандек бўлди.

– Бурчакка тур! – деб буюрди соқчи. Абдулла бўйсуниб бурчакка ўтди. Бирданига унинг эсига рус-тузем мактабию ўша ерда илк бор эшитган бу ибора: “Бурчакка тур!” ибораси тушиб кетдию ўзини қулиб юборишдан зўрға тийиб қолди.

Вақт бундай дамларда ўз шарпасини кўрсатиб ўтади эмасми, вақтнинг илондек йўғон ва суйри бадани бетон шипдаги катакка солинган чироқдан пистақи деворлар бўйлаб цемент полга ва ундан тўлғониб-судралиб, Абдулла ортида очиқ қолган эшикка жингиртобон чиқиб кетарди.

“Аждарҳо эканми бу вақт?” – деб ўйларди сукунатда Абдулла, токи у нағал

қоқилган этик қадамларини туйди. Бу этиклар цемент ерни янчиб-пийпалаб келаётгани тобора аниқлашиб, ахир унинг гардани ортидан таниш овоз:

– Абдулла Қодирий? Маҳбус Қодирий, ўтиринг! – дея янгради-да, бу овозга аста ўгрилган Абдулла, қуролини шайлаб турган жангдовул ёнида терговчи Тригуловни кўрди. Эски танишга бош ирғандек бош ирғаб, Абдулла столнинг бу тарафидаги стулга ўтирди. Тригулов столи айланиб ўтиб, тўрдаги стулга ўзини ташлади, “Уф!” – дея керишиб, хомуза тортди-да:

– Хўш, икром бўламизми? – деб сўради.

– Нимага? – сидқидилдан хайрон бўлди Абдулла.

– Ўзингизни гўлликка солманг! – деди терговчи. У ўзи билан кўтариб келган семиз папкага қоқиб: – Қўлимизда далил лиқ! Контрреволюцион антисовет миллатчи саъи-ҳаракатингиз ҳақида гапиринг! – деб овозни кўтара бошлади.

– Қанақа контрреволюцион?! Қанақа антисовет? – тушунмади Абдулла.

– Бу ерда саволни мен бераман! Сен эмас! – деб ўшқирди терговчи. – Сен жавоб берасан, миллатчи аблах!

– Таҳқирламанг! Ҳар нарсага қонун бор... – инсофга чақиргандек бўлди Абдулла.

– Бу ерда мен қонунман! Тушундингми, контра?! Совунимга хали кир ювмабсан, искирт! Сендақаларни эзиб, ...ини чиқараман!

Абдулла қараса, бу ерда ақл-идрок, инсоф-имон билан иш битмайдиган. Ичлари бу хорликка қанчалик оғримасин, ўрисларнинг ўзи айтмиш: “Қамчининг гапи тўқмоққа ўтармиди?” Оғзини юмди Абдулла.

Терговчи яна қизишди, сўкди, ҳақоратлади, Абдулла эса ўзини ўзи ўз ўйларига қамади.

Мадали мода Ойхонни сочидан судраб, икки бетига шапалоқлар тортиб: “Тавба қилдим де! Тавба қилдим де!” – дея онаси Моҳларойим ўнгига тиз чўктирарди. Ойхон эса қарахт ҳолатда: “Мақто... мақто...” – деб шивирларди. Мадали бундан жазавага тушиб, яна хотинини тепкилар: “Оғзингни юм! Овозингни ўчир!” – дея хайқирар, қоп-қора сочлари патакланган Ойхон эса думалаб, ётган жойидан: “Кофир... Модарзан...” – деб пичирларди...

– Келинг, сиз ақлли одамсиз. Кўзга кўринган ёзувчисиз. Бола-чақангиз, уй-бўлангиз олдига қайтишни истайсиз. Менга қулоқ солсангиз, у ёғини ўзим миҳдай қилиб тўғрилайман. Мени жаврақи демангу, мана 1926 йили қамалган экансиз. Эсон-омон қамокдан чиқибсиз. Бу сафар ҳам шундай қиламиз. Фақат айтганимга қулоқ солсангиз бас. Келинг, ўша 1926 йилдан бошлайлик. Ўшанда нима учун қамалган эдингиз?

Абдулла “Навмид шайтон” – дея терговчининг саволларига қисқа ва лўнда жавоблар бера бошлади.

\* \* \*

Бир неча кунга Абдуллани тинч қўйишди. Унинг терговга чиққанини билиб, дўстлашиб қолган ҳамқамоклари бирма-бир келиб, аҳвол сўрашгандек бўлишди. Уларга ҳам Абдулла ёрилгани йўқ. Қайтага улар Абдуллани алахсителишга уринишди. Бироқ мингаймас Абдулла асабийлашган ҳолда, унинг номи яна янграб қолишинию яна анави дажжолларнинг сўроқларига жавоб беришни ўйлаб ўтирарди. Тригулов кўрсатган манхус попкада нималар тўпланган экан? Кимлар ёзган экан юмалоқ хатларни Абдулланинг устидан? Нималарда айбланишган экан? Ундай деса, қамалмасидан бурун Чўлпону

Фитратлар устидан ёзилган мақолаларни “Қизил Ўзбекистон”у “Правда Востока”ларда ўқиган-ку! “Ўзбек халқининг душманлари!”, “Хоинларга ўлим!” – деган жижзаки мақолалар...

Исми жисмига монанд Сотти Хусайн дегани Абдулланинг уйига келиб: “Ўтган кунлар” ҳақида катта мақола ёзаман”, – деб юришини эслади у. 30-йиллармиди ўшанда? Кейин ўзидан эшитган сўзларини олиб, оёғини осмондан қилган эди бу хумпар. Халқни тушунмасликдаю адабиётнинг “сўнгги приёмларини” билмасликда, тип бўлмаган одамларни тасвирлашдаю пролетар эмас, балки майда буржуазиялигида ўша пайтнинг ўзида айблаган эмасмиди ўшал Соттивой? Булари ҳам майли-я, нима эмиш, Абдулла ўз романини араб ёзувчиси Жўржи Зайдоннинг “Армануса” ва “Ўн еттинчи рамазон” деган китобларидан кўчирганмиш... Сотиш ҳам эви билан-да, қоракўз ўзбек ўғлони Соттивой! Ким кўп экан, афтидан, атрофида, мана шундай бозори чаққон Соттилар!

Шу ўйларда Абдулланинг боши қотиб ўтирар экан, касал бўлиб қамок шифохонасида ётиб чиққан Домла Косоний инқиллаб-синқиллаб унинг олдида келди-да:

– Тақсир, шаштингиз паст кўринади... – деб қолди. Абдулла бирдан уялиб кетди. Ахир кепата бўлиб ўтирмай, ўзи ўтиши керак эди чолнинг олдида, ўзи хабар олиши керак эди ундан. Бир ярамас терговчини деб одамгарчиликданам чиқиб кетаёзибди-ку... У домладан астойдил узр сўради.

– Кечдик бир қошиқ зардобага тўлғон қонингиздан, – деб ҳазиллашди чол. – Келинг, бир отамлашайлик, йўқса сиз – шўппайиб, биз – юракзада бўлиб кетдик... Ўтқон сафар инглиз ишпиёнлари ҳақида қизиққан эдингиз. Хон Али ё Конолли дигони тўғрисида айтиб беришни кўзамал қилғондим. Хоразм тарихнавислари ўтқир бўлишғон, биронта ҳодисани ушоқ-урвоқиғача унутмай ёзишғон.

Штоддартингиз Бухорода бир озод бўлиб, бир қамалиб қолаверғач, инглизлар Ҳиндистондан ўзларининг энг зуккою моҳир жосусларидан бири – капитан Артур Конолли ё Хон Алини Бухорога жўнатишқа қарор қилишади. Лекин бу сафар улар бир тарафдан Хон Алига Шужоёшохнинг ҳам элчисини кўшишади, бошқа тарафдан эса булар Ўсмон сулоласи султонию Русия чорию Хиваю Хўқанд хонлари тарафидан ҳам босим ўтқазилгани режалашади.

Удли-шудли Хон Али Кобулдан Ҳирот, Ҳиротдан Майманаю Шибирғон қилиб, Марвғача, ундан биёбон ўтиб, дарё кечиб, қорувли Муҳаммад Раҳимхон Оллоҳқули шоҳ ҳузурига кириб боради.

Хон уни Мехтарога билан бирга кутиб олади-да, суҳбат ўрнида бир навъ сўроққа тутлади. Аввалига хон узоклаб кетқон Аббот ва Шекспир, яъни Обид ва Шайх Пир ҳақида сўрайди. “Бири – Инглизстонда, бири – Русияда,” – деб жавоб беради Хон Али. Шунда Оллоҳқули-хон кутилмағонда қутқулағандек:

– Айт-чи, инглизлар кучлими ё руслар? – деб қолади.

– Иккала миллат ҳам – юқори даражадаги миллат. Инглизстон қадимроқ ва бойроқ, бироқ Русия ҳам буюк давлат, тобора улғайиб бораётур.

– Буларнинг бир-бирига муносабати қандай?

– Анча дўстона, савдо-сотигимиз бор. Дўстона муносабат иккала мамлакат манфаатидадир.

– Айт-чи, Русия бизга нисбатан қандай муносабатда? – сўрабди камти ўтирғон хон.

– Сўнгги хабарим шуки, сизлар русларни асирга олғон экансиз. Русия бундан дарғазаб. Бу йил туялари етмасдан ҳужум қилишқони йўқ, лекин фурсат қўл келса, бу ишдан тойишмайди.



- Эронда нима гап?
- Қажар саройиға биз элчи юборғонмиз.
- Шайх Пиринг баҳорға қолиб кетмасам қирқ кунда қайтиб келаман, диғон эди. Ҳануз қайтмади. Қачон келаркан?
- У ўз сўзида турадиғон инсон. Лекин Рус императори уни сизнинг элчингиз сифатида қабул қилмаслиғи мумкин. Унда у тўғри Инглизстонға қайтиб кетса ажаб эмас.
- Ахир уни Дашти қалъада, Оренбургда бизнинг элчимиз сифатида қабул қилишди-ку. Нега Петербургда қабул қилишмасин? – ҳайрон бўлибди Оллоҳқули-хон.
- Оренбургға у бир қанча асирни қайтариб оборғон. Сўнг у ерда сизнинг элчингиз ҳам бўлғон. Петербургда чор олдига кириш қийин...
- Биз асирларнинг деярли барини қайтариб берғон бўлсак, руслар бизга барибир таркана қилишармикан?
- Асирлар, билишимча, уларнинг кўпдан биргина талаби бўлғон. Бошқа талаблар нимадан иборат эди? – деб ўзи савол бериш ила гапни кавшар этибди Хон Али.
- Худо билади уларнинг талабларини... – деб елкасини қисибди хон.

\* \* \*

Абдулла камокхонага қайтганида ҳамма ётиб бўлган, “Наҳотки бу қиска-қиска икки юзлаштирув шу қадар узоқ вақт давом этган бўлса?” – деб ажабланди Абдулла. Қайта-қайта бўлиб ўтган гапларни миясида такрорлар экан, бир ўйда таққа тўхтаб қолди у. Буларни синдириб, талқондек янчиб бўлишган. Лекин анави оғзи шалоқ “Хотинингни олиб келаман!” – дегани нимадан далолат экан ё нимага ишора? Ойига бир хат ташувчи кумлоқлик Суннатнинг пойидан тушишганмикан? Хотинига: “Кўктеракками, қишлоқ-пишлоққа кўчиб кет!” – деб ёзсамиз? Худо кўрсатмасин, буларнинг қўлидан ҳар бало келади. Маҳбуслар машъум 42-хона ҳақида кўркиб-писиб гапиришади, бу ўша биринчи куни Абдуллани Винокуров моматалоқ қилган хонамикан?!

Хотинини олиб келиб, шаънига тегишса, чидай оладими Абдулла? Чаппасига нима қилиши мумкин?! Ҳа, биттасига ёпишар, буларнинг сони минг-ку! Ундай деса, ана Винокуровни ҳам ўлдираман, деб юрди, униси тутқич бергани йўқ, бунисининг кўнглидаги интиқом туйғуси қиш қоридек эриб битди.

– Худо кўрсатмасин! Худо кўрсатмасин! – деб дуо қилиб ётди Абдулла. Қишлоққа кўчириш керак Раҳбарни, йўқса Абдуллани ҳам ҳовончага солиб янчишади... Лекин буларга қарши яққа ўзи қолса-да, чидаб беролармикан? Ким келди Абдулланинг кўз олдига шу он – ғайридин полковник Штоддарт.

Уни нима билан кўрқитишган: “Сен билан келган хизматкорларинг – Ражаббек, Муҳаммад Техронийларнинг калласини кўз олдинда оламиз!” – деб. Кейин “Мусулмон бўласан!” – деб шаҳодатни ўқиттиришган. У шаҳодат келтиргач, буниси ҳам етмагандек, қозикалоннинг ўнгида суннатини ҳам келтиришган. Эллиқларга борган бу бечора Миршаблар сардорининг уйида “чил-чил ҳасса” бўлиб, кўрпага ўралиб, бир ойча нозик ерига қов босиб, яраси битгунча ётган. Кейин уни қушбеги Нурмуҳаммадбек қарамоғига топширишган. У эса Штоддартни Аркдаги кўркам меҳмонхонасига кўйган.

Қушбеги Штоддартни биринчи кунданок хуш кўрмасдан, Амирга: “У ҳеч қанақа мусулмон эмас! Тик туриб чоптиряпти!” – деб бу сафар обхонага қаматган. Обхона – Чохи сиёҳда ётган маҳбусларга сув етказиб турадиган нам ва дим бир хона экан.

Штоддартнинг бахтига қамоқчилардан бири – Фатхуллабек анча дилкаш одам чикиб, Штоддартнинг ёзган хатларини полковникнинг хизматкори Ражаббекка элтади. Ражаббек эса карвон кажаваларининг бирига беркиниб, Бухородан ўша хатлар билан бирга Афғонистонга қочишга муваффақ бўлади...

“Худди менинг куним, – деб ўйлади эмранган Абдулла. – Рост, Штоддартнинг ортида унинг ишонган давлати турган бўлса, менда ҳеч ким йўқ...”

Унинг фикри яна забун Берегинга қайтди. Усмоновни Абдулла унчалик яхши билмасди, шунинг учун ҳам унинг жиззаки сўзларига кўпам куюккани йўқ, бироқ Берегин ўз пайти унинг барча китобларини чоп этгани учун Абдулла уни эъзозлаб юрарди. Шу туфайли бўлса керак, Берегиннинг совуққон, ноинсоний муносабати Абдуллага оғир ботди. Рост, Файзулла Хўжаев Абдулланию Чўлпонни ҳаммадан ортиқ яхши кўрар, “Иккинги адабиётимизнинг, тилимизнинг кўрки” – деб ҳар кўрганида пул бериб юрарди. 1932 йил у чиндан ҳам “Ўтган кунлар”ни Қашғарда араб имлосида боссак яхши бўларди!” – деган эди. Лекин қанақанги ташкилотни айтишяпти булар? Ё энди ўзбек бўлиш, ўзбекликка мансуб бўлиш – ташкилотга аъзо бўлиш билан тенг бўлиб қолдимиз?!

Абдулланинг алағда-палағда фикрлари яна бошқа ёкка кўчди.

\* \* \*

Энди яна кимлар билан юзлаштиришар экан? Айби аниқ – антисовет, буржуа-националистик ташкилотга аъзолик. Қайси ташкилот экан бу ўзи? Ё Абдулланинг ўзи билмасдан уни унга уйлантириб қўйишибдимиз? Ёзувчилар– девона халқ, улар билан ҳойнаҳой юзлаштирамас, юзлаштирама ҳозиргига қадардек арбоблар билан юзлаштирама керак. Кимларни танирди булардан Абдулла? Лекин Суннат орқали хотини Раҳбарни қишлоққа чиқариб юборгани тузук...

Абдулла бу ғужғон ўйлар орасида ўтирар экан, эшиклар очилиб, яна унинг отини жарлашди. Эси-хушини йиғиб, қўлини орқага чўзиб, эшикка чикиб борса – тергов юзлаштириш эмас, соч-соқол қиртишлагани экан.

Энди таниш қатори бўлиб қолган жухуд сартарош билан дўстона кўришиб, Абдулла табуреткага ўтирди-да: “Нега юзлаштирувлар ўртасида унинг соч-соқолини ола бошлашди? – деган фикрга борди. – Бунда нима гап бўлса экан? Иши ҳал бўлдимиз? Отишга тайёрлашяптими? Отишса– ясаиб-тусатиб ўтирмас? Ё буларнинг каттароғи у билан гаплашмоқчимикан? Ким бўлса у?”

Қамоқда ҳар бир майда-чуйда чексиз аҳамиятларга тўлиб кетар экан: нимага, ким, қачон, қаерда, нечун? Савол кетидан савол, миянг қуртлоқилаб сўкчакка айланиб қоларкан. Тут баргини илма-тешик қилгандек хаёллар ҳам мияга жуволдиздек қадаларкан. Тешиляптими у, тикиляптими – не фарқ? Жухуд сартарош қоровул аскар олдида гапиришга ботинмас, бироқ айтилмай қолган сўзларини тинимсиз пишиллашида, хўрсинишида, лабларини чўлпиллатишида ифодаларди. “Унинг ҳам ичлари тўлиб кетган бўлса кераг-ўв!” – деб ўйлади Абдулла.

Қамоқда соч-соқолни қиртишлатиш балки-да бировнинг қўлидан кўрган ягона меҳрибонликдир. Сартарошнинг илиқ ва дўмбоқ қўли унинг бурни ё қулоғига тегар экан, болаликда бошини ювган онаси Жосият бибининг юмшоқ қўлларини эслади Абдулла ва кўзларидан беҳол ёш сизиб чикди. Сартарош ҳам буни сизди, чамаси, оппоқ рўмолчаси билан Абдулла юзини упалагандек, бу намни артиб кўяқолди.

– Раҳмат, – деб турди Абдулла табуреткадан.

– Арзе.. – деб эндигина бошлаган эди сартарош, аскар дарҳол буларни узди:  
– Не болтать! (Сафсатани йиғиштир!) – ва Абдуллани хонаси томон бошлаш ўрнига, тескари томон етаклади. “Қаерга олиб кетяпти бу қоровул? – дами ичига тушиб кетди Абдулланинг. – Вақти-соати келдимикан? Бунчалик аҳамиятсиз тарздами?”

Аскар чап ёндаги эшикни итарди-да: “Товариш капитан, привёл!” – деб честь берди. Хонага кирган Абдулла кимни кўрди – махлуқ Винокуровни. Унинг муштлари тугилди. Юраги дук-дук урди. Юзи аввалига бўзариб, кейин тошиб қон югурди. “Уради! Уради!” – деб жангга шайларди юрак.

– Садись! – деб столининг бу тарафидаги стулга дағдаға аралаш кўрсатди Винокуров, аскарга эса: – Пока свободен! (Ҳозирча озодсан!) – деди. Аскар эшикни кетидан ёпиб, даҳлизга чиқиб кетди. Абдулланинг ташқи дунё билан охирги алоқаси узилди.

“Бўғзига ёпишаман! Ҳалқумига! – деб кўзларига қон қуйилиб ўтирди Абдулла.

Винокуров бирданига у томон очиқ ғудраша кафтини чўзиб:

– Прости меня, Абдулла! – деб қолди.

Эловсираб, ўзини йўқотиб қўйди Абдулла. Тушими бу ё ўнгими? Ё қайси шайтоний хийлага боряпти бу лаин...

– Кечир мени Абдулла, – деб қайтарди синик, палағда бир овозда бу айиқ, – Мен сени ёмон ургандим... Тушунаман, сен мени кечирмайсан, – овозини пасайтириб давом этди Винокуров. – Лекин биз ҳам одаммиз. Ўша куни ёмон ичиб олган эдим. Мана бу еримга етган эди, – деб Абдулла тишлари билан ёпишмоқчи бўлган халқумини кўрсатди Винокуров. – На Янги йил бор, на отдих куни. Қама-қама, ур-депсадан бошқаси йўқ.

Кутилмаганда бу ажабтовур махлуқнинг кўзларида ёш йилтирагандек бўлди.

– Ўтган якшанба куни, тоқларимни боғлаб бўлиб, яширинча черковга борган эдим. 6 март куни кечирим якшанбаси эди. Ўша ерда бир танишимни учратиб қолдим. Ёзувчи. Сени танирган. Сен билан Москвада ўқиган экан. Жуда зўр ёзувчи деб сени роса мақтади! Ўрис мактабини битирган экансан... Қандай қилиб булар сени миллагчи деб бу ерга тикишди?

Абдулла бу ўрис қамоқчининг монологуига бўшашиб қулоқ солар экан, халигача “Бунинг макри нимада экан?” – деган ғулувдан озод бўлмаган, бироқ Винокуров саволига жавобни ҳам кутмасдан гапидан тинмас эди.

– Сен бизларни ёз, Абдулла, мана бу кўкракдаги кўрқувимизни, бугун сени бу ерга қамашди, эртага мени тикишади... – Винокуров гимнастёркасининг кўкрак чўнтақларига ура бошлади. “Мастмикан?” – деб ўйлади Абдулла, лекин махорканинг хидидан бошқа хид туйгани йўқ.

– Сен барибир менга ишонмайсан, Абдулла, кўзингдан кўриб турибман, – деди у. – Майли, ишонма. Лекин мен айбим эвазига сенга қўлимдан келган ёрдамимни бермоқчиман. Рост, тўғри тушун, бу ердан сени озод қилолмайман. Мен майда пиёдаман холос. Лекин танишларингга айтадиган гапинг бўлса, айтайин.

Бояги қуртлардан вужудга келган капалаклар, йўқ, нақд каптарлар тўзиб учди Абдулланинг миясида. Ростми, ёлғонми, бу дунё, довдираб, тушунмай қолди у.


– Майли, – деди Абдулла соф рус тилида. – Рус эртақларида бир эмас, учта тилак сўралади. Мен ҳам учта кичик тилак айтай. Биринчиси: Қурбон Берегинга – ундан хали ҳам кўнглим қолмаганини айтсанг. Иккинчиси – Ғози Олим Юнусовга унинг тилла соати менда эканлигини етказсанг. Учтинчиси

– энг муҳими – Чўлпонга: унинг хотини Екатерина мендан бошлиқларга хат ёзишни сўраб келганини, лекин ёзадиган бошлиқларнинг ўзи қолмаганлигини айтсанг...

– Шунда мени кечирасанми? – деб сўради Винокуров ва хануз стол устида узатилган гудраша қўлини аста ўзи томон тортди...

\* \* \*

Ўша тун анчагача ухлолмай, Абдулла воқеъ бўлган ҳодисани ҳижжалаб ётди. Бу ўрис ўзини дўсараликка соляптими? Ўйин бўлса – нима ҳақда бўлиши мумкин бу ўйин? Штоддартдайларга ёрдам берган зиндонбон Фатхуллабекнинг таъмаси бор бўлган, бу дўққи Винокуровнинг таъмаси нимада бўлиши мумкин? Абдулланинг кўмиб қўйган тиллоси бўлмаса. Ё кетида турган кироличаси йўқ эса... Ундан кейин таъмагир бўлса, бирон-бир нарсага ишора қилгани йўқ. Кечирим сўради холос.



Кечиримини қабул қилиши керакмиди? Танадаги жароҳатни вақт даволаган эса-да, кўнгилдаги туғённи бу кечирим билан босиб бўлармиди?! Ё босиш керакми? Ё Абдулла ҳам дўппи қайтақи бўлиб, Винокуровдан истифода қилиши керакмиди? Қани, балки Берекин билан, ё Ғози Юнус, ё Чўлпон билан юзлаштира, унинг нақадар ишончли эканлигини бир амаллаб чиқариб олар...

“Черковда бир ёзувчини кўрдим. Сени роса мақтади!” деди. Ким бўлса экан у ўрис ёзувчи? Бородинмикан? Йўқ, у татар хойнаҳой черковга бормаса керак. Никитинмикан? Йўқ, буниси ўлардек коммунист, бўйнига арқон ташлаб ҳам

черковга тортолмайсан. Шевердинмикан? Ҳа, бўлиши мумкин... Бу йигит ўзи самарқандлик, Москвада ўқиб келган. Абдулла уни Москвада шоирларникида бир-икки кўрган эди. У 1921 йили “Ўтган кунлар”га анча дурустгина тақриз ёзган. “Обид кетмон”нинг рус таржимасига эса сўзбоши муаллифи бўлган. Таржимон Лидия Соцердотова билан бир Абдулланинг уйига ҳам келишувди... Уям анча фирқапараст йигит эди, черковга борганмикан?.. Ким билсин, Винокуровдек бединлар кечирим якшанбаси ҳақида гапиргандан кейин, бир ёзувчи ҳам юкуниб чўқинса чўқингандир-да. Яна қайдам, бошқа кимдир бўлиб чиқиши ҳам мумкин...”

Шу пайт камоқ оқсоқолининг гумашталаридан бири: “Чап ёнга ағдарил!” – деб буйруқ берди ва ҳамма инқиллаб-синқиллаб, бошқа ёнига ўтирилди. Бундан ярим ой аввалроқ терговга чақирилиб дом-дараксиз йўқолган қизилсоқол Журъатни ўйлади Абдулла. Кошки Винокуровдан сўраб олсайди-я, унга нима бўлди деб. Унинг ўрнига ўғриларнинг каттаси Гена Ташкентскийни бу хонага киритишгач, беш-олтита пайтавақулоқ ўғри ўнлаб “сиёсийлар” устидан бош бўлиб қолди. “Энди сенларга зона ҳаётини ўргатамиз!” – деб булар ўзларининг ярамас қонун-қоидаларини кирита

бошлашди. Битди “Чигатой гурунги”. “Лайлак юриш қилай деб чумчук чатаноғи йирилди”, – дермиди бу ҳолатда эссиз Журъат оқсоқол? Кимгадир таъмаки-памаки келиб қолса, булар тортиб олган. Овқатнинг жирлиги буларга. Тарқатилган шакаргача солику бож солишган. “Сиёсийлар”нинг кўпи қариб-қартайган зиёлилар эмасми, “Хих!” – десанг, орқасини тутишади. Абдуллани терговга чақира бошлашган чоғи профессор Засипкиннинг зарҳал кўзойнагини тортиб олишаётган эди. “Нима билан битди экан бу иш?” – деб ўйлади Абдулла. Кимдир Содикми, Муборакми: “Нон бурдаларидан қаргалар ясашди, кўзойнак шохчалари билан нақшини чизишди”, – дегандек эди. Тергову юзлаштиришлар билан бўлиб, буни ҳам сўрамабди.

Ўзи ишга аралашсамикан? Бу эвос ўғриларга бас келиб бўлармиди? Винокуровни орага солсамикан? “Гўлсан, Абдулла! Юнги силанган мушукдек лаққа тушиб қоласан-а! Винокуровнинг ўзи буларни “сиёсийларга” “рахбар” қилиб қўйган бўлса-чи?!

Яна фароғатсиз хотини эсига тушди. Балки Винокуровдан у билан учрашувни сўраганида бўлармиди? Эплармидийкан? Ўзи айтдию, “Мен бу ерда майда пиёдаман” – деб. Ундан кейин хотинини бу ерга йўлатмагани маъқул. Қайтага эловсизроқ қишлоққа чиқариб юбориш керак. Албатта қишлоққа...

\* \* \*

Юзлаштирувларда ё сўроқда бўлиб, тушки ё кечки ёвғон-шулон овқатдан бебаҳра қолсанг, ҳеч ким сенга “Мана бунинг устига бир бурда нон ёпиб қўювдим, илиқ турган бўлса керак”, – деб томоқ олиб қўймайди. Тишга босишга бирон нарса бормикан, деб кейинги нонуштагача рўза тутиб ўтирасан, киши. Абдулла ҳам юзлаштирувлардан қайтиб, тишининг кирини сўриб ўтирар экан, бояги фикри эсига тушдию, бориб Домла Косонийни гапга солди.

– Домла, сал кўполроқ кўринса айбга буюрмайсизу, сиз ҳам умрингизда ҳеч кимни сотганмисиз? – деб сўради.

Домла аввалига эсанкирагандек гувраниб қолди, кейин ўзини тутиб олиб:

– Қайси маънода? Қулдорчилик маъносидами? – деб дучма-дуч саволига савол билан жавоб қайтарди.

– Йўғ-э! Бўхтон маъносида...

– Унда, бўтам, арқонни сал кенграқ ташлашингиз зарур, – деб бошлади домла. Муҳаммад ал-Ғаззолий ўзларининг “Ихёи улум ад-дин” китобларининг учинчи жилди “Рубъ ул-муҳлиқот”ида “Офат ул-лисан” бўлимида тилдан келгон офатларни йигирма қисмга бўладилар. Булар орасида пуч сўз гапириш, хусумат, фаҳш, шеър айтмоқ, сўкишмоқ, қарғамоқ, ёлғон гапирмоқ, ғийбат, бўхтон ва шунга ўхшагон балолар бор. Шулардан фақат сизни қизиқтирғон бир-икки офатдан гапирсак. Сотиш диғонда сиз биринчи галда хусуматни кўзда тутсангиз керак. Хусумат, ал-Ғаззолийнинг фикрича, сўзга эътирозу баҳскашлиқдан келиб чиқади. Расулulloҳ саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳадисларида айтғонларким: “Хусуматларда жоҳилга мужодала этгон кимса бу мужадоласидан воз кечмағунча ё ўлмағунча Оллоҳнинг ғазабидадир”.

Яна бир сизга тааллуқли офат – сир сақламаслиқдир. Пайғамбаримиз ҳадисларида айтибдурларким: “Бир одам бир мажлисда бир сўзни сўзларкан, атрофиға боққан замон, бу сўз тинглагонларга омонатдир”.

Ривоятда келурким, Муовия Утбонинг ўғли Валидга бир нарса дебди. Валид ўз отаси олдиға бориб, “Амирул-мўминийн менга сирли бир гап айтди, шуни сенға очай”, – деса, отаси: “Зинҳор ба зинҳор менға айтма! Сир



сирлиғича сақланиши керак. Сен эса хато асоратиға тушмагин!” – дигон экан.

Суҳбатимизға тааллуқли яна бир офат бу ёлгон гапирмак офатидир. “Ёлгондан сақланинг, у фуҷур билан тенгдир ва ҳар иккаласи жаҳаннамдир!” – дейди Расули ақрамимиз ўз ҳадисларида. Ва яна: “Ёлгон – нифок эшикларидан биридир” – дейдилар.

Луқмон-пайғамбар ўз ўғиллариға айтгон эканлар: “Ўғлим, ёлгондан сақлан, зеро у серча этидан ҳам тотлидур. Ундан оз кимсалар қутула билар”.

Лекин шариатда ёлгонға руҳсат берилгон ерлар ҳам бор. Расули ақрамимиз буюрмишларки: “Икки кимсанинг орасини тузатгон ё хайри сўзлаб хайрни юксалтгон кимса ёлгончи эмасдир”.

Ато бин Ясар деюрки: “Бир киши Расули Ақрамга:

– Эй, Оллоҳнинг Расули, оиламға ёлгон сўйлайми? – деб сўраса, Расули ақрам:

– Ёлгонда хайр йўқ, – деб буюрибди. У киши:

– Хотинимға ундай-бундай баъзи нарсаларни ваъда этсам бўладими? – деса, Расули ақрам:

– Бунда зиён йўқ, – деб буюрди.

Мурсаи мадора дигони ана шулардан чиқиб келгон, бўтам. Лекин буниси ҳали охири эмас. Ғийбат дигон офат ҳам борки, сиз сўрагон масалаға буни ҳам қўшишимиз лозим. Қуръони Каримнинг “Хужурот” сурасида Оллоҳ таоло буюрибдики: “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, ва ла йағтабу баъзукум баъзан, а йухиббу аҳадукум ан йақула лаҳма аҳийиҳи майитан... садақоллоҳул азийм, яъни бир-бирингизға ғийбат қилманглар. Қай бирингиз ўлик қардошингизнинг гўштини емоқдан хушланарсиз?”

Расули ақрамимиз айтмишларким: “Меърожға чиққон кечам тирноқлари билан юзларини тимдалагон бир гуруҳ инсонларни кўрдим. Жаброилдан: “Булар кимлар?” – деб сўрадим. Жаброил: “Булар инсонларни ғийбат қилиб сирларини очгонлар, – деди”. Ал-Ғаззолий ғийбатнинг саккиз сабабини келтирадидлар. Булар орасида кинини енгмоқ, бировға ёқмоқ, бир ишдан наф топмоқ, ўзиға иснод этилгон нарсани бошқа кишиға юкламоқ, ўзини устун кўрсатмоқ, ҳасад қилмоқ, ҳазиллашмоқ ё масҳара қилмоқ, камситмоқ...

Шу ерда мен ҳам мурсаи мадораға бориб, сизнинг қўнглингизни бузмаслик учун Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг бошқа тил офатлари, жумладан, тўқима, адабиёт, шеъриятларини ҳам офат сифатида келтиргонини айтмасам-да, яхшиси Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” китобидан бир ривоят келтирсам.

Айтибдурларким, Ҳажжож зolim ҳаммаға сиёсат қиларкан. Навбат бир эшонға келгонда, эшон бундай дебди: “Эй, амир, мени ўлдирма, чунки сен ҳақингда собит бўлгонман!” Ҳажжож айтибдур: “Мен ҳақимға нима қилдинг?” Айтибди: “Фалон душманинг сени ғийбат қилиб, сен ҳақингда фаҳш ишларни айтди. Мен уни ман қилдим ва сенға бўлажак дашномни қайтардим”. Ҳажжож айтибди: “Бу маънода гувоҳинг борми?” Дебдики: “Бор” ва ўша мажмаъада бўлган бошқа кишиға ишора қилибди. У киши дебди: “Ҳа, рост гапиряпти, у бояғи кишини сени ғийбат қилиш гуноҳидан тийиб қолди!” Ҳажжож дебдики: “Сен нега унда душманға қаршилиқ кўрсатишда унга шерик бўлмадинг?” Айтибдики: “Чунки мен сенға душманман! Сенинг тарафингни олиш мен учун ҳеч лозим бўлмагон!” Шунда Ҳажжож иккаласини озод қилишни буюрибди. Бирини – садоқати учун, бошқасини ростгўйлиғи туфайли. Ана ўшанда мана бу мақол одамлар орасида пайдо бўлгон экан: “Агар ёлгон одамни қутқарса, рост қутқарувчанрокдир”.

\* \* \*

Кечаси, оч ёнбошини остига олиб, қулдураган ошқозонини босиб, чўзилар экан, Абдулла кун ходисаларини пайдар-пай эслаб: “Домла Косоний сўралган саволига жавоб бердимми ўзи?” – деган фикрни узоқ ўйлаб ётди. Кейин хаёллари Домла Косонийдан Домла Ғози Олимга ирғиди. Ўз она тилида ёзган ёзувчи табиатдан миллатчи бўлади. Ўз халқини севмаса, ўз тилини эъзозламаса– ёзувчиликда нима қилади одам? Лекин бу дегани дунёда фақат менинг халқим, ёлғиз менинг тилим бор экан дегани эмас-ку! Бозорга ҳар ёймачи ўз молини мақтаб чиқади. Бунинг нимаси айб, нимаси гуноҳ? Фақат ташкилот деганлари нимаси экан? Рост, хув анави йилларда Фитрат домла “Чиғатой гурунги” деган давра тузган эди, унда гапирилгани – фақат адабиёт бўлган. Агар валакисаланг гапу гаштакларни ҳам “ташкилот” деб атаса, унда Ўзбекистоннинг бошдан-оёғи бу ташкилотларга тўлиб кетадию. Унда ҳар дали-ғули чойхона – штаб, ҳар дўппикайтоқи маҳалла – ҳарбий қисм...

Қамоқларда дом-дараксиз йўқолиб кетган дўстию маҳалладоши Ғулом Зафарийнинг ҳовлисидаги зиёфатларни эслади Абдулла. Кўчада Абдулланинг тўнғич ўғли Ҳабибуллони ушлаб олиб, унга: “Бор, дадангга айт: “Гижбадабанг-гижбадабўнг, пули борнинг иши ўнг, пули йўқнинг гапи тўнг!” Ўзи тушуниб олади!” – дерди у. Ҳабибулло бу сўзларни отасига етказиши билан Абдулла ишларини ташлаб, Эшонгузар маҳалласининг нариги чекасига шошарди. Чунки биларди-да, бу сўзлар айтилдими, Ғулом ўзи ишлайдиган театридан Чўлпон билан биргаликда ё Шожалил ҳофиз, ё Шораҳим, ё Соат дуторчи, ё Карим қизикни бошлаб келган. Бир сафар эса анчайин қариб қолган Мулла Тўйчини ҳам эрчитиб келибди. Абдулла хаёлан эшикдан кириб борар экан, кўзига ҳовли ўртасидаги ҳовузу ҳовуз бўйидаги мажнунтол, мажнунтол тагида эса хитойгуллар орасида турган шохсупа кўринди. Мулла Тўйчи эндигина кўлига танбурини олган, Абдулла йиғилганларнинг бари билан бирма-бир кўришиб чикқач, ҳофиз белидаги қийиқини таранг боғлади-да, худди ҳавога эмас, овозини ич-ичига йўллатгандек:



*Арзимни айтай боди сабога...  
Арзимни айтай боди сабога.  
Кўзлари Чўлпон, зулфи паришон,  
Сарви хиромон, дод-ей, қоши қарога, –*

деб юракларни вайрон этиб кетдилар... Ўзбекдан бошқа кимама тушунарди бунини?!

Абдулланинг кўзларига беҳосдан ёш қалқди. Дарвоқе, яна қаерда эшитган эди бу ашулани Абдулла? Ҳа, ўзининг қиссасида, Сайид Қосимдан...

Ажаб, қиссаям бу чакана-чукана юзлаштиришу гапларнинг кетидан хаёлидан кўтарилибдими? Қаерини ўйлаб, қаерини пиштаётувди Абдулла?

\* \* \*

Ойхоннинг катта ўғли Музаффарининг бўйи дарозлангани сайин қора сочларию қошлари қизариб, кўзлари кўкимтир тус ола бошлади. Хатти-харакатларининг шиддатлилигидан, кўрган одам уни чарс-чурс гулхоннинг ўзгинасига ўхшатарди. Мақто боласига бирданига меҳри уйғонган Ойхон ҳам уни энди “Гулхоним, Гулхонжоним!” – деб эркалатидиган бўлиб, ўғлидан ажралмай қолди. Мадалихоннинг кенжаси ҳам улғайгани сайин отасига ҳеч ўхшамаслиги аён бўла бошлади.

Ойхоннинг буларга муҳаббати ортиб борар, кун бўйи энди ўғиллари билан бир чистон чақиб, бир ҳуснихат чизиб, ё “Минг бир кеча” ўқиб вақт ўтказар экан, Мадалихоннинг кўнглига тушган гумон қурти тобора урчий бошлади. Аввалига зимдан буларга боқиб, кейин хосхонада кўзгуга қарай, ўз бурнию қошларини анавилар билан солиштира бошлади. Кейин қиличбозлик машқлари баҳонасида иккала шахзодани қаптархонасига чорлади. Болаларнинг бири у ерда эснади, бошқаси бурнини чимдиб: “Ўф, сассиқ экан!” – деди. Рўзи дигар қўлларига икки митти доира тутқазди: бири уни ғилдирак қилиб думалатди, бошқаси қизил сочига дўппи қилиб кийди-да, укасини кулдирди.

Тушлари бузилди Мадалихоннинг: тушларида аввалгидан бадтар урди Ойхонни, юзларини хамир қилиб эзди. Бироқ буниси ҳам кўнглини тинчитгани йўқ! Шубҳа қуртлари зулукка, зулукдан илонга, илондан аждарҳога айланди. Бир куни бўза ичиб олиб, хон Ойхоннинг эшигига бостириб кирди. Ойхон пошша болаларини ухлатмоқчи бўлиб устиларида алласимон ғазал айтар, маст хонни кўриб, жон ҳолатда: “Гулсум!” – деб бақирди. Айвонда ётган Гулсум уйкуга кетиб бўлган эканми, ваҳший хон ёпирилиб, Ойхоннинг гул юзига аёвсиз тарсаки урди. Бу хотиннинг додлашини кутди хон, бироқ Ойхон оғзига қўлини ёпганича, миқ этгани йўқ. Эндигина ухлаган болаларининг нозик уйқусини аядими, ё...

– Айт, жаллабб, ккимдан ттуққансан буларингни?! – деб хириллади хон.

Ойхоннинг кўзларида даҳшатми, ҳайрат қотган эди.

– Каллассини оламман ҳароммиларингни! – у қиличини яланглатди.

Ойхон бошини аста лиқиллатди ва “Менинг бошимни ол!” – дегандек оқ бўйнини эгди.

Бундан Мадалихоннинг жазаваси янада кўзиди:

– Кимм билан ўйнашгансан, қаннжжик! – дея кокиллларини кўлига ўради хон.

Ойхон сас чиқаргани йўқ.

– Гулханий биланн дон чўқишгансан, иффлосс! – деб кўнглини ёрди Мадали.

Ойхон худди бошини қиличга яқинлаштиргандек, яна аста бош чайқади...

Мадалихон аёл бошини бор кучича ўз тиззасига урди. Кўрпага чак-чак қон томди. Ойхон лом-мим дегани йўқ.

– Ммана, анави итингга хатинг! – деб Мадали мода чўнтакида титқиланиб битган бир парча қоғозни Ойхон бошига ташлади-да, қиличининг сопи билан аёл энсасига урди. – Иккаласини ўлдирдим, энди сенларни бўғғизлайманн! – деб вишиллади хон ичидан чиққан аждарҳо. Шу пайт дод кўтариб хонага Гулсум отилди, икки бола қулаган онаси тагида чириллаб уйғонди, қиёмат кўтарилди. Хон эса, қиличини ташлаганича, гижжа каби пилтанглаб, хонадан қочди...

\* \* \*

Индинига эрталаб Муборак, тамаки ўраш учун қоғоз дея, Абдуллага ваъда берганини узатди.

*“Агарда мен Хивага етсам, менинг таклифим сўнгра Хўқандга ўтишидир. Бизнинг Хива билан муносабатларимиз капитан Аббот ва лейтенант Шекспир ёрдамида анча мустаҳкам ва шу маънода биз бу саҳнада қолишимиз муқаррар. Россиянинг бу мамлакат билан галваси битгунга қадар биз Хива хони билан муносабатларни ўзгартирмаймиз ва фақат ўз манфаатларимизни кўзлаймиз.*

*Бироқ агарда руслар Хивани қуришовга оладиган бўлишса, биз Хўқандга бошқа йўл топишимизга тўғри келади (ё Қундуз, ё Қашгар томондан) ва Фаргона тарафидан Бухоро амирини ҳушига келтириб, мустақил Туркистонда тинч ўзбек хонлари иттифоқи зоясини сўрашимиз лозим.*

*Артур Конолли”*

Абдулла бу қоғозга Винокуров тунови кун берган тамакини ўради-да, бир чекиб олиб, Муборакка узатди. “Нега булар шу қадар осонлик билан истаган қоғозини бу ерга етказадю, Абдулла кумлоклик Суннат орқали юз хавотир билан уйига учта митти хатча жўнатиб, уйдан бирор ёзма хабар олишдан хайикади? Албатта, биринчи галда уйдагиларини хавф остига кўйгиси келмади. Лекин Муборакнинг ҳам бу қоғозларни сақлаган оиласи бордир, айтди-ку ўзи, “Буларни уйдагилар кўчириб беришяпти, шунинг учун тап тортмай чекаверинг!” – деб.

Мана, Винокуровга ҳам ҳалигача тўлиқ ишонгани йўқ. Алдамагани аниқ, Чўлпоннинг хатини берди-ку.

Муборак тамакининг бошқачалигини сизди чамаси:

– Акамулло, тамакени қаердан олденгиз, бисёр нағзу? – деб суриштириб қолди.

– Инглиз хатининг хосияти бўлса керак... – деб ҳазиллашандек бўлди Абдулла.

Муборак яна бир нарса деб сўрамоқчи эди, лекин уни анави тайхар Саларка чақириб қолди. Муборак сигарасини Абдуллага топширганича, безорилар олдига шошилди. Чекишини давом этиб, инглиз Хон Али ҳақида ўйлаб ўтирган Абдулла аввалига уларга эътибор бергани йўқ, аммо камерада аста-секин шовқин кўтарила бошлагач, у тарафга қараса, анави ифлослар қилаётган иш ҳеч ақлга сиғмайдиган чиркинлик эди. Муборакнинг кўзини боғлаб, “беркинмачок” ўйнагандек, ювиндихўр Саларкаси бошқа гумаштанинг орқасига чиқволиб, иштонининг йирғочидан зебини Муборакнинг юзига тўғирларди. Бошқалари эса кий-чув қулган...

Абдулланинг юзига қон урди. У сапчиб турди-да, шахдам қадамлар билан палидлар даврасига бориб, айлантирганича салмоқ билан Саларканинг башарасига солди. У бошқа ўғрининг гарданидан қулаб тушди. Безориларнинг бошқалари ҳайқириқлар билан Абдуллага ташланишди. Уртўполон бошланиб кетди. Пайдор Абдулла касалликдан кейин мадорини бир навъ йиғиб олган, шунинг учун бўш келмасди. Доли-гулида у бир-икки тепки еди, лекин иккита ўғрини гурзидек оғир мушти билан сўқди. Атрофда ҳамма писиб қолди. Бирданига Абдулла ёнига Содик югуриб келиб “Ёпиш буларга!” – деб чинқирди. Содикдан кейин Абдулланинг шанғиллаган қулоғига Муборакнинг хониш овози чалинди. Бирон дақиқадан сўнг “сийсийлар”нинг норғули бор эканки – бари муштлашишга, ожизроқлари навҳа солишгаю қоровул чақиршга кўшилишди.

Аскарлар тапир-тупур кириб келишганида қаланғи-қасанғи безориларни сулайтириб бўлишганди. Ўша куни Гена Ташкентскийни югурдаклари билан бирга бу камерадан олиб чиқиб кетишди, оқсоқол қилиб эса Домла Косонийни тайинлашди.

\* \* \*

Қамоқнинг ўз иш жадвали бор. Йўқ, нечада туриш, қачон овқат ейишу қай вақт сартарошга ё душга бориш маъносида эмас... Агарда сенинг номингни кундузим, ё кечкурун чақириб қолишса, бу дегани ё сўроққа, ё юзлаштирувга, энг ёмон ҳолатда 42-хонага тепкилаш учун олиб кетишади. Ярим тунда олиб чиқиб кетишса ҳам, ёндама ётган қўшнилари тинч ухлайверишади – чунки эрталабга уйқусиз кўзларингни ишқаб, сен ҳам буларнинг орасига қайтасан. Лекин тунда бир соат борки, у бомдоддан сал илгарирок: қора ипни оқ ипдан ажратиш у ёқда турсин, ҳали ип кўзингга илашмаган соат; ана ўшанда кимнингдир оти янграса борми – уйқудан чўчиб турган бу одам ё типирчилаб қолади, ё кимнингдир биқинига суқулиб – уни зўрлаб судраб кетгунларича, яшириниб бўлмайдиган ерда беркинишга уринади, ё очикчасига йиғлайди, илтижо қилади, қўшнилари билан кучоқлаша бошлайди. Фақат энг кучлилар шаҳодат келтириб, атрофдагилар билан хайр-маъзур қилиб, қоронғида ёришиб турган эшик томон қадам ташлашади. Қолганларнинг бари эса ё дуосини ўқийди, ё пик-пик йиғлай бошлайди, ё уйқуси қочиб саҳаргача кимирламай ўтириб чиқишади. Чунки бу соатда олиб чиқиб кетганларнинг тақдири маълум – отилиш...

Март ойининг сўнгида икки тун давомида аввалига Мулла Шибирғонийни, эртасига субҳимардонда Домла Косонийнинг номини аташди. Мулла Шибирғонийнинг айби қолганларга номаълум бўлгани учунми, у билан кўпроқ Абдулла гаплашганлигиданми – бошқаларга зиёд таъсири бўлгани йўқ. Бироқ хона оқсоқоли Домла Косонийнинг исмини чақириб айтишганида, барча уйғониб кетди. Домла лавозими бўйича тўрға ўтиб кетмаганми, ҳаммани айланиб юрмади-да, нигоҳини барчага бир-бир ташлаб: “Барингизни Худога топширдик!” – деб турдию, эшик томон юрди. Абдулла ўрнидан қалқиб, Домла томон юришга ҳаракат қилди, бироқ кимнингдир оёғига қоқилиб, йиқилиб тушди. Домла эса шахдам қадамларда ёруқ эшикка чиқиб кетдию Абдулланинг юрагида сиёҳ чоҳдек битмас бир армон қолди.

Ўтирган ерида товушсиз йиғлаб юборди Абдулла. Ойлаб, йиллаб юрагига йиғилган хўрликлари тўлиб-тошиб оқиб кетгандек бўлди ичидан. Тўйиб-тўйиб йиғлаб олди ўша қоронғиликда у. Домла Косоний ёшига етмаган онасини эслаб йиғлади, бахтли қилолмаган хотинию бола-чақасига қайғурди, шу қамоқда қўшни хоналарда ётган дўстларига эзилди, шўрлик халқинию унинг адашган тарихини, ўз ёзганларию бечора Ойхонни, яна аллакиму алланарсаларни кўнглидан ўтказиб, кўз ёши билан ювди, поклади. Хайриятки, ҳеч ким кўргани йўқ унинг ёшларини ўшанда.

\* \* \*

...Маҳбуслар бирма-бир уйғона бошлашди. Биринчи бўлиб Фитрат домла турди. У ҳам атрофига бир қараб, Абдуллани кўрдию, ўрнидан сапчиб, унинг олдига интилди-да, истикболига турган Абдуллани кучоқлаб, миқ этмай йиғлай бошлади. Тиниқ кўз ёшлари билан ювди юзинию қўлларини ўша тонг бу улуғ инсон.



Кейин Абдуллага бақамти ўтириб, сўз айтмай тикилганича, фақат суяклари чиқиб кетган оғир бошини чайқаб қўярди.

Унинг чуқур хўрсинишларидан Муборак уйғонди.

– Э, домла, сиз ҳам бу ердаме? – деб Фитрат домла билан кўришди, кейин Абдуллага қараб: – Худога шугур, бизне боз яқдел қўйишибте, – деб қўйди. Содда инсон билмасдики, бу ўлим ҳукмини кутган маҳбусларнинг хонасидир. – Ман Лўндун боргонда як музай кўргон, анда одамларде аренинг мумидан сохта қилишгон. Локен бамисле тирек. Мўйлабдор Исталинам бор, челим тутатгон Черчилам, бизде Юсуф Бўрениям қўйишгон... Безлар ҳам эмди ҳаминжо мумдан ясалгон киби бўлгон...

Маҳмадона Муборак, кўзларини ишқалаб, бир оз тинди-да, мум босган булар орасида жимжитлик турганидан хайрон бўлди шекилли:

– Немага гапурмаяпсизлар? – деб сўради.

Нима ҳам дейишсин бу иккиси? Бари аён бўлган жойда нималарни ҳам гаплашишсин. Чўлпон айтмиш:

*Кўзимда сен каби уйқу йўқ, эй булут!  
Истайман ўлимдек умрли бир сукут!*

\* \* \*

Ойхон пошшанинг сирини дунёда бир киши билса – Жаҳонотин эди. Ўзининг марҳум қизи Офтоб-ойимга бўлган бор меҳрини Жаҳонотин-буви энди Ойхонга бағишлади, уни ўз қизи ўрнида кўра бошлади. Лекин у ҳам Ойхоннинг кўнглида кечганларидан беҳабар эди.

Хон Али дарвеш Хўқандни тарк этиб, Бухоро томон кетгач, Ойхон пошшанинг юрагидан чегалаб бўлмайдиган бир чатноқ дарз кетди. Аввалига ўзини қаерга қўйишини билмай, бир қайта-қайта хасталанган отасининг олдида бориб: “Сизга мурид тушган фаранги билан нималар ҳақида гаплашдиларинг?” – деб гап суриштирди, “Уни кимга тавсия қилдингиз?” – деб из топишга ҳаракат қилди. Бошқа пайтларда ҳарамдагиларга билдирмасдан Жаҳонотин-бувиникига қатнади, лекин ҳеч кўнгли ёришмади.

Яна чоғиру бўзага берилмоқчи бўлди, аммо чоғир билан бўза қалбидаги ҳиссини булғатса булғатди-ки, йўқ қила олмади-ку! Бунисига ҳам ҳай берди.

Кейин юз кутқую ҳийлалар билан отасининг муридларидан бирини қаландар қилиб, қисқа мактуби ила Бухорога юборди-да, бир пайтлар Новқатдан Муҳаммад Шариф оғасини кутгандек, орзиқиб, ёш қаландарнинг қайтишини кута бошлади.

Ўттиздан ошиб қирққа қараб кетган аёлнинг бу балога мубтало бўлиши офат экан! Ёшлиқдаги илк севгига ноаниқ орзулар уйқаш бўлса, бу ёшдаги савдога нафақат орзу, балки кечган ҳаётининг армонлари ҳам чирмашару айқашар экан.



Нодираю Увайсийларнинг мажнунвашлик ҳақидаги байтларини энди тушуниб етди Ойхон... Икки ой давомида ишқ ўтида қоврилгандан сўнг, жулдир жандаю йиртиқ кулоҳ кийган қаландар йигит Бухородан Ғози хожа хонадонига қайтиб келдию, юз эҳтиёткорлик ила Ойхонга Хон Али дарвешнинг Чил дўхтарон зиндонига ташланганини айтди. “Ох!” – деб хушсиз йиқилди отасининг уйида Ойхон...

\* \* \*

Абдулланинг кўнгли талотўпда эди. Қўлига етиб келган хатни ўқиёлмай, кўзлари бир томонга қараса, хуши олма-кесак бўлиб, бошқа томонга тортар, бироқ ақли яна ўзга бир тарафга бошларди. Нишотийнинг “Хусну дил” достонида Ақл билан Ишқ жангида нобуд бўлган ҳиссиётларни эслади Абдулла. Эскилар барини билишган. Биз: “Дунёга янгидан келдик, дунёни янгидан яратамиз!” – деб ўйлаймиз, аслида дунё хут устига жойлашган ўша эски тоғораю эски тос. Берироғиям гапми, эскилар Хутнинг ичига-да Юнус пайғамбар каби кириб чиқишган. Лекин ҳар бир янги бўғин барибир ҳаётни бошқатдан бошларкан, ўз бошини ўз тошига уриб шиширмагунча, тиниб тинчимас экан. Майли, бу фалсафалар дурусту хатни қандай қилиб ўқиса экан Абдулла? Кеч тушгунча кутадиған бўлса, юраги ёрилиб кетиши тайин... Макрларини ўйлаб ўтирган эди Абдулла, лекин инсоннинг ҳар бир макрига Оллоҳнинг ҳам макри бор деганидек, тушлик бўлмасдан Абдулланинг номини айтиб, эшикка чақириб қолишди.

Аввалига шошилди Абдулла: “Чиндан ҳам мени чақиритдимми?” – деб гумонсиради. Чунки тергов битиб бўлган. Отувга олиб чиқишадиган бўлса, бомдодда уйғотишади. Кейин, ундан аввал бу навбатда турганлар камерада кўп...

Фақат оти тақрорлангач, у туриб, эшик томон юрди. Қоровул аскар уни тепага эмас, қамокдаги сўроқхона томон жадаллаштирди. Бу хонага эшик очилдию, ичкарида тик турган Винокуров аскарга: “Сен бўшсан!” – деб чиқариб юборди-да, Абдуллага пичирлаб:

– Сени Тригулов чақиртирган. Ҳозир тушиб қолади. Илгарироқ кўриб қолай дедим, биродар. Бугун пасхамиз. “Христос воскрес!” – дея Абдулла томон энгашди-да, уни кучоклаб юзидан ўпди.

Абдулла болалигидан бу одатни биларди... Ўша одатни эслаб, Винокуровнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. У кўйнидан ранг-баранг тухумларни чиқариб, Абдулланинг чўнтақларига солди.

– Камерада еволарсан, биродар, – дея шошилиб кўзларини артди-да, хондан чиқиб кетди. Абдулла атрофга аланг-жалаңг боқиб, эшикка кулоқ солди. Фақат Винокуровнинг эшикдан узоқлашаётган қадамлари. У қўлини чўнтагига тикди-да, тухумлар тагидан мактубни чиқарди... Йўқ, буниси эмас! Мана буниси... Бу типирчилашда ичлари кизиб, пешонасини тер босди. Мана буниси... Қани энди бармоқларида ёзилса-чи... Намунча бесўнақай бўлиб кетибди бармоқлари... Ўғрилар билан қарта ўйнаб турса бўларкан... Ахир у бир парча катак қоғозни очди... Ўғли Ҳабибуллонинг кунгурасимон хати... Тузалибди-да!

“Ассалому алайкум, адажоним! Омонмисиз? Биз тинчмиз, кўркманг. Аям қишлоқда. Ман бокқа қаравотман. Хавотир олманг. Ўғлингиз Ҳабибулло”.

Даҳлизда нағал қоқилган этикларининг товуши яқинлаша бошлади. Жаллод Тригулов келяпти. Абдулла жон ҳолатда хатни ғижимлаб, чўнтагига тикди. Эшик шарақлаб очилди.

– Ҳа, ҳалиям тирикмисан? – деб ҳазиллашгандек кирди терговхонага Тригулов. У тўрға чиқиб, ўз ўрнига ўтирди-да, Абдуллага ҳам ўрин кўрсатди.

Абдулла ерга котирилган табуреткага ўтирди. Ҳали ҳам у ич-ичидан қизир, рост пешонасининг тери Тригулов туркидан қотиб, у тезда ўзини босиб олди. Яна нималарни тайёрлабди бу дажжол. Ўз ерига ўтирган биткўз Тригулов Абдуллага қараб, папиросини тутатиб олди-да, тутунини у томон пуфлади.

“Лаззатланаяпсан-а, аблах!” – деб қўйди ичида Абдулла.

– Мен сени халқ ёзувчиси деб ўйласам, бутун халқинг сенга қаршию, – деб Тригулов Абдулла ўнгига бир даста газета ташлади.

“Хоинларга ўлим!”, “Ўзбекистон меҳнаткашлари ашаддий халқ душманларини отиб ташлашни талаб қилишмоқда!”, “Ярамасларга шафқат йўқ!” – деган бақироқ сарлавҳалар. Бир-икки жойида “Чўлпон, Жулқунбой...” деган отларни кўриб, Абдулланинг юраклари эзилиб кетди. Буниси ҳам етмагандек, Тригулов унга яна бир шапалоқ қоғозни узатди.

*“ЎзССР Адабиёт ва наириёт ишларининг бош идораси “Ўзглавлит”  
287-сон. 1938 йил, 15 апрель  
ЎзССР НКВД Давлат Хавфсизлик Бошқармасининг 4-бўлими, ўртоқ  
Н.Тригуловга*

*Халқ душмани сифатида фош этилган Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг барча китоблари ва брошюралари 1937 йил рўйхатида биноан йиғиштириб олинганини маълум қиламиз.*

*“Ўзглавлит” бошлиғи Аскулов”*

– Мана, – деди Тригулов, – сендан асар ҳам қолмайди! Айтмадимми сенга, менга кулоқ сол, деб. Истамадинг. Энди ўзингдан кўр... – Кейин бир оз сукут сақлаб, яна мазза қилаётгандек, тутунни ичига тортди-да, қуйиндисини Абдулла томон бурқситди. – Романимиз эса сенсиз ҳам илдамлашаяпти, – деди у бирдан. Ҳа, худди шундай, “романимиз” деб айтди. – Ҳамма сени сотди – шогирдларинг, дўстларинг, ҳамкасбларинг, ўқувчиларинг. Фақат мен сенга муносабатимни ўзгартирганим йўқ. Сен ёзмаган нарсангни мен ёзиб ётибман.

Абдулла ҳайрон бўлиб Тригуловга қараганди, терговчи унга тушунтиргандек:

– Сенинг ҳаётингни, – деб изоҳлади. – Лекин, кел, роман қайси томонга силжиятганини сенга ўқиб бера қолай. – У “Ер юзи” журналининг ичига бир неча варақ қоғозни қўйди-да, чамаси, улардан ўқий бошлади:

“Бу хатда шундай сўзлар ёзилган эди: “Сени деб икки дунёдан воз кечиб, динимдан чиқдим. Ҳозир бошимга мушкулликлар жала бўлиб ёғиляпти. Ёнимда биронта маҳрамим ё ҳамрозим қолмади. Кел, биргаликда бу шаҳардан, бу ўлкадан бош олиб чиқиб кетайлик!”

Мактубни ўқигач, хотини хат етказган одамни кутдирмасдан жавобини ёзди: “Эй, нопок эрим! Сен наҳотки “Баҳори дониш” деган китобни ўқимаган бўлсанг?! Е Бархудар Туркманнинг “Маҳфил оро” китобига кўзинг тушмаганми? Жилла курса “Тўтинома”ю “Чор Дарвеш”ни мутолаа қилгансан-ку, “Жомеъ ал-абвоб” китобини ҳам кўлингда кўрган эдим. Буларнинг барида эрлар давлат кўлида бор пайтда хотинларидан нима яхшилиқ кўрибдики, шипшийдам бўлган чоғларида улардан мурувват кутишса, деган фикр мавжуд. Шунга била туриб мени ўз ёнинга чақирасанми?!”

Тригулов овозини келиштириб, артистона ўқигани сайин Абдулланинг кўзларига қон қуйилиб борар, бармоқлари босқондек муштумга тугилиб, нафаси тобора қисиларди. Ахир Тригулов:

– Қишлоқда беркинган хотинингдан бу хатни олгач... – дейиши билан Абдулла сапчиб, ўзини Тригулов томон ташлади.

– Аблах! Ўлдираман, онағар! – деб стол уза унга ташланар экан, стол устидаги қоғозлар сирпаниб, Абдулланинг қўллари Тригулов ҳалқумида эмас, хавода осилиб қолди. Тригулов чийилдоқ овозда:

– Караул! – деб увиллади. Шу заҳотиёқ камерага икки аскар келиб, Абдуллага ташланишди ва қўллари қайириб, қоғозлари сочилиб кетган столга бошини юзтубан ура бошлашди.

Абдулла буларга қаршилик кўрсатай деганида, Тригуловнинг нағал қоқилган этиги келиб бошига урилди.

Булар учаласи Абдуллани моматалоқ қилиб, уриб-тепиб кетишди...

Чалажон Абдуллани камерага олиб келиб ташлашгач, Муборак билан Фитрат домла ҳўл латталар билан унинг қонаган юзинию бошини артишди, топилган қоғоз борки – куйдириб(булар орасида Абдулла чўнтагидаги хатларни ҳам кул қилиб),пахтадоғ ўрнида яраларига босишди. Тун ярмида ҳамма ёнлаб ухлаб ётганида, Абдулла судралиб, бурчакдаги параша олдида борди-да, чўнтақларида пачоғи чиқиб кетган тухум увоқларини пақирга бўшатди. Ейишга ярамаган бўлса-да, балки анави аблахлар ётқизиб тепишганида, жигарими, буйрагини сақлаб қолгандир бу пасха юмуртқалари...

\* \* \*

Оғриқ бир тараф, Тригулов ўқиган парча иккинчи тараф бўлиб, тун бўйи мижжа қоққани йўқ Абдулла. Абдулла ҳар бир романими қиссасига киришганида, бир бошдан то охиригача ёзмасди. У асарнинг асосий режасини тузиб олиб, кўпинча қисса нима билан тугалланишини ўзига аниқ-гиник қилиб оларди. Баъзида охириги саҳнанинг қораламасини, мусаваддасини ҳам ёзиб кўярди. Кейин эса ҳикояни ўша мўлжал томон чоптирарди. Рост, йўл-йўлакай ҳикоя қутилмаган томонга бурилиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди, бироқ қиссанинг яхлитлигию мавзунлиги ана ўша мўлжалга интилиш ёрдамида анчайин сақланарди. Тригулов ўқиган парча – Абдулланинг шийпонида беркитган қоғозларидаги охириги саҳналардан бири эди.

Бу саҳнада Хўқанд учун жангда мағлубу варта бўлиб, Андижоннинг Бўтақора қишлоғига қочган Мадалихоннинг ўз суюкли хотини Ойхон пошшага юборган хатию Ойхон пошшадан келган акс жавоб тасвир этилган эди. Тригулов уни қарийбки сўзма-сўз қайтарди. Ҳойнаҳой, тасодиф бўлмаса керак буниси. Рост, Абдулланинг эсида, у ерда “қишлоқ” деган сўз йўқ эди. “Қишлоқда беркинган хотинидан” – дейиши биланок Абдулла бу гапнинг иғво эканлигини англаб, энағар Тригуловнинг Раҳбар биби орқасига тушганини туйдию, бунисига чидай олмади...

Наҳотки бу ярамас Раҳбарни тинч қўймаган бўлса?! Бу жинқарчлардан ҳар нарса кутиш мумкин! Суннат эрталаб келса, гаплашиш керак. Суннат орқали яна хат бериб юборсамикан: “Узоқроққа – Сайрам-пайрамми, Тўқмоқ-пўқмоққа бориб тур!” – десамикан. У ерлар ўзбеклар учун тинчроқ бўлса керак! Уйини эслаб, ўғли Ҳабибуллонинг бир-икки хато билан ёзган хатчаси Абдулланинг хотирига келдию, кўзидан иссиқ ёш сирқираб окди. Нима деб ёзибди: “Ман боққа қаравотман. Хавотир олманг!” – демак, тузалиб қолибди-да тўнғичи, ўзининг дўхтирлик ўқишига боряптимикан? Ҳабибуллоси анойи эмас, унга ҳам Абдулланинг зийраклигию одамларни кузатиш қобилиятидан юққан. Абдулла, айниқса, “Обид кетмон”ни ёзаётганида, ўтираверганидан танчада оёқлари увушиб кетса, уларни ёзгани туриб, қўшни хонада дарс қилиб ўтирган Ҳабибуллосини чақирарди-да: “Қани, мавлоно, энди сизданам

эштайлик!” – дерди, шунда Ҳабибулло Абдулланинг кўзига илинмаган кизик-кизик гаплардан қиларди. Бир куни ёзнинг энг иссиқ жазирамасида Ҳабибулло атир гулларга сув сепар экан, буларнинг кўшниси Исоқжон домла кириб келибди-да, йигитчанинг ишига разм сола туриб:

– Шу гулзори чаманингнинг ҳиди қанчаларга бораркан, ўғлим? – деб сўрабди.

Домланинг саволига дабдурустан тушунмаган Ҳабибулло иккиланиб турса, домла нима дер эмиш:

– Бу гулларингнинг ҳиди нари борса – кўчанинг ҳаддига етади. – Кейин кўшиб қўйибди: – Аммо жаннати ризвон гулларининг ҳиди уч йиллик пиёда юриш масофасига етиб борар экан...

– Сиззи Қалвай махсумийзи ўзгинаси, – деган эди ўшанда зукко Ҳабибулло.

Ҳабибуллодан Абдулланинг хаёллари бошқа болаларига ўтди, бошқалари қаерда экан? Онаси биланмикан? Уларга ҳам палид қўлларини узатмаса манави ўргумчак...

Кейин боғини бирданига эслади Абдулла. Нега деса, Фитрат домла унинг кассасидан саккиз буклангану аллақачон атир ҳиди йўқолган рўмолчасини олиб, Абдулланинг пешонасида этик нағали очган қашқа устига боғлаб қўйган эди. Боғда ишлаганида рўмолчани пешонасига боғлаб ишларди Абдулла. Токлари нима бўлдийкан бу баҳор? Ёздимикан, тарадимикан ишқому бағозларга новдаларни Ҳабибулло? Вайиш-ишқомнинг бир-иккита истаги узилиб бағозлар бўшаб қолган эди. Эпладимикан буларни тўнғичи? Даскана-ускуналарни топдимикан?

Ҳозир ток барглари кўкариб, каватак қиладиган пайт... Гилосу, ўригу шафтолилар довча тугиб, кампирлар болаларга “Кўкини ема, бўқоқ бўлиб қоласан!” – деб кўркитишаётгандир. Афсус, Абдулланинг ҳовлисида на Жосият онаси, на Раҳбар хотини болаларни тия олади. Ҳабибулло эсли йигитча, ўртоқлари ҳам анча қуйилган, довча деб шох-пох синдиришмайди...

“Боққа қаравотман” – дебдию ўғли, полизни нима қилди экан бу йили? Помидор кўчати олишга пул топишдимикан? Редиска уруғи арзонроқ, омборда ўтган йилдан ортиб қолганиям бор эди. Буларни ёзмабди. Ҳойнаҳой, полиз қилмагану бу йил, бола-фақир... Ўқишидан ҳайдалмаган бўлса, гўрга... Нима ейишар экан ёз бўйи, ё қишлоқда туриб келишармикан? Агарда маҳалладаги Иноғам отани қамашмаган бўлишса, ундан экинликка картошка-партошка қарзга олиб туришсамикан? Буни ҳам Ҳабибуллога ёзиб юбориш керак. Ё тўхта, гардкам деб Винокуровнинг ўзидан сўрасамикан? Бошингнинг яраси унинг рўмолчаси билан боғланган, жуда бўлмаганида шунисига ҳам шукур қил, деб уқтирди ўзига-ўзи Абдулла. Ёшлигидан бери китоб ёзади, одам танийман деб ўйлаганида, яна ўша танидим деган одамида адашади...

Яна тўзиб кетди Абдулланинг фикрлари, бири боғдан келса, бири тоғдан келяпти...

\* \* \*

Муборак отилиши олдидан ташлаб кетган қоғозлар тарихий жиҳатдан бекиёсу беназир ҳужжатлар эди. Бирин-кетин буларни ўқиб, сўнг бир чимдим таъмаки ўраб, барини ичига олди Абдулла. Фитрат домла билан ўша ҳужжатлардаги маълумотларни ўсмоқлаб бўлишса, билмаган нарсаси йўқ домла ҳам: “Буни қаердан ўргандингиз?!” – деб ҳайратда қоларди. Қанийди бу ҳужжатлар Абдулланинг кўзига озодликда тушса бормиди, қиссасини шундай жилोलар билан ўйнатиб юборардики, Алавия айтмиш: “Ўткан



кунлар”у “Меҳробдан чаён”ларни ҳеч ким ўқимай қўярди. Ундай деса, тақдир истехзосини қараки, анавинда Тригулов “Ўзглавлит” бошлиғининг хатини кўрсатмадим – усиз ҳам энди ўқишга на “Ўткан кунлар”ни, на “Меҳробдан чаён”ни, на “Обид кетмон”ни топа олишади. Барини мечкай яканчидек йиғиб-териб олишибди. Энди куйдиришса керак. Гулханлар ёқишса керак. “Мулла Гулханийга айландинг энди мулла Абдулла”, – деб ўзига пичинг қилиб қўйди у.

Муборак колдирган қоғозлар орасида нафақат инглизлару ўзимизнинг хонлар, балки руслар ва хусусан Абдулла билган Иван Виткевич ҳақидаги бир ҳужжат Абдулланинг диққатини ўзига тортди.

Ёшлигида Польша мустақиллиги учун курашган Ян Виткевич Оренбургга сургун қилинган, у ерда форсчаю туркча лахжаларни ўрганиб, Оренбург ҳокими генерал Перовский уни Хиваю Бухорога жосуслик учун юборганини Абдулла бир бобчада ёзган эди. Бухорога у ўзининг таниши Шопўлат деган мардона йигит билан биргаликда карвонга қўшилиб боради. Шопўлат ўзи бухоролик савдогарлардан бўлиб, унинг отаси қозоқлардан, онаси эса бухоролик ўзбеклардан бўлади.

Йўлда ҳаммаёқни қор босган эмасми – иккита карвон бир адир ўнгида қори босилган чийир учун талашиб қолишади. Шунда Шопўлат отини чоптириб, талаш ерда бухороликларнинг бир қанчасини уриб-йиқитиб, жўнағайни ўзларининг карвонига олади. Кек сақлаган бухороийлар: “Ҳап саними, ҳали Бухорода сан билан гаплашамиз!” – деб аламларини ичларига ютади...

Виткевич Ҳақимбекни тасвирлар экан, уни: “Ғилай бир чол, доғули ва ўта таъмагир, беҳад сарватманд – бухороликларнинг баридан, ҳатто амирдан ҳам бойроқ, – дейди. – Унинг қарамоғи остида ошхонаю отхона, хоннинг бутун саройи ва унинг маъмурияти, у ҳар нарса: қози, миршаб, меҳтар, шиғовул, барча соҳаларда ўнг қўл вазир, божхона ҳам, юкорида айтилгандек, унинг тўлик тасарруфида”.

Виткевич қушбегининг олдида саккиз дафъа бўлган экан, очикдан-очик нима учун Бухоро: “Тоғдаги бука – инглизларга – бут йирмасдан, ёнидаги руслар билан савдо-содиқ қилиши кераклигини” унга тушинтиради, бу ерда қул бўлиб қолиб кетган русларни олиб кетиш пайдан бўлади. Бирок пихини ёрган Ҳақимбек ҳам бўш келмади. “Нима қиласан ўрисларингни олиб кетиб? Ана бу ерда ўз динларидан чикмай, ҳар байрам ўлардек маст бўлиб юришибди-ку!” – дейди.

Бир-икки шундай саҳналарни ёзса Абдулла, сўнг Виткевичнинг Амир Насруллоҳ ҳузурига чақирилганини тасвирласа.

Қиш пайти эмасми, Аркка чақирилган, Виткевич пўстину дағалайда саройга кириб келса, амир дераза пештоқида нимдошгина шапарак чопону яқтакда ўтирганмиш. Кўкраги яп-яланғоч, бошида гул дўппи. Меҳтар Виткевични ховлидан ўша дераза сари етаклаб, ўн қадамча қолганда тўхтатиб, ўзи биқин салом қилибди. Хон соқолини қизғиш ёғоч тарокда тарабди-да, орқасида турган жавонча унга қайчи узатибди. Виткевич ғўдайганича сўппайиб тураверибди. Меҳтар унга: “Таъзим қил!” – деб енгидан торгармиш. Амир унга назар қирини ташлаб, меҳтардан:

- Ўзбекча биларканми? – деб сўрабди. Виткевич:
- Ҳа, ўзбекча ҳам биламан, форси ҳам мефаҳмам, – дебди.
- Ўрисмисан? – деб сўрабди амир.
- Ҳа, ўрисман, – дебди Виткевич.
- Қачон ва нимага келдинг?

– Бир ойча бу ердан, даштга юборилган эдим, йўл-йўлакай Бухорога ҳам кириб ўтай дедим.

– Яна узоқ турасанми?

– Мумкин қадар эртароқ қайтмоқчиман.

– Ихтиёр – дебди хон. – Шаҳарни кўрдингми?

– Кўрдим.

– Ёқдими?

– Ёқди.

– Қанақа хизматдасан?

– Пиёда.

– Остингда қанча аскаринг бор?

– Етмиш бешта.

– Юзбоши ҳам эмас экансан-да. Замбаракдан отишни биласанми?

– Йўқ.

– Шунга чақиртирган эдим. Майли, кетишингдан олдин кушбеги олдига кириб ўт!

Меҳтар яна Виткевичнинг енгидан тортибди. Виткевич таъзим бериб, карвонсаройига қайтибди.

“Буниси ҳам яхши сахна, – деб ўйлади Абдулла. – Амирнинг феъли-хўйини яхши акс эттиради...”

Буларнинг барини эшладан мақсад – Виткевич ё Иброҳимбекнинг Бухорода пайтида армани Бархударни, афғон Хусайн Алини, айниқса, ерли Шопўлатни ишга солиб, жосуслик маълумотлари йиққани. Буларнинг бари Бухоронинг казолари билан олди-берди қилар, шунинг учун сарой сиёсатию лашкар ҳолати, мудофа иншоотларию молия оқимлари булар учун сир эмасди. Шопўлат булар ичида энг жонбози эди.

Етарлича маълумот йиғилгач, Виткевич Оренбургга қайтиш пайидан бўлди. У карвонларнинг бири билан гаплашиб бўлгач, бир кеча Давлатбеги карвонсаройига Шопўлат кириб келди-да: “Кушбегининг энг яқин дўсти Мирзо Зикирдан эҳтиёт бўлинг, у сизни заҳарлаб ўлдирмоқчи”, – деди. Виткевич: “Буни қаердан билдинг?” – деб сўраган эди, Шопўлат одатдагидек: “Узумини энг, боғини сўраманг”, – деб кўя қолди. Ҳозирга қадар у Виткевични бирон марта алдамаган ё адаштирамаган. Аксинча, қозоқ чўлларию адирларида буларнинг карвонига қароқчилар кечаси ёпишганида Виткевичнинг умрини сақлаб қолган.

Бироқ Виткевич эртасига бутун қурол-яроғини камарларига тақиб, Ҳақимбек кушбегининг олдига борибди-да: “Мени одамларингиз заҳарламоқчи эмиш”, – деб дағдаға қила бошлабди. “Кимда-ким менга қарши турса, ҳар бирига биттадан ўқим етади!” – деб пўписа қилибди.

Йўқ, Вобкентда эҳтиёт шарт карвонини ҳам алмаштириб, ўз дўстию ёрдамчиси – афғон Хусайн Али билан у эсон-омон Оренбургга етиб олибди.

Лекин Муборак қолдирган қоғозларнинг бирида бу ҳикоянинг Абдуллага номаълум бўлган жиҳати очилиб қолди. Ҳодиса Санкт-Петербургниң “Малая морская” кўчасидаги “Париж” меҳмонхонасида 1838 йилнинг май бошларида юз беради. (Роппа-роса юз йил аввал, деб ўйлади Абдулла). Ян Виткевич бу сафар подшоҳнинг ўзи билан учрашиб, унга Бухорою Афғонистон ҳақидаги хисоботу режаларни кўрсатиши керак. Бироқ 8 май куни кечқурун унинг хонасини кимдир тақиллатади. Эшикни очса савлатли бир инсон турибди.

– Константин, сенмисан? – деб сўради у.

– Ҳа, граф Константин Тишкевич, сенинг ёшлик ўртоғинг! – деб жавоб

берди серсавлат бу одам. Булар кучоклашиб кўришишади. Виткевич ўз дўстини ичкарига таклиф қилади. Булар гимназияда ўқиб юришганига салкам йигирма йил тўлган. Орада шунча ходисалар содир бўлибди. Булар қизил француз шароби устида бир-бирларига ўз ҳаётларини сўзлаб берар экан, Тишкевич борган сари қизариб борар, бироқ бу шаробнинг таъсири эмас, Виткевич ҳикояларининг эткиси эди.

– Демак, энди подшоҳ билан кўришиб, унинг қўлидан нишон оламан дегин? – деб қайта сўради у Виткевичнинг юзига тикилиб.

Виткевич бирданига сесканиб, фақат бош ирғаб қўя қолди.

– Эсингдами, – деди Тишкевич, – Сену мен ўн олти ёшимизда нималар устидан қасам ичган эдик: ўзимизнинг мамлакатни Россия чоризмию мустамлакачилигидан қутқарамиз деб. Керак бўлса, жонларимизни ҳам аямаймиз, деб онт берган ким эди, Ян?!

Виткевич жағ безларини ўйнатиб, сукут сақларди.

– Ўттизинчи-ўттиз биринчи йил ватанинг исён кўтариб, ҳар бир эркагига муҳтож бўлганида сен қаерда эдинг?!

– Оренбург чўллариди, – деб ғудирлаб қўйди Ян.

– Отингни ҳам Иван қилиб юборибсан. Нималар бўлди ўзи сенга? Мен яқинда Бухорога қазилмалар ўтказгани борган эдим. Сени у ерда ҳам эслаб қолишибди. Шопўлат деган инсонни танирмидинг?

– Кўрдингми уни? Қалай экан? – бирданига жонланди Виткевич.

– У сени захарлашдан қутқармоқчи бўлганмиди?

– Буниям сенга айтдими, даюс! – деб севинди Ян.

– Сен эса камарингга тўппончаларингни тақиб, қушбеги олдида борганмидинг?

– Мен ўзимни жосус десам, сен менданам ошиб кетдинг-ку, оғайни!

– Қушбегига бу хабарни кимдан эшитганингни айтганмидинг?! Билки, сен кетишинг билан улар Шопўлатни тутиб, Минораи Калондан ерга ташлашган...

– Йўқ! – деб бақирди, бошини чангаллаганича, Виткевич.

Тишкевич қўлқопи билан шляпасини олди-да,

– Сотқин! – дея хонадан чиқиб кетди.

Эртасига “Париж” меҳмонхонасининг 42-хонасида поручик Ян Виткевичнинг жасадини топишди. Қўлида эса қушбегига пўписа қилган тўппонча...

\* \* \*

Абдулла бу ходиса ҳақида ўйлаб, уни Винокуровнинг 42-хонада ўзини отгани билан пайвандлар, буларнинг иккисига эса бу қоғозни қолдириб кетган бечора Муборакни уймалаштирарди. “Ўлим мавсуми” бошланганидан ташқари, Виткевич фожиасида яна бир жиҳат Абдулланинг ўйларини эгалларди. Ўзини отишдан аввал у ўзича ўйлаган бўлса керак: “Мана мен бу қоқоқ осиеликларни бахтли қиламан деб чор ҳукматининг намојандаси, гумаштаси бўлдим. Оқибатда нима бўлди – чор ҳукмати Шарқда бошқа минтақа – Туркияю Эронни танлади, уларни сиёсат устувори деб билди. На Бухоро, на Афғонистон эса буларнинг биронтасига керакмас. Орада эса Шопўлат менинг касримдан ўлиб кетибди, менинг ҳам жонимни жабборга бериб, чўллару саҳролар бўйлаб изғишим пучга чиқди... Ўн олти ёшимда она ватанимни Россия мустамлакасидан озод этаман деб онт ичган одам, энди бошқа халқларнинг бошини ҳам ўша сиргмоққа тикмоқчи бўлдим... Орада эса Шопўлат менинг жатимдан ўлиб кетибди... Бутун дунёни бахтли қиламан деб, бир одамни ўлимга маҳкум қилиб кетибман. Орада эса Шопўлат менинг

касримдан ўлиб кетибди... Менинг ҳаётимни бир эмас, бир неча бор сақлаб қолган Шопўлат...”

Абдулла Фитрат домла билан ҳам бу ҳақда узоқ-узоқ сўзлашарди. Бошқа халқни бахтли қиламан деб қулликка маҳкум этган халқлар ҳақида улар анча тортишишарди. Руслару Винокуровни эслашарди, “Ҳинд ихтилолчилари”ни тилга олишарди.

Бир суҳбатда Фитрат домла бундай деб қолди:

– Абдуллажон, бир нарсани инкор этиб бўлмайди: биз чинданам ботқоққа ботиб ётган эдик. Маълумингиз, бу ҳақда мен кўп ёздим. Қизилсўзлик қилиб, шўролар даврида эмас, қизилсўз камсомонлар туғилмасдан илгари – амир Бухоросида. Кўп ўйладим, нимага Ғарб илгарилаб кетди-ку, бизнинг мусулмон Шарқ эса бутун имтиёзларини қўлдан бой бериб, турғунликка юз тутди.

– Хўш, нимага экан? – деб сидқидилдан қизиқди Абдулла.

– Бунга бир қанча сабаб топдим, – деди домла. – Биринчидан улар “Маърифат” деб аталган даврда Худоникини Худога, одамникини – одамга қабилида ажратиб олишди. Аслида, бизда ҳам бу ҳодиса рўй бериб бўлганди. Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари буни машхур: “Дил ба ёр, даст ба қор” ибораларида айтиб қўйган эдилар. Халқ орасида ҳам: “Сендан ҳаракат, Мендан баракаат” – деган шиор мавжуд.

– Хўш, унда нимага уларда ишладию, бизда ишламади?

– Улар бу шиорга ўзларининг таълимот тизимини ҳам ўтказишди-да. Университетлар қуришди, инсоний илмлар билан шуғулланишди, кашфиётлару ихтиролар этишди. Биз эса жадидий мактаблар келмагунча, фақат охираат илмини қилиб юрдик. Ўзим уни ўн беш йил ўқиганман, ичидан биламан, – деди Фитрат домла.

Бир оз хотирага берилгандек бўлди-да, фикрини давом этди:

– Кейин уларда аввалига зехнда, кейин ҳаётининг ўзида шахс ўзини уммийатдан озод ҳис қила бошлади. Шахсий ташаббус деган нарса уйғонди. Кими қахрамонлик қилиб, Американи кашф этса, бошқаси қутбга борди, тоққа чиқди, денгизга тушди. Кимдири эса корхона очди, қўй боқди, сут соғди. Асосийси – ишлаб чиқаришда мусобақа бошланди. Зехнда бошланган жараён – иқтисодга уруғ бўлиб тушди.

– Буниси бизга тўғри келармикан, биз ҳар ҳолда уммавий халқмиз. Оила деймиз, маҳалла-гузар деймиз, шаҳар...она юрт, миллат...дегандек.

– Абдулла, ҳамма гап мана шунда-да, – бир оз тоқатсизланди Фитрат домла. – Майли, менинг гапим сизга тесқари кўринса, ўзингизга қаранг, китобларингизга қаранг! Отабекни Отабек қилган нарса нима? Унинг ичдан эркин шахсияти. Барчага зид гапларини қўяверинг, ҳаракатига эътибор беринг. У ахир ота-онасига айтмасдан Кумушга уйланди-я! Қайси сиз айтаётган маҳаллачиликда, уммачиликда, ўзбекчиликда бор бу нарса?!

Фитрат домла улкан пешонаси остидан ўткир кўзларини чарақлатиб, Абдулланинг ич-ичига тикилди.

– Дўстим, сизни Абдулла Қодирий қилган нарса ҳам худди шу ички озодликнинг, ҳуввийат эркининг ўзгинаси... Лекин Ғарбни музаффар Ғарб қилган яна бир сабаб бор.

– Қанақа? – деб қизиқсинди Абдулла.

– Қонун кучи. Бошқанинг эрки сенинг эркинга раҳна солмаслиги учун ҳар тарафнинг қонун олдида тенглиги лозим. Сиз билан бизнинг ҳозирги қонунимиз эмас, – деб истехзоли кулиб қўйди домла. – Лекин қозию

куззотнинг замонасоз шариати ҳам эмас. Биласизми, сиз қизиққан Амир Насруллоҳхон даврида ана ўша қозию куззот бачабозликни машруъ қилиб фатво чиқаришган.

– Хўқандда модарзанликни оқловчи фатволар олдида буниси ўйинчоғу, – деб ҳазиллашгандек бўлди Абдулла.

– Қонун олдида тенглик эса имкониятлар тенглигига пойдевор. Бояги шахсий ташаббусга қўшилиб, бу кечаги қашшоқнинг эртанги сарватманд бўлишига турткидир.

Абдулла Обид кетмон ё Берди татар ҳақида бир нарса демоқчи бўлдию, эътирозини ичига ютди. Баҳсларда ҳам, бояги Виткевичнинг бошидан кечганлари каби: бировни оқартириб-ўқитаман дейсану, орада фикр ўлади...

\* \* \*

Абдуллани тирик ушлаб турган нарса – унинг қиссаси эди. Йўқса, унинг ҳолати “Париж” меҳмонхонасининг 42-хонасида ўз умри ҳақида ўйлаб ўтирган Иван Виткевичдан ё НКВДнинг 42-хонасида яккаю ягона ўқини қаёққа отишини чамалаб ўтирган Винокуровдан (отини ҳам сўрамабди Абдулла) тузукрок эмас эди. Рост, унинг қўлида ўзини отадиган қуроли йўқ, лекин одам жонидан тўйса, тўппончадан бошқа қурол ҳам топилади-ку. Камида-ирода. Ўлишга ихтиёр...

Профессор Засипкин ўз шахмат партиясини битиришга интилгандек, Абдулла ҳам бу қиссани ёзиб битказмаса-да, сўнгига қадар ўйлаб битказиши керак эди. Нимагами? Чунки ҳар бир нарсани тугатгач, сенга ўзинг билмаган нарса очиладики, ўшанда сен бу асарни шахсиятингдан эмас, хуввиятингдан тугул, ғойибдан ваҳий бўлгандек қабул қиласан. Наҳотки буни мен ёзган бўлсам, деб ўз-ўзингга ишонмайсан.

\* \* \*

Султон Маҳмудхонни Амир Насруллоҳга топшириб келган шахрихонликлар тортиқларини кўз-кўз этиш баробарида Хўқанд саройида ким-ким қамалганларини ҳикоя қилиб келдилар. Бу ҳикояни эшитган Ойхон пошша ўйланиб қолди. Тўғри қилдимикан у эридан ўчини олиб? Тўғри қилдимикан Султон Маҳмудхонни шахрихонликлар қўлидан кутқармасдан? Тўғри қилдимикан кундошию қайнонаси Моҳларойимни бу ерга олиб қочмасдан?! Буларнинг барининг қамалишида Ойхон пошшанинг қўли йўқмикан, ё Ҳофиз айтмиш:

*Дилам хазонаи асрорбуд, лек дасти қазо  
Дараиш бибасту, калидаиш ба дилистонам дод...  
(Дилим хазинаи асрор эди, лек қазо дасти  
Эшигини ёпдию, калитини дилситонимга берди).*

Қазонинг дастими бу – улардан бирма-бир интиқом олаётган? Йўқ, барибир ўзини сўроқлаб қийнар эди Ойхон, шундай шўрпешона бўлиб туғилган эканки онадан, бу дунёда қаю ишга қадам қўйди, ундан фақат зиён бўлди. Ўратепа қирларини хушлаган эди, отасини Шаҳрихонга бехонумон сургун қилишди, Сайид Қосимни севган эди, уни зўрлаб, Амир Умархонга никоҳлашди. Бироқ Ойхонни зўрлаган дарранда ҳам узоқ яшагани йўқ. Ойхон пошшанинг ғайбона қарғишлари етдими Худога, ўттиз ёшида оламдан ўтди. Эндигина: “Қутулдим!” – деб ўйлаганида дарранданинг ваҳшийроқ ўғли Мадали мода дин акидаларини депсаб ўғай онасини ўз никоҳига олди. Буниси ҳам майли,



беғуноҳ Муҳаммад Шарифни чўктириб, маъсум Сайид Қосимни тошбўрон қилдирди. Мана энди унинг ҳам бошида жаллод қиличини қайраётган бўлса керак. Буларнинг бари Ойхон пошшанинг бўйнида бўлмасин тағин! Ундан туғилган икки макто фарзанди бор эди. Буларга меҳри энди очилганда анави рашқдор чиябўри бирини Амир Насруллохга гаров берди, иккинчисини эса саройга қамади. Энди маъсум шахзодаларнинг иккиси ҳам Хўқандда, камокда ўлимларини кутиб ўтиришса керак. Бу ўлимларнинг бари охират куни Ойхоннинг ҳисобига тушмаса... Айтишларича, Амир Насруллохон Хон Али дарवेशни ҳам қамаганмиш...

Нима қилса экан Ойхон пошша бедор ярим тунда? Дуолари ҳам чексиз гуноҳларидан булғаниб, энди Худонинг қулоғига етмаса... Балки Амир Насруллохоннинг олдига бориб, ўзини унга топширсамикан? Айтса: “Мана, урушни эрим Мадалихоннинг муртадлигига қарши очибсан, аслида у эмас бу муртадликка сабаб, аслида сабаби менман. Мени ўлдири, қолганларни қўйиб юбор!” Ҳа, шундай қилиши керак. Шунда Худонинг раҳми келиб, бир хонадон хонзодаларининг дуолари Таолога етиб, зора, бор гуноҳларидан кечиб, зора, охиратини берса!

\* \* \*

Қисса – Абдулланинг хаёлида охирлагани сайин – тобора ўзига ёқмаяпти. Попуклаб-гажимлаб кетмаса дегани. Одатда авждан кейин фуromaд келиб, унда чигаллар ёзилгич эди, мушкуллар осон бўларди. Бироқ атрофдаги ҳаёт (кошки уни ҳаёт деб бўлса!) таъсирими – гираку тугунлар қайта боғланмокда, аёндан ноаёнлар сони кўпайиб бормокда. Қамок бошида, қиш куни бари оку қораю аниқ-тиник эди. Ким дўст, ким душман... Бунисини ҳам Ҳофиз айтиб кетган экан:

*Ки шиқ осон намуд аввал, вале афтод мушқилҳо...  
(Ки шиқ осон кўринди аввал, вале тушиди мушкуллар...)*

Қумлоқлик Суннатнинг қораси ўчди, Винокуров ўзини отди, Муборак сирли равишда ғойиб бўлди, Тригулов ниҳоят ёрилди, Ойхоннинг гўёки ўз ниҳоясига етган умрини қайтадан Амир Насруллоху Абдусамад ноиб, Роҳилаю Хон Али дарवेशлар лойқалантирди. Ўтган кузак мўлжалланган асари қайда қолдию ҳозир ижирғанган, тоқатсиз миясида шакл қидирган бу тирик қисса қай аҳволда...

Абдулланинг олдига Фитрат домла яқинлашди. У худди Абдулланинг фикрларидан бохабар бўлгандек:

– Абдуллажон, сиз учун бир ҳикоя сақлаб қўйганман, – деди. – Менинг салкам инглиз жосуси бўлишим ҳақида. Ҳеч кимга айтмай юрар эдим, энди сир сақлашнинг маъноси ҳам қолгани йўқ. Эртагами, индингами, бир ҳафта ё бир ойда баримизни отиб ташлашади...

Фитрат домла бошқаларнинг кўнглида беркитилган гапларнинг пўсткалласини ошқор этишга ёшлигидан ўрганган эди. Аслида Туркистонга янги адабиётни олиб кирган одам шу одам бўлади. Унинг “Сайҳа” деган шеърини тўплами кўтарган шов-шувни ундан кейинги биронта китоб кўтармаган. “Сайҳа”нинг шеърларини Абдулла ўспиринлигида яширинча кўчириб ёдлаб юрган... Мана энди ҳам ўлим ҳақидаги хуфёна фикрларни у дабдурустдан очиб ташладию, орадан сир кўтарилгандек бўлди: ҳа-да, эртагами, индингами, бир ҳафтадами ё бир ойда буларнинг барини отиб ташлашади, бироқ бу воқеликка, бу муқаррарликка ҳар кимнинг муносабати

бошқача. Анқабой одамови бўлиб, малолатда фақат ўз хаёлларига чўмган, афтидан, у ўзининг “Илоҳий фожиа” сини битяпти. Фитрат домла эса – гарддай бўлса-да – суҳбатга мойил, гўёки ҳали ўйланмаган ёки айтилмаган фикрларини айтиб қолсаю, улардан ҳам қутулса. Абдулла эса гирих киссасини чўзиб, худди бидъатга берилгандек. Унинг наздида бамисоли қиссани битирмагунича, уни ҳеч ким бу дунёдан қўйиб юбормагундек...

Фитрат домла Абдулланинг ўйчан юзига зимдан боқди-да: “Айтсамми ё айтмасам?” – деган шубҳага бордим, кейин балки-да Абдулла учун бўлмасда, ўзи учун айтишга қарор қилди.

– 1919 йилнинг кеч кузи эди. Мен Тошкентда “Хуррият” рўзномасини чиқариб юрган пайтим. Бир нима бўлдию мен махфий равишда Бухорога бориб келишимга тўғри келди. Афғон савдогарлари тўдасига улардан бири бўлиб қўшиладиган бўлдим. Бухорода бизнинг ишончли одамларимиздан бири Ҳайдархўжа Мирбадалов деган бир татар эди. У ўз пайтида Русия қўшинлари билан Бухорога таржимон сифатида келиб, Бухородан уйланиб, шаҳарда қолиб кетган эди. Унинг ўғли Олмонда ўқиб келган Искандар эса – ташкилотимиз аъзоси эди.

Аввалига ўз ўйларига чалғиган Абдулла энди қизиқиш билан тинглай бошлади. Ҳойнаҳой, ҳойнаҳой – бу ҳикоя ҳам бир учи билан Тригуловнинг ҳикоясига тегиб кетмасин ҳали! Лекин Фитрат домла – қосиб газани ила чарм кесгандек – бир текисда давом этарди:

– Карвонсаройда тўхталгач, мен фурсат топиб, уларнинг хонадонига яширинча етиб бордим. Билсам, уларнинг уйида нозикроқ бир меҳмон бор экан. Искандардан ким деб сўрасам, инглиз жосуси Фредерик Бейли дейди. “Унинг жосуслигини қаердан биласан?” – десам, “Биламан-да”, – дейди. Хулласи, ўша кеча Мирбадаловлар хонадонида ош устида у инглиз билан танишдик. Рост, у ўзини жаноб Кастамуни, Австро-Венгрия хонлигининг арнавутилариданман – деб таништирди. Мен ҳам бунга жавобан ўзимни афғон тужжори Шероғохон, деб билдирдим. Гап ундан-бундан бўлди. Ўша пайт, билсангиз, мен “Хуррият”да “Инглизлар ва Туркистон”, “Шарқ сиёсати” деган мақолаларимни босган эдим, инглизларга мутлақ равишда қарши эдим. У арнавути сифатида негадир инглизларнинг Афғонистону Ҳиндистондаги сиёсати билан мендан қизиқар, ора-чура эса мени у-бу жойларда тўғрилаб ҳам қўярди. Мен эса кўнглимда тугулган бор гапларимни айтдим. “Ҳинд ихтилолчилари” ғояси ўшанда бошимда айланиб юрган эмасми, бу такаббур жанобга қараб, Ҳиндистону Афғонистону Туркистон ўз-ўзларининг тақдирларини ўз-ўзлари ҳал қилишлари керак деган хулосага олиб бордим. Роса тортишдик ўшанда. Қизик, чеккадан қараб ўтирган меҳмонлар: арнавути афғон нечук бу қадар Бухоро устидан куюкишади, деган фикрга борса ажаб эмасди...

Бу мунозарадан кейин жаноб Кастамуни билан яна учрашадиган бўлдик. Кейинги сафар у мени афғон бойларидан Аввал Нур дегани билан таништирадиган бўлди, мен ҳам шайтонлик қилиб, Бухорода бир арнавути Хожа Қадарийни танирдим, юртдошингизга сизни йўлиқтирай, дедим. Бейли юзаки сатҳда севинганини изҳор этган бўлса-да, аслида баҳона топиб, бу учрашувдан қочиши тайин эди. Айтган арнавути бир пайтлар Туркиядан менга қўшилиб, Бухорога келиб қолган бир дарвеш чол эди.

Лекин индинига келишганимиздек, Назаров пассажида яккама-якка учрашдик. У бошиданок менга ёрилиб:

– Мен британ зобитиман, бу ердан Машҳад орқали ватанимга қайтиш тараддудидаман, – деб айтди. – Сиз ақлли одам кўринасиз. Бухорони ҳам беш

панжангиздек биларкансиз. Менга бир-иккита ишда баҳоли кудрат ёрдам бера олсангиз, менинг ҳам Афғонистонда сизга ёрдамим тегиб қолиши мумкин.

“Қани, нима экан унинг эҳтиёжи?” – дея унга кулоқ осдим.

– Биринчиси – амир билан учрашув уюштириб бера оласизми? – деб сўради.

Мен сиримни очиб, амирнинг энг ашаддий душманларидан эканлигимни ҳамда амир бу ердалигимни билиб қолгудек бўлса, қўл-оёғимни боғлаб, Минораи Калондан улоқтира олишини айтиб ўтирмадим-да, жўнгина:

– Мен майда савдогар бўлсам, амир қаёқдаю мен қаёқда? – деб қўя қолдим.

– Амир французчани биладими? – деб сўради у.

– Ҳа, – дедим мен, – айтишларича, у Русия чорининг пажлар корпусида ўқиган. У ерда эса фарангча ҳам ўргатишаркан.

– Майли, – деди у, – йўлини топармиз. Бошқа ишим эса Амир Насруллохон даврида Бухорога бизнинг иккита зобитимиз келган. Бирининг оти Штоддарт, бошқасининг оти Конолли бўлган.

– Хон Али дарвешми? – деб сўрадим мен. У эса:

– Қаердан эшитгансан буни? – деб кутилмаганда сенсирашга ўтди.

Аввалига жаҳлим чиқди, кейин ўйлаб боқсам – Истамбул туркларидек – булар одамга ишона бошласа, уни сенсирашга ўтишади. Ўзимни босдим-да:

– Китобларда ўқиганман, – дедим.

– Мен бу ердаги катта-катта жуҳудлар билан гаплашдим, бирининг оти Шир, бошқаси – Галперан. Уларнинг айтишлари бўйича, Амир Насруллохон буларни ўлдирмаган эмиш. Гўёки Штоддарт касал бўлиб, баданига сизлогичлар тошиб кетиб, ўз ўлими билан ўлган, Конолли эса амирнинг энг яқин махрамига айланиб, мусулмончиликни қабул қилганмиш-да, амир уни хўқандлик бир нозанинга уйлантириб, ўзининг махфий маслаҳатчиси сифатида олиб қолган экан. Анавиларнинг айтишлари бўйича, Хоналиев деган болаларини ҳозир ҳам Бухорода топиш мумкин эмиш.

Мен бир оз ҳайрон қолдим, чунки менинг билишимча, Амир Насруллохон Хўқандни забт этиб қайтгач, тарихий манбаларга кўра, мелодий 1842 йилнинг июнь ойида Штоддарт ва Коноллини Арк ўнгида ўлимга ҳукм этиб, бошларини танасидан жудо қилган. Рост, бирон-бир манбада бу ҳукмни ўз кўзи билан кўрган одамнинг кўрсатмаси йўқ, бари бировларнинг сўзларидан бу ҳикояни қайтаришган холос...

– Кадыри, на выход! – деб ҳайқирди дўзах жинларининг палид овозлари худди шу маҳал...

\* \* \*

Бу сафар уни камокдаги сўроқхонага эмас, тепага – НКВД биносига бошлаб кетишди ва унга айбнома ўқилган хонага – армани майор Аapresян хонасига олиб киришди. Хонада майор Аapresян билан Нурми Тригулов ҳамда яна бир арманими, туркман башара зобит ўтиришар эди. Бу қизғишроқ йўфон зобит Абдуллага кимнидир эслатар, лекин Абдулла бу кишини кимга ўхшатганини тезда тополмай, тинчиб қўя қолди. Аapresян Абдуллага жойини кўрсатди-да, у ўтиргач, учинчи нотаниш улкану гўпсангироқ кишига имлади. Арманими-туркмани ўрнидан туриб, радиодек бир жихоз олдига ўтди-да, аллақандай тугмачасини босди. Хонада шиғирлаган шовқин оралаб таниш овоз демаса-да, таниш оҳанг: “Лекин индинга келишганимиздек Назаров пассажида яккама-якка учрашдик. У бошиданок менга ёрилиб: “Мен британ зобитиман, бу ердан Машҳад орқали ватанимга қайтиш тараддудидаман”, – деб айтди.

“Сиз ақлли одам кўринасиз, Бухорони ҳам беш панжангиздек биларкансиз. Менга бир-икки ишда баҳоли қудрат ёрдам бера олсангиз...”

Шу ерда арманими-туркмани Априянининг ишорасига бўйсуниб, яна бир тугмани босган эди, шовкин ҳам, бу шовкин оралаб келган таниш овоз эмаса-да, таниш оҳанг узилди. Хонага сукут чўмди. Жазирама ёз куни. Хонани шафқатсиз қуёшдан оғир, тўлкин-тўлкин қилиб шимарилган оқ пардалар тўсиб турган эса-да, уларнинг кетида очик дарчадан узоқдаги радиокарнайнинг совет халқию унинг доҳий раҳбари ўртоқ Сталинга олқишлари ва кетидан “Ўлим! Ўлим!” – деган айюҳаннослар етиб келмоқда эди. Абдулла граммофонларни радиоларни кўрган, бироқ овозни қамокда ҳам ёзиб олувчи мана бундай жиҳоздан беҳабар эди. Бу шайтонларнинг кирдикорлари нималарга етмас экан?!

Априян маҳобат ила Абдуллага қаради. Бу қарашда: “Баринг қўлимизда кўғирчоқсан!” – деган маъно бор эди.

– Тушундирингизми? – деб сўради Априян. – Биз баридан беҳабармиз. Инглиз жосуси Бейлининг Тошкентдаю Фарғонада, Чирчикдаю Бухорода қилиб кетган ишларининг бари ҳужжатланган. – У ўнгидаги семиз папкага қоқиб қўйди. – Унинг босмачилару жаҳидлар билан, контрреволюциячилару эсерлар билан учрашувлари бизга маълум.

– Мана энди, ўртоқ Қодирий, сизга келсак, – деб ўзгартирди у мавзунини, баёнини қайта бошлагандек. – Сиз ўзингизни миллатчи деб фахрланасиз, биз билан ҳамкорлик қилишдан бош тортибсиз, – у маънодор равишда Тригуловга назар ташлади. – Лекин гражданин эмас, ёзувчи сифатида тасаввур қилиб боқинг: биз бу сассиқ чол Фитратнинг бўйнига ҳозиргина сизга айтган сўзларини кўямиз-да, бу сўзларни бизга оқизмай-томизмай ўзбек миллий адабиётининг фахри Абдулла Қодирий, қавс ичида Жулқунбой, айтди деймиз. Рост-да, у сиздан бошқа биронта кимсага бу гапни айтмаган. Шундайми? Ана, бошида нима дебди? – Априян яна арманими-туркманга имлади. Униси эса яна бир тугмачага босди.

– Абдуллажон, сиз учун бир ҳикоя сақлаб қўйганман. Менинг салкам инглиз жосуси бўлишим ҳақида. Ҳеч кимга айтмай юрар эдим... – Яна имо ва вишиллашу таниш овоз яна ўчди.

– Бу игво! – деди Абдулла зарда билан. – Мен Фитратга тушунтираман!

– Қаранг, халигача сиз бизни камбаҳою арзонқўл тутяпсиз. Биз сизни энди омилкор Фитратингиз билан кўриштирмаймиз-да! Минг бир кеча фақат эртақда узлуксиз давом этади. Биз эса ҳикояга семиз нуқтани мана шу ерда қўя оламиз. Фитратнинг бузуқ онгида эса ўзбек миллий адабиётининг ифтихори Абдулла Жулқунбой – қавс ичида Қодирий – абадул-абад арзон-гаров сотқину хоин бўлиб қолади. Бу гапни кенгроқ тарқатиш учун сассиқ чолни бирон йилга озод ҳам қилишимиз мумкин. Қармоғимизни узоқроқ ташлаб қўйиб деганларидек...

Абдулла буларнинг шайтонликларини билар, лекин ҳозир бу яккақош иблис олдида ўзини бир қадар йўқотиб қўйган эди. Толғин Абдулла бир нав руҳсизланиб фалажланди, чунки дунёда бир нарса устида қуюкса – бу унинг йигитлик шаъни эди. Уни деб илк бор қамокқа тушди, уни деб ўзига ўшанда ўлим ҳукмини сўради. Лекин булар уни кўғирчоқдек қўл-оёғини танғиб, расво қилишадиган. Нима қилса экан?!

– Сиз ўзингизни тақдирлар тангриси, инсон руҳиятининг муҳандиси деб билгансиз-да, – давом этарди соф ўзбек тилида формадаги бу шайтон. – Бизнинг асаримиз кучлироқ чиқиб қолди-ку! – У яна маънодор қилиб, Тригуловга боқиб қўйди. – Одатда биз “шиддагу ҳиддат” шиори остида ишлаймиз. Лекин сизга, Жулқунбой, қавс ичида Абдулла Қодирий, ҳурматимиз улуғ бўлганидан,

айтганларимизни бир оз ёлғизликда ўйлаб олишга вақт беришимиз мумкин. Нима деб ўйлайсизлар, ўртоқлар? – Апресян, Тригулов билан учинчи одамга қаради. Улар ризолик аломатида бош қоқишди.

– Мана, демак, келишдик. Сезишимча, сизни яна бир майдароқ масала кийнаётгандек. Бу одам ким экан, деб ўйлаяпсиз чоғи? – Апресян қорамғиз арманими-туркманга боқди. – Танишинг, бухоролик ходимимиз ўртоқ Хоналиев...

\* \* \*

Куз кунларининг бирида уни яна камоқдаги сўроқхонага етаклаб боришди-да, у ерда охирзамон дажжолли ўрнида Абдуллани арманими-туркман киёфа Хоналиев қаршилаб олди.

– Тригулов қани деб ўйлаяпсизми, ўртоқ Қодирий? Ишдан хайдалди. Нимага дейсизми? Ишдаги сохтагарчиликлари учун...

Абдулла на севинишини, на ачинишини билмасди. Сохтакорлик учун хайдалган бўлса, демакки, буларнинг ишлари ҳам қайта қўриладиган экан-да...

– Мен уни анчадан бери танирдим. Бухорода бирга ишлаганмиз. Ота-буваларини текшириб чиққанман.

Абдулла рус-тузем мактабида ўқиб юрганида, унинг математика ўқитувчиси Фрол Ковалевский “дурная бесконечность” ёки “тентак бепоёнлик” ибораси билан болалар тасаввурини бир навъ ром қилар, бир навъ кўрқитарди. Ўсарга айланган отаси Қодир боғбоннинг жинлар базмини ҳар эшитганида, Абдулла мана шу “тентак бепоёнлик”ни эслайдиган бўлганди. “Ҳалқаи саросима” каби алвастиларга ин бўлган бу “ганда беҳадлик” эндиликда Хоналиевнинг сўзларидан мўралаб турарди.

Тазкираларда ўқиган яна бир афандинамо ривоятни эслади шунда Абдулла. Дамашқми, Бағдодга келган бир соддароқ кишлоқи умрида бу каби тумонот одамни кўрмаган эмасми: “Буларнинг орасида ўзимни йўқотиб қўйишим ҳеч гап эмас!” – дея оёғига эҳтиёт шарт қизил тасма боғлаб қўйибди. Кечаси карвонсаройда ухлаб ётса, ҳазилкаш бир одам бояги қизил тасмани кишлоқининг оёғидан ечиб бошқа бир келгиндининг оёғига боғлабди. Эрталаб содда кишлоқи уйғониб қараса, оёғида қизил тасма йўқ. Атрофига боқса – тасма бошқа бир одамнинг оёғига боғланган. Тура солиб унга ёпишармиш: “Сен – менсан! – дермиш. – Қара, оёғингга менинг қизил тасмам боғланган! – Кейин бир зумга ўйланиб: – Унда мен кимман?!” – деб гаранг қолган экан бу лакма кишлоқи... Булар бир-бирига нисбатан ҳам шу ўйинни қилишаётгани йўқми?! Ундай деса, Абдулланинг ўзи ҳам худди шу аҳволда эмасми?!

– Унинг таги паст эди, – деб муттасил давом этарди Хоналиев. – Амир Насруллоҳ даврида Абдусамад шиа деган бир жаҳонгашта ўтган. Бу жаҳонгаштанинг Тиркул деган татар кули бўлган. Бу Тиркул Абдусамад шианинг Роҳила деган хотини билан ўйнашиб қўяди. Роҳила хомиладор бўлиб, сири очилай деганда, булар биргалашиб Абдусамаднинг кирдикорларини амирга сотишади ва амир Абдусамад ноибни ўлимга ҳукм қилади. Мана шундай “макто”нинг ўғли бўлади бу Тригулов, – деб яқунлади у.

Бу сафар ҳам Абдулланинг чарчок, мудроқ онгини на бу ҳикоя, на Хоналиевнинг иштиёқи ўзига жалб этди. Хоналиевни тўхтатиб, унга: “Ўйин тугади, тасма ечилди, сенларни кузатган кўзгу синиб ерга кўмилди!” – демоқчи бўлди, кейин бунисига ҳам мажолли етмагандек, Хоналиевнинг нутқидан ягона ҳайрон қолдирган нарсаси – ушбу арманими-туркмани башара девсифат одамнинг “макто” деган сўзни билишида тўхтади. Чиндан ҳам буларни астойдил ўргатишадиганга ўхшайди. Ким экан буларнинг домлалари? Журъат оқсоқолу профессор Засипкин, Домла Косонию Муборак, Али Аббос



Қазвинию Мулла Шибирғонийлармикан? Ё улар оддий хизматкорлармикан буларга? Унда буларнинг домлалари янада улуғроқ, янада мухташамроқ, янада билимдонроқ кимса бўлиши керак... Ким экан у? Абдулла бирданига ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетди. “Астағфирилло! Астағфирилло! Астағфирилло!” – деди ичида уч карра.

Хоналиев эса, ҳеч нарсани сезмагандек, ўз гапида давом этарди.

– Мен сизга бир нарсани кўрсатай! Умрбод эсингизда қолсин!

Йўқ, Хоналиев Абдуллани камокхонадаги камераларнинг бирига бошлагани йўқ. У ўнгида турган семиз жиноий ишдан бир қоғозни олди-да, Абдуллага узатди. Русча ёзилган бу қоғозни Абдулла ичида таржима қилиб ўқий бошлади:

“1932 йилдан бошлаб у Япония фойдасига жосуслик амалиётларини бошлади, “С” номли агент орқали СССР Халқ Комиссарлари Кенгашидан махфий ахборотни етказа бошлади. Айни шу агентга у миллий республикаларда контрреволюцион ва миллатчи ташкилотларнинг вазияти ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни бера бошлади”.

Абдулла эсанкираб қолди. Унинг саросимасини кўрган Хоналиев:

– Биласизми бу кимнинг иши? – деб сўради. Абдулла елка қисди. – Дўстингиз Чўлпоннинг! Бу дажжоллар ишларни сохталаштиришда шайтонни ҳам шогирд тутишган... Мана, ўқинг, уни қай ҳолатга солишган. – У яна бир қоғоз узатди.

Абдулла ёшлигидан таниш тиниқ ёзувга тикилди:

“Бу баёнот сўнгида шуни айтмоқчиманки, менинг хатоларим етарлича кўпдур. Улар билан курашиш лозим, ёлғиз менинг хатоларимни улар йўқ ва умуман бўлмаган ердан қидиришга ҳожат йўқ. Балки уларни ҳеч бир уринишсиз яққол кўринган жойидан қидириш керакдур, йўқса, бу ҳолатда уларни фош этувчилар ҳаракати ўзлари ҳавола бўлганларни алдашидан бошқа нарса эмас...”

“Булар Чўлпонни ўлса ҳам тушунишмайди!” – деб ўйлади ўзича Абдулла.

– Буни ҳам ўқинг, – деб Хоналиев Абдуллага яна бир парча Кўкон қоғозидан узатди. Яна ўша арабий таниш хуснихат.

“Ҳарамга ваҳший бўрон кириб келди, бир қанча жуфт тилла кўзалар ағдарилди, финжонлар чирсиллади... май тўкилди, обдонлар синди, косалар дарз кетди... Енгилишда ҳам енгишдагидек лаззат бор.

Енгилишдан туруб енгишга юрунг! Қанотларимиз қайрилди, чироқларимиз ўчди, қайғуларимиз синди, қоронғи йўлдан юрамиз, мақсаддан ҳануз дарак йўқ...”

Кейин эса яна бир ёзув: “Сенинг оппоқ юзингни унутмоқ учун худди оқ юзли нозанин қоп-қора тўрنيқоб киймоғи зарур. Сарик дарё сувлари бўлақларга кесилган балиқ қонини ютмоқда...”

Абдулла бу сўзларни аллақачон битган қиссасига хотима деб тушунди...





## САРҲАДЛАР

*Роман очколар билан ютса,  
ҳикоя нокаутлар билан ғолиб келади.  
Роберто Арльт*

## НАЖОТСИЗ УМИДЛАР

Банана Ёсимота<sup>1</sup>нинг “Калтакесак” ҳикоясини ўқиб, беихтиёр адабиётшунос олим, таржимон Евгений Маевскийнинг 1985 йили нашр этилган “Ҳозирги замон япон ҳикоялари” китобига ёзган сўзбошисидаги фикрлари ёдимга тушди. У дунё халқлари маданиятининг бир-бирига ўхшамаслиги ҳақида мулоҳаза юрита туриб шундай дейди: “... ҳатто энг моҳир мутаржим ҳам маромига етказиб таржима қилолмаслиги мумкин, айтайлик, мана бундай пассажга дуч келганда умидсизликка тушиши аниқ.

Акиконинг ҳикоясидан маълум бўлишича Дзиро ўша сэкитори хэясига кўтарилган, сэкитори сэкивакининг ўртамиёна даражасига эга бўлган усул, у саньякудан юқорига кўтарилмаган, бироқ хиромакудан қуйига ҳам тушиб кетмаган”.

“Қуш каби озод” ҳикоясидан олинган бу парчадаги ҳар қандай мутаржимни қийнағувчи бундай сўзлар японларнинг сумо деган курашида ишлатиладиган терминлардир”.

Булар-ку, сўзлар-атамалар экан, уларни махсус луғатлардан топиб, маъносини билиб олиш мумкин. Лекин япон халқининг ўзига хос турмуш тарзи-чи?! Масалан, энг оддийси, уйга кираётганда пойабзални албатта ечиши, хонада биронта стул ўқлигидан заррача хижолат бўлмай, жон-дили билан полда чордона куриб ўтириши... Бу майда, аҳамият бермас буладиган нарсаларга ўхшайди. Ваҳоланки, битта халқнинг кундалик турмушини шунақа урфлар, одатлар – маросим, байрамлардаги рақслар ва ҳоказолар ташкил этмайдими? Лекин уларнинг миллий ўзига хослиги ичида бизни лол қолдирадиган тафаккур тарзи, эътиқоди, дунёқараши, диний-мафкуравий таълимоти, нафақат бизга, балки бутун дунё халқлари учун ақл бовар қилмас санъати, шеърляти-чи!... Маҳдудлик, кўр-кўрона жазмга ўхшаб кетадиган фидойилигини айтинг. Харакири одати қайси миллатда учрайди, яна унинг алоҳида рукнларини ижро этиш шартлигини қаранг! Оддий харсанг тошлардан ҳосил қилинган боғ, мангу фароғат истагида, шу тошларга соатлаб тикилиб ўтиришлар...

Шулар ҳақида озгина бохабар бўлмаган китобхонга бундай адабий асарлар

<sup>1</sup> Япон адабиётида Банана Ёсимото исми одатда машҳур Харуки Мураками билан ёнма-ён қўйилади. Ёзувчининг насри энгил ўқилиши ва ғайриодатий руҳий теранлиги билан ажралиб туради. Кўз илғамайдиган оддий ҳолатларда ҳам, адиба қандайдир муҳим аҳамиятга молик, ҳатто мистик нарсаларни кўра олиш ва турмуш сир-синаотларини ўзича кашф этиш маҳоратига эга.

Банана Ёсимота 1964 йили ижодкорлар хонадонига туғилган. Онаси Кадзуро Ёсимото – шоира. Бир неча хоккулар китобининг муаллифи. Отаси Такаоки Ёсимото шоир, адабий танқидчи, публицист. Банананинг “Ошхона” номли илк романи “Энг яхши дебоча” мукофотига сазовор бўлган. 1988 йили эълон қилинган “Бошпана” китоби Маориф вазирлиги мукофоти, “Цугуми” китоби 1989 йили Ямомото мукофоти, “NP” китоби Италиянинг “Сканно” мукофоти билан 1993 йили тақдирланган.

1995 йили “Амрита” романи Муроасаки Сикубу, 1996 йил “Калтакесак” китоби италияликларнинг “Фендессиме” мукофотини олган.

1989 йилда адибанинг китоблари 4 миллион 700 минг нусхада тарқалиб ўзига хос рекорд ўрнатган.

бемаъниликдан бошқа нарса эмасдек туюлиши табиий. Бу ёлғиз таржимон маҳорати билан эмас, китобхонлар савияси, билим доираси билан ҳам боғлиқ муаммо. Ҳафсаласиз, юзаки фикрли китобхон ўқиёлмайди бундай асарларни.

Банана Ёсимотонинг “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинаётган ҳикояси ҳам худди ана ўшандай ҳикоялардан. Ҳолбуки, у жуда оддий ёзилган – енгил ўқилади, сюжети ҳам оддийгина, жумлалари содда-тушунарли. Қават-қават, “гарчи... бўлмаса ҳам, модомики... экан, у ҳолда, то ... гунча, ... юз бериши дарғумонлигига қарамай” қабилдаги жумлалар мутлақо йўқ. Умуман, адибанинг барча асарларида дабдабали, жимжимадор тасвиру баёнлар учрамайди, Лекин, шунга қарамай, ҳикоянинг маъзани тушуниш қийин. Ўқиган дам сезади нимадир жуда муҳим, жуда юракка яқин гап борлигини, афсуски, ўша гапнинг тағига етолмайди. У ғайриоддий. Қанақадир ғаройиб ҳам. Биз муаллифнинг жиллақурса тасвирда ёки иккита қаҳрамон ўртасидаги ўзаро суҳбатда аралашиб қўйиши орқали баъзи нарсаларнинг тағмаъносини сезиб олишга ёрдам беришига кўникиб қолганмиз.

Банана Ёсимото бу йўлдан бормади. У акс эттиради ёки ички ҳиссиётлар оқимини ифода этади, бироқ шундай ифодалайди ва акс эттиридаки, унинг ана шу маҳорати туфайли нияти, фикри барибир пинҳон қолади. Албатта, мистика ёки фантастик унсурлардан фойдаланади, пировардида ўқувчи унинг тағига етиш учун бош қотиришига тўғри келади.

“Калтакесак” ҳикоясининг қаҳрамони ҳақида дабдурустдан бир нима дейиш қийин. Унинг турган-битгани жумбоқлардан иборат. Бир дақиқадан кейин нима дейиши, нима ҳунар кўрсатишини ёзувчининг ўзи ҳам билмайди, эўё!

Калтакесакнинг кўрган куни ҳақида дабдурустдан ёмон, ўта ғариб, фожиали деёлмайсан, чунки у бошқа одамлар сингари кундалик ташвишларга ўралашиб мечкай, манфаатпарастлик ботқоғига ботиб яшамайди ахир, унинг ўз эътиқоди, ниятлари, энг асосийси, юрагида умид бор, минг ачинганинг билан, ҳатто калтакесакка ўхшашлиги, увоққиналиги, кўримсизлиги, бошига тушган фожиалар, кулфатлар натижасида одамови бўлиб қолгани, ёлғиз яшашни хуш кўриши, кувноқ, шўх-хандон ҳаётдан бебаҳралагига қарамасдан уни бахтиқаро деёлмайди киши. Аксинча, юрагининг яширин тубларида яшаётган катта орзу-умидлари уни бизга яқин қилади, эътиборимизни жалб этади. У одамларга фойданг тегмаса ҳам зараринг тегмасин, деган эътиқодда эмас, бильакс, дард чекаётган кишиларга малҳам бўлгиси келади. Шу маънода унга ўхшаган одамларнинг ҳаёти қанақа – ёмонми ёки яхшими дея мулоҳаза юритмаслик лозим, у бошқача яшай олмаслигини тушуниш керак холос. Мен “Калтакесак” ҳикояси ҳақида мулоҳаза билдирияман. Шунга қарамай айтаманки, адибнинг зулм ва зуғум, ёмонлик ва фожиалар юз бермайдиган ҳикояларидаги каби “Калтакесак”дан ҳам ночорлик, бедаволик уфуриб туради. Чунки ҳозиргина айтиб ўтганим юрагида жўш урган катта орзу-умидларни, эзгу инсоний интилишларни шафқатсиз ҳаёт тўфонлари ҳар қадамда барбод қилиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, у ҳозир шундай яшаяпти.

Ҳолбуки, шунинг ўзи катта гап эмасми?! Эҳтимол, шунинг ўзи ҳам бахтдир?! Охир-оқибат мана шундай диққат қиладиган, юракни эзадиган фикрларга дуч келишинг учунгина эмас, бутун табиатига кўра Банана Ёсимото асарларини, алоҳида тайёргарлик демайман-ку, лекин одам ўзини чоғлаб, мусаббир кайфиятда ўқиши мумкин. Ўқиганда ҳам шошилмай, мазасини ҳис қилиб ўқиш лозим. Асар қаҳрамонларининг ғариб ва бенаволиги, ночор ва бенажотлиги юрагингизни сиқиб юборади. Лекин шунга қарамай муҳими Ёсимото асарлари жонли, ҳаётий. Уни охиригача ўқиёлмасангиз ҳам, лекин китобни ташлаб юборолмайсиз. У қўйиб юбормайди. Юрагингизнингми, шуурингизнингми аллақайси ерида ўша тақдирлар, ўша қаламга олинган таниш ва нотаниш ҳаёт қандай кечгани, охири нима билан тугагини билиш истаги сизга барибир тинчлик бермайди.

Олим ОТАХОН

# Банана ЁСИМОТО

## КАЛТАКЕСАК

Хикоя

Рус тилидан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси

Ушбу хикоя давомида мен бу хонимни Калтакесак деб атайман. Бордию, сиз сонининг ич томонига чизилган калтакесак расми туфайли шундай демокчи деб ўйласангиз, хато қиласиз.

Унинг дум-думалоқ қора кўзлари худди калтакесакнинг кўзларига ўхшайди. Қарашлари бирам совуқ-ки... Калтакесак дейсиз. Ўзи ҳам увокқина. Баданининг қаерига қўл теккизманг, шундай совуқ, шундай совуқки, кафтингизга олиб иситгингиз келади. Лекин калтакесак сизга чумчук полапони ёки куён боласи эмас. Типирчилаб кафтингизни тирноқлари билан тимдалаганида этингиз жунжикиб кетади. Унга қараб турганимда бир лахзага кўриниб қоладиган қип-қизил тилчасига кўзим тушади. Унинг шишасимон кўзларида менинг кимнидир севиш, ким ҳақидадир қайғуриш истаги рўйирост зухур этган афт-башарам акс этиб туради...

Бу эса Калтакесакни ҳам менга нисбатан ниманидир ҳис этаётганини кўрсатади.

Ўша кечаси у меникига келганида кўрпага кириб, энди мудрай бошлагандим.

– Жудаям чарчадим, – деди Калтакесак хонамга кирар экан.

Ў-ў нақадар норози овоз. Қоронғида унинг қиёфаси менга кўринмасди, фақат тунги оппоқ ич кўйлагининг шарпаси сезиларди, назаримда унинг қайфияти ҳаддан зиёд ёмон эди.

Соат тунги иккилар эди. Мен чироқни ёқиш учун қўлимни узатганимда, дафъатан унинг баданини ҳис қилдим. У юзини оғритар даражада ўмровимга қаттиқ босиб, муздай кўлларини пижамам остига суқди. Ў-ў ҳароратли жисминга муздек совуқ кўлларнинг тегиши нақадар ёқимли... туйғу...

Мен йигирма тўққиз ёшга чиқдим. Рухий касал болалар учун мўлжалланган шифохонада маслаҳатчи ва даволовчи врач бўлиб ишлайман. Калтакесак билан учрашганимга уч йил бўлди. Анчадан бери Калтакесак мендан бошқа ҳеч ким билан гаплашмайди. Умуман олиб қараганда, бошқа одамлар билан гаплашмай яшаш мумкин эмас. Шу боисдан мен Калтакесак учун ўзига хос эҳтиёт чораси сифатида хизмат қиламан.

Хуллас, у бор кучи билан юзини кўксимга босди. У баайни вужудимга сингиб кетгудай бўлади доим, бу ҳам етмагандай шундай куч билан босадими, илк бор шундай қилганида азбаройи йиғлапти, деб ўйлаганман. Йўқ, янглишган эканман. Бир оздан сўнг у бошини кўтариб менга қарагани, чехрасида осойишталик акс этар, кўзлари эса бир навозиш билан майин боқар эди.

Эҳтимол шу тариқа у кун бўйи юз берган кўнгилсизликлардан (бу баайни ёстиққа юзини бурқаб йиғлашдек гап) юрагини бўшапти олар?! Ёки ҳамма нарсани унутишни истар. Ҳар ҳолда мен шундай деб ўйлардим.

Ниҳоят ўша кечаси Калтакесак ҳеч кутилмаганда ҳаммасини айтиб берди.  
– Биласанми, болалигимда кўр бўлиб қолгандим, – дея гапини бошлади у тун оғушида сўник бир овозда.

– Нима, бутунлайми? – мен ҳайратдан қотиб қолдим.

– Ҳа. Бутунлай.

– Нимадан бунақа бўлганди?

– Дўхтир бу рухий жароҳат асорати деб айтганди. Тасаввур қила олармикансан, беш ёшимдан то саккиз ёшимгача ҳеч нарсани кўрмасдим. Дунё мен учун қоронғи зулмат эди.

– Қандай қилиб тузалиб кетдинг?

– Махсус шифохонада даволангач, яна кўра бошлаганман. У ердаги шифоқорлар жуда-жуда меҳрибон эди. Сен ҳам худди шунақа жойда ишлайсан-а?

– Шунақами? – дедим мен ва бир оз ўйлаб туриб, қўшиб қўйдим: – Ноўрин саволим учун узр сўрайман, лекин нима сабабдан кўзинг кўрмай қолувди?

Калтакесак ютинди.

– Нима десам экан, ҳалиги... Уйимизда даҳшатли воқеа юз берганди... кейин эса... хуллас, ҳаммасини ўз кўзим билан кўргандим...

– Агар эслаш малол келса, айтиб беришнинг ҳожати йўқ – дедим унга.

Калтакесакнинг ота-онаси соғ-саломат. Аҳил-иноқ яшашади. Мен улар билан учрашганман ҳам. Унинг ака-ука, опа-сингиллари йўқ. Қисқаси, уларнинг оиласида қандайдир жиддий муаммолар бўлганини биринчи марта эшитишим.

– Мана шунақа, болалигимда кўзим ожиз бўлган, шунинг учун ҳам ҳозир ҳар бир нарсани ушлаб кўраман, ўша нарсанинг нима эканлигини билгим келади, акс ҳолда, кейин қийналаман ўзим. Айниқса қаттиқ толиққанимда жудаям асабийлашаман ва то кўзимни юммагунимча ёки нимагадир маҳкам ёпишмагунимча..., чангалламагунимча ўзимни қўлга ололмайман. Оғридимми? Илтимос, кечир.

– Ҳечқиси йўқ. Касалхонамизда деярли шу аҳвол, ҳамма болалар кўрққанидан одамга ёпишиб оладилар. Шунинг учун нима ҳақда гапираётганингни яхши тушуниб турибман.

– Буни биламан.

– Менга қара, кел, турмуш кураимиз. Бирон ерга кўчиб бориб, бирга яшаймиз, – анчадан бери ўйлаб юрган ниятим лоп этиб оғзимдан чиқиб кетди.

Мени кучоқлаб ётган Калтакесак индамади. Ажабо, у чурқ этмай ётардию юраги жуда тез урарди. Мен дафъатан унинг жавоб бермаганидан изтиробга тушди, деб ўйладим. Унинг менга қанчалик ёт эканини, борлиғию ички олами тамомила ўзгача эканини англадим. У кечалари менинг тушларимга сира ўхшамайдиган тушлар кўрадиган бегона одам эди.

– Иммм... – деди у паст овозда. Сўнгра: – менинг бир сирим бор, – деганча жим бўлиб қолди.

Мен бу билан нима демоқчи эканини ўзимча таҳлил қилиб кўрдим.

Мен Калтакесак билан спорт клубида танишгандим. Ўша кезлар ҳафтасига икки марта сузиш билан шуғулланардим. У эса ўша клубда аэробика бўйича йўриқчи вазифасини бажарарди.

Уни биринчи марта кўрганимда “Шунақа ғалати аёллар ҳам бўлар эканда”, – деб ўйлагандим.

Зуваласи пишиққина, паст бўйли, қиймоч кўзларида алланечук ҳасрат яширинган бу аёл ўзи билан ишлайдиган қиз-жувонларнинг биронтасига ўхшамас эди. Уларнинг шўхлиги, ўйинқароклиги яққол кўзга ташланар,



Калтакесакнинг эса хатто кайфияти қанақа – яхшими-ёмонлигини ҳам билиб бўлмасди. Уни ғалати деб бўлмасди, лекин алоҳида бир сабабсиз ҳам атрофдагилардан ажралиб турарди. Ҳар сафар машқларни тугатиб, ҳовуздан чиқар эканман, у заллардан бирида дарс ўтаётган бўларди. Унинг кичик гавдаси нотабий бир ҳолатда қотиб қолгандек турарди. У ўта нафис ҳаракат қилар, истаган ҳолатга кира олиши мумкиндек туюларди. Мусиқа ҳар қанча баланд янграмасин, Калтакесак худди ўзининг шахсий, бутунлай шовқинсиз дунёсида сузаётгандай кўринарди.

Кунлардан бир кун залда бўлаётган ишларни бефарққина кузатиб турганимда эсдан чиқмайдиган бир воқеа юз берди.

Ўш куни (мен машқларни тугатиб, аэробика зали ёнидан ўтиб бораётганимда) у одатдагидек ўзининг иш жойида юмшоқ гиламда ёшлар билан машғулот ўтказаятганди. Мен уни томоша қилгани тўхтадим у бирдан агар кунларнинг бирида бу қиз ишдан бўшаб кетса, жудаям зерикиб қолишим ҳақида ўйлаб қолдим. Мен ҳикоя қилаётган воқеалардан хиёл илгарироқ эри бор аёл билан чўзилиб кетган муносабатларимни узган эдим. Шунинг учун ва қолаверса, ўша аёлнинг ташаббуси билан орамиз бузилган ҳамда унинг мени тўғридан-тўғри ҳайдаб юборганини эътиборга олганда, янги ишқий саргузаштларга берилишим учун менда на куч, на хоҳиш қолгани ғалати туйилмасди. Шундай бўлса ҳам, спорт залидаги қиз ҳусусида ўйлаганимда юрагимда алланечук туйғулар уйғона бошлаётган эди.

Бундай туйғу одам қалбини эрта кўклам кечалари камраб олади. Кўчада ҳаво ажойиб. Электричкада худди тўлқинлар кафтида ётган қайиқчадек чайқалиб кетарканман, менга майли бор нотаниш ёш аёлни бугун қаерга – қаҳвахонагами ё ресторанга таклиф қилсамми, деб хаёл сурадим. Бугунги кечани у билан қаерда ўтказишимиз, орамизда бирор нарса бўладими, йўқми – мен учун аҳамиятсиз эди. Унга, қилиқларига, атайлаб мен учун бўйнига ўраган рўмолининг нақшларига, пальтосининг этакларига, қувнок чехрасига тикилиб қарар эканман, бамисли ажойиб манзарага дуч келган каби юрагимда бир покиза, эзгу, мунаввар туйғулар туғён ураётганини ҳис қилардим. Шундай дамда ич-ичимда қайдандир элас-элас келаётган ифорга ўхшаш унутилган шодлик ҳисси, беташвиш ҳаёт туйғуси жонланарди...

Хуллас, шунақа гаплар. Мен ниҳоят уйга қайтиш вақти бўлди деган қарорга келиб, бурилиб кетаётганимда; “Вой, оғрияпти!” деган чинқирик эшитилди. Ўгирилиб қарасам аёллардан бири оёғини чангаллаб турибди. Мен ҳали томири тортишиб қолмадим, бошқа жиддий нарса эмасмикин деб иккиланиб турганимда, Калтакесак ўша аёл ёнига учиб келиб, унинг оёғини кўздан кечира бошлади. Мусиқа чалиниб турган ним қоронғи залда у дўхтир сингари совуққонлик билан ўз шогирдининг тортишиб қолган оёқ мушакларини уқалай бошлади. Назаримда, бу воқеани анчадан бери кузатиб турагандек эдим. Ерда, узатилган қўлини сал пастга тушириб ўтирган Калтакесак ғира-шира ёруғликда ялтираб турган ажойиб ҳайкалга ўхшарди.

Бир оздан сўнг анави аёл енгил тортиб жилмайди. Калтакесакнинг ёрқин кизил лабларида ҳам табассум ўйнади.

Қалин ойна орқали ўтиб келаётган мусиқа оҳанги ва базўр эшитилаётган овозлар шивирлашга айланар ва бу воқеа жуда ғалати кўринарди. Ана шунда мувозанатни сақлаш учун оёқларини бир оз кериб, оҳиста ўрнидан тураётган Калтакесакни кузатар эканман, сонига, қарийб човига чизилган миттигина калтакесакча расмига кўзим тушди.

Буни кўриб мен бутунлай ҳушимни йўқотдим. Бизнинг ғайритабий ишқий қиссамиз ана шундан бошланди.

Ўз-ўзидан маълумки, меники сингари ишда одам баъзан жуда ҳам толикади. Агар мижозга чин дилдан ёрдам беришни истасанг, уни сира эркалатиб юбормаслик, азобига ҳамдард эканингни билдирмаслик лозим. Бироқ сендан ўзини тушунишни кутаётган, унинг изму ихтиёрига итоат этишингни талаб қилаётган одамга қарши туриш жуда қийин. Айниқса, кўз ўнгингда ноз-неъматга тўла дастурхон тузашаётганини кўриб, бунга қандай чидай оласан. Мен ҳаёти хавф остида қолиб, сендан раҳм-шафқат кутаётган мижозни назарда тутаяпман. Бундай кишилар ўзларининг бутун куч-қувватларини қандай бўлмасин қийноқлардан халос бўлишдек яккаю-ягона мақсадларига эришишга сарфлайдилар. Шунинг учун, устаси фаранг официант сингари ўзингдан воз кеча олишинг лозим. Агар официант – ҳатто оч бўлса ҳам – иш пайтида бирор нарса еб олиш истаги билан ёнса, бундай официант бир тийинга қиммат. У нафсини тийиш тугул ўша хоҳиш-истагини сўндириши керак. “Мен уларни даволашим шарт,” “улар шифо топишлари лозим” – мана мен амал қилишим даркор бўлган асосий ният.

Сенинг жон куйдиришингга лоқайд-бепарво мижозга бор кучинг билан ёрдам беришга астойдил ҳаракат қилаётганигда айниқса ҳолдан тоясан. Айни ўз ташвишларинг бошингдан ошиб ётганда бу нарса яққол сезилади.

Тушлик пайтида Калтакесакнинг нима сири бор экан, деб ўйланиб қолдим. Менга турмушга чиқишни истамагани учун шу нарсани тўқиб чиқарганига ишонмайман.

Мен ҳар доим битта ерда – чоғроқ ресторанчада овқатланаман. У ерда маза-ли саба<sup>1</sup> тайёрлашади. Бу ресторан мен ишлайдиган томонда жойлашган, лекин касалхонадан анча олис – истироҳат боғининг ёнгинасида, ишончим комил, мижозларимдан бирортаси у ерга кирмайди. Дераза ортидан ўт-ўланлар ҳиди уфуриб туради. Боғ тушки қуёш нурига чўмган. Ўриндикларда чоллар гурунглашапти, уларнинг ёнида келишган ёш йигит, бекорчиликдан юзини офтобга тутиб мудраб ўтирибди. Бенуксон ишлаб турган мукаммал механизмнинг намунаси сифатида ана шу манзарага назар солинганда, “инсоният” деб аталган муштаракликда акс этган чексиз гўзалликни ҳис қилиш мумкин. Дарҳол ич-ичимизда алланечук азалий, туғма ҳиссиёт уйғонади. Ва онгимизда: “Эҳ, ҳозир бир мириқиб ишлайман” деган фикр чарх уради. Шунда беихтиёр: “Мен билан бир осмон остида яшаётган ва ишлаётган Калтакесак ҳам худди шуни ҳис қилаётгандир” деб ўйлагим келади.

Ўша кеча мен уни дарсдан сўнг кутиб турдим-да, биринчи бор ресторанга таклиф қилдим. У мен ўрганиб қолган спорт кийими ўрнига оддий қора свитер билан жинси кийиб олганди. Одамни сира ҳам жалб қилмайдиган кийим. Худди у мендан бир нимани яширмоқчидай, бирданига бутунлай кўримсиз бўлиб қолганди. Аммо бу нотўғри таассурот эди. Қадам ташлашининг ўзиёқ, унинг ҳеч кимга ўхшамаслигидан дарак берарди. Ноёб хилқат бамисли. Жилмаиганида милклари кўриниб кетади. Ёноқлари ғуж-ғуж сепкил.

Негадир унга қараган пайтимда ҳамиша миямга ярқ этиб “қисмат” сўзи келади. Мен унинг ҳар куни аллақандай оғир вазифани бажаришга сўзсиз рози бўлишининг нақадар жиддийлигини ҳис этардим. Айнан шу нарса мени ҳаммасидан кўпроқ жалб этарди. Бундай одам табассум қилганида милки кўринади, оғзи кенгаяди, чаккалари бўртади – чинакам самимий туйғунинг акс этиши эмасми бу? “Табассум” сўзининг асл моҳиятини дарҳол ҳис этасан.

Биз чоғроққина япон ресторанига овқатланишга кирдик. Тинчгина,

<sup>1</sup> Саба – қора бугдой-маржумак унидан тайёрланадиган угра оши.

бўм-бўш хонадаги столларнинг бирида рўпарама-рўпара ўтириб олдик – биздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Мен ҳаётда ҳеч қачон бунчалик ҳаяжонланмагандим. Калтакесак чурқ этмасди. У овқатдан бир-икки чўқилади – сакени лабига астагина теккизиб қўйди.

– Сен жудаям чиройли рақс тушасан, жудаям – дедим ниҳоят мен, Калтакесак ҳам гапга тушиб кетди.

– Чакки эмас, ҳар қалай. Лекин барибир у ердан бўшаб кетмоқчиман. Кейинги ойда.

– Нега энди? – ҳайрон бўлиб сўрадим мен. У жилмайиб жавоб берди:

– Чунки бутунлай бошқа нарса билан шуғулланмоқчиман.

– Нима билан, масалан? – дедим мен ва шошилиб қўшиб қўйдим: – Билмадим, албатта, сўрашга ҳаққим борми, йўқми айбга буюрмайсан, сенинг лаёқатингга ҳавас қиламан. Шу боисдан менга бир оз алам қилади...

– Э, қўйсанг-чи. Мен хафа бўлмайман. Мен муқобил тиббиёт мактабига кирмоқчиман. Игна билан эмлаш, гиёҳлар билан даволаш ва ҳоказо.

– Ана холос... Буни сенга нима кераги бор?

– Чунки бу соҳада истеъдодим кўпроқ эканини тушуниб етдим. Биронта одамга тикилиб қарасам борми, унинг қаери оғриётганини дарҳол сезаман. Қўлимни теккизиш, силаш билан уни даволай олишимга кўзим етади, назаримда. Шу қобилиятимни ривожлантириш маъқул кўринаяпти.

– Қўл билан даволай оласанми?

– Даволай оламан...

Кейин, музқаймоқ еяётган пайтимизда у бамайлихотир деди:

– Танангдан фойдаланганда, ичингдаги мавжуд барча нарсадан халос бўлишинг лозим. Бу жами ташқи ҳолатлардан муҳим. Агар фақат зоҳиран камолотга эришсанг ҳам барибир кўнглинг тўлмайди. Буни аниқ биламан. Бугунги кунга қадар мен тинимсиз машқлар эвазига қоматимни ушлаб турдим. Энди – ўша натижаларга бошқа усуллар билан ҳам эришмоқ вақти етди. Ҳар ҳолда мен ўттиз учга чиқдим.

– Ўттиз уч?! – Мен унга йигирма беш ҳам бермасдим.

Калтакесак кулиб юборди:

– Ишончим комилки, мен сендан каттаман.

Кейинроқ мен уни бекатгача кузатиб қўйганимда, у ёқимли оқшом учун миннатдорчилик билдирди ва ўйчан қўшиб қўйди:

– Менинг умуман дўстим йўқ. Ота-онам билан деярли гаплашмайман. Бошқалар билан охирги марта ўзим ҳақимда қачон гаплашганимни эслолмайман. Назаримда бугун жуда кўп гапириб юбордим, шекилли.

Ғира-ширада, коронғулик қўйнида ёнимиздан йўловчилар ўтиб турарди. Кечки шабада эсар, деразалардан нур тараларди. Қаердадир электричка ўтиб бораётгани эшитиларди.

Бекатда поезднинг жўнаши эълон қилинди. Калтакесакнинг қисик кўзли юзи ёришди.

– Яна бир бор учрашайлик! – Ҳиссиётим жўш урганидан унинг қўлини маҳкам ушлаб олдим.

“Ё тангрим, уни бирам бағримга босгим келаяптики. Эсимни едимми, жинни бўлаяпман шекилли. Унинг қўлини ушлашим учун ҳар нарсага тайёрман. Ортиқ чидаб туролмайман,” – шундай деб ўйладим ва шундай қилдим ҳам. Шундай бўлиши табиий эди. Шундай қилмаслигим мумкин эмасди. Тушундим: одамлар бекорчиликдан бирга бўлишга келишиб оладилар, учрашадилар, еб-ичадилар, охири ярим кечаси: “Энди нима қиламиз?” деб ўйлаб қоладилар. Бу бир кунлик тасодифий танишув учун хос бўлган

жимгина келишув эмасди. Мен унга озгина бўлсин яқинлашгим, ўпгим, уни бағримга босгим келарди.

Ўзимни аранг тийиб турардим. У менинг ҳис-туйғуларимни қабул қиладими, йўқми, мен учун бу муҳим эмасди. Мен уни жуда-жуда хоҳлардим. Ҳозир, айна шу дамда фақат уни, бошқа ҳеч кимни эмас. Агар унинг ўрнида бошқа биров бўлиб қолса – бутун оламдан воз кечишга тайёр эдим. Ҳаммасини тушуниб етдим. Бу муҳаббат эди.

– Майли, кўришгунча, – деди у ва менга телефон рақамини берди.

У нари кетди-да, орқасига ўгирилмасдан зинадан кўтарила бошлади, зум ўтмай уни бутунлай кўздан йўқотдим. Тамом. У кетди. Юрагимни аламли йўқотиш туйғуси чулғаб олди. Бу туйғу қиёмат қойим кундаги ҳиссиётга монанд эди.

Калтакесак тиббиёт мактабига кирди, уни тугатиб рухсатнома олди. Ўқиш жараёнида ярим йил Хитойга малакасини оширгани бориб, табибга шогирд тушди. Японияга қайтгач мўъжазгина бир шифохона очди. Чинданам истеъдоди бор экан шекилли, ишлари юришиб кетди, озгина вақтдан сўнг шифохонага ходимлар ёллаш имконига эга бўлди.

Ҳар куни Япониянинг турли ҳудудларидан унинг шифохонасига мижозлар оқиб кела бошлади. Уларнинг аксари оғир дардга дучор бўлган беморлар эди. Бечораларнинг сўнгги умидлари Калтакесакдан эди. Ҳар қанча куч сарф этмасин, унинг Худо ато этган шифобахш кучи тугамасди. Бироқ иш кунининг охирига бориб гапиришга ҳам ҳоли қолмасди.

Иттифоқо бир куни унинг шифохонасига кирдим. У кўпхонали уйнинг кичкинагина хонасига жойлашганди. У ерда биттагина ўриндиқ – кат бор эди. Мижозлар курсиларда жимгина навбатларини кутиб ўтиришарди. Бундай манзара махфий иш олиб бораётган корхонага хос. Калтакесак оқ халатда остонада пайдо бўлар, навбатдаги мижозни чақирар ва у билан хонага кириб кетарди. Мен жуда хижолат бўлдим. Чунки Калтакесак ҳеч кимга илтифот кўрсатмас, кўнглини кўтармасди. Шунинг учунми “дарди енгил” – ҳамдардлик учунгина келганлар бир зум ўтириб кетиб қолардилар. Лекин чинакам даво истаб келган беморлар албатта оғриқдан, ҳаёт ва ўлим орасида қийналиб азоб тортаётганлар дарддан фориг бўларди. Хайрлашаётганда, ёш тўла кўзларини халоскордан узолмасдилар. Бир қадам ташлай олмаётган беморни кутиб турган қариндошлари олдига унинг ёрдамида ўз оёғи билан юриб чиққанини кўриб улар хайратдан ёқа ушлардилар. Калтакесак эса жилмайиб кўяди-да, навбатдаги мижозни таклиф қиларди.

Ишонтириб айтаман, у шифокор сифатида астойдил ҳаракат қиляпти. Нияти чинакамига даволаш. Фақат шуни истайди. Унинг иқтидори бор, иззат талаб эмас, шуҳрат гадоси эмас. Унинг ютуғини кўриб ич-ичимдан қувонаман. У билан фахрланаман. Унга ўхшаб одамларни даволай олмаслигимдан ўкинаман.

Ўша оқшом Калтакесакни мен уйимда кутардим. У телефон қилиб:

– Мен соат саккизларга бораман. Пицца буюриб кўй. Қалампери кўпроқ бўлсин, – деди.

У пиццани уйда ўтириб ейишни яхши кўради. Ресторанга боришни ёқтирмайди. Гапига қараганда, бу одамларга ёмон муносабатда бўлгани учун эмас. Аслида ҳеч кимни кўришни истамаганидан. Мен уни тушунаман. Ҳар куни одамлар билан ишлаганингдан кейин ҳам ўлгудай чарчайсан, ҳам безиб қоласан. Шу сабабдан биз вақтни уйда ўтказамиз, чироқни

пасайтириб, деярли гаплашмай ўтирамыз. Муסיка тинглаймиз. Борди-ю сайр қилгани чиксак, одам йўқ жойга – тоғ томон борамиз. Бизнинг кўнглимиз шунақа – жуда ғалати.

У соат саккиз тугул тўққизда ҳам келмади. Мен пиво ичдим, бир парча пицца едим, энди келмаса керак. Гарчи мен унинг қўлини сўраган бўлсам-да, ўзининг аллақандай сири туфайли менга жўяли жавоб қилгани йўқ. Фейл-атворини инобатга олганда, бутун меникига келмадим, демак, тамом, бизнинг яқинлигимиз тугади, дегани.

Менинг туйғуларим аввал бошдагидек жуда эҳтиросли бўлмаса-да, очиғи юрагим сиқилди. Унинг шу ерда, менинг ёнимда бўлишини истардим. Орамизда бўлиб ўтган нарсалар менга енгиллик ҳам, хотиржамлик ҳам бермасди, лекин аниқ билардимки, мен ишлайдиган касалхонадаги нозанин ҳамшираларнинг биронтаси Калтакесак ўрнини босолмайди.

Мен умидсизликка тушдим. Соат ўн бирдан ошди. Энди кутишдан фойда йўқ, деган қарорга келганимда дафъатан эшик шарақлаб очилди ва хонага Калтакесак кириб келди: тўлғанган сочларидан тун эпкини уфурарди.

– Кеч қолдим.

– Келмайсан деб ўйлагандим. Юрагим қон бўлиб кетди.

– Адашиб қолдим, – дея у пиццадан бир бурда ушатиб касир-кусир ея бошлади.

– Шошма, иситиб берай.

– Овора бўлма. – У бир оз жим қолди, сўнг давом этди. – Биласану, ахир мен сендан бошқа ҳеч ким билан гаплаша олмайман.

– Биламан, – бош силкидим мен. – Лекин бунга касалликка йўйма. Лоақал мижозларинг билан ҳар куни гаплашсанг-ку. Оз бўлса ҳам гаплашсан-ку, тўғрими?

У менинг гапларимга эътибор бермагандек давом этди:

– Аммо юрагимда бир тутун бор, бу ҳақда сенга сира гапирмаганман. Жуда муҳим нарса.

– Муҳим бўлса, айтиб бер. Айтиб берасанми?

Калтакесак индамади. Девордан кўз узмай туриб, чуқур нафас олди. Мен унинг фақат шарпасинигина кўриб турардим. У менга бутунлай ўхшамаган бир мавжудот эди.

– Эсингдами, болалигимда кўр бўлиб қолганим ҳақида гапириб бергандим? – сўради Калтакесак.

– Шу ҳақда гапириб қолсан деб ўзим ҳам сезиб турувдим...

– Беш яшарлигимда уйимизга бир девона кириб қолганди. У орқа эшикдан билдирмай кирган экан. У аллам-балоларни бақирган кўйи ошхонага кириб, пичокни олди-да, онамга урди. Онамнинг сонидан қон тиркираб оқа бошлади. У кўчага чиқиб, қочиб кетди. Мен отамнинг ишхонасига кўнғироқ қилдим. Отам: “Тез ёрдам”га кўнғироқ қиламан, сен онанг ёнида кутиб тур”, деди. Мен онамнинг ёнида ўтириб турдим. Уни ўлиб қолади деб кўрқдим. Онамнинг жароҳатига кафтимни босиб қонни тўхтатишга уриндим. Ана ўша лаҳзаларда мен ўзимда табиблик иқтидори борлигини тушуниб етдим. Қон тўхтади. Кинода кўрсатишади-ку, худди шунақа. Қўлимдан бир нур чиқаётгандай туюлди. Гарчи жароҳат битиб кетмаган бўлса ҳам, менинг даволашим таъсир қилгани кўриниб турарди. Қон оқиши тобора камайиб бораётганини фаҳмладим. Бир оздан сўнг “Тез ёрдам” машинаси етиб келди. Мени онам билан касалхонага олиб кетишди. Мени ҳам ҳаммаёғим бутунлай қонга беланган эди. Кўрқиб кетганимдан тилим калимага келмасди. Серрайиб турардим. Отам етиб келди, кейин полиция пайдо бўлди. Шунда ҳам лом-мим



демасдим. Дўхтир, қон қандай қилиб тўхтаб қолганини тушунмасди. У онамнинг бир мўъжиза билан омон қолганини айтиб, “Бахтингиз бор экан” деди.

Жимгина унинг ҳикоясини эшитяпману кўз ўнгимдан Калтакесакнинг онаси кетмасди. Эсимда у юрганида чап оёғини судраб босарди.

– Ана шу даҳшатли воқеадан ларзага тушган онам ақлдан озди, мен кўр бўлиб қолдим, отам эса таъкиб васвасасига учради. Бу қандайдир даҳшатли тушга ўхшайди. Мана шундай бир кунда, мудҳиш аҳволдан бир пайтнинг ўзида халос бўлдик: мен кўра бошладим, онам уйдан бир ўзи бемалол чиқа бошлади, отам ниҳоят васвасадан халос бўлиб, ҳар нарсадан қўриқиб уйни қулфлаб юрмайдиган бўлди. Лекин унга қадар қанчадан-қанча оғир кунларни кўрмадик.

Қайғули йилларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Лекин айнан ўшанда мен ўз вужудим ёрдамида ҳаётнинг сир-асроридан огоҳ бўлдим. Онам мен учун ҳамшиша олий, илоҳий хилқат эди. Гарчи онам отам билан урушиб қолиб, баъзан қон-қон йиғласа-да, барибир нимаси биландир темир иродали аёл бўлиб кўринарди. Ўша мудҳиш кун, уни ерда қонига беланиб, дод солиб ётганини кўрганимда бир зум ичида эврилиш юз берганди – бамисли илоҳий хилқат ожиз бир махлуққа айланиб қолди. Агар жон танани муҳофаза қилмаса, тана бўшаган идишга — бўш бутилкага ўхшаб қолади. Мен мана шуни тушуниб етгандим. Шунинг учун агар астойдил истасанг, машинани тузатгандай инсон танасини ҳам тузатиш мумкин деган қарорга келдим. Мен ҳатто оломон ичида тез кунлар ичида жони узиладиган одамларни кўрсатиб бера оладиган даражага етдим. Агар кимнингдир жигари хаста бўлса, жигари ўрнида қора доғ кўринади. Тортишиб қолган мушаклар одатда кўкимтир тусга киради. Мен кўпроқ шунга ўхшаган нарсаларни кўра бошладим... Лекин бу энди ҳаддан ташқари. Алоҳа ақлдан озмаслик учун аэробика билан шуғуллана бошладим. Мана бугунга келиб энди-энди бир нималарга қўл ураяпман. Сен билан танишганимнинг шарофатидир балки. Умидсиз, тушқун хаёллардан халос бўлиб, ниҳоят ўз имкониятларим нимада эканини тушуниб етдим.

– Хўп, бунинг нимаси ёмон? Менимча, бари ажойиб. Орамизда қандай муаммо бўлиши мумкин? – дедим мен енгил тортиб, лекин у гапимни бўлди:

– Бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг асосийсини айтганим йўқ, ҳатто ота-онамга ҳам айтмаганман.

У жим қолди. Сукунат жуда узоқ чўзилди. Калтакесак қирсиллатиб пицца ея бошлади. Шунда мен бирдан ёноқларидан оқиб тушаётган ёшни сезиб қолдим. Мен довдираб қолдим, чунки у илгари бир марта бўлсин йиғламаганди. Ҳаммаси равшан, у чинданам муҳим нарсани гапириб бермоқчи.

– Хўш, жинойтчи нима бўлди? Уни ушлашдими? – дея савол бердим сабрим чидамай.

Калтакесак менга паришон кўз ташлади.

Ҳозир мен, мабодо айнан шу лаҳзада шу саволни бермаганимда нима юз беришини тасаввур қилиб, юрагим орқага тортиб кетди. Лекин нима бўлганда ҳам мен шундай саволни бердим. Чунки мен уни севардим. Ундан жудо бўлишни истамасдим. Бунга ишончим комил.

У кўз ёшларини оқизиб жавоб берди:

– Ушлашди. Лекин ўз ҳаракатларини бошқаролмайдиган телба эканини эътиборга олиб қўйиб юборишди. Лекин мен уни ўлдирдим.

– Нима? – Бу қутилмаган иқрорни эшитиб қичқириб юбордим. – Ўз қўлинг биланми?

– Йўк-йўк. Кўлим билан эмас. Қарғиш орқали. Сен бунинг мумкинлигига ишонасанми? Нима бўлганда ҳам бу ҳақиқат. Мен уни дуойибад қилдим.

– Наҳотки сен шунга қодир бўлсанг?

Биз ҳеч қачон бунақа узоқ ва қизгин гаплашмагандик.

– Уни қандай қилиб ўлдирдинг?

– Мен ҳар куни унга ўлим тилаб дуойибад қилардим. Машина босиб кетсин, деб худодан сўрардим. Ўша пайтда ҳаётимиз азоб-уқубатда ўтарди. Икки йил муттасил уни қаргадим. Охири кунлардан бир кун кечки пайт, куёш ботар чоғи илтижоларим қабул бўлганини тушундим. Тилагим амалга ошганини ҳис қилдим. У ўлса менинг кўзларим очилишини сезардим. Ўша кун ботишидан бир ҳафта кейин мен янгиликларни тинглаётган эдим. Бир маҳал фалон-писмадон деган одам жиннилиги кўзиган пайтда ўзини юк машинаси тагига ташлаганини эълон қилишди. Бу менинг ишим эканини билардим. “Сен шунга лойиқ эдинг” дедим ичимда. Ёшим улғайгач, бу қилмишимнинг нақадар оғирлигини тушуниб етдим. Ҳатто агар минглаб одамни даволасам ҳам ана шу ўлим доғини юволмайман. Вақт ўтган сари бу юк оғирлашиб бораверди. Мен сен билан танишганимдан сўнг бир нарсани, кимнидир ёмон кўриб қолсам, уни ўлдиришим мумкинлигини англаб етдим... Шунда мен ўзимга қойил қолдим. Ўйлаган ниятимни амалга ошира олганимдан қувондим. Ҳа-ҳа. Қувонганимдан мириқиб кулдим. Лекин бу Эдо<sup>1</sup> даври услубидаги интикомни акс эттирувчи роман ёки телесериал эмас-ку, ахир. Бугунги Японияда, тинчлик пайтда мен ажали етмаган одамнинг ўлимига сабаб бўлдим. Битта нарсани аниқ биламанки, ажойиб кунларнинг бирида мана шу жиноятим учун жазоланаман. Оиламиз учун оғир бўлган ўша даврда қийналиб кетганимдан ҳар нарсага тайёр эдим. Ўша пайтда мен бир кун келиб, ота-онам ўтмишни эсламай тинч-тотув яшашини, кўзим яна кўра бошлаб вояга етишим, ишга жойлашим, сен билан танишувимни тасаввур ҳам қилолмасдим... Ўшанда бир-биримизни танимасдик. Ҳар биримиз ўзимизга тегишли оламда яшардик, бошқаси билан ишимиз йўк эди. Бизнинг ҳаётимиз дўзахдан баттар эди. Мен йўкотадиган ҳеч нима йўқлиги учун ҳаётимизни лаънатлардим. Энди ҳаммаси ўзгарди. Ҳамма нарса яхши томонга ўзгарди-ю, мен... мен кўрқа бошладим. Ўша одам тушларимга киради. “Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўк, сен эса қотилсан...” – дейди у. Унинг гаплари тўғрилигини англаганим учун даҳшатга тушаман...

Калтакесак тинмай ҳасрат қиларди.

Энг осони ўша одамнинг тасодикий ўлимига сенинг айбинг йўк, десам олам гулистон эди. Лекин шу хусусда ўйлаган сайин ўша одамнинг ўзини юк машинаси ғилдираклари остига ташлашга айнан Калтакесакнинг дуойибадлари мажбур қилганини аниқ-яққол сезардим. Мен илгари ҳам шунга ўхшаш воқеанинг гувоҳи бўлгандим. Гўёки қандайдир қора кучларнинг таъсири остида жонидан жудо бўлган ўсмирлар ҳали-ҳамон кўз ўнгимда кетмайди: улардан бири у парвариш қилиш мажбуриятини олган гул сўлиб қолгандан сўнг ўзини осиб қўйди; бошқаси вақтида ўқимай ибодати қазо бўлгани учун қон томирини кесганди. Улар, ишончим комил, бир нимага қарши турганлари учун шундай қилишган. Аммо улар қанча эзгулик қилсалар, камолотга эришиш учун қанча заҳмат чексалар, гуноҳ юки шунча оғир босарди. Бундай машаққат ҳирсий мойиллик, ҳайз кўриш жараёни ёки ични бўшатмоқ чоғидаги қийналишга ўхшайди. Уни ҳеч ким билан бўлишиб бўлмайди. У фақат сеники ва бошқа ҳеч кимники эмас. Секин-аста қарши салбий кучлар йиғилиб дунёдаги жонига қасд қилишдек ҳолатларни вужудга келтиради...

<sup>1</sup> Эдо даври – Токугава (1600–1867) даври.

Ҳар доим мана шундай вазиятларга тушганимда, ҳеч нарсани ўзгартиролмаганим учун ғазабдан ўзимни қўйгани жой тополмасдим. Ожизлигимдан қутуриб кетаман. – Мен ўзимни шунчалик бетайин, урғочи жинсининг ёнидан бир қадам нари жилмайдиған наслдор буқадек ҳис қилардим. Ғазаб ўтида ёна бошлаганимда эса ҳеч нарсага ярамай қоламан...

Калтакесак ҳеч қачон, ҳеч қачон бунақа узоқ гапирмаганди.

– Менга қара, юр, бир оз айланиб келамиз. – Менинг илтимосимни эшитиб унинг қошлари чимирилди.

– Хавотир олма, – дедим уни хотиржам қилиш мақсадида, – сен хоҳлаган ерга борамиз. Уйда, сен билан сира гаплаша олмаёпман.

– Фақат беморларнинг мисолида ҳаётда бундан баттар бўлиши ҳам мумкинлигини исботлаш учун касалхонангга олиб боришни ўйлама, хўпми? – деди у пальтосининг тугмасини қадаркан, илтимос оҳангида.

– Бу фикринг маъқул, – ҳазиллашиб унга жавоб бердим ва ўрнимдан турдим.

Пальтосининг тугмасини қадаётган Калтакесакка қараб туриш менга ёқади. Пойабзалини кийиши учун энгашиб бўйинини чўзиб туришини яхши кўраман. Кўзгуга қараганидаги нигоҳи менга айниқса ёқади. Турли вазиятлар Калтакесакнинг кўп қирраллигини вужудга келтиради. Унинг хужайралари қандай ўлиши ва қайта туғилишини кўраман. Таранг тортилган чаккаларини кўраман. Тирноқларидаги оқ хилоллари кўраман. У яшайпти, оқим бўйлаб сузиб бораяпти. Мен буни сезиб турибман. Унинг ҳар битта ҳаракати менинг инъикосим. У яшаши учун мен яшашим керак.

Шаҳарни ёз ифори тутиб кетган, ўт-ғиёҳлар иси гуркиради.

– Қаёққа борамиз? – қизиқди Калтакесак.

– Иккиламиз айлангани чиқмаганимизга анча бўлди.

– Ахир иккаламиз ҳам ишда бандмиз-ку...

Шу пайт қутилмаганда орамиздаги ҳамма нарса барҳам топса керак, деган ўй кечди кўнглимдан. Энди биргаликда баҳам кўрадиған ҳеч нарсамиз қолмаганди. Иссиқхоналардаги ғиёҳлар шиша томларга етгач, ўсишдан тўхтагани каби биз ҳам йўлимиздаги енгиб ўтиш мумкин бўлмаган тўсикқа етиб келгандик. Бир-биримизга ҳар қанча ёрдам бермайлик, биз эркинлик ҳиссини туёлмаймиз, халос бўлишга қурбимиз етмайди.

Энди биз қариялар каби кечаси инқиллаб-синқиллаб, кундузлари қуёш тафтида исиниб ётишдан ўзга иложимиз йўқ. Қўлимиздан бошқа ҳеч нарса келмайди.

Бу фикр аста-секин фикру зикримни бутунлай қамраб олди.

Лекин шу чоқ илқис ҳамма нарсани ўзгартиришга қодир қувончли овоз янгради.

– Топдим. Нарита-сан<sup>1</sup>га чиқамиз!

– Нега энди?

– Нега бўларди? Эртага куннинг иккинчи ярмида ишларсан. Илтимос бора қолайлик. Таксига ўтурса бир соатда элтиб қўяди.

– Нима бор у ерда?

– Негадир ўша ёққа боргим келиб қолди. У ерда бир марта бўлганман. Ибодатхона ёнидаги гавжум бўладиган дўкончаларни яна кўргим келаяпти. Эргалаб эса ибодатхона кўчасида зираворлар, егулик гуруч, печеньелари сотиб олишимиз мумкин, – деди у кўзларини катта-катта очиб.

Тиббий кузатувлар одамни ўта синчков қилиб қўяди. Шунинг учун уни тушундим: жудаям боргиси келаяпти. Лекин гап бунда эмас. Калтакесак мен-

<sup>1</sup> Нарита-сан – тоғнинг номи.

га мурожаат қилганидан ниҳоятда ғурурланиб кетдим. Шу илтимос билан бошқаларга эмас, менга мурожаат қилганидан чексиз севиндим.

– Бўпти, кетдик.

Агар у истаса, кўнгли тусаган ерга борамиз. Фақат иккаламиз.

Биз Нарита-санга соат тунги бирларда етиб бордик. Омадимиз бор экан, меҳмонхонага кўнғироқ қилиб хона буюриб қўйишга муваффақ бўлдим.

Бутунлай зулматга чўмган ибодатхона кўчаси бўйлаб юқори кўтарила бошладик. Йўлнинг икки тарафидаги қатор кулбалардан ёқимли дарахт хиди анқирди. Кучли шамол эсади. Биздан четрокдаги уйлар томи узра юлдузлар милтирайди.

Калтакесакнинг сочлари кучли шамолда хилпираб тўлғанарди.

Ибодатхонанинг дарвозаси берк эди. Девор оша шамолда чайқалаётган каттакон чироққа кўзимиз тушди. Чироқнинг нотекис ёруғида дўкончаларнинг ғаройиб соялари тебранади.

Ваҳимали сукунат ҳукмрон эди. Агрофда ҳеч зоғ йўқ. Калтакесак кулиб: – “Арвоҳлар шаҳри”ни ўзимча шундай тасаввур қилардим, деди.

Деворга суяниб, кута бошладик. Орадан беш дақиқа ўтди – лекин ҳеч ким кўринмади. Ибодатхона кўчасидан ўтмиш иси тараларди. Ана шу кўча бўйлаб одамлар тўдасининг арвоҳлари билан қўл ушлашиб дайди шамол кезарди холос.

Калтакесак ёрқин кийимда, кўзни камаштирувчи оппоқ табассум билан зимистон кечада туш бўлиб кўринди.

– Биласанми, – дедим мен, – ростини айтсам, менинг ҳам ўз сирым бор. Мен ота-онамнинг зурриёди эмасман. Ўгайман.

У гапларимни чурқ этмай тинглай бошлади. Ҳатто менга қарамади ҳам.

– Онам бир йигит билан юрар экан. Лекин ўзини севган ўша йигитни рад этиб, унинг акасига – менинг отамга турмушга чиқибди. Бечора йигит бу воқеадан телба бўлиб қолибди. Бир куни у келин-куёвнинг тепасига бостириб кирибди-да, пичоқ билан кўрkitиб уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, отамнинг кўз ўнгида онамни зўрлабди. Сўнгра устидан керосин куйиб, ўзини ёқиб юборибди. Шовқин-суронни эшитиб чиққан қўшнилари ота-онамни зўрға қутқариб қолишибди. Эҳтимол, бу воқеа унутилиб кетган бўларди, лекин афсуски мен дунёга келдим.

– Нимасини айтасан, ҳар қалай, бизнинг уйдагидан анча даҳшатлироқ экан, – деди паст овозда Калтакесак.

– Мана кўрдингми... Онам отамнинг илтимоси билан ҳомиласини олдириб ташламади. Аммо кўп ўтмай, мен туғилгач, онам эс-хушини йўқотди. Мени тарбиялаш учун қариндошларимизга беришган. Беш ёшга тўлганимдан сўнг ота-онамникига қайтиб келдим. Кейин онам ўз жонига қасд қилди. Ўлаётганда у менга: “Мени кечир, болам” дея шивирлаган эди. У доим ана шундай беозор эди.

– Демак, сенинг онанг йўқ эканда.

– Ўгай онам бор. Отам яна уйланган.

– Шунақами...

– Ҳаётда ҳар нарса бўларкан: баъзан одамлар ҳалок бўлади, баъзан – сенинг онанг сингари – тирик қолади; айрим оилалар пароканда бўлади, айримлари қийинчиликларни енгиб бирга яшашади. Бу нимага боғлиқ – одамларнинг феъл-атворидами ёки вазиятдами, лекин шунга яхши биланманки, бундай ҳолларда болаларга катта зиён етказилади. Гарчи... Мен, масалан, болалигимда бахтиқаро онамнинг мурдасини кўрганман, лекин

шунга қарамай, маза қилиб овқатланишни яхши кўраман, тоза ҳаводан лаззатланаман... Дарвоқе муҳими бу эмас...

– Демак, шунинг учун дўхтир бўлишга қарор қилган экансан-да?

– Шундай деса ҳам бўлади, лекин бошқа сабаби ҳам бор... Умуман мен ўлим нималигидан бохабарман. Ҳали она сутим оғзимдан кетмаган пайтдаёқ ўлим шууримда жуда оғир таассурот қолдирган. Мен ўлим хидини туйганман.

Унинг мулоҳазалари қалбимни ларзага солди. Ҳаётда Калтакесакка дуч келишим муқаррар эканини энди англадим.

– Майли, бугунча етарли. Бунақа машъум воқеалар ҳаётда бўлади ва ҳамиша бўлиб ўтган. Кел энди, кўнгилсиз нарсаларни унутайлик-да, яхши ниятлар қилиб юрайлик. Бирга яшаб, гўзал ҳаёт кечириш тўғрисида қайғурайлик. Нима дединг?

– Менга қара, сен “Қисқа жума” ҳикоясини ўқиганмисан? – сўраб қолди у бирдан.

– Йўк.

– Бу оддийгина чол-камбирнинг ўлими ҳақидаги ҳикоя. Биз ҳам шундай ўлим топсак зўр бўларди-да. Бу кекса эр-хотин диндор бўлишади. Худонинг тинч, ҳаловатли кунларидан бирида кечкурун ухлагани ётишади. Ошхонадаги плита пишириқхонасида сахарлик учун нон ёпиб пиширадилар. Ҳамма нарса жойида, нон тайёр, иш битди, аммо газни ўчиришни унутиб қўйдилар. Газ хидини сезганларида эса вақт ўтган эди – у бутун хонани тўлдирганди. Шунда улар бирдан ўзларини енгил ҳис этдилар ва бахтли ҳалок бўлдилар.

– Ғалати ҳикоя экан. Ўқиб чиқарман.

– Зўр-а, тўғрими? Менга умуман бошқа одамларнинг ўлими ҳақида ўйлаш ёқмайди, лекин мана шунақанги ўлим бўлса, ҳасад қилса арзийди...

– Биласанми, кел, яхшиси ҳамма нарсани ўзимизга олавермайлик. Умуман, бас қилиш керак, ҳадеб шунақа нарсалар тўғрисида ўйлашни. Ишхонадаги кўраётганларимизнинг ўзи етарли. Ҳали ёшмиз, ҳаётимиз ҳали олдинда. Қадамба-қадам ҳаракат қилаверамиз. Аста-секин бўлса ҳам эртанги кундан умид қилиб. Иккаламиз ҳам жуда ғалати бир вазиятга тушиб қолганмиз, лекин ўзимизни қўлга олишимиз керак, акс ҳолда ҳаётимиз издан чиқиб кетади.

Гарчи Калтакесакни шубҳа-гумонлар ўртаётгани кўриниб турган бўлса-да, гапимни тасдиқлаб бош қимирлатди. Унга алоқадор нарсаларга келса, барча нарсада мен ўн беш яшар боладек ғалча бўлиб қолавераман, – у билан бирга эканлигимдан мамнун юраман, унинг мени севишидан ғурурланаман.

Кўҳна меҳмонхонага етиб келгач, биз ҳорғин ҳолда каравотга чўкдик. Калтакесак ҳар доимгидек менинг пинжимга кириб ётди, уни ухлаб қолди деб ўйладим. Чарчаганимдан кўзларимни очолмасдим.

Мен мудрай бошлаганимда Калтакесак алланималар деди. Мен қайта сўрадим.

– Нима?

– Хуллас, – деди у худди бошлаган гапини давом эттираётгандай, – агар бизнинг ҳаётимизда шундай бир одам ...ёки ярим худо бўлиб, одамларнинг диёнат ва инсоф билан яшашларини назорат қилиб турса эди, у оғир вазият вужудга келганида: “Бундай қилиш мумкин эмас ёки тўғри қилдинг” – деб огоҳлантириб турарди. Яхшию, тўғрими? Лекин бунақа илоҳ йўк.



Агар бўлганида эди, бундай қабоҳатларга барҳам берган бўларди. Аммо ҳозирча бари давом этапти. Ўзимиз эплашимизга тўғри келади. Бошимизга тушган фожиа ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, улардан ҳам даҳшатлироқ нарсалар юз бериши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим. Мана ҳозир, айни пайтда ер юзида юз минглаб бахтиқаро одамлар нафас олишяпти. Шу сонияда одамлар жон бераяпти, қариндошларини йўқотаяпти. Уларга хиёнат қилишяпти, уларни ўлдиришяпти. Дунё шунчалар фожиаларга кон... Кошки уларнинг бари тўхтатилса... Кошки дунёда бахтсиз болалар камроқ бўлса...

Бу кўҳна, анъанавий услубда қурилган япон меҳмонхонасида ушбу маҳзун сўзлар ғамгин шеър сатрларидек эшитиларди. Ухлаётганимизда, биз ҳозиргина келган қоронғи ибодатхона кўчаси одамлар билан тўлади, шовқинга кўмилади, сотувчилар савдони бошлайди, бутхонанинг бош дарвозаси шарақлаб очилади. Ҳаммаси ўзгаради. Шодлик, ўйин-кулги авж олади. Шамол қовурилган балиқ, гуруч кўғирмочининг ҳидини олиб учади. Биз Хитойнинг хушбўй шамчиқроқларидан харид қиламиз, ибодатхонадан эса янги уйимизга осиб қўйиш учун туморлар сотиб оламиз. Одамлар оқимини кузатамиз; тун билан хувиллаб ётган ҳаёт янгидан қайнаётганининг гувоҳи бўламиз.

Лекин мен шундай ҳолдан тойган эдимки, гапиришга мажолим йўқ эди. Бу гапларимни унга эртага айтишга қарор қилдим.

Борди-ю, у ўлиб қолса-чи?

Демак у эртага бўлмайди дегани, бу бинобарин, менга бошқа ҳеч нарса демайди. Менинг пинжимга суқилган хоҳиш манбаи, ҳам унинг хоҳиш-истаклари – ҳаммаси йўқ бўлади-кетади.

Чаккасига тушиб турган сочлари, ёноғига тушиб қолган бир дона киприги бўлмайди. Бўялган тирноғидан сал қуйироқда куйгандан ҳосил бўлган кичкина чандиқ йўқолиб кетади. Ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турган жони узилади. Мен мана шулар ҳақида гаплашмоқчиман. Одамлар одатда гапиришни хоҳламайдиган нарсалар ҳақида сўзлашмоқчиман.

Фақат у яшаса бўлгани.

Эртага шуларнинг ҳаммаси ҳақида гапириб бера оламан.

Шу пайт Калтакесак мулойим овозда:

– Яхши ухлаб тур, – деди.

Мен эса уни ухляпти, деб ўйлабман.

Ҳайратланганимдан уйқум қочиб кетди. Унга назар солдим. У кўзларини юмиб ётарди, ҳозир унинг ухламаётганини билсам-да у ухлаётгандек туюларди. Мен ҳам унга хайрли тун тиладим. Бунга жавобан Калтакесак минғирлаб:

– Биласанми, ўлганимдан кейин мен дўзахга тушаман, – деди.

– Ҳеч қўрқинчли жойи йўқ. – Эҳтимол, бу жуда ожиз тасалли эди.

– Менимча ҳам шундай. Дўзахда менинг мижозларим янаям кўпаяди.

Атиги бир неча сониядан сўнг у уйқуга кетган одамлар сингари бир текисда нафас ола бошлади. Унинг чеҳраси маъсум болаларнинг юзига ўхшарди.

Мен яна бир оз уни завқланиб томоша қилиб ётдим, сўнг болалигимизни эслаб йиғлашга тушдим.

## АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ – ЖАҲОН ОПЕРАНАВИСЛИГИДА

*“...Амир Темури бобомиз ҳақида инглиз драматурги Кристофер Марло 1588 йили тарихий пьеса, маишур немис композитори Георг Гендель 1724 йили опера, америкалик адиб Эдгар По эса 1827 йили шеърӣй поэма яратган. Ва бундай асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда... Табиӣйки, бу асарларнинг барчаси улуг бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўнгина масалаларга жавоб топишда, уларни тарих ва бугунги замон нуқтаи назаридан ёритишда муҳим ўрин тутди. Уларнинг ҳар бири Соҳибқирон сиймоси ҳақида ўзига хос тасаввур ва тушунча беради”.*

*Ислом КАРИМОВ*

XVI–XX асрлар оралиғида Ғарб мамлакатларида шавкатли Соҳибқирон Амир Темури сиймоси тасвирланган 60 тадан зиёд турли жанрдаги сахна асарлари яратилган. Бу асарларнинг номланиши деярли бир хил, сюжет йўналиши ҳам ўзаро ўхшашдир<sup>2</sup>. Ушбу асарлар орқали Ғарб томошабинига, бир томондан, турли қизиқ воқеаларга бой антиқа сюжетлар намойиш этилган бўлса, иккинчи томондан, география, сиёсат ва маданият соҳаларига оид янги ахборотларни тақдим этиш ҳисобига Ғарб кишисининг Шарққа нисбатан муносабати ва дунёқараши шакллантириб борилган.

Ғарб адиблари, драматург ва операнависларининг асарларида, айниқса, Амир Темури қиёфаси ўзига хос тарзда талқин қилинган. Айни чоғда, ғарблик қаламкашлар таянган манбаларда Соҳибқирон шахси турлича, яъни баъзан бир-бирига бутунлай қарама-қарши, баъзан эса ўта чалкаш ифода этилганини айтиб ўтиш керак. Бу, ўз навбатида, адабий-бадий асарларда ҳам Амир Темури тимсолининг ҳар хил тасвирланишига сабаб бўлган. Бундай ранг-баранглик Соҳибқирон сиймосини ғарблик ижод ва санъат намояндалари турлича идрок этганидан далолат беради.

Ўзбекистонда ҳали яхши таниш бўлмаган мусиқий сахна асари – Георг Фридрих Генделнинг (1685–1759) “Амир Темури”<sup>3</sup> операси ушбу

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси // Темури тузуқлари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 6-бет.

<sup>2</sup> Турсунова Р. Образ Амира Темури в сценических произведениях Запада // San’at, 2006, №2.

<sup>3</sup> George Frideric Handel. Tamerlano / Damma per musica in tre atti / Libretto: Nicola Francesco Haym (<http://music.genebee.msu.ru/Andrej/G.F.Hendel/Tamerlano.htm>).

фикримизнинг яққол тасдиғидир. Бу уч пардали опера Никола Франческо Хаймнинг<sup>1</sup> италян тилида басталанган либреттоси асосида яратилган. Г.Гендель ўз асарини 1724 йилнинг июль ойида, 20 кун ичида ёзиб тугатган. Опера биринчи мартаба Лондоннинг Қироллик театрида 1724 йил 31 октябрда намоиш этилган.

Хўш, Генделнинг ўзи ким бўлган? Георг Фридрих Гендель (Georg Friedrich Händel) – барокко даврининг машхур немис ва инглиз бастакори. У Германияда Иоганн Бах ва Доменико Скарлатти билан бир йилда – 1685 йил 23 февралда туғилиб, Италияда, шунингдек, Гамбург, Ганновер, Лондонда таҳсил олган ва фаолият кўрсатган, 1759 йил 14 апрелда Лондонда вафот этган. Гендель 1702 йилда Галле-Виттенберг университетининг юридик факультетига ўқишга кириб, илоҳиёт ва ҳуқуқ фанларини ўрганган. Ҳуқуқшунослик бўйича профессор Христиан Томазий<sup>2</sup> раҳбарлигида таҳсил олган бўлса ҳам, юриспруденцияга унчалик қизиқмаган.

Гендель ҳаёти давомида “Юлий Цезарь”, “Ринальдо” ва шу каби 40 тага яқин опера яратган. 1856 йили Лейпцигда Гендель жамияти тузилган. Гендель жамияти 45 йил давомида композиторнинг юз жилддан ортиқ асарларини нашрдан чиқарган. 1882–1939 йилларда Лондонда ҳам Гендель жамияти фаолият кўрсатган бўлиб, асосан Генделнинг унча машхур бўлмаган асарлари ижроси билан шуғулланган. 1955 йилда ташкил топган Галл жамиятининг Гендел нашриёти эса Генделнинг тўла асарлар тўпламини чоп этган.

“Амир Тему́р” операси яратилган ва намоиш этилган саналар Г.Гендель ҳаёти ва фаолиятининг ғоят муҳим даврига тўғри келади. Чунки айна ўша даврда, яъни 1720–1728 йилларда Г.Гендель Англияда Қироллик мусиқа академиясининг директори лавозимида фаолият олиб борган. Бу лавозимга тайинланиши билан Г.Гендель Германияга йўл олган ва Ганновер, Галл, Дрезден, Дюссельдорфдан ўз труппасига санъаткорларни жалб этиш билан шуғулланган.

Шундан сўнг бастакор опера соҳасида жўшқин фаолият бошлаган. Жумладан, қиролга бағишланган “Радамист” номли янги операсини 1720 йил 27 апрелда Хеймаркетда илк бор тақдим этган. Аммо, ўша йилнинг охирида Лондонга италиялик композитор Жованни Боноччинининг келиши ва “Астарта” операсини намоиш этиши Г.Генделнинг ижодий ютуқларига соя солган<sup>3</sup>.

Г.Гендель ўз операларини италянча услубда ёзгани боис Боноччинин билан ораларида кескин рақобат юзага келган. Қиролга нисбатан муҳолифатда бўлган ва Г.Генделга душманлик кайфияти билан ёндашган аксарият асилзодалар италиялик бастакорни қўллаб-қувватлаган. Г.Генделнинг кейинги опералари, “Юлий Цезарь”ни истисно этганда, муваффақиятсизликка учраган.

<sup>1</sup> Никола Франческо Хайм (Nicola Francesco Haym, 1678-1729) – Италияда туғилган (асл келиб чиқиши германиялик) машхур скрипкачи, либреттонавис, опера бастакори, театр бошқарувчиси ва нумизмат (чақа-танга ва медаллар тарихини ўрганувчи). У санъат соҳасида Георг Фридрих Гендель ва Жованни Баттиста Боноччини билан яқин ҳамкорлик қилган, умрининг охирини Англияда ўтказган.

<sup>2</sup> Христиан Томазий (Christian Thomasius, 1655–1728) – германиялик ҳуқуқшунос ва файласуф олим, маърифатпарвар арбоб. У 1687 йили немис тилида ҳуқуқшунослик бўйича маъруза қилган биринчи файласуф ҳисобланади. Христиан Томазий немис фалсафий атамашунослигига асос солган. Шунингдек, у “Ойлик суҳбатлар” номли илк илмий журналнинг асосчиси. Галле-Виттенберг университетини ташкил этишда ҳам иштирок этган.

<sup>3</sup> Romain Rolland. Handel. – 1916. – 204 с.

Вазиятни ўнглаш учун Г.Гендель ҳатто 1721 йил 5 майда тақдим этилган “Алессандро” номли операсига ўзаро рақиб бўлган итальян кўшиқчилари Фаустино Бордони ва Франческо Куццонини жалб этган. Бизнингча, худди шу кескин ижодий беллашув жараёнлари Г.Генделни зафар ва ғалабалар тимсоли – Амир Темур сиймосига мурожаат этишга туртки берган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

“Амир Темур” операсининг асл манбаси – Агостине Пиовене<sup>1</sup> қаламига мансуб бўлиб, мазкур либретто матни Н.Хайм томонидан қайта ишлаб чиқилган. Опера мусиқаси эса Франческо Гаспарини<sup>2</sup>га тегишлидир. Маълумки, Ф.Гаспарини ижодининг етук палласида, 49 ёшида “Амир Темур” операсини яратган.

Антонио Вивальди<sup>3</sup> 1735 йили ўзининг “Амир Темур” мусиқасини яратишда итальян композитори А.Пиовене либреттосидан фойдаланган. А.Пиовене ҳам ўз асарини ёзишда Пьер Корнелнинг шогирди ва ҳамшаҳри, француз драматурги Жак (баъзан – Никола) Прадон (Jacques Pradon) (1644–1698) томонидан 1676 йилда ёзилган “Амир Темур ёхуд Боязиднинг ўлими”<sup>4</sup> трагедиясидан илҳомланган.

Баъзи манбаларда Г.Гендель инглиз драматурги ва шоири Николас Роунинг “Амир Темур” операсидан ҳам руҳланган бўлиши мумкинлиги қайд этилган<sup>5</sup>. Соҳибқиронга бағишланган сахна асарлари орасида алоҳида ўрин тутадиган ушбу пьеса машҳурлиги ва аҳамияти нуктаи назаридан В.Шекспирнинг мумтоз асарлари билан бемалол беллашган. Эътиборли жиҳати шундаки, пьесада Амир Темур образини талқин этишда қахрамонлик мавзуси билан бирга яна бир мавзу – бош қахрамон билан Астерия (Боязиднинг қизи) ўртасидаги муҳаббат кечинмалари юксак пардаларда тараннум этилган.

Бу мавзуни очиб беришда А.Пиовененинг “Амир Темур” либреттоси (1711) оммабоплиги билан ажралиб турган. Пиовене либреттоси асосига кейинчалик 15 нафар композитор ўз кўшимчаларини киритган ҳолда, жумладан, 1720 йилда – Фортунато Челлери, 1722 йилда – Леонардо Лео, 1728 йилда – Жовани Антонио Нини, 1730 йилда – Николо Порпора, 1735 йилда – Антонио Вивальди, 1754 йилда – Ж.Бернаскони, 1764 йилда – Ж.Сколари ва Петро Гуглиельми, 1773 йилда – Антонио Саккини, 1796 йилда – Фердинандо Пайер, 1818 йилда – Жовани Тадонини, 1824 йилда – Антонио Сапиенца ўзларининг сахна асарларини намоиш этган.

А.Пиовене либреттосига биринчилардан бўлиб эътибор қаратган композиторлар – Марк Антонио Зиани (1689), Франческо Гаспарини (1717) ва Георг Фридрих Гендель (1724) ҳисобланади. Г.Гендель ўз опе-

<sup>1</sup> Агостине Пиовене (Agostino Piovene, 1671–1721) – италиялик бастакор, драматург, либреттонавис.

<sup>2</sup> Франческо Гаспарини (Francesco Gasparini, 1668–1727) – италиялик, барокко даврнинг машҳур бастакори.

<sup>3</sup> Антонио Лючио Вивальди (Antonio Lucio Vivaldi) – 1678 йил 4 мартда Венецияда туғилган ва 1741 йил 28 июлда, 63 ёшида Венада вафот этган. XVIII асрнинг энг забардаст итальян бастакори, машҳур “Йил фасллари” мусиқий асарининг муаллифи, мусиқашунос олим, скрипкачи, педагог, дирижёр, католик руҳоний. Ун ёшидан скрипка чалишни ўрганган Вивальди бу йўналишда “ломбард” деб номланган янги ижро усулини кашф этган ва мусиқа тарихида итальян скрипка сози ижрочилигининг ўз давридаги йирик намоёндаси сифатида ном қолдирган. Антонио Вивальди ғоят сермахсул композитор бўлиб, 90 та опера, 500 та концерт муаллифи ҳисобланади. Меркурий сайёрасидаги кратерлардан бирига ва Италиянинг Сиена институтига Антонио Вивальди номи берилган. Қаранг: Вирджилио Боккарди. Вивальди. – М.: Молодая гвардия, 2007. – С.272.

<sup>4</sup> Jacques Pradon. Tamerlan, ou la Mort de Bajazet, Lyon. 1676. 72 pages.

<sup>5</sup> Турсунова Р. Образ Амира Темура в сценических произведениях Запада // San'at, 2006, №2 .

раси устида иш бошлаш олдидан Антонио Салви<sup>1</sup>нинг италян тилида басталанган либреттоси асосида яратилган Алессандро Скарлаттининг “Буюк Амир Темур” операси билан ҳам танишган бўлса ажаб эмас. Чунки ушбу либретто ҳам Ж.Прадон пьесасидан олинган бўлиб, Флоренцияда 1706 йили намойиш этилган. Г.Гендель эса ўша йиллари Флоренцияда бўлгани маълум.

Ушбу операнинг дастлабки ижрочилари Италия опера театридаги энг атоқли кўшиқчилар бўлган. Яккаҳон ижрочи айтадиган қисмларни тенор – Франческо Борозини (Боязид), альт – Антонио Берначчо (Амир Темур), сопрано – Мария Бенти Булгарелли (Астерия), сопрано – Фаульстина Бордони (Ирен) каби машхур санъаткорлар ижро этган<sup>2</sup>. Табиийки, уларнинг ижро маҳорати ҳам операнинг муваффақият қозонишида муҳим аҳамият касб этган.

1724 йилда Қироллик консерваториясининг олтинчи мавсуми Г.Генделнинг “Амир Темур” операси билан очилган. Театр жамоасининг ижрочилар гуруҳига опера театри юлдузлари Андреа Пакини (Амир Темур), Франциска Куццони (Астерия), Анна Виценза Дотти (Ирен), аввалги таркибдан эса тенор – Франческо Борозини (Боязид) таклиф этилган.

Г.Гендель операсида тараннум этилган мураккаб сюжет чизигидаги воқеалар музаффар Соҳибқирон Амир Темур ва унга асир тушган Усмонли турклар султони Боязид Йилдирим ўртасида бўлиб ўтади. Воқеалар санаси – 1402 йил, воқеалар кечадиган жой – Анатолиянинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Бурса шаҳри. Опера французча увертюра<sup>3</sup> ва менуэт<sup>4</sup> билан бошланади.

Ғарбда қарийб 300 йил олдин яратилган ва ўтган даврда Ғарбнинг ўнлаб пойтахтлари театрларида мунтазам намойиш этиб келинаётган бу машхур операда Амир Темур тимсоли куч-қудратли, имон-эътиқодли, меҳр-оқибатли ва юксак маданиятли буюк шахс сифатида ижобий талқин қилинган.

*Акмал САИДОВ,  
профессор*



<sup>1</sup> Антонио Сальви (Antonio Salvi, 1664–1724) – Тосканиа буюк герцоглигида даргоҳ вакили ва либреттонавис.

<sup>2</sup> Турсунова Р. Образ Амира Темура в сценических произведениях Запада // San'at, 2006, №2.

<sup>3</sup> Увертюра – сахна асари, кинофильм кабиларнинг бошланиши олдидан ижро этиладиган мусиқали муқаддима; опера увертюраси, операнинг мусиқали муқаддимаси; оркестр учун ёзилган соната шаклидаги мустақил концерт асари.

<sup>4</sup> Менуэт – французча қадимий ракс ва унинг мусиқаси.



## НОРВЕГИЯ ҚИРОЛЛИГИ



Мустақиллик санаси –  
1905 йил 26 октябрь  
Пойтахти – Осло  
Майдони – 385 186 км<sup>2</sup>  
Аҳолиси – 5 063 709  
киши

Давлат тили – норвег тили



Худудининг қарийб учдан икки қисми тоғлардан иборат бўлган Норвегия Шимолий Европада жойлашган. Аҳолисининг 90 фоиздан зиёди норвеглар. Саамлар, квенлар, шведлар, данлар, немислар ва бошқалар ҳам яшайди. Конституцияли монархия ҳисобланувчи Норвегияда 1814 йил 17 майда қабул қилинган Конституция амал қилади.

Норвегларнинг ҳаёти азалдан денгиз билан боғлиқ ҳолда кечган. Довжураклиги билан ном қозонган викинглар, яъни ҳарбий денгиз аскарларининг уммон билан кураши кўплаб бадий асарларга асос бўлган. Мамлакатнинг номи ҳам “норвег” – “шимолий йўл”, “денгиз йўли” маъносини билдиради.

Дунё маданиятида муносиб ўрин эгаллаган Норвегия адабиёти, санъати Бьёрнстерне Бьёрнсон, Кнут Ҳамсун, Сигрид Унсет сингари Нобель мукофотига сазовор бўлган адиблари, Даг Сульстад, Тур Обрестад, Эльдрид Лунден, Ҳенрик Ибсен, Юн Фоссе каби машҳур ёзувчилари, Фартейн Вален, Эдвард Григга ўхшаш доврукли мусиқашунослари, Тур Ҳейердалдек жаҳонга машҳур саёҳатчи-тадқиқотчилари билан ҳақли равишда фахрланади.

### Адабиёт

Норвег адабиёти букмол ва янги норвег тилида ёзилган асарларни ўз ичига олади. Норвег адабиётининг тарихи мажусий эддик ва скалдик шеърятга (IX–X асрлар) бориб тақалади. “Кичик Эдда” ва “Катта Эдда” энг қадимги скандинав адабий ёдгорликлари норвег, исланд ва Дания адабиётларига барабар даражада дахлдордир.

Норвегияда 1500дан кўпроқ ана шундай адабий ёдгорликлар мавжуд. Норвег рунологи А.Листёлем уларни бир тизимга солиб, тадрижий ривожини тартибга келтирган. Шундай ёдгорликлардан бири 1870 йилда Вестфоллда топилган. 1000 йиллар атрофида насронийлик кириб келиши билан Норвегия бошқа Европа маданиятлари билан алоқа ўрната бошлайди.

XIV–XIX асрлар мобайнида Норвегия адабиётида қоронғи давр ҳукм суради. Людвиг Холоберг каби ёзувчилар Дания ва бошқа турдош мамлакатлар адабиёти ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшди. XIX аср бошида миллий ҳаракатлар уйғониши ва мустақиллик учун кураш авж олиши муносабати билан норвег адабиётида янги давр бошланди. Драматург Ҳенрик Варгеланн ва ёзувчи Ҳенрик Ибсен Норвегия адабиётининг Фарбий Европа адабиётида муносиб ўрин эгаллашларига имкон берди. XX асрда эса икки Нобель мукофоти совриндори: Кнут Ҳамсун ва Сигрид Унсет норвег адабиётининг энг кўзга кўринган вакиллари сифатида намоён бўлди.

Илк ўрта аср норвег адабий ёдгорликлари ичида қонун битиклари алоҳида ўрин тутди. “Норвегия диндорларига раддия” асари XIV аср бошида яратилган. Кейинги икки асрда халқ оғзаки ижодида силжишлар рўй берди – янги баллада жанри кенг оммалашди. Ана шундай балладалар тўпламини XIX аср ўрталарида ношир М.Ланет нашр эттирди. Қахрамонлик балладалари ичида “Роланд ва қирол Магнус” номли қадимги эддин қўшиқлари халқ ичида кенг ёйилди. Балладалар ҳам мавзусига қараб турли жанрларга бўлинади.

Абсалон Педерсен Бейернинг (1529–1574) “Норвегия давлати ҳақида” ватанпарварлик ва тарихий мавзудаги китобининг чоп этилиши (1567) норвег адабиётида чинакам таракқиётнинг янги эврилишини намоён этди. Педерсен яна 1552–1572 йиллардаги воқеаларни қамраб олган “Берген мағлубияти китоби”ни ёзди. Берген маданий марказга айланиб бўлган ва адабий ҳаёт айнан шу ердай қайнай бошлаганди.

Янги давр норвег адабиёти сирасида биринчилардан бўлиб шоир Петтер Дасс (1647–1707) кўзга ташланади. Унинг “Нурланн садоси” достони рангин оҳангларда, гоҳо кулгили саҳналар тасвирлаб ёзилган, унда норвег деҳқонларининг турмуши ва урф-одатлари кенг ифода этилган. Дасс ўзи капеллан (уй рухонийси), мураббий ва черков мутасаддиси бўлганидан халқ ҳаётини чуқур билар ва халқ дардини ҳис этар эди.

Тарихда биринчи таниқли норвег адибаси ва шоираси Доротея Энгельбретедаттер бу давр адабиётида ўзининг айрича ўрнига эга. У асосан диний руҳда асарлар ёзган. Доротея эрта бева қолади, тўққиз фарзанддан еттитаси нобуд бўлади, иккитаси бедарак йўқолади. Унинг “Aften Psalme” достони шоиранинг айнан мана шу жудолик дардлари билан тўлиб-тошгани ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Асарларини ўзининг ҳисобидан чиқаргани боис Доротея Норвегиянинг биринчи санъаткор адибаси сифатида ном қозонган.



Иқтисодиётдаги жонланиш XVIII аср норвег адабий ҳаётида ҳам сезилади. 1772 йилда Копенгагенда “Норвегия жамияти” ташкил этилиши миллий норвег адабиёти шаклланишига олиб келди. Мазкур жамиятга норвег адиби ва шоири Уве Мейер (инглиз-рус) (1742–1790) асос солган эди. Мейер адабиётда у қадар катта муваффақиятларга эришмаган бўлса-да, у асос солган Норвегия адабий жамияти унинг номи абадият касб этиши учун етарли бўлди. Жамиятнинг биринчи йиғини мадам Юэлнинг қахвахонасида кизгин нутқлар, маърузалар, мушоира ва мубоҳасалар билан бўлиб ўтади.

Романтиколди давр норвег адабиётининг энг таниқли вакили Йохан Вассель эди, у қатор ҳажвий дoston ва рисоалар ижод қилди. Худди шундай ижодкорлардан яна бири драматург Ю. Браун (1745–1816) бўлиб, у тарихий мавзуда биринчи норвег трагедияси “Эйнар Тамбешельвер”ни яратди (1772). Ижодкор кўплаб ватанпарварлик руҳидаги шеърлар ҳам ёзди, унинг “Жангчилар юрти Норвегияга атаб...” шеъри миллий кўшиққа айланган. Мазкур кўшиқни “Норвегия Марсельезаси” деб ҳам атайдилар.

Миллий адабиёт тикланишига икки воқеа сабаб бўлди. Биринчидан, 1811 йил Христиания университетига асос солинди (кейинчалик Осло университети деб қайта номланган). Иккинчидан, Дания билан кўп йиллик уния (иттифок)дан кейин (1380–1814) Норвегия 1814 йил Эйдаволлда ўзининг биринчи Конституциясини тасдиқлади. Уния вақтида норвег тили ўрнига дания тили қўллангани сабаби не эканини шундан билса бўлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан норвег мусиқаси, тасвирий санъати ва адабиёти гуллаб-яшнади. Ибсен, Бьёрнсон ва Ҳамсун сингари жаҳоншумул адиблар бутун дунё ўқувчиларини ром этди ҳамда нуфузли мукофотларга сазовор бўлди. Уларнинг издошлари Сигрид Унсет, Сигурд Хуль ва Юхан Борген норвег адабиётини ҳар томонлама бойитди ва жаҳонда етакчи ижодкорлар сифатида эътироф топди.

Шуни айтиш жоизки, Ҳенрик Ибсен, Бьёрнстьерне Бьёрнсон, Александр Хелани ва Юнас Лани “буюк тўртлик” деб атайдилар.

Шубҳасиз, норвег адабиётининг энг машҳур вакили Кнут Ҳамсун ижодини гапирмай ўтишнинг иложи йўқ. У ижодини шеърятдан бошлайди. Бироқ 1890 йилда у ёзган “Очарчилик” қиссаси адибга фақат Норвегияда эмас, ундан ташқарида ҳам катта шухрат олиб келди. Ҳамсуннинг қахрамонини Достоевский қахрамонлари билан қиёс қилишади. Ёзувчи норвег адабиётидаги модернизмнинг энг йирик вакили деб тан олинади. Унинг услуби таъсирини кейинчалик Ж.Жойс, Пруст ва Виржиния Вульф асарларида кўриш мумкин. “Ер мевалари” (1917) ёзувчи ижодий фаолиятининг энг юқори чўққиси бўлиб, айнан шу асари учун у Нобель мукофоти (1920) лойиқ кўрилди. Бир мамлакатнинг ўзидан уч нафар ижодкор Нобель мукофоти совриндори бўлишининг ўзиёқ Норвегияда миллий адабиёт қай даражада тараққий топганини айтиб турибди: 1903 йил – Бьёрстерне Бьёрнсон, 1920 йил – Кнут Ҳамсун, 1928 йил – Сигрид Унсет.

Бундан ташқари, Норвегиянинг ўзида ўн уч адабий мукофот борлиги ҳам ушбу мамлакатда умуман ижодкор халқига эътибор ва ғамхўрлик аъло даражада эканини кўрсатади.

*Амир ФАЙЗУЛЛА  
тайёрлади*



## Театр

Норвег профессионал театр санъатининг шаклланиши драматург Ҳенрик Ибсен (1828–1906) номи билан бевосита боғлиқ. 1850 йили Берген шаҳрида композитор

Уле Булль ташаббуси билан Миллий театр очилади. Илдизлари XVIII асрга бориб тақаладиган ушбу ҳаваскорлик труппасида 1791–1793 йилларда илк маротаба “Оролдаги республика” ҳамда “Эйнар Тамбе-шельвер” (Брун) номли миллий тарихий трагедиялар ўйналган. 1852 йили Уле Булль Ҳ.Ибсенни театрга режиссёр ва драматург сифатида ишга таклиф қилади. Айтиш мумкинки, ушбу ҳаваскорлик жамоасининг профессионал театрга айланишида Ҳ.Ибсеннинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди. 1857 йили Ибсенни Христианиядаги (Ослонинг қадимги номи) норвег театрини бошқаришга таклиф қилишади. Миллий театрга эса драматург Бьёрнстjerne Бьёрнсон раҳбар этиб тайинланади. Норвег Миллий театрига 1876 йилдан “Миллий сахна” номи берилади.

Христианиядаги норвег театри 1854 йили ташкил этилган. Бирок худди Бергендаги каби Христианияда ҳам XVIII асрдаёқ ҳаваскорлик тўғараклари мавжуд бўлиб, уларнинг энг йирикларидан бири – 1780 йилда таркиб топган “Драма жамияти” дир. Айтиш пайтда Христианияда шаҳар театри ҳам мавжуд бўлиб, янги ташкил этилган норвег театри у билан рақобатчи эди. Маҳаллий ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланган Христиания театри жуда катта мавқега эга бўлиб, асосан Дания маданиятини тарғиб қилувчи асарларни сахналаштирарди. Репертуарига бирорта ҳам норвег миллий драматургияси киритилмаган, ҳатто Ибсен ва Бьёрнсон пьесалари ҳам маблағ етишмаслиги баҳонасида сахналаштирилмаган. Бу ҳолатдан қаттиқ ранжиган Ибсен миллий драматургияни ривожлантириш, норвег тилидаги пьесаларни сахналаштиришга жиддий эътибор қаратиш тўғрисида қатор мақолалар эълон қилади. Ҳукумат идоралари унга эътибор бермайди, аксинча янги театрни моддий жиҳатдан чеклаб қўяди. Ибсен ҳар икки жамоани бирлаштириш таклифи билан чиқа бошлайди. Ниҳоят, 1863 йили унинг нияти амалга ошиб, иккала труппа бирлашади. Бирок бу билан соф миллий театрни ташкил этиш масаласи ҳал бўлиб қолмайди. 1870 йили кўпчилик актёрлар театрдан кетиб, Бьёрнсон раҳбарлигида мустақил труппа ташкил бўлади. 1899 йили Христиания театри тарқаб кетади ва унинг етакчи актёрлари шу йили Ослода ташкил топган Миллий театрга ишга ўтади. Ушбу театр Норвегиянинг энг йирик маданий марказларидан бирига айланади.

Норвег миллий театри XX асрда тўла маънода ўзининг бадиий кифасига эга бўлди. Ушбу театрдан бугунги кунда жаҳон театрлари сахналарини забт этган машҳур драматург, актёр ва режиссёрлар етишиб чиқди.

Бугунги кунда мамлакатда фаолият юритаётган Осло Янги театри, Ибсен номидаги театр, Опера театри ва бошқа жамоаларда қизғин ижо-



дий жараёнлар кечмоқда. Уларнинг репертуаридан Шекспир, Шиллер, Мольер, Гёте, Чехов, Тургенов, Пушкин, Ибсен, Пристли, Сартр, Бальзак, Брехт асарлари билан бир қаторда, янги модернистик руҳдаги замонавий спектакллар ҳам ўрин эгаллаган.

## Кино



Норвегия кино санъатининг тарихи, ривожланиш ва шаклланиш жараёнлари XX аср бошларига бориб тақалади. Норвегия кинофильмлари ҳаётийлиги, қаҳрамонларининг содда ва самимийлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, мамлакатнинг тараққиёт жараёнлари акс этган фильмларнинг кўплиги ҳам Норвегия киносининг аҳамиятли жиҳатларидан ҳисобланади.

Норвегия кино тарихи 1906 йили режиссёр Хуго Хермансен суратга олган “Балиқчиларнинг хавф-хатарга тўла ҳаёти” ва “Денгиздаги можаро” фильмларининг яратилиши билан бошланади. 1911 йили Хальфдан Нобель Роедининг “Қашшоқлик қарғиши” фильми суратга олинади. Айтарли маълумотлар сақланиб қолмаган бўлса-да, ушбу фильмлар норвег кино санъатининг дастлабки намуналари сифатида қадрли.

1920 йилларга келиб Норвегия кино санъати фаол ривожланиш йўлига ўтди. Бунда жаҳон кинематографиясида юз бераётган ўзгариш ва янгиликларнинг ҳам таъсири катта бўлган. Айниқса 1920 йилда Расмуса Брейстей суратга олган “Лўли қиз Анна” фильми Норвегия кино санъатида сифат ўзгаришлари рўй бераётганлигини кўрсатди.

Даставвал Норвегия фильмларида катта шаҳарлардаги қизғин ҳаёт манзаралари тасвирланган бўлса, кейинчалик қишлоқ ҳаёти, деҳқонларнинг турмуш тарзи ва ҳис-туйғуларига эътибор қаратила бошланди. 1931 йили “Буюк чўқинтириш” (реж. Танкред Ибсен) фильмнинг яратилиши билан биринчи норвег овозли киноси дунёга келади. 1930–39 йиллар Норвегия кино тарихида “олтин давр” деб баҳоланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпгина машҳур адабий асарларнинг экранлаштирилиши, уларда маҳоратли актёрларнинг роль ижро этиши норвег кино санъатининг ривожига катта туртки берди.

Норвегия фашистлар томонидан ишғол қилинган, гарчи қаттиқ назорат остида бўлса-да, турли кўнгилочар фильмларни оммавий равишда намойиш этиш йўлга қўйилади. Қизиғи шундаки, айнан шу даврда умуммиллий кинематография сиёсати билан шуғулланувчи Давлат кинематография дирекцияси ташкил қилинади. Режиссёр Лейф Синдинг дирекциянинг бош директори этиб тайинланади. Маълумотларда келтирилишича, уруш даврида ушбу дирекция фондида ўн миллион норвегия крони миқдорида маблағ тўпланган. Бу ҳолат уруш пайтида ҳам томошабинларнинг кино санъатига бўлган қизиқиши юқори бўлганлигини кўрсатади.

Урушдан кейинги даврда Норвегия киноижодкорлари сафига янги авлод вакилларининг қўшилиши билан ижодий жараён янада жонланади. Айниқса 1949–1959 йиллар давомида турли мавзуларда ўндан ортик



фильм суратга олган Норвегиянинг биринчи аёл кинорежиссёри Эдит Карлмарнинг ижоди мухлисларда катта қизиқиш уйғотади. Бугунги кунда ушбу картиналар Норвегия кино санъатининг мумтоз намуналари сифатида кадрлаб келинади. Эдит Карлмарнинг сўнгги картинаси бўлган “Қизлар парвози” фильмида бош қахрамон ролини ижро этган Лив Ульманн кейинчалик Норвегиянинг энг машхур актрисаси ва режиссёри сифатида ном қозонади. Жумладан, унинг 2000 йили суратга олган “Бевафо” фильми Канн халқаро фестивалида намоиш этилган. Лив Ульманн билан бир вақтда ижодини бошлаган Арне Скоуен ўз фаолияти давомида ўн етита фильм суратга олиб, норвег кино санъатида алоҳида мавқега эга бўлди. Унинг 1957 йили “Оскар” мукофотига тавсия этилган “Тўққизта ҳаёт” фильми норвег кинематографиясининг энг яхши намунаси сифатида шу кунгача турли анжуманларда намоиш этиб келинади.

Урушдан кейинги давр Норвегия кинематографияси тарихида яна икки ижодкорнинг номи алоҳида тилга олинади. Шулардан бири Иво Каприно бўлиб, у 1948 йилда кўғирчоқлар ёрдамида фильм яратиш тажрибасини бошлайди ва Норвегия анимация фильмларининг етакчи намоёндасига айланади. Капринонинг машхур кўғирчоқ фильми “Флоклюпа Гран-При” шу кунгача севиб томоша қилинади. Яна бир истеъдодли режиссёр Тур Хейердалнинг 1947 йили Тинч океани бўйлаб ўтказган экспедицияси давомида суратга олган “Кон-Тики” фильми 1952 йилда “энг яхши хужжатли фильм” деб топилиб, “Оскар” мукофоти билан тақдирланади.

1960 йилдан бошлаб Норвегия кинематографиясига кўплаб ёш, профессионал режиссёр ва актёрларнинг кириб келиши ижодий жараёнга сезиларли таъсир ўтказди. Бу даврда “Овчи” (реж. Эрик Лёкен), “Лив” ва “Чиқиш” (реж. Пол Локкебер) каби фильмлар суратга олинади. Кинотеатрларда кўпроқ Норвегия ҳаётидан олинган комедия ва бошқа жанрдаги хорижий фильмлар намоиш этилади.


1970 йилдан ёшларни катта ҳаётга чорлайдиган, уларнинг қалбида эркин, фаровон ва осуда турмуш тарзига интилиш ҳиссини уйғотадиган, тарбиявий аҳамиятга молик фильмларни суратга олиш ҳаракатлари сезилади. Бироқ 1980 йилларнинг бошларига келиб, ижтимоий мавзудаги фильмлар томошабинларни зериктира бошлайди. Бу ҳолат турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Натижада, томошабинларни қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган фильмлар суратга олиш ҳаракатлари бошланиб кетади. Бу даврда яратилган фильмлар орасида “Орионнинг камари” (реж. О.Солум), “Йўл бошловчи” (реж. Н. Гауп) сингари фильмлар нафақат Норвегияда, балки чет элларда ҳам ижобий баҳоланади. “Йўл бошловчи” фильми 1988 йил “Оскар” мукофотига тавсия қилинади. Шунингдек, 1980–90 йилларда экранга чиқарилган “Оз қолган вақт” (реж. М.Аспхауг), “Дарбадарлар” (реж. О.Солум), “Осмондан юқорида” (реж. Б.Несхейм), “Стелла Поллярис” (реж. К.Э.Йенсен), “Телеграфчи” (реж. Э.Густавсон), “Орзулар ўйини” (реж. У.Страум), “Юракка қадалган ўн ханжар” (реж. М.Холст) сингари қатор фильмлар янги авлод вакиллари ижодий изланишлари самараси бўлди. 1997 йили Берит Несхейм суратга олган “Якшанбанинг бошқа жиҳати” фильми “энг яхши чет эл фильми” номинацияси бўйича “Оскар” мукофотига тавсия этилди. Худди шу йили Пол Слетауннинг “Хабар элтувчи” фильми Канн халқаро кино фестивалида бош совринни кўлга киритди.

Норвегия кино ижодкорлари бугунги кунда ҳам тўлиқ ва қисқа метражли фильмлари билан турли халқаро фестивалларда муваффақиятли

иштирок этиб келишмоқда. XX аср бошларига келиб Норвегия кино ишлаб чиқариш бўйича энг юқори натижаларни қўлга киритди. Бу муваффақиятларга эришишда асосан кино санъатини молиялаштиришнинг янги шакллари жорий қилиниши, хусусан, Норвегия Фильмларни молиялаштириш жамғармасининг ташкил этилиши, малакали кадрлардан тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим омил саналади.

*Фахриддин АБДУВОҲИДОВ*  
*тайёрлади*

## Муסיқа



Норвегияда муסיқа санъати жуда қадимда юзага келган бўлиб, ўзига хос норвег халқ кўшиқлари (қахрамонлик ва муҳаббат кўшиқлари, қисса-кўшиқлар, чўпон ва балиқчи кўшиқлари), рақслар (халлинг, спрингтар ва б.), чолғу куйлари (люарслотт ва б.) кенг ёйилган. Норвегия ҳудудидан милоддан аввалги II асрга тегишли жездан ясалган най топилиши ҳамда қадимги печка деворига ўйиб ишланган муסיқа асбобининг тасвири норвег халқининг жуда қадимдан муסיқага ошуфта эканлигидан далолат беради. Азалий чолғу асбоблари бўлган буккехорн (эчки шохи), приллар (буқа шохи), селье (найнинг бир тури), хартингфеле (скрипканинг бир тури) ва бошқа миллий муסיқа асбобларидан ҳозир ҳам фольклор ансамблларда фойдаланилади. Норвег халқ оғзаки ижоди намунаси бўлган “Катта Эдда” достонида ҳам қадимий арфа ҳақида маълумот берилган.

Ўрта асрлар норвег муסיқаси асосан шимолий олмон халқлари муסיқаси анъаналари таъсирида ривожланган. XII асрга тегишли бўлган католик черкови деворларида сайёр скрипкачилар суратлари тасвирланган. Шу билан бирга, бу даврда католик черкови миссионерлари бўлган даниялик ва немис муסיқачилари ҳам Норвегияда фаолият олиб борганлар. XVI асрда сайёр бахши (зингмейстер)лар, мохир скрипкачилар, органчилар бўлган. Айниқса, Ҳардинг тумани аҳолиси томонидан яратилган скрипкада норвег халқ куйлари севиб ижро қилинган. Ушбу скрипкани туман номи билан боғлаб, “хардингфеле” деб аташган (“феле” сўзи норвег тилида “скрипка” маъносини билдиради).

XVIII асрда Тронхейм шаҳрида машҳур норвег композиторлари ота ва бола Берлинлар, Христиания шаҳрида Линнеманлар оиласи миллий муסיқа билан шуғулланганлар. Шу билан бирга, XVIII аср охири–XIX аср бошларида Ф.Грот, А. Флинтенберг, Ф.Фогель, Л.М.Линнеман каби композитор, дирижёр ва муסיқа назариётчилари ижод қилган. 1850–1860 йилларда Х.Хьерульф, У.Булль, Р.Нурдрок ва бошқалар миллий муסיқа мактабини яратганлар.

Шулардан бири Уле Борнемен Булль (1810–1880) ҳам композитор, ҳам скрипкачи бўлган. У 9 ёшидан бошлаб норвег халқининг миллий куйларини скрипкада ижро қила бошлаган. Унинг “Сетерни излаб” муסיкий асари халқ орасида шуҳрат қозонган.

Буюк норвег мусикашуноси Эдвард Хагеруп Григ ижоди ва ижтимоий фаолияти норвег мусика маданиятининг ривожланишига катта таъсир ўтказган. У 1843 йилнинг 15 июнида Норвегиянинг Берген шаҳрида шотланд оиласида туғилган. Унинг отаси композитор, онаси пианиночи бўлиб, акаси Жон эса Лейпциг консерваториясини тугатган эди. Эдвард акаси изидан бориб, Лейпциг консерваториясига ўқишга киради ва 1862 йилда уни тугатиб, дастлаб Даниядаги мусика академиясида дирижёр ёрдамчиси сифатида иш бошлайди. Аммо кейинчалик Эдвард норвег халқ мусикасини жаҳон санъат саҳнасига олиб чиқишни орзу қилиб, ўз ватанига қайтади. Уле Булль изидан бориб, норвег халқининг миллий мусикаси асосида куйлар басталай бошлайди. У Христианияда 1867 йили Норвег мусика академиясини, 1871 йили мусика жамиятини ташкил қилган. Пианиночи ва дирижёр сифатида Европанинг бир қатор мамлакатларида концерт бериб, норвег миллий композиторлари асарларини тарғиб қилган. Э. Григ норвег халқ куйлари асосида кўплаб мусикий асарлар яратган. Жумладан, “Норвег рақслари”, “25 та халқ рақс ва кўшиғи” каби асарлари машҳур бўлган. Ўзбекистон филармониясида ҳам фортепиано ва оркестр учун концерти, “Пер Гюнт” сюитаси ва камер асарлари ижро этилмоқда.

Григнинг шогирди истеъдодли дирижёр ва композитор Юхан Хальварсен (1869–1925) ўз устози билан биргаликда 1901 йили норвег халқ рақси асосида “Слотти” мусикий асарини яратган. У Ослодаги Миллий театрда дирижёр бўлиб ишлаган. Кристиан Синдинг (1856–1941) ижоди ҳам қизиқарли бўлиб, у умри давомида 2 та опера, 4 та симфония, 250 дан ортиқ романс яратган. Аммо унинг мусикий асарларида немис мусикасининг таъсири кучли ҳисобланади.

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Катарина Эллинг (1858–1942), Арне Эгген (1881–1955), Эйвинд Альнес (1872–1932), Юханнес Хорклоу (1847–1925), Сверре Юрдан каби норвег композиторлари яшаб ижод қилганлар.

Композитор Фартейн Вален (1887–1952) замонавий норвег мусикасига асос солган. У 1910 йилда Берлинга келиб немис композитори М. Брухдан мусика илми бўйича таълим олган, немис классиги А. Шёнберг ижоди билан яқиндан танишган. Улар ижодий ҳамкорликда ишлаб, 1924 йилда фортепианода ижро этиладиган уч кишилик мусикий ансамбль тузганлар. Аммо Ф. Вален мустақил тарзда А. Шёнбергнинг бир куйни турли овоз билан бирин-кетин такрорлаш усулидан воз кечиб, кўп овозли мусикий асарлар яратган. XX асрнинг 30-йилларида чўпонлар ҳаётини тасвирлаган “Пастораль” номли мусикий асар, “Микеланжело сонатаси”, “Денгиздаги қабристон”, “Осуда қирғоқ” каби симфоник асарлар ёзган. Нафис ва назокатли бўлган Ф. Вален асарлари норвег мусикасида янги йўналишга йўл очди. Бу вақтда Норвегия мусикасида асосан неоклассицизмга яқин бўлган мусикий асарлар устувор эди. Шунингдек, А. Валеннинг замондоши бўлган Людвиг Йенсен (1894–1969) ҳам замонавий, ҳам классик йўналишда ижод қилган. Унинг сермулоҳаза, жиддий мусикий асарларидан “Пасскалия” (1926), “Симфоник партита” (1939), “Ватанга қайтиш” (1930) кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шунингдек, XX аср ўрталарида Х.Северуд, К.Эгге, Л.Йенсен, А.Янсон, Л.Нильсен каби композиторлар ижоди сермахсул бўлган. Мусика маданиятини тарғиб этиш ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида Ослода Норвегия опера театри (балет труппаси билан),

Осло ва Бергенда консерватория, Тронхеймда Олий мусиқа мактаби ва бошқалар ташкил қилинган.

Норвегиянинг Осло, Берген, Тронхейм, Ставангер каби бир қатор шаҳарларида оркестрлар тузилган бўлиб, уларда О.Грюнер-Хегге, Э.Фьельстад, М.Каридис каби машҳур дирижёрлар ижод қилишган. Ушбу оркестрлар ҳар йили Европа ва Америка мамлакатлари бўйлаб гастрол сафарлари уюштириб, норвег маданияти ва санъатини дунёга танитишда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Норвегия замонавий мусиқа санъати бўйича турли халқаро фестиваллар ўтказиладиган мамлакат сифатида ҳам дунёга танилган. Жумладан, жаз ҳамда камер мусиқа фестивалларининг ўтказилиши Норвегиянинг мусиқа санъати марказларидан бири сифатида рейтингини янада оширди. Ушбу фестиваллар доирасида ўн кун давомида бутун мамлакат бўйлаб дунё халқлари мусиқаларидан тузилган ранг-баранг концертлар ташкил қилинади.

## Меъморчилик

Бугунги кунда Норвегияда ўрта асрлар меъморлик санъатининг жуда кўп нодир ёдгорликлари сақланиб қолган. Бу ёдгорликлар, айниқса, монументал меъморлик санъати ўрта асрлар



ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Ўрта асрларда Норвегияда ёғоч меъморчилиги ривожланди, кўш синчли ибодатхона (“ставкирка”)лар туркуми вужудга келди. Ушбу услубда қурилган черковлардан Урнес ва Бергендаги черковларни мисол келтириш мумкин. Бу бинолар ташқи кўринишидан содда, лекин ичи ниҳоятда нафис ва серҳашамдир. Меъморлар ёрқин, сержило мармар, олтин ва шунга ўхшаш қимматбаҳо материаллардан кенг фойдаланган. Нур ва соянинг хона ичидаги уйғунлиги иморатга алоҳида сирли тус берган.

XII–XVI асрлардаги ғиштин иморатларда роман ва готика меъморчилигининг таъсири сезилади. Бу бинолар бирмунча паст, деворлари ҳам қалин ва мустаҳкам, эшик, дераза ва дарвозалари энсиз, устунлар йўғон.

Бергендаги XVI–XVII асрга мансуб Розенкранц минорасида Уйғониш даври анъаналарини кузатиш мумкин. Сен-Фрундаги XVII асрга оид черковда барокко ва роккоко услублари яққол намоён бўлган.

Тронхеймдаги XIX асрга мансуб қирол қароргоҳида классицизм меъморчилиги унсурларидан кенг фойдаланилган.

XX асрга келиб Норвегия меъморчилигида ҳам замонавий услублар қарор топа бошлади. XX аср бошларида функционализм (Ослодаги “Скансен” ресторани, меъмор Л.Баккер) усули устунлик қилди. Кейинги ўн йилликларда Ослодаги ратуша (меъморлар: А.Арнеберг ва М.Поульсон), “Викинг” меҳмонхонаси (меъмор К.Кнутсен), Ҳукумат уйи (меъмор Э.Викше), Ховикаддендаги музей (меъморлар: И. Эйквар, С.Энгебретсен) бинолари қурилишида ўзига хос миллий меъморчилик шакллари пайдо бўлди. Янги қурилиш материаллари, янги конструктив



ечимлар меъморларнинг янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишига сабаб бўлди. Бу эса математика ва механика каби фанларнинг ривожланиши-ни кучайтирди, мустақкам қурилиш материаллари, конструкцияларнинг аниқ ҳисоб-китоби, қурилмаларнинг пишиқ ва мустақкам, енгил бўлишига олиб келди. Айниқса, 2003–2007 йиллар давомида қурилган 1350 ўринли Опера театри биносининг 2009 йили Европа Иттифоқининг “Энг яхши меъморчилик асари” мукофоти билан тақдирланиши замонавий Норвегия меъморчилигининг халқаро даражадаги нуфузини намоён қилади.

*Муниса МУҲАМЕДОВА  
тайёрлади*



## Рақс

Норвегия миллий рақсининг илк кўринишлари мил. ав. X–V асрларга мансуб қоятошларга ўйиб туширилган тасвирларда учрайди. Археологлар аниқлаганидек, тасвирлардаги рақс ҳаракатлари қасамёд қилиш маросимини эслатади. Милодий 1232 йилга тегишли тарихий манбаларда ҳам норвег рақс усталарининг номлари учрайди. Жўшқин миллий рақслардан бири спрингданс бўлиб, асосан сакраб-сакраб ва ҳақкалаб ижро этилган. Халлинг рақси эса яқка ижро этиладиган эркаклар рақси ҳисобланган. Бироқ уни кўпчилик бўлиб ижро этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Рақс асосан чакқонлик, кучлилик ва чидамлилик бўйича мусобақа тарзида, юқори ритм ва акробатик хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Аста-аста ва сиполик билан тартибли ўйналадиган гангар рақси эса худди тантанали юриш маросимига ўхшайди. Ушбу рақслар норвег халқи орасида жуда оммавий бўлиб, асосан жамоавий ва оилавий тadbирларда севиб ижро этилган.

Норвегия узоқ йиллар давомида Данияга қарам бўлиб келгани боис, норвег рақсларида Дания ва Швеция маданиятлари таъсири ҳам сезилади. Норвег халқи ўз мустақил давлатини ташкил қилган илк даврларда Европанинг кўпгина халқлари рақслари сеҳргарлик билан боғлиқ бўлган. Бу ҳолат Норвегия миллий рақсларига ўз таъсирини ўтказмади. Норвег рақслари кўпроқ маданий ҳордиқ чиқариш ёки хурсандчилик учун ўйналган. Байрам рақсларини норвег деҳқонлари завқ билан ижро этишган. Гарчи бу рақсларнинг ҳаракат элементлари жуда бой бўлмасда, улар ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан кишига мадад беради. Норвег рақслари одатда ижрочилар томонидан бир-бирларининг қўлларини ушлаган ҳолда занжир шаклида ижро этилади. Шунингдек, замонавий Норвегияда миллий рақслардан ташқари полка, галоп, вальс каби жаҳон халқлари рақслари ҳам кенг тарқалган.

*Шерали ҚЎЛДОШЕВ  
тайёрлади*



## **Бьёрнстерне БЬЁРНСОН**

(1832–1910)

Шоир, реалист ёзувчи, драматург, журналист. Унинг “Синневе Сульбаккен” (1857), “Қувноқ йигит” (1860) қиссалари катта эътибор қозонган. XIX асрнинг 70-йилларида Бьёрнсоннинг “Синиш”, “Муҳаррир” драмалари Ҳ.Ибсен драмалари билан бир қаторда, Норвегияда реалистик ижтимоий драмани вужудга келтирган. Бьёрнсон 1903 йили Нобель мукофоти билан тақдирланган. У Норвегия миллий гимни муаллифи ҳамдир.

### **ОҶИМ**

Оқшом шуълалари ҳеч қачон  
Ўйнамас деразам юзида.  
Субҳидам нурлари ўйноқлар,  
Соялар кезинар ҳар ерда.

О, оқшом нурлари, чекинманг,  
Ғамбода, ғарибо қулбамдан.  
Келсангиз, мунг тўла нигоҳим  
Кўрарсиз қорайган дарчамдан.

Чарақлаб порлаган шуълалар,  
Нега сиз қулбамни топмайсиз?  
Зора сиз қоронғу дилимдан  
Даҳшатли қайғумни қувсангиз.

Куйлайди бепарво тонг нури,  
Азобим билмайди, ўйнайди.  
У гўё дунёни кафтида  
Кўтариб турганга ўхшайди.

Шодумон чақнаган тонг нури  
Эслатар негадир умримни.  
Йиғларман кўз-ёшга бўшашиб  
Дардлардан эзилган кўнглимни.

Ва лекин оқшомги шуълалар  
Ўхшайди дилимнинг дардига.  
Қанийди сиз мени кўтариб  
Борсангиз Яратган Раббимга!

### **ЯРАДОР ЖАНГЧИГА**

Уруш бу – қиёмат,  
Уруш бу – маҳшар,  
Вувиллар ҳалиям унинг нафаси.  
Дунёда неча жон дарбадар,  
Неча жон бир умр сўрайди –  
Юртига тинчликнинг овозин.

Урушининг орзуси жаҳолат  
Ва кўрқув уруғин ўстириши.  
Сен тила жигарим, баралла  
Шу фоний дунёга осойиши.  
Қора жанг чекинар ўша он  
Ватан-чун бўлганда сен қурбон.

Йўқ, фақат сен эмас, жигарим,  
Кўксига қизил қон тепчиган.  
Қара, бу оламга яхшироқ,  
Қанча эл саргардон тентиган.  
Оқкўнги дилларда бир ният –  
Кунлари тинч ўтса тоабод.

Ҳар битта оқ дилда шу ният,  
Ярадор танларда биргина шу аҳд.  
Қанийди, оламда ҳамма жам  
Биродар яшаса то абод.  
Эзилган жонларнинг ингроги,  
Бу – ўлган умиднинг адоги.

Уруш бу – қиёмат,  
 Уруш бу – ўлим,  
 Ғувиллар ҳалиям унинг нафаси.  
 Оқкўнгил қалбларда бир ният  
 Янғраса тинчликнинг овози!  
 Шу кураш сўнгида барибир,  
 Сен голиб бўларсан, жигарим!

## ҚАЧОН ТОНГ ОТАРКАН?

Қачон тонг отаркан?  
 Тилларанг қуёи  
 Топиб келармикан тор деразамни?  
 Заминни совуқ қор қоплаган онда  
 У қайта иситиб олмас оламни.  
 Ва лекин кутарман интизор, интиқ,  
 Гўё фариштадай кулиб отар тонг –  
 Мен шундай тасаввур қиларман ширин:  
 Тонг отар.  
 Тонг отар бир замон.  
 Бироқ... ҳаво совуқ,  
 Бироқ...совуқ қор  
 Маҳзун юрагимни этади вайрон.  
 Эҳ, тонг сира отмас,  
 Асло,  
 ҳеч қачон!

Рост, бу гўзал тилак  
 Қаҳратон кунда  
 Очилса менинг энг севимли гулим.  
 Қушчалар сайраса унинг баргида,  
 Ва кўкдан илоҳий нур тушса доим.  
 Олам янгиланса, шиқ олов бўлса,  
 Уммондай каттайиб кетса Бахт сўзи!  
 Нақадар шодлик бу, қанчалар яхши –  
 Ахир тонг отгани шу куннинг ўзи.  
 Бироқ... атрофимда ҳамон совуқ қор  
 Маъюс кўзларимни этар нигорон.  
 Мен кутган тонг отмас  
 Асло,  
 ҳеч қачон...

Аммо кутарман мен...  
 Қачон тонг отар?  
 Ҳамон чекинмасман қора кучлардан.  
 Қайгулар бўрони ичидан бир кун  
 Мен топиб оларман Қуёшни ростдан!  
 Шу баланд орзуйим кичик кўнглимда  
 Ҳаммага бахт, шодлик, шиқ ато этар.  
 Бир кунни одамзод бўлар мукаррам,

Бир куни муаззин, оппоқ тонг отар!  
 Ўша оппоқ тонгда,  
 Олтин қуёш-ла  
 Мен саҳар уйғониб жар солиб дерман:  
 “Энг буюқ қудрат бу – Инсондир шаксиз!”  
 Шунда унга Дунё танг қолиб ожиз –  
 Бош эгар сўзсиз!

## ПУРВИҚОР ТОГЛАРНИНГ УСТИДА

Пурвиқор тоғларнинг устига чиқиб,  
 Кўрдим ҳамон яшил турган дарахтни.  
 Кўзларим изгирин қор кутган эди,  
 Кутмагандим ва лек бунча ҳайратни.  
 Дарахтим, қорга бас келган, эй, мўмин,  
 Дунёни шунчалар севасанми сен?

Учиб ўтар экан қудратли бургут  
 Пурвиқор тоғларнинг устидан мағрур.  
 Эртанги кун учун танида зўр куч  
 Ва кўзлари тўла шшончу гурур.  
 Ҳавасим келди шу мағрур жонзотга,  
 Бунча ташина экан у бу ҳаётга?

Яна ўсар эди олма дарахти  
 Пурвиқор тоғларнинг устида озод.  
 Эҳтимол, ёзни у олиб келгану  
 Тоғларнинг устини этгандир обод?  
 Шохиди сайраркан турфа қушчалар,  
 Яшашига истагим ошди шунчалар.

Йигирма баҳорни кўрган йигитча  
 Пурвиқор тоғларнинг устида қўйлар.  
 Танига сизмасдан шиқи, қуввати  
 Оламнинг унга тор эканин сўйлар.  
 Унинг қўшигида муҳаббат, мадад,  
 Жами одамзодга берар матонат.

Сен-чи, ҳой, сайроқи қушигина нечун  
 Турибсан пурвиқор тоғнинг устида?  
 Қадрли уянг деб қурдингми макон  
 Шу совуқ қоянинг сирли бағрида?  
 Майли, фақатгина олиб кел, дўстим,  
 Мен учун ҳам баланд орзулар уйин.

Мен-чи, кўнгил узиб қандай кетарман  
 Пурвиқор тоғларнинг устидан дадил.  
 Бўзимдан ҳайқариқ келар: “Асло!” деб,  
 Қорни ҳам, тоғни ҳам суяр бу кўнгил.  
 Кўнларим тугаган лаҳзаларда ҳам  
 Ҳаёт, мени юксак кўтар тоғлардай!

Кетдим ўша узоқ, жуда ҳам узоқ  
 Пурвиқор тоғларнинг устига абад.  
 Бош олиб кетаман хотиржам, энгил  
 Нафас олгулик у ерларга фақат.  
 Худойим! Сен менга куч бер, қанот бер,  
 Пушмон қилмагулик бахтли ҳаёт бер!

Биламан, бир куни учарман озод,  
 Пурвиқор тоғларнинг устидан масрур.  
 Осмоннинг эшиги мен учун очиқ,  
 Уйим бутун замин бўлар бир умр.  
 Дунё, дарвозангни ётиб қўймагин,  
 Мен сенинг васлингга ҳали тўймадим!

Инглиз тилидан  
 Қандилат ЮСУПОВА  
 таржумаси



## НОРВЕГ ҚИЗ

Сен уялиб, “Бас” деб, бўлиб зиқ,  
Савдойига йўясан мени,  
Латофати ҳарирдан нозик,  
Эй, қиз, ортиқ севаман сени.

Сир-нигоҳинг порлагани он,  
Тўлин ойнинг нуридай сўлим,  
Бўлса қанча қоронғу ўрмон  
Ёритади бу кўзлар йўлим.

Сал бурилиб, мағрур туришинг  
Юлдузлари ярақлаган қиш –  
Каби беандоза. Ҳар ишинг –  
Топишмоқгўй ақлингга олқиш;

Ипак тасма чирмаган майин  
Бу, оқ-малла кокиллар селк-селк,  
Тушинг узра титрар тинмайин  
У, эскидан қолган амурдек ;

Ҳаракатчан қоматинг эпчил  
Туй рўмоли тўри аро у,  
Кув ихтиёр билан уйнар дил,  
Пинҳон қолар ичиккан туйғу;

Оёқларинг шарафга эга  
Куч, озодлик мулкидан олиб,  
Муҳаббату бурч даргоҳига  
Элтар, айлаб кунларинг голиб.

Бу лаб, Эрот авайлаб гоят,  
Бахтиёрга асраган неъмат.  
Омадга ёр денгизчи шояд  
Топиб олса, бир ўлжа кема.

Тақдир кулар, севгимдир чексиз!  
Ўз сувратинг илмайсан кўзга.  
Ишонмаган ҳеч вақт норвег қиз  
Шоир ёниб қуйлаган сўзга.

## Юхан Себастьян ВЕЛЬХАВЕН

(1807 – 1873)

Норвегиялик шоир ўз даври маънавий ҳаётидаги қусурларни танқид остига олган ҳажвий сонетлари, инсон руҳияти акс этган лирикаси билан маълум ва машхур. У, шеър равшан ва батартиб бўлиши зарур, деб ҳисоблаган. Унинг “Ҳэнрик Вергеланнга” (1834) шеъри доимий ижодий муҳолифи Ҳ.А.Вергеланнинг “Норвегия узра тонг” (1830) ҳажвий сонетлар тўпламига жавоби сифатида норвег ижтимоий муҳитида сезиларли воқеага айланган.

## ТИКАНЛИ ОЛЧА

Истайсан, дарахтлар бўлса бетикан,  
Ҳеч ўйлаб кўрдингми не хавф бор экан –  
Мўрт ниҳол бошида; ахир, пайқаб гоҳ  
Гулбаргда қон изин – шикаст еган шох  
Ярасин боғлайсан, бер-да ўзинг тан.

Тикан – битган яра изидир холос.  
Сен каби дарахт ҳам билар: недир мунг,  
Синовдан ўтган у, барг ёзган, оз-оз  
Гуллари ловуллаб ёлқинланган сўнг.

Кўкламда дарахтзор оралаб ўтсам,  
У дарахт иболи эгилиб бир дам,  
Шивирлаб деди: “Эй, азизим, жаҳлинг –  
Чиқди сал-пал тирнаб қўйганимга ҳам,  
Мен қанча ранжидим – етмади ақлинг!”

## БЕРГЕН<sup>1</sup>

Шарқдан эсиб шамоллар пуфлар,  
 Ёлғиз жүка барг уйнаб уфлар,  
 Ўзи билан олиб гамни-да  
 Сузиб кетар булут зарб сари –  
 Ўшал ёқда болалик қарир  
 Қайтган тўлқин кўпикларида.

Олтин кунлар – болалик имлар,  
 Эски китоб: рангли расмлар,  
 Мен ҳар расм куйига шайдо;  
 Кўпиклаган шовва ости, чин,  
 Менга Хульдра<sup>2</sup> тутди чилторин,  
 Тушим бўлди ўнгимда пайдо.

Айт-чи, не у захкаш экинзор?  
 У – кимсасиз, номсиз, бенушит, зор,  
 Камган, худди ибодатхона.  
 Жилга бўйидаги пўлаттус  
 Оққайинлар менга буриб юз  
 Не бой бердим – санайди, ана.

Ташлаб дали дарёга соя  
 Узанганда ўрмону қоя,  
 Кўрганмисан, баҳайбат гоят?  
 Гул бодраган ялангликларда,  
 Қуш унида тўшалган парда  
 Бахт булогин топдим ниҳоят.

Жаннатий бог девори ёни  
 Кўриқчилар мангу қалқони:  
 Чўққи кўкни кесган шамишрдай,  
 Ботир яроғига атиргул  
 Мунғлуқ гулбарларин атаб ул  
 Диса<sup>3</sup> сочиб ташлайди бирдай.

У ерларда қирғоқлар овлоқ,  
 Тоғча китлар мўлжалли – у ёқ  
 Асрайди-да довулда замин  
 Кўрфаз узра байроқлар ҳили-ҳили,  
 Кеманг, мачтанг узра етилиб  
 Пишар алвон мевалар тагин.

Унда, Ўзи, бандага мажсоз  
 Барҳаётлик тарҳин тузган соз,  
 Ўрмон, кўрфаз хорали<sup>4</sup> янграр,  
 Қуббали чўққилар ибодатхонаси  
 Узра, қораялоқ чуғури-саси  
 Ва қаҳрли ўлка савти жаранглар.

Беланчагим тебранган ўша  
 Жимжит, нурли эманзор гўша  
 Аро орзу балқарди бот-бот;  
 Босиринқи туш панжасидан  
 Зил-замбил ўнг исканжасидан  
 Қутқаради мени хотирот.

Норвегия жон-қалби, салом!  
 Не синов бор, хулласи калом,  
 Сен баридан ўтган титансан<sup>5</sup>, чиндан;  
 Оғир совут эгнингда, ҳар чоқ  
 Лекин ўзинг хушфеълу қувноқ  
 Муҳаббат юраги урар кўксингда.

## Ҳэнрик Арнольд ВЕРГЕЛАНН

(1808 – 1845)

Улкан шоир-романтик, ёзувчи. Радикал-демократик қарашларни олға сурган, деҳқон демократиясини ёқлаган. “Жамоа учун”, “Ишчи синфи учун” журналларида муҳаррирлик қилган. “Яратувчи, инсон ва Масих” достони билан эл оғзига тушган. Ҳ.А.Вергеланн ижоди норвег маданияти тарихида ёрқин из қолдириб, кейинги давр адабий сиймолари, жумладан, Ҳ.Ибсен ва Б.Бьёрсонга ўз ижобий таъсирини ўтказган.

<sup>1</sup> Берген – Норвегиядаги Хуралан маъмурий бирлигининг марказий шаҳри ва порти.

<sup>2</sup> Хульдра – куйлаб, кишиларни мафтун этувчи мифологик мавжудот. Бу ерда табиат назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Диса – скандинав мифологиясида тақдир маъбудаси.

<sup>4</sup> Хорал – черковда кўп овоз бўлиб айтиладиган кўшиқ.

<sup>5</sup> Титан – юнон мифологиясида маъбудларга қарши курашган паҳлавон.



## ЛАКФИОЛГА<sup>1</sup> ДЕГАНИМ

Кўррка тўлган вақтинг ўтганда,  
Хайр-хўшни этганча канда  
Кетгум ул ён: унда, бир вақт биз  
Ўсган эдик ялакатмағиз.

Фидо бўлгум лабга икки бор,  
“Хайр”, – дейман, аввал, гүлдийдор,  
Кейин суюк атиргулларим  
Лаб босишар дудогингга жим.

Сўнг бор сенга йўлланур оҳим,  
Сенда қолар сўнгги нигоҳим,  
Титраб турар бу оқин ҳаво –  
Удир сўнгги бўсага маъво.

Кетай, сингай сўнг зулматга мен...  
Саломимни етказ унга сен,  
Бакор келсин энг зарур онда,  
Гуллаб турсин у қабристонда.

Дейман, ётсин кўксимда бари  
Янги кунлар атиргуллари...  
Дейман, чорла ўлим қурган ин  
сари, фақат муҳаббат нурин.

## ҲАҚИҚАТ ЛАШКАРИ

Сўз? Эшитгай ким ҳам?  
Сўз, шеър дарди бир.  
Сўз азалдан ҳимоясиздир.  
Сўзлар жангга отланса ўктам,  
Қайдан мадад олар истагани дам?

Дунё ҳақиқатга этмас илтифот.  
Лекин оловлари балқишларини  
Унинг ҳузурида йиғар-у, чини,  
Чақмоқ қилиб қайта қуяр самовот.  
Ҳақиқат улуғвор – исботлар бу бот.

Нечун бурғусидан таратганча ун,  
Эгнида юлдузлар нуридан либос,  
Кўкнинг ўзи ато этган ўша хос –  
Ёвга қарши олга бошламас нечун?

Кўшин чодир тикиб, этмасми хуруж –  
Дунёлар урушга кирган айёмда,  
Мардлар ўлим майин ичаркан жомда;  
Кимки ҳалокатга келар бўлса дуч,  
Бер унга ҳаётни бошиқаргувчи куч.

Сўз! Эй ҳақиқатнинг шонли аскар!и!  
Сен ҳақиқий ботир!  
Самодан чодир  
Тикди сенга атаб оламнинг бари.  
Сен-чун олижаноб диллар чамбари.

Зулмат кўшинини енгар имкон кам.  
Қора босган манглайдаги шўргача,  
Бешикдан гўргача  
бир қадам.  
Зимистондан ўтиши осонмас ҳеч ҳам.

Сўз! Дубулга пардасин сал сур –  
энди эса – олга.  
Сўз кучи ўсади билмай қўналга,  
гарчи гоҳо силла қуриб ҳам қолур.  
Кураида мангулик сенга ёр бўлур.

Дард, бало билмаса ҳамки ниҳоят –  
Сўз кўшини, олга! Ериб ўт охир,  
Ахир, галабани чевар-у моҳир  
Парвардигор сизга этган иноят.  
Ҳақ инъоми – ҳақиқатни сев гоят.

Шу учун, ёш мардим, кулфатда  
зорланма асти,  
мағлубиятни бил бир хумор босди –  
ундан топ чўнг зафар балқишини ва  
Ҳақлик йўлин кўрсат ёлгон-зулматда.

<sup>1</sup> Лакфиоль (сарикфиоль) – крестгуллилар оиласига мансуб чалабута.

## Хэнрик ИБСЕН

(1828 – 1906)

Буюк норвег шоири, драматурги. У биринчи миллий норвег театрининг бадий раҳбари ва режиссёри бўлган. Ибсеннинг романтизм руҳидаги “Катлина”, “Эстротлик Ингер хоним”, “Гельгеландаги урушлар”, “Тахт учун кураш”, “Жамият пешволари”, “Уя”, “Шарпалар” (бу асардан парчалар 1974 йили ўзбек тилига таржима қилинган), “Ёввойи ўрдак” каби драмалари наинки Норвегия, балки Европа реалистик драматургиясининг чўққиси сифатида яшаб келмоқда.

### БЎРОНҚУШ

Тик қояда ўтар бўронқуш қуни,                      Учар булут ости, чўққи узра ё  
Кекса денгизчидан эшитдим буни.              Гўё орзумиз кўк жаҳаннам аро.

Кўпикка тўш уриб, у нолон учар,              Ҳавога оғир у, денгизга енгил,  
Тўлқинда сирғалар, денгизни қучар.              Бу – қуш-шоир шодлик, гами не дегил.

Қалққан мовийликда чайқалар текис,              Энг ёмони шуки, олим хавфсираб,  
Сас берар, бўронни қилганида ҳис.              Бу чўпчакдир, дейди, оёгин тираб.

### АВЛОДЛАРГА<sup>1</sup>

Мақтов тожсин кийдирмоқдасиз              Енгилмади ёвга, дов туриб,  
Сийлаб ўлган қаҳрамонни сиз.              Йиқитган, сиз, тош билан уриб.

Сиз уни у машғал тутган кез,                      Порлар, кўкдан юлдузи кетмас,  
Ўшал ўт-ла тамғалаган тез.                      Ўчиришга қурбингиз етмас:

Ўзи этса қиличга эга                              Гулчамбари узра ёнсин у  
Сиз санчдингиз ўзин кўксига.                      Қирмизи нур таратиб мангу.

### ИШОНЧ АСОСИ

Шеър ила бонг уриб юртни уйғотдим<sup>2</sup>  
Ўлкамда пинагин бузмади ҳеч ким.

Бурчимни ўтадим – бу кема мени  
Олиб жўнамоқда узоққа энди.

Қаттегатда тўсди бизларни туман,  
Йўловчилар қуриб ҳарбий анжуман,

Оламжаҳон ишни қилган бўлдик ҳал,  
Бу тунни кўз юммай кузатдик тугал:

<sup>1</sup> Бу шеър дат ёзувчиси ва танқидчиси Ю.Л.Хейберг (1791–1860) ўлими муносабати билан ёзилган.

<sup>2</sup> Ибсен 1864 йил февралда, дат-австр-прусс уруши бошланиши муносабати билан, Швеция ва Норвегия ҳукмдорларини ўз ваъдаларини бажаришга чақирган. Бу ҳукуматларнинг мужмал сиёсати, уларнинг ўз ваъдаларига хилоф равишда, Пруссия ва Австрияга қарши курашда Данияни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарорларидан қайтишлари Ибсенни ғоят ғазаблантирган, унинг норвег миллий озодлик ва скандинавчилик ҳаракатига бўлган ишончини барбод қилган. Уша вазиятда кучли руҳий зарбага дучор бўлгач, ўз норозилиги ифодаси сифатида, Ибсен 1864 йил 5 апрелда Норвегияни тарк этиб, ихтиёрий сургунга жўнаган. У шундан кейин 26 йил муҳожирликда (асосан, Римда, Дрезденда ва Мюнхенда) яшаган, шу давр мобайнида икки марта (1874 ва 1885 йилларда) ватанига келиб кетган.

*Тор-мор бўлган Дюббэль<sup>1</sup>, нелар кутамиз,  
Ёш аскарлар – барин эслаб ўтамиз.*

*“Шу, жияним қочди! Ўн саккиз ёшда!  
Хизматчи ҳам қочди! Минг савдо бошда!”*

*Шикоятлар аро бор маъқул гап ҳам:  
Худди бизлар жангга кирардик шаҳдам.*

*Орамизда эди севган ўз зотин  
Истараси иссиқ сипо бир хотин;*

*Ҳамма унинг кўнглин кўтарсам, дерди,  
Ҳамма гўё унинг ғамини ерди.*

*Хонимлар боодоб, сўйлар серқайғу:  
“Ўглин аскарликка жўнатибди у!”*

*Табассум қилиб у бош силкиб қўяр:  
“Омон қайтар – кўриб кўзларим тўяр!”*

*Нуроний кўринар менга бу кампир,  
Равшан, маҳкам ишонч берибди тақдир!*

*Мени хотиржамлик измига солди,  
Ожиз руҳим худди шер бўлиб қолди!*

*Бу онада шундай ишонч бор экан,  
Халқим ҳали тирик, омад ёр экан!*

*У китобий сўзни такрорлаган йўқ,  
У тоза ҳаётини ҳикматга тўлиқ.*

*Бу ишончни ўзи қаердан олган?  
Бунини илҳом, гурур кўнглига солган,*

*Билар ёлғиз, азиз ўгли кўнглили  
Норвег кўшинида аскар соф дилли!*

## **Нурдал ГРИГ**

(1902 – 1943)

Норвег ҳамда жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирган шоир. У “Эзгу умид буруни атрофида”, “Оқимдаги тошлар”, “Норвегия – бизнинг қалбимизда” каби шеърини тўпламлари, “Кема йўлида давом этади” романи, “Бизнинг оримиз ва қудратимиз”, “Мағлубият” драмаларини яратади. Норвег қуроли кучлари капитани, ҳарбий мухбир Нурдал Григ Иккинчи жаҳон урушида, 1943 йил 3 декабрь тунда мардона ўлим топди.

<sup>1</sup> 1864 йил 18 апрелдаги дат-австр-прусс урушида, беш ҳафталик жанглардан кейин, жанубий Ютландиядаги Дюббэль қишлоғи датларга нисбатан уч марта кўп бўлган прусс кўшинлари томонидан эгалланган.

## ЁЗ КЎЗИ

Йўл танобин тортар чангим, қуёш султ,  
 Ботар кун, чиқар кун.  
 Сахрога чирмалган излар устма-уст,  
 Қаҳри қаттиқ тоғлар олар совуқ туст,  
 Тенада кўк сўник ва беун.

Музлаган дарёча бўйлаб юрсам гар  
 Соз, деб, бежсон қирдан тушдим шахд қилиб;  
 Мовий тоғлар аро кўзга илганар,  
 Шафақ яллигида гўё сирганар  
 Анарьокка<sup>1</sup> иланг-биланг чўзилиб.

Чангим адаштирамас қўшигин ҳеч дам  
 Ғира-шира тонлар ёришган сайин,  
 Кўзларни бичгудай чошгоҳга ҳамдам,  
 Аёз бағридаги ойдинда ўктам  
 Қуйлар асло оҳанг тахин бузмайин.  
 Кўк-у сахро аро янгарар вақт уни;  
 Элас-элас, лип-лип шуъла уринур...  
 Ногоҳ кўриб қолдим қор узра шуни,  
 Мовий аланганинг мовий учқуни!  
 Мовий бир гардишдан чиқар эди нур.

Гўё муз қўйнидан боқар ёз кўзи –  
 Бу, ях эриган жой ҳовлиқиб, тўлиб,  
 Ҳаёт қўшигини айтади ўзи.  
 Туб – тошлоқ, сув ўйнар, чўлпиллар музи  
 Тўнлаган заминнинг бўсаси бўлиб.

Эй, уйгоқ ҳаёт-у тиним билмас сув,  
 Вақти келар ҳали  
 Бунда эркин сузар оққушлар сулув,  
 Оқ кема дарёга солади гулув,  
 Етар ёзнинг гали.

Аммо ҳозир эга бўлганларимоқ  
 Шукур қилмогимнинг лойиқ сабаби.  
 Бу мовий оқимлар ўйнар, кулар гоҳ,  
 Менинг юрагим ҳам очилар бу чоғ –  
 У, муз эриган жой ёз кўзи каби.  
 Юрагим, тўл, мангу балқиган қўйи  
 Чорлаган бу нурга айлагил жавоб!  
 Тошлар бор, нур шимиб йиғар кун бўйи,  
 Сўнг нуру тафт берар совуқ тун бўйи –  
 Бундан маъни топ.

<sup>1</sup> Анарьокка – дарё номи.

Эй, гўзаллик голиб, ёш, шавққа тўла,  
 Дардинг ҳушни олар, ўзга қаратиб!  
 Ҳаёт, сўнсам, билки, сочгайдир шуъла  
 Руҳим коинотни қучиб бир йўла  
 Замин гўзаллигин хушҳол таратиб!

## НОРВЕГ КЕМАЛАРИ

*Бу – темир жон, тоши – ўн тонна,  
 Қора тўши ёрар тўлқинни.  
 Човут солса довул беаёв,  
 Йўлдан қолмас – ҳеч бузмас синни.*

*Темир қисиб, денгиз чирмаган  
 Кимдир бунда ботартиб ишлар.  
 Ким бу ходим? Тоши – ўн тонна,  
 Киракашлик берар таивишлар.*

*Портга кирар, юк қўтаргич-ла  
 Туширилар келтирганлари.  
 Ўзи эса бурилиб олар  
 Интиқ мовий уммонлар сари.*

*Лекин тунда яйдоқ денгиз ё  
 Ёт элдаги узоқ бир портда  
 Зулмат ичра биқинган ҳаёт  
 Мавжудлиги сезилар бортда.*

*Ҳозир келди, тагин сафарга –  
 Ҳужжат тайёр, олга, марҳамат,  
 Дакка, Бўмбай, Кобе ё Гонконг  
 Уйи томон сузмайди фақат.*

*Тизилгандир мачтага кўк барг,  
 Кўмир устин ёпган ўт-ўлан,  
 Ҳув, олисда зангори бурун,  
 Шафақ уйни қоплар зар билан.*

*Ўрмон иси – умумхонада,  
 Майин куйлар ненидир дарё;  
 Шундай яшар у – жонажон юрт  
 Денгизчининг тушлари аро.*

*Тингларми у жўмрак шовқинин?  
 Йўқ, бир бошқа дунёда иши  
 Келар унга олис ёз тунни  
 Блаккеннинг қадам товуши.  
 Туёқ саси, ўрмон шовқини  
 Уйғунлашар, юрак ҳаприқар.  
 От бир текис қадамлар экан,  
 Тинч бир ҳаёт яйловга чиқар.*

*Жанубий хоч қораяётган  
 Кўкда қордай сепилар бисёр,  
 Уйга қайтар икковлон шомда,  
 Эрир аёл сочларида қор.*

*Қўрс кўринган иссиқ оролни  
 Мавж недир деб тебратар, гўё,  
 Қуш қичқирар, тушар булдуруқ,  
 Мовий сувда сиргалар рўё.  
 Тўлқин урилдию настарин  
 Остидаги бола уйгонди,  
 Аммо дарҳол мавж алласига  
 Ром бўлди-ю оромга қонди...*



Тўлқин қайтар, гуруллар гулхан,  
 Денгиз оша чорлов юборар.  
 Қаҳва анқир, чайқалар зира...  
 Очиқ кундан тонг берар хабар.  
 Қораялоқ кумушин сочиб,  
 Какку саси сингар узоққа.  
 Дўстлар ботиб зар тусли чангга  
 Кетиб борар бозорли ёққа.  
 Бўи жойда уй бўлибди пайдо,  
 Бог соясин тўшабди бутун;  
 Ана, таниш қадам товуши –  
 Пешвоз чиқар она. Хайрли кун!

Тун. Бандаргоҳ. Юк – бугдой келар,  
 Оқ йўнғичқа бўлиб анқир ой.  
 Дарвозадан чиқиб келган қиз  
 Турар ёлғиз – кутар, ҳойнаҳой.

Бу – темир жон, гирдини ўраб  
 Ёт тўлқинлар қасд қилар мангу.  
 Аммо элтар бортида мудом  
 Бебаҳо юк – юрт руҳини у.

## ЭНГ ЯХШИЛАР

Мардлар умр йўлин машғалдай  
 Ёритади ўлим баъзида.  
 Энг яхшилар бўлади ҳалок  
 Курашимиз алангасида.

Шарафласак, ёдласак маҳзун,  
 Гар ёшимиз дув-дув тўкилур,  
 Шундай асл қаҳрамонларга  
 Нисбатан бу – хиёнат бўлур.

Кучи қайнар, юраги тоза,  
 Ҳар бири ҳам ёвқур, аҳди чин.  
 Видолашди бирдан ҳаёт-ла  
 Охирига етказмай ишин.

Энг яхшилар васиятини  
 Бажараркан, йўл қўйманг оҳга.  
 Лойиқ фақат энг жасур юрак  
 Улар қонин қабул қилмоққа.

Тирик эга эрур дунёга,  
 Майли, омон бўлсинлар ҳар дам,  
 Ўлимга тик боқмайдиганлар,  
 Тинчгина кун кўрувчилар ҳам.

Ким уларни тириклигида  
 Кўрган, шу ёд билан бойдир, рост.  
 У, қурбонлар фарзандлари-чи,  
 Олгай улар мардлигин мерос.

Гирдоб ютар энг яхшиларни,  
 Чувлаб ўқлар бошига етар.  
 Бу одамлар келажак учун  
 Имконида борин бахш этар.

Не-ла тирик одамзод – барин  
 Энг яхшилар бойитдилар, бас.  
 Энг яхши одамлар мангудир,  
 Энг яхшилар – абадий ўлмас.

Рус тилидан  
 Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ  
 таржималари



## Кнут ХАМСУН

(1859–1952)

*Рус тилидан  
Нодира АБДУЛЛАЕВА  
таржимаси*

*Норвегиялик ёзувчи, драматург. Нобель мукофоти лауреати. “Замин ҳосили”, “Очлик”, “Синоат”, “Виктория”, “Муҳаррир Лонге” каби романлар, “Бьергер”, “Пан” қиссалари, “Ҳаёт ўйини”, “Қироллик дарвозасида” сингари пьесалар ва бир қанча ҳикоя тўпламлари муаллифи. К. Ҳамсуннинг “Ишқ гадолари” ҳикояси персонажлари – жавобсиз муҳаббат дардида гирифтор бўлган ошиқлар. Уларнинг изтиробларини тасвирлар экан, муаллиф севага аталмиш синовни қандай бўлса шундай қабул қилиб, охиригача курашишдан ўзга чора йўқлигини кўрсатаётгандек туюлади.*

### ИШҚ ГАДОЛАРИ

#### I

Буларнинг барини мен ёздим, юрагимдагиларни қоғозга тўкиб, енгил тортиш учун, шу бугун эрталаб ёздим. Қахвахонадаги ишимдан айрилдим, ишим билан бирга ҳаётимнинг қувончли дамлари ҳам бой берилди. Қахвахонанинг номи “Максимиллиан” эди.

Ҳар оқшом эгнига кулранг кийим кийган ёш, келишган жаноб икки дўсти билан мен хизмат кўрсатадиган столлардан бирига келиб ўтирарди. Тўғри, унга ўхшаган жанобларнинг жуда кўпи қахвахонага келиб-кетишар, уларнинг бари мен билан яхши муносабатда бўлар, ҳурмат доирасида муомала қиларди. Фақат у... Унинг бўйи баланд, қадди-қомати келишган, сочлари тим қора, мулойим, кўзлари мовий – баъзан бу кўзлар менга нигоҳ ташлаган кўйи бир оз қотиб қоларди – лаблари узра сабза урган мўйлаблари ҳам ўзига ярашган.

Аввалига бу жаноб мени нимагадир хушламади.

У ҳафта давомида ҳар куни мунтазам келарди. Унга шу қадар ўрганиб қолдим, аммо бир куни у негадир келмай қолди. Ўша куни бир нимамни йўқотгандек ғуссага ботдим. Қахвахонанинг ҳамма бурчакларини айланиб, уни қидирдим; ниҳоят муҳташам қахвахонанинг нариги бурчагидан топдим. Катта устун ёнида жойлашган столда циркда ишлайдиган чавандоз аёл билан бирга ўтирарди. Аёл эгнига сариқ рангли кўйлак, қўлларига эса елкаларигача етадиган қўлқоп кийганди. Хоним ёш эди, кўзлари чиройли, тим қора. Менинг кўзларим эса – мовий рангда.

Улар ўтирган стол яқинидаги панароқ жойда бир дақиқача туриб, гапларига қулоқ тутдим: аёл унга норози оҳангда гапирар, жонига тегиб кетганини такрорлар, уни тинч қўйишини, безовта қилмаслигини сўрарди. “Эй, Парвардигор, бу аёл уни ўзидан нари қилаётган экан, нега у менинг ёнимга кела қолмайди!” – дея хайкирарди юрагим.

Эртасига у яна дўстлари билан кириб келди ва тасарруфимдаги столлардан бирига ўтирди. Ёнига ҳар доимгидек дарров югуриб бормадим. Юзларим ловуллаб қизарганини ҳис қилдим, бироқ ўзимни уни кўрмагандек тутдим. Мени чақирганида эса, ёнига яқинлашарканман:

– Кеча кўринмадингиз, жаноб? – дедим. У эса дўстларига мурожаат қилгандай:

– Бизнинг кельнер хонимимиз бағоят хушбичим-а! – деди.

– Пиво келтирайми? – сўрадим.

– Ҳа, – жавоб берди у.

Дарҳол улардан узоқлашдим.

## II

Орадан бир неча кун ўтди. У қўлимга букланган бир қоғоз тутқазди.

– Буни олиб бориб беринг... – хатни унинг қўлидан олдим, гапини туатмасидан нари кетдим. Сал нарироқда ўтирган сариқ кўйлакли хонимга элтиб беришга шошилдим. Йўл-йўлакай хатга нари-бери кўз югуртирдим, бироқ мактуб охиридаги “Владимир Т.” деган ёзувни эслаб қолдим холос.

Қайтиб келганимда, у менга савол назари билан қараб турарди.

– Хатни етказдим, – дедим ҳозиржавоблик билан.

– Жавоб қайтаришдими?

– Йўқ.

У менга бир крона узатди ва кулимсираб:

– Буни сўзсиз ҳам тушуниш мумкин – деди.

Владимир (унинг исмини билиб олгандим!) бутун оқшом давомида ўша сариқ либосли хоним ҳамда унинг ҳамроҳларига тикилганча ўтирди. Соат ўн бирлар чамаси эди. Ўрнидан туриб, улар томон яқинлашди. Сариқ либосли хоним уни совуқ қарши олди. Ёнидаги икки ишқибози эса Владимирга қарата кесатиқ гаплар отишар, устидан кулиб, ҳазил-мазах қилишарди. Уларнинг даврасида бир неча дақиқагина ўтиргач, у қайтиб келди. Диққат билан қарадим; пальтосининг чўнтаги хўл эди. Анавилар пиво тўкиб юборишганини англадим. Пальтосини ечаркан, ўгирилиб чавандоз аёл ўтирган стол тарафга қаради. Пальтосини арта бошладим. У менга қараб жилмайди ва:

– Раҳмат, канизак хоним! – деди.

Устки кийимини кийишга ёрдамлашиб юбордим. Шу аснода унинг елкасига бармоқларим учи билан оҳиста тегиндим.

У ожиз ҳолда курсига чўкди. Дўстларидан бири пиво келтиришни буюрди. Унинг ҳам кружкасини олмоқчи бўлгандим, “Йўқ”, деганча идиш дастасига узатилган қўлларим устига қўлларини қўйди. Унинг тафтини сезган қўлларим мажолсиз бўшашди. Йигит ҳам буни сезди, тезда қўлларини тортиб олди.

Кечкурун ётоғим ёнида тиз чўккан қўйи унинг учун икки марта ибодат қилдим. Қўллари теккан ўнг қўлимни қайта-қайта ўпдим. Жуда бахтли эдим.

## III

Бир сафар у менга гул тухфа қилди, бир даста гул... Гулларни қаҳвахонага кираверишда савдо қиладиган гулчи хотиндан сотиб олганди. Сават тўла гуллар – янги узилган, лов-лов ёниб тургандек алвон рангда. Саватни ўзи ўтирган стол устига қўйди. Бу гал у ёлғиз келганди, доимий ҳамроҳлари – дўстлари йўқ эди ёнида. Бўш қолдим дегунча устун орқасида

туриб уни кузатардим, хаёлимда унинг исми чарх ураверарди: “Унинг исми Владимир Т.”.

Орадан бир соатга якин вақт ўтди. У соатига тез-тез қараб кўярди. Ундан:  
– Кимнидир кутяпсизми? – дея сўрадим.

Паришон ҳолда мен томон нигоҳ ташлади, сўнг кескин жавоб берди:

– Йўқ, ҳеч кимни кутмаяпман. Кимниям кутардим?

– Мен... шунчаки, эҳтимол сиз кимнидир кутаётгандирсиз, деб ўйладим...

– Берироқ келинг, – имлади у, – бу гуллар сизга!

Гуллар тўла саватни менга тутди.

“Ташаккур”, дедим мамнун ҳолда. Аммо ҳаяжондан овозим йўқолди шекилли, “ташаккур” сўзини пичирлаб айтдим. Шу онда миямга қон қуялгандек қизиб, қизариб кетдим, бахтдан масрур бўлганча одимлаб борарканман, буюртмалар пештахтаси олдида тўхтадим. Буюртма қабул қиладиган аёлга рўйхатни узатар эканман, аёл сўради:

– Сизга нима керак?

– Нима деб ўйлайсиз, менга нима керак экан-а! – саволга савол билан жавоб бердим қувлик қилиб.

– Нима деб ўйлайман!? – аёл жаҳл билан кескин жавоб берди. – Нима, ақлдан оздингизми!

Мен эса ўша кўтаринки кайфият билан сўзлашда давом этардим:

– Қани, топинг-чи, бу гулларни менга ким совға қилди?

Шу пайт обер-кельнер пайдо бўлди. Менга қараб:

– Анави ёғоч оёқли жанобга пиво олиб бормабсиз-ку!– дея сўз қотди.

– Гулларни менга Владимир совға қилди! – ўз топишмоғимга ўзим жавоб бердим-да, қувончдан учаётгандай мижозга хизмат қилишга шошилдим.

Т. ҳали ҳам кетмаганди. Бир оздан кейин у ўрнидан қўзғолиб, кетишга чоғланганида, ёнига чопиб бордим-да, яна бир бор унга ташаккур билдирмоқчи бўлдим.

– Раҳмат Сизга!

У ҳайрон бўлди ва жиддий оҳангда:

– Биласизми, тўғриси, гулларни бошқа биров учун олгандим! – деди.

Майли, майли, эҳтимол, у гулларни бошқа биров учун сотиб олгандир. Аммо уларни менга тухфа қилди! Ўша аёлга эмас, айнан менга! Ва яна гуллар учун ташаккуримни изҳор этишга изн берди! Хайрли тун, Владимир!

#### IV

Эртаси куни эрталаб ёмғир ёғаётган эди. “Қайси кўйлагимни кийсам экан, қорасиними ёки яшилини? – Бир оз бошим қотди, сўнг бир қарорга келдим. – Албатта яшилини-да, ахир у янгирок!” Қувончим ичимга сиғмас эди.

Трамвай бекатига яқинлашар эканман, бир хонимнинг жала остида шамсиясиз ивиб турганини кўрдим. Унга шамсиям остига киришни таклиф этдим, аммо у ташаккур билдирганча, таклифимни негадир рад этди. Шунда мен ҳам шамсиямни ёпдим, ёмғирда ивиган хонимга шерик бўлдим. “Нега энди у ёлғиз ўзи ивиши керак экан!” деган хаёл билан шундай қилдим.

Кечкурун Владимир яна қаҳвахонамизга келди. Уни қарши олар эканман:

– Гуллар учун яна бир бор ташаккур! – дедим жилмайиб.

– Қайси гуллар учун? – сўради у, сўнг: – Бошқа ўша гуллар ҳақида гапирманг! – деди.

– Мен шунчаки сизга гуллар учун ташаккуримни айтмоқчи эдим.

У елка қисди ва менга қараб:

– Мен сизни севмайман, – деди.

Биламан, у мени севмайди, унинг севгани эмаслигимни яхши биламан. Ундан ўзимга нисбатан бундай ҳисларни сира кутмаганман. Унинг сўзларидан ҳафсалам пир бўлгани ҳам йўқ. Майли, севмаса, севмасин. Бироқ мен уни ҳар куни кўриш бахтига муяссарман, ҳар окшом у келади ва менинг тасарруфимдаги столлардан бирига ўтиради, мен унга хизмат кўрсатаман. Яна келинг, Владимир.

Келаси окшом у одатдагидан анча кечикиб келди.

– Пулингиз борми? – деб сўради.

– Афсус, мен бир ғариб қиз бўлсам...

У нигоҳини кўзларимга қадаб турди-да, жилмайиб қўйди.

– Сиз мени нотўғри тушундингиз, менга озроқ пул керак эди... эртагача...

– Ҳа, озмунча жамғармам бор, уйда, бир юз ўттиз кронам бор!

– Уйдами? Ёнингизда эмасми?

– Ўн беш дақиқа кутиб тура оласизми, ўн беш дақиқадан кейин қаҳвахона ёпилади, ишимиз тугайди, кейин бирга уйимга борамиз, сизга пулларни уйдан олиб бераман...

У ўн беш дақиқа кутиб турди. Биз бирга қаҳвахонадан чиқиб, уйим томон йўл олдик.

– Роппа-роса юз крона керак! – деди у.

У йўл бўйи менинг ёнимда борди. Илгарилаб ҳам кетмади, ортда ҳам қолмади. Зодагон олифта жаноблар оддий одамлар ёнида юришни маъқул кўрмай, одатда шундай қилишарди.

– Уйим оддий бир хужра, – дедим хижолат бўлиб уйимга яқинлашганимизда.

– Шу ерда кутиб тураман, – кескин оҳангда жавоб берди у, – сиз билан бормайман.

У пастда кутиб турди. Пулларни унга тутқазганимда, эринмай ҳаммасини санаб чиқди:

– Бу ерда юз кронадан кўпроқ пул бор экан. Ўн кронаси сизга чой ҳақи! Эшитяпсизми, ўн кронаси сизга! Чой ҳақи!

У майда пулларни менга узатди. Хайрли тун тилади-да, кетди. Муюлишга етганида йўл четидаги тиланчи кампирга эҳсон узатаётганига кўзим тушди.

## V

Кейинги окшом қарзни тўлай олмаслигини афсус-надомат билан айтиб, узр сўради. Мен эса қарзни тўлай олмагани учун ҳам унга миннатдорчилик билдирдим. Пулларни ишлатиб юборганини тан олди.

– Нимаям қилардим, шундай бўлиб қолди, ўзингизга маълум: сарик кўйлакли хоним!

– Нега сен бунақа аҳволга тушиб қолдинг-а, оғайни, – сўз қотди дўстларидан бири. – Ишқ гадосига айланиб бўлибсан-ку!

– Бирон нима буюрасизларми? – уларнинг гапини бўлдим.

Бу орада қаҳвахонага ўша сарик либосли хоним кириб келди. Владимир ўрнидан турди-да, аслзодаларга хос таъзим бажо этди. Икки букилиб таъзим қилганидан чаккаларидаги сочлари юзларини ёпди. Хоним эса бепарво ҳолда унинг ёнидан ўтди-да, бошқа бир столга бориб жойлашди. Владимир ҳам дарҳол ўша стол атрофидаги ўриндиклардан бирига бориб ўтирди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас унинг тик турган ҳолда баланд овоз билан гапираётганини эшитдим.

– Жуда яхши, кетаман. Бошқа қайтмаганим бўлсин!



– Миннатдорман, – хотиржам ҳолда жавоб қайтарди хоним.

Бу суҳбатни эшитдим, хурсандлигимдан гўёки осмонларда парвоз қилардим. Шу ҳолда буюртма қабул қилинадиган бўлмага бориб, буюртма олувчи аёлга бир нималар дея гапира бошладим. Эҳтимол, унинг сарик либосли хонимнинг ёнига ҳеч қачон қайтмаслигини сўзлаган бўлсам керак. Хизмат кўрсатиш бўлимининг бошлиғи ёнимиздан ўтиб кетаркан, менга яна қаттиқ оғохлантириш берди. Аммо энди менга барибир эди!

Соат ўн иккига бонг урди, қаҳвахонамизнинг иш вақти тамом бўлди. Ҳамма бирин-сирин чиқиб кетаркан, у мени кузатиб қўймоқчи эканлигини айтди.

– Кеча сизга бергандим-ку, ўн کرونا! Шундан беш кронасини бериб тура оласизми менга? – сўради у.

Унга кечаги кроналарнинг ҳаммасини узатгандим, фақат бештасинигина олди. Қолганларини эса, ҳар қанча қаршилигимга қарамай, қайтариб берди.

– Биласизми, бугун жуда бахтиёрман, – дедим ийманиб. – Қани энди сизни уйимга таклиф қила олсам... Уйим оддийгина бир хужра-да!

– Хиждолат бўлманг. Уйингизга кирмоқчи эмасман. Хайрли тун.

У кетди. Муюлишдаги тиланчи кампир олдидан ўтиб кетаркан, кампирнинг эҳтиром ила қилган таъзимига қарамай, садақа беришни унутди. Шу заҳотиёқ кампирнинг олдига чопиб бордим, унга танга узатдим:

– Олинг, бувижон. Бу ҳозиргина шу ердан ўтиб кетган жанобдан. Ҳозиргина ўтиб кетди-ку, анави кулранг кийимдаги жаноб... Олинг, олаверинг!

– Кулранг кийимдаги? – беҳол сўради кампир.

– Ҳа, сочлари тим қора... Унинг исми Владимир.

– Сиз унинг хотинимисиз, қизим?

– Йўқ, бувижон, – жавоб бердим масрур ҳолда. – Ўша жанобнинг ишқида ўртанаётган бир гадоман.

## VI

Бир неча оқшомдан бери у такрор ва такрор пулларимни қайтара олмаётганидан афсусда эканини айтарди. Мен эса бундан асло хиждолат бўлмаслигини таъкидлар, агар ҳадеб шунақа деяверса, мени ранжитиши мумкинлигини эслатардим. У шунчалик баралла гапирардики, атрофдагилар ҳам гапларини бемалол эшита олардилар, айримлар эса унинг устидан кулишарди.

– Мен ярамас одамман, фирибгарман, – дерди у. – Сиздан қарзга пул олдим, аммо қайтара олмаяпман. Шу пулнинг эллик кронаси учун ўнг кўлимни кесиб ташлашларига ҳам розиман, – куюниб гапида давом этарди яна.

Бу гапларни эшитиш менга жуда оғир эди. Хаёлимда фақат бир нарса чарх урарди: унинг надоматларига чек қўйиш учун қаердан бўлса ҳам пул топиш керак, пул топиш керак! Аммо қаердан?!

У тинмай гапирарди. Гап орасида яна фиғони фалакка чиқиб, бир нималар дерди.

– Агар ҳозир ишларим қандайлигини сўрасангиз, сизга шуни айтардимки, менинг ишларим... унчалик эмас. Биласиз... сарик либосли хоним кетди, ўзининг цирки ва циркчилари билан бирга кетди. Албатта, мен уни тамоман унутиб юбордим. Уни бирор марта ҳам ўйлаганим йўқ, рост айтяпман. Унутдим...

– Аммо барибир бугун унга яна хат юборишга жазм қилдинг! – гапини бўлди дўстларидан бири.

– Ҳа, охирги марта... бу охиргиси! – жавоб берди бир оз сархуш ҳолда Владимир.

Эшик олдидаги гулчи аёлдан бир дона атиргул сотиб олдим. Атиргулни унинг чап ёқасидаги илгакка тўғнағич билан қадаб қўйдим. Гулни тақар эканман, унга жуда яқин турардим, унинг нафаси қўлларимга келиб ури-лаётганини ҳис қилиб турар, ҳаяжон ичида гулни тўғнағичга илдиролмай қийналардим.

Ниҳоят, гулни тақиб бўлганимдан кейин, у менга мамнун оҳангда:

– Сиздан миннатдорман, – деди.

Кассага бориб, ўзимга тегишли уч-тўрт кронани олиб келдим ва унга узатдим. Бу жуда оз эди.

– Мана буларни олинг, бор-йўғим шу!

– Раҳмат, миннатдорман.

Ўша оқшом мен жуда бахтли эдим. Орадан бир оз вақт ўтгач, Владимир бирданига:

– Берган пулларингиз менга жуда зарур эди. Бир жойга бориб келишим керак, сафарга... – деб қолди. – Пулларни қайтганимдан кейин, албатта, қайтараман.

Безовталана бошлаганимни сезиб, қўшимча қилди:

– Хавотирланманг, мен фақат сизни севаман, – деди қўлимдан тутиб.

Аҳволим ёмон эди. У қаергадир жўнаб кетяпти, қанча сўраб-суриштирмай, қаерга кетаётганини айтишни истамаяпти. Шу онда кўз олдим қоронғилашиб, теварагимдаги ҳамма нарса: қаҳвахона, шифтдаги қандиллар, ўтирган-юрган миждозлар, хизматчилар гир айланарди. Ўзимни тутиб туролмадим. Унинг иккала қўлини маҳкам ушлаб олдим.

– Айтдим-ку, бир ҳафтадан кейин қайтаман, кўришамиз!

У шундай деб ўрнидан турди.

– Сиз ишдан бўшатилиндингиз!

Қулоқларим остида обер-кельнернинг ёқимсиз товуши жаранглади.

“Марҳамат! Бемалол! – хаёлимдан кечарди бу сўзлар. – “Нима қипти? Бўшасам бўшабман-да! Бир ҳафтадан кейин Владимир ёнимга қайтиб келади. Ҳаммаси яхши бўлади, ҳаммаси! У бор-ку! Унга раҳмат, борлиги учун унга раҳмат айтиб қўйишим керак!” Ана шу фикр билан ортимга ўгирилдим. Аммо у аллақачон кетиб бўлганди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Кечқурун уйга кириб келарканман, унинг мактубига кўзим тушди. У ўзининг жуда чорасиз аҳволда қолганини ёзарди. Уша сариқ либосли хонимнинг ортидан борганига икром бўлган. Мендан олган пулларни – қарзларни ҳеч қачон қайтара олмаслигини таъкидлаб, узр сўраган. Айни пайтда муҳтожлик балоси уни қаттиқ эзиб ташлаганини айтган. Шу қадар тубанлашиб кетгани учун ўзини ўзи лаънатлаётганини билдирган. Мактуб охирига эса: “Сариқ хонимнинг гадоси”, дея имзо қўйган.

Туну кун изтироб чекардим, аммо қўлимдан ҳеч нарса келмасди. Бир ҳафта бурун қаҳвахонадаги иш жойимдан айрилган ва бошқа иш ахтаришга киришган эдим. Кундуз кунлари шаҳардаги турли қаҳвахоналар ва меҳмонхоналарга бош суқиб иш сўрардим, яна шахсий хонадон эгаларига ўз хизматларимни таклиф этардим. Бироқ ҳамма уринишларим беҳуда кетарди. Вақт алламаҳал бўлганида, сотилмай қолиб кетган газеталарни ярим баҳосига сотиб олар, уйга келибоқ, уларни диққат билан кўздан

кечирардим. “Ўзимни ва Владимирни оғир вазиятдан кутқара оладиган нимадир топарман”, деган умидли хаёлларга берилардим.

Кеча кечкурун газеталарнинг бирида унинг номига кўзим тушди ва мен у ҳақда битилганларни бошдан-охиригача қайта-қайта ўқиб чиқдим. Шу ондаёқ кўчага отилдим, тентираб-тентираб шу кўйи бугун эрталаб уйга қайтдим. Эҳтимол, қаердадир тунагандирман, балки ортиқ юришга мажолим қолмагач, бировларнинг кўча эшиклари зинасида ўтириб тонг оттиргандирман, ҳозир буни эслолмаяпман.

Бугун ўша мақолани яна ўқиб чиқдим. Уни биринчи марта кеча уйга қайтганимда ўқигандим. Аввалига ҳайрат ичра кафтимни кафтимга урдим, кейин курсига чўккаладим. Бир оздан сўнг ерга ўтириб, курсига суяниб қолдим. Қўлларим билан ерни урганча, ўйга толдим. Балки ўйга толмагандирман, эҳтимол, миямда қандайдир ғала-ғовурлар содир бўлаётгандир. Кейин... мен эҳтимол, ўрнимдан туриб ташқарига чиққандирман. Эсладим, бурчакда муюлишда ўтирадиган тиланчи кампирга бир танга узатдим, сўнг:

– Бу сизга ўша кулранг кийимдаги жанобдан, эслайсизми уни? – дедим.

“Ҳа” дегандай бош ирғади кампир, сўнг:

– Сиз балки унинг қайлиғидирсиз, а? – деб сўради талмовсираб.

– Йўқ, мен унинг бевасиман...

Шундай қилиб, тонгга қадар кўча-кўйда тентираб юрдим. Аини дамда ўша машъум хабарни яна бир қарра ўқияпман:

“Унинг исми Владимир эди...”.

## Юхан БОРГЕН

(1902–1979)

Рус тилидан  
Ойгул СУҶОНДИҚОВА  
таржимаси

*Норвегиялик адиб, новелланавис. Унинг ижодида кичик жанрдаги асарлар алоҳида ўрин тутади. Ёзувчи маҳорати ҳам айнан новеллаларида ёрқин очилади. “Новеллани вулқоннинг отилиши ёхуд иждокор “мен”и ўзидан-ўзи юзага чиқиши билан қиёслаш мумкин”, – деб ёзган эди у.*

*Норвегия адабиёти тадқиқотчиси Вилли Далл таъбирича, Борген новеллаларининг бадиий асоси “баён этишнинг кучли, ёрқин таассуротлари, манзараларни бир қарашда қамраб олишдадир”.*

*“Бахт” новелласида ёлғиз аёл иродаси, ҳаётга муҳаббати нафис бўёқларда тасвирланган. Бош қаҳрамоннинг теран туйғулари, оғир изтироблари ажиб чизиқлар ва воқеаларда очилади. Ёлғиз яшаётган аёлнинг дунё билан нафас олиши, уни нозик идрок этиши ўқувчини ҳайратга солади.*

*Инсон учун умри ўтган қадрдон маконни тарк этишдек оғир синов йўқ. “Денгиз бўйидаги уйча” новелласи ўз ошенига худди жигарбандидек ипсиз боғланган одам ҳақида.*

## БАХТ

Лиза ҳафтада бир марта қишлоққа, почта қутисига тушарди. Қишда эски, тўмтоқ, лекин ҳали маҳкам чанғисида елиб келар, Йоннинг кемадай

катта, обдон мойланган этиклариди озгин, куруқ оёқлари сузиб юрар, шу вайдан газета қоғозларини унга тикарди. Чанги таёқчаларига суяниб, сўкмоқ бўйлаб учаркан, ортидан қор булутларини кўтариб, Қашқа тоғларидан энаётган афсунгарга ўхшаб кетарди, ботқоқ дўнгликлари сув билан қопланган кузги кезларда минг машаққатда йўлларни пайпаслаб босар, дағал этиклар ичида оёқлари осилиб турарди.

Ёзги ўтлоқ сўкмоқларидан сал чўккан ботқоқ сувлари бўйлаб дадил ўтар, кишлокда пайдо бўлиб қолса, одамлар деразаларидан мўралаб: “Мўъжизанинг ўзгинаси-я, Лиза ҳечам қаримайди”, – дейишар, болаларини юбориб, қаҳва ичишга таклиф қилишар, бундан Лиза ҳам хурсанд бўларди.

У киришимли эди, кекса аёлнинг юзидаги жўғрофия харитасига чизилгандай кесик-кесик ажинларига болалар қизиқсиниб тикилишар, ҳадик ва ҳаяжон ўтида нозик бармоқларида бўртиб турган кўм-кўк томирлари, терисини ушлаб кўришар, бу томирлар филниқидай кўриниб қолган суяклариди остида бўлиниб-бўлиниб кетган кенг водийлар, тоғ тизмаларига ўхшаб кетарди.

Кишлоққа олиб борадиган тор сўкмоқдан тушган жойга учта устунга мовий, сарғиш ва қизил почта қутилари қоқилган. Ўн йиллар бурун атрофдаги тўсиқлар бузилиб кетган, бироқ давлат тамғаси босилган учта устундаги қутилар олиб ташланмаган.

Лиза сарғиш қутининг ёнига келарди. Унга қачонлардир қора ҳарфларда кичкина тоғ кишлоғининг номи ёзилган, аммо аллақачон ўчиб кетган. Қолаверса, бу аҳамиятсиздай, чунки хат ташувчи кишлок одамларини ёддан биларди. Энди у ҳам Лизадай қариди.

Лизанинг ҳаётида учта муҳим воқеа рўй берди: “Титаник” ҳалокати, Йоннинг ҳалок бўлиши ва лотерея ютуғи. Сўнгги воқеалар хабарини почтадан олар эди. “Титаник”дан тасодифан хабар топди: уйига шу хабар босилган газета билан йўловчи кириб келди. Одатда, у газета ўқимасди, ҳозиргидай ёлғиз қояларга урилиб, парчаланиб кетган кема ҳалокати уни шундай эсанкиратдики, хотирасига ўрнашиб, нималарнингдир ишоратига айланди. Ҳаёлидан ўчириб юборолмади. Бу дунёда рўй берган бошқа кўргиликлар олдида ҳеч гап эмас эди. Ўша йўловчи Йоннинг отаси бўлди. Ўрмондан кўплар қатори уникага кириб келди. Тонг отгач, қаҳва, ётоққа ҳақ тўлади-ю, кетди. Лиза уни бошқа кўрмади. Бу унинг ягона хатоси эди. Ёш ва гўзал экан, бунга етарлича эътибор бермади. Ёз тонглариининг бирида Йон туғилди. Ёнида ҳеч кими йўқ, фақат ўрмонда қакку кукуларди. Ўзига келгач, сигири учун ўт ўриб келишга чиқиб кетди.

Йон кўзга яқин бўлиб ўсди, мактабга чиқди. Қобилиятли, механикага меҳри ошди, онасига ёрдамлашарди. Яна битта сигир сотиб олишди. Немислар кириб келганда болалар билан кишлок йўлига тушди, немис автомобилани кўлга олишди. Йонни шаҳарга туташ кишлокда ўлдириб кетишди. Немислар радио эшитишни тақиқлашганда у битта сигирини сотиб, радио олди, қолган пулига – лотерея чиптаси. Чиптага ютук чиқди. Лиза пулларни ертўлага яшириб қўйди. Ҳар гал ертўлада пулларни қайтадан санаркан, бурчакка биқинганича ўғлининг ўлганини эслар, хонасига кириб, радиодан дунёда бўлаётган даҳшатли воқеаларни тинглар, ҳаёлига “Титаник” ҳалокати келарди.

Лиза ҳафтада бир марта почта қутисига келиб, хат кутарди. Уни ким кўриб қолса, гаплашар, нима учундир одамлар аёл олдида ўзларини айбдордай сезишар, тирноқча бўлсам ёрдам бергиси келарди. “Лизанинг бир

ўзи яшаши яхши эмас, унга бир кори-ҳол бўлиб қолса-чи?” дейишарди бир-бирига.

Лиза болаларнинг митти қўлларини қариган, қаттиқ қўллари орасига қисганча, бирга уйларига кирарди. Болалар уни яхши кўришар эди, бошқа дунёдан келиб қолган, деб билишар, юзидаги ажинларни томоша қилишар, ҳамма нарсани билади, деб ишонишарди.

Катталар ҳам Лиза билан суҳбатлашишни хуш кўришар, радионгиз борми, деб очиқ айтишмаса-да, дунёда нималар бўлаётганини билишга қизиқишарди. Лиза чиндан ҳам кўп нарсани билар, эшитганларидан айрим тафсилотларинигина эмас, одатда, қариялар шундай қилишади, балки узун-узун шаҳарлар ва қишлоқлар номларини ҳам бутунича айтолларди. Харитага қушлар тумшуғидай сарғайган, букчайган бармоқларини юргизиб, қаердан фронт чизиғини ўтганини кўрсатарди. Қишлоқдаги айримларда радио бўлса-да, эшитганларини айтишмас, акс ҳолда, бунинг учун жазо муқаррарлигидан кўрқишарди. Одамлар турмуш ташвишлари, юмушларидан ортолмай, дунёни унутиб яшарди.

Лизанинг эса ўйлашга арзигулик ишлари йўқдек, сиғири, чоғроққина даласини айтмаса. Даласини одамлар ҳайдаб, экиб-тикиб беришади, ўрмондан ўтинлар келтиришади. Лиза қиш ғамида ўтларни ўзи ўриб, қуритади, ўтинларни ёриб, тахлаб қўяди. У бошқаларнинг эсида турмайдиган атамаларни ёдлашга уста, дунё янгиликларини етказувчи хабарчидай қишлоққа кириб келарди. Одамлар оламдаги ақл бовар қилмас воқеалардан ёқа ушлар, тавба қилишарди.

Лиза эса минглаб қурбонлар, пайҳон этилган далалар, кули кўкка совурилган шаҳарлардан сўзларкан, “Титаник” ҳалокати ёдига тушар, киприк қоқмай олисларга узоқ тикиларди. Унинг назарида миллионлаб қурбонларни чўкиб кетган одамлар билан қиёслаб бўлмасди. Бу бахтсизлик уни ўшандаёқ шундай изтиробга солдики, юрагида азоб томир отди, ўзи-да ўша эзгинлик ичида яшади. Шундан буён энг оғир фожиалар ҳам унга алоқадор эмасдай, чет-четларда шунчаки рўй бераётгандек туюларди.

Кеч тушди, шамол қайинларни тебратди, барглар ойналарни силаб ўтди. Радиони буради, оркестр оҳанглари уйни тўлдирди: Лондонда уч юзта одам Лиза учун куй чаларди. Бетховен мусикаси тошқиндай, шаршарадай чинни кучукча безатиб турган шкафлар оралаб, дераза рахлари бўйлаб, уй гулларидан сирғалиб, шиддат билан окди.

У яна “Титаник” қайғусига чўкди, тўнтарилган палубани кўрди, эр-каклар, аёллар ва болаларнинг чинқириқларини эшитди. Бу кўрқинчли товушлар тунни парчалаб, денгизга куйиларди. Денгизнинг музли тўлқинлари хонасида ҳам сузиб юргандай юрагини мовий чексизликнинг совуқ нафаси тўлдирди. Мусика тугади, у узоқ ўтирди, сўнг энқайганча тўқий бошлади... Йонга.

Одамлар ўрмонга ахён-ахён келишар, одатдагидек, Лизаникида тунашарди. Қачонлардир бу у учун пул топиш зарурати эди, қаҳва ва ётоққа пул тўлашарди. Бироқ ҳозир уруш, одамлар унча-мунчага ўрмонга чиқишмайди, ўтиб қолишса ҳам унинг уйига бирров кўз ташлаб ўтишади. Баъзан Лизанинг уйига етмаслариданоқ радио товушини илғашар, қоронғилик, тун, шомда узоқ-узоқда милтиллаб турган оловдан кўз узолмасдилар. У ойналарни қалин пардалар билан қопламас, ярим тунгача симфониялар бағрига сингиб кетарди. Чет тиллардаги хабарларни туншунмагани учундир улар янада ваҳима ва сирли туюларди. Одамлар тош қотиб, унинг уйдан келаётган дунё товушига қулоқ тутар, ҳеч қачон ҳеч



кимга чурқ этишмасди. Лиза ўғли ўлгач, ақлдан озган, деб ўйлашарди.

Бир куни у ҳам уй ёнидан ўтиб кетди, бир оёғини судраб босарди – Лиза таниди. У йўл босиб толиққан меҳмоннинг пешонасига тушиб турган қалин сочларини кўрди, мени танирмикан, деган ўйга борди. Қахва тайёрлади, у эски стол атрофида ўтириб, ичиб бўлгунча, Лиза ичкари хонада ўрин солди. Ўшандагидай очик эшик орасида гаплашишди. Бу ўттиз йил олдинги воқеа эди. Лиза етмишни коралади. Қишлоқдагилар уни қариялар уйига юбориш керакмикан, деб мулоҳаза қилишди. Лекин бу ҳақда эшитишни ҳам истамади.

Меҳмон қахвани ҳўпларкан, уруш ва ўзи ҳақида бир оз сўз очди. У тикув машиналарини тузатарди, ҳа, Лиза буни ҳам эслади. Қишлоқма-қишлоқ юриб, иш ҳақларини йиғарди. Тикув машиналари учун нималардир ихтиро қилмоқчи ҳам бўлди-ю, бундан иш чиқмади. Ўша пайт ҳамон Лизанинг ёдида. Агар озгина пули бўлганда ишлари юришармиди, яхши бўлармиди... Вақт етмайди, ҳа, вақт. Лиза буларни ўшанда ҳам тушунолмасди. У хонада ёстикларининг сўкилиб кетган жойларидан чиқиб турган похолларни олиб ташлар, бугун ким келишини билганимда янги похоллар солиб қўярдим, дерди ўзи ўзига. “Фикрни бир жойга тўплаб олишга вақт етмайди”.

“Фикрни жамламоқ”. Энг муҳими – шу. Лиза бу сўзни кўп эслади, маъносини кейинроқ англади. Ошхонага қайтди, меҳмоннинг келбатли елкаларига кўз югуртирди, стол устида чироқ ёниб турар, у ўшанда ҳам шу кўйи ўтирарди. Йигирма етти ёшида йигит кетган Йоннинг ўлганига ҳам икки йил бўлибди...

– ...Лаънати немислар, – деди меҳмон. У қийналиб-қийналиб тошдай бутербродларни чайнаркан, бор омадсизлигини улар устига ағдарарди. Лиза печка ёнида туриб, унга яна қахва қуйди. – Йил ортидан йил ўтади, эски тикув машиналари орасида одамлардан ҳақини териб, умринг оқади. Бугун бекорчиликданми, ўрмон оралаб юргим келди...

Лиза печкага ўт қалади, ташқарида совук, изғирин. У бу ҳақда илк бор хаёлга берилди: қишлоқдагилар қариялар уйига борсанг, маъкул бўларди, дейишди. Уйига қўққисдан меҳмон келиб қолса, радиоси борлиги учун жавоб беришга мажбур. Хаёлида бир сўз чакнади: у ҳам эсладимиз? Ўрмонда турли одамлар учрайди, тўғри келган жойда истаганларини қилишади. Балки у ҳам шундайлардандир ёки чиндан ҳам ҳеч нимани эслолмас...

Лиза радиони буради, лекин қисқа тўлқинларни ушлай олмади, меҳмон аппаратни олди-да, чироқ ёруғида нималарнидир излашга тушди. Аёл унинг озгин қўллари, нозик бармоқларига тикилди. Шу қўллар унга жуда ёқар, ўзига ром этган, шунинг учун ҳам унутолмагандир...

Лиза аппаратдаги кўз илғамас симларни бошқараётган қўллардан кўз узолмасди. Меҳмон ишини тугатди, радиони ёқди. Иккаласи ёнма-ён ўтириб, дунё хабарлари – кулфатлар, мусибатлар, воқеаларни тинглашди. “Ҳа, – ўйлади Лиза, – унинг қўлидан ҳамма иш келади.” Яна “Титаник” ҳалокатини эслади. Кўз олдида қийшайиб кетган улкан кема зулматга чўкиб кетди, денгиз оловни ютиб юборди. Мусиқа янгради, аёзли тунда денгизга чўкаётган одамлар қичқириқларини эшитди. Бирдан биринчи бор узоқ йиллардан буён унутиб қўйган хотиржамликни туйди.

\* \* \*

Эрталаб меҳмон қахва ва ётоқ учун ҳақ тўлади. Лиза унга кутини тутди. Аёл тонг отмасданок ертўлага тушиб, пулларини сўнгги бора санади. Йон

ўлди. Аввалига у ҳеч нима олгиси келмади, бироқ олди. Лиза у кўздан йўқолгунча қўлида қутини ушлаб, қандай кетаётганини жимгина кузатди. У бир оёғини судраб борар, оқсокланиши олдинлари бу қадар билинмасди. Ниҳоят, чангалзорга кириб кетди. Ёмғир шивалар, Лизани яна ўйлар чирмаб олди: уни эсладимикан? Лиза буни ундан сўрамади. Туни бўйи “Титаник”, урушлар, Йон хаёлидан кетмади, ухлолмади, яхшиям, радиоси созланди.

Лиза тош дарчадан уйга кирди, пақирни олиб, оғилхонага йўналди. У Лизага “фикрларини бир жойга жамлаб” иш бошласа, хат ёзишга сўз берди. Аёл ҳар ҳафта қишлоққа тушиб, сарғиш қутидан мактуб ахтаради, кўнгли энгил тортади. Йўлда чиқиб қолганлар билан суҳбатлашади. У бу қутиш, қариялар уйи, посбон, дунё мусибатларини унутиш, Йон соғинчига бас кела оладиган куч, паноҳ эканлигини ҳис этди. Кечқурунлари радио ёнида ўтириб, нелардир тўқирди. Ўғли ҳам, эри ҳам урушда бўлди. Иккаласининг ҳам қўллари чайир, моҳир, ҳар қандай ишни уддаларди.

Қишлоқ йўли бўйида устунларга қоқилган почта қутилари ёнида Лиза қутиш ҳар қандай балолардан асрагувчи куч эканлигини туйди. “Титаник” ҳалокатини ханузгача унутиб-унутолмаётганини сизди. Жаҳонда улкан бахтсизликлар шу қадар кўпки, барини ўлчаб бўлмайди. Булар – унинг ҳам ҳаётидаги энг катта воқеалар...

Лиза ҳар сафар бўм-бўш почта қутисига кўз ташларкан, борлигини яна қутиш ва бахт ҳисси чулғарди.

## ДЕНГИЗ БЎЙИДАГИ УЙЧА

Қизғиш уйча худди шу ўлка билан уйғунликда эди.

Қоялар орасидаги денгиз, кўкиш тўлқинлар, юқорига қараб югураётган сўқмоқ, кемалар тўхташ жойи, пастаккина тошлоқ адирлар уйчани шамоллардан ҳимоя қилаётгандай туюларди. Уй ортидан яшил қияликлар бошланади, мовий кўнғирок гуллар тунда гулчамбарларини беркитиб қўяди.

Тонгда чиқиб кетаркан, назарида уй қон ютиб қолгандай кўринди. Сўнг сим арқонни силтади, очиқ бухтани яна бир бор айланди. Қават-қават қоялар ўртасида қолган уйчани кўрмоқчи бўлар, аммо унинг фақат бир бурчагигина кўзга ташланарди. Ёнлаб ўтаётганда уй бир зумга лоп этиб чиқар, зумда кўздан йўқоларди. У бу уй ҳақида одамларга қайта-қайта айтишдан чарчамасди: “Денгиз бўйида, қоялар орасида кичкина, шамоллардан пана, куёш шуълалари денгиз юзасида ярқираб турган жойда, бухта ёнида уй бор – уни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз”.

Кетиш олдида уй билан айрилиқни “ҳис этиш”, уй жойида турганлигига иқрор бўлиш учун бухтани икки марта айланди. Бундай дамларда уни аллақандай алдамчи ҳислар, ўзгача тасаввур қуршаб оларди. У безовталанди: наҳотки бу гал ниманидир унутди? Нимани унутдийкан? Ҳамиша уйни саранжом-саришта қилиб қолдирарди. Сув тўлдириладиган ёғоч идиш ва қаҳва қайнатгич тўнтарилган, сичқонлар тешиб кетмаслиги учун кўрпача ва болишлар чордоққа осилган, чўмич эшик ёнидаги, занглаган калит эса бўғот остида, ўнг тарафдаги миҳда. Бироқ у ниманидир унутганига ишонар, бу фикр уйдан олислаб бораётган бўлса-да, ҳеч хаёлидан кетмасди. Э, йўқ, ниманиям унутарди!

У кирғокда тўхтади, қайикни боғлади-да, темирийўл бекатига йўналди –

ярим чақирим йўл. Йўл-йўлакай доим бир жойда нафас ростларди. Юкини ерга қўйиб, қаддини ростлади. Йилдан-йилга бекатлар оралиғидаги масофа чўзилиб бораётгандек, илож қанча! У ҳар сафар ортга қайтиш истагини енголмасди. Бошида бу туйғу шаҳарга кириб келиши билан йўқоларди, эндиликда эса уни қўйиб юбормаяпти. Кўнглида нотинчлик. Яна бир ёз ўтди. Нимани унутдим экан, деган хаёл уни ҳамон таъқиб этарди.

Ажойиб кунларнинг бирида поездга ўтирди-да, уй томонга жўнади. Поезд уни жанубга қишлоқ йўллари бўйлаб елдириб борарди. Куз, яланғоч дарахтлар, тиниқ ҳаво, очиқ ва кенг уфқ... Қайикни қирғоққа боғлаб, сўкмоқ ёқалаб юқорилади. Уй ёнида бир одам ўтирарди. Бу – ориқ, сал букчайган қария эди. Бирпас бир-бирига тикилиб туришди.

– Мана, ҳаммаси тугади, – деди қария маънос жилмайиб. – Энди бизни нима қилмоқчисиз? Миршабхонага хабар берасизми?

– Сиз бултур ҳам шу ерда яшаганмисиз?

– Ҳар йили.

Қария оғир хўрсинди. Уларнинг ёнига озғин, чакқон, нозик лаблари чимрилган аёл келди.

– Ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб кетардик, тозалардик, ҳеч бир из қолдирмасдик, – деди у пича истехзо аралаш. Сўнг бирдан хохолаб юборди. – Фақат чўмич бошқа томонга илинибди. Яна санчқилар... Рекард, ўтган йили тўртта санчқини унутганимизда у албатта сезади, дегандим-а...

– Кўк кўрпача... Уни том остидаги ёғочга илиш хаёлимдан кўтарилибди.

– Сиз барибир бир куни билиб қоласиз, деб ўйлардим. – Аёл унинг кўзларига тик қаради. – Ҳа, кўрпача савил кетди, уни сичқонлар тешиб кетмасин учун ана илиб қўяман, мана илиб қўяман, деб қилолмабман.

Улар уйнинг кунгай томонига ўтиб, қаҳва ичишди, майда-чуйдалар, хўжаликдаги кичик ўзгаришларни ҳам айтиб ўтишди. Ўз столи атрофида улар билан ўтириш анчайин ноқулай кечди. Бу ҳолат шу уй жойида турибдими-йўқми, деган ўй-фикрларга боғланган эди. Ниҳоят, уйнинг ҳам ўз ҳаёти борлигига иқроп бўлди.

У қариялар ҳикоясини жимгина тинглади, бу уй улар учун рўё эди, ўзларини номақбул иш қилиб қуйишгандай тутишарди.

– Бу гал нимага эртароқ қайтганингизни тушундик. Сентябрь жилвагар фасл, куёш... Бизнинг ҳеч қачон уйимиз бўлмаган.

– Бу уй биз қачонлардир қурмоқчи бўлган уйга жудаям ўхшайди.

Улар бир-бирини тўлдириб, эҳтиётлаб, қўмаклашадигандай, эҳтимол, кечирим сўраётгандай сўзларди.

– Биринчи марта жудаям кўрқдик. Кейин эса...

Улар бир-бирига хушнуд боқишди.

– Бу уй бизникидай кўринди кўзимизга. Бироқ ҳеч қачон бизга тегишли деб ўйламаганмиз. У биз учун қадрли бўлиб қолди. Бунинг устига, сиз бўлмасдингиз...

– Пешонабоғларни шундай бўягим келардики... – деди секингина аёл. Қўллари билан йилдан-йилга ранги ўчиб бораётган ромларни силади.

Тонг отди. Қария яна сўради:

– Бизга қандай чора кўрмоқчисиз? Арз қиласизми?

У жўнаш олдидан қарияларни тинчлантирди. Бу ерда истаганларича яшашлари мумкинлигини айтди. Ахир, калитнинг қаерда туришини билишади. Бир неча бор шу калитни шаҳарда унутиб қолдирганини эслади. Агар шу уйда яшашса, бундан хурсанд бўлади.

Қарияларнинг кўзларида ёш тиркиради, бир-бирига қараб, енгил

бош силкиди. Қолишларини ўтиниб сўради. Чол-кампир қатъийроқ бош чайқашди: “Бўлмайти!” У қизишди. “Уй уларга ёқмай қолдимикан, балким бундан ҳам яхши шароит талаб қилишаётгандир?”

Буни айтганида қариялар гангиб қолишди, бироқ кўнишмади. У қаттиқ аччиқланди, ҳатто моторли қайиғини уларга бериб кетишини билдирди, уни қай йўсин ишлатишни кўрсатишга киришди, қирғоққа чиқишнинг осон йўлини кўрсатди. Бу хатти-ҳаракатлари қарияларни қийнаб юборди, улар бошларини чайқай-чайқай сўзларидан қайтишмади. “Бизга ҳеч нарса керакмас, уй ҳам, моторли қайиқ ҳам”, дейишди ўжар қариялар.

У беҳуда уринарди. Қизиқ, уйни шу қариялар учун ушлаб турганмиди, ё? Авваллари бу ердан кетганда уй мавжуд эмасдай туюлар, ҳозир унинг борлигига ишонди, ромларни бўягиси келса, бўяшсин..

У бу сафар бухтада айланмади, кўнгли хотиржам тортди. Сўнгги бор қўл силкиб, дадил юриб кетди, бурилмади. Ўйлаб кўришади, рози бўлишади, деган тўхтамади келди. Бу киш уйни ўйламади.

У бу сафар уй томон эрта отланди. Ёмғирли баҳор куни, денгиз юзидан пўртаналар енгил сузади. Уйга қаради, бухтага киргач, ўйлади: “Шундан кўрқардим, энди уй жойида турганини биламан”. Қирғоққа тушди, сутранг-мовий тусли ромларни кўрди. “Демак, қолишган. Дарпардаларга мос ранг танлашибди”, – қувонди у. Уй шундай тунд кунда ҳам қувноқ ва меҳмоннавоз кўринарди. Уйга кирди, стол устида уни хат кутиб турарди: “Кўп йиллар меҳмоннавозлик қилдингиз. Сиздан миннатдормиз. Бизни аядингиз. Қайсарлигимизни кечиринг, ҳалигача нега бундай қарорга келганлигимизни билмаймиз. Биз энди қайтмаймиз. Бу кичкина сиримиз эди, асли”.

Ёз бўйи хатни такрор-такрор ўқиди, меҳмонларга кўрсатди. “Бу уйда яшашга рухсат бериб, уларнинг қувончини тортиб олдинг”, – деди меҳмонлардан бири.

“Бу ғаройиб қариялар тартибни ёқтиришган, уларнинг қайтиши қийин”, – қўшилди бошқаси.

“Қари одамлар болаларга ўхшаб қолади. Улар учун муҳими – сир”, – таъкидлади учинчиси.

У хатни бошқа ҳеч кимга кўрсатмади, сутранг-мовий ромларга тикилди: “Улар оқ рангда бўлса яхшимиди? Бу қандай бемаъниликки, ромларни кўкиш рангга бўяшди? Барини қайтадан бўяшга тўғри келади”.

Куз келди, бўёқ ва чўткалар сотиб олди-ю, қўли ишга бормади. Мовий рангни бўяб ташласа, эски, қадрдон хотираларни ўчириб юборишдан ҳадиксиради. Шундай қилса, қариялар уйни ўзлари билан олиб кетишгандай туюлмайдими... “Қайсидир ёзда, балки кейинчалик бу ерга бутунлай қайтиб келмасман. Уй эса турармикан? Ёз биз бўлмасак ҳам келаверади. Олам, борлиқ бизсиз ҳам мавжуд, яшайверади” ўйлади у.



## ИВО КАПРИНО



**И**во Каприно норвегиялик машхур киноарбоб. У норвег халқ эртакларини маҳорат билан экранлаштирганлиги туфайли ўз юртида жуда катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Норвегиядан ташқарида эса жаҳон кўғирчоқ фильмлари устаси сифатида эътироф топган.

Иво Каприно 1920 йил 17 февралда санъаткорлар оиласида туғилган. Таниқли норвег романтик рассоми Ханс Гуденинг набираси бўлган онаси Ингсе Гуде халқ кўшиқларининг моҳир ижрокиси, уста кўғирчоқбоз эди. Отаси италиялик Марио Каприно, ҳам чиройли картиналар чизувчи маҳоратли рассом, ҳам ажойиб мебелсоз уста бўлган.

Каприно Осло яқинидаги Снарояа деган жойда туғилиб, умрининг охиригача ўша ерда яшади. Режиссёр “анимация” мутахассислиги бўйича муфассал билим олди. У Прагада кўғирчоқ фильмлари,

Лондондаги мультипликацион фильмлар, Римда эса миниатюра ва комбинацияли фильмларни суратга олишни ўрганди.

Каприно суратга олиш ишларини ўтган асрнинг қирқинчи йилларида бошлади. Тез орада режиссёр ўзининг “сирли” суратга олиш техникасини ишлаб чиқди ва бунга патент олди. У кўғирчоқларни камера олдида бемалол жонли ҳаракатга келтира оларди. Узоқ йиллар ҳеч ким бу сирнинг тагига етолмади. Фақатгина 1993 йили санъаткор ўзи кашф қилган техник сирни ошкор қилди. Ҳамма гап “клавиатура”да экан. Унинг дастакларига 12 симтор боғлаб кўйилган бўлиб, барча торлар бир найчага киритиларди, бошқа томондан эса кўғирчоқнинг турли қисмларига маҳкамланарди. Кўғирчоқбоз клавишларни босиб ўтирса, бас, кўғирчоқлар симтор ёрдамида турли ҳаракатларни бажараверарди.

Хорижда Иво Каприно ўз мультфильмлари билан машхур бўлиб кетди. Айниқса, “Катта пойгалар” мультфильми норвег кинематографиясининг чўққиси ҳисобланади.

Норвегиялик болалар Иво Капринонинг кўғирчоқ фильмларини томоша қилиб улғаядилар. Унинг машхур анимацион фильмларида бир кўришдаёқ норвег халқ эртаклари қахрамонларини таниб олиш мумкин.

Иво Каприно фильмларидаги кўғирчоқ персонажлар ташриф буюрувчиларни кутиб оладиган Хундерфоссен оилавий боғи Норвегиянинг диққатга сазовор жой-



ларидан бири ҳисобланади. Капринони мамлакатнинг миллий қахрамонларидан бири дейиш мумкин, негаки у ўз фильмлари билан Норвегия маданиятини оммалаштирди, айти чўғда норвегияликлар қалбида болалигиданоқ она юртига муҳаббатини оширди.

Иво Каприно кўпгина мукофот ва совринлар эгаси. Улар орасида нафақат кино мукофотлар, балки мамлакат олдидаги алоҳида хизматлари учун Норвегия Қиролигининг ордени ҳам бор.

Иво Каприно 2001 йили 8 февралда Осло яқинида вафот этди.

Иво Каприно кўпқиррали ижодкор эди. У ҳам режиссёр, ҳам сценарий муаллифи, ҳам оператор, ҳам продюсер сифатида ниҳоятда серқирра ва самарали ижод қилди.

Иво Каприно бутун ҳаёти давомида кўплаб мультфильмлар яратди. 1948 йили унинг “Тим ва Тёффе” номли биринчи фильми суратга олинади. Ушбу фильмнинг режиссёри ҳам, сценарий муаллифи ҳам, продюсери ҳам Капринонинг ўзи эди. Қўғирчоқларни эса унинг онаси тайёрлаб беради. Фильм оққора рангда олинаиб, тўққиз дақиқа давом этади. Гарчи бу қўғирчоқ фильм яратишдаги биринчи тажрибаси бўлса-да, унда Капринонинг фильм яратишдаги ўзига хос иш услуби кўринади.

1955 йили Турбьёрн Эгнер эртаги асосида “Кариус ва Бактериус” фильмнинг тақдими бўлиб ўтди. Мультфильм Норвегиядан ташқарида ҳам ниҳоятда шуҳрат топиб, Канн фестивалида намоиш қилинди. Америкалик комик актёр Денни Кей ўз томошаларида бу қўғирчоқлардан фойдаланиб, уларни янада машҳур қилиб юборди.

Шу йили “Ўрмон тепалигидаги арчанинг саргузаштлари” эртаги

асосида “Клатремус ёки сичқонча” фильми дунёга келди. Кейинчалик “Чидамли қалай аскарча” номли ўн уч дақиқали рангли фильм суратга олинди. Мультфильм даниялик таниқли ёзувчи Ханс Кристиан Андерсеннинг 150 йиллик юбилейига бағишлаб яратилди. Фильм тақдими Андерсеннинг ватани Оденседа бўлиб ўтди.

1960 йилларда Каприно Норвегия халқ эртақлари асосида яна бир қанча мультфильмлар яратди. 1961 йили “Акселадден ва унинг чаққон ёрдамчилари” фильми пайдо бўлади. Дастлаб тўла метражли “Бор экан-да, йўқ экан” бадий фильмини суратга олиш режалаштирилган эди. Бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади ва Каприно сценарийни бир неча қисмга бўлиб, мультфильм ишлашга қарор қилди. Аммо экранда барибир бадий фильм элементлари кўринади, унда эртақчи амаки олдига иккита бола келиб эртақ айтиб беришни сўрайди ва воқеалар қўғирчоқ персонажлар орқали ҳаракатлана бошлайди.

1975 йили Каприно раҳбарлиги остида энг йирик мультпликация лойиҳаси амалга оширилди. “Флоклюпа Гран-При” (“Флоклюпа: катта пойгалар”) тўла метражли мультфильми таниқли рассом Хьелле Аукруст билан ҳамкорликда яратилди.

Мультфильм Капринонинг энг сўнгги ва энг муваффақиятли фильми бўлиб қолди. У кўплаб тилларга таржима қилинди ва жуда кўп мамлакатларда намоиш этилди. 2000 йили мультфильм асосида компьютер ўйини ишлаб чиқилди.

2005 йили “Капринонинг эртақлар олами” деб номланган мультфильмлар тўплами яратилди ва инглиз, швед, дания, фин ҳамда рус тилларига ҳам таржима қилинди.

*Иқбол МЕЛИҚЎЗИЕВ  
тайёрлади*

## КЎРФАЗЛАР КУЙЧИСИ

Георг Расмуссен норвегиялик истеъдодли ижодкор. Мусаввирнинг кўрфазлар манзараси акс этган асарлари донг таратгани учун у “Кўрфаз тасвири устаси” номини олган.

Георг Антон Расмуссен 1842 йил 7 августда Ставангерда туғилган. У тасвирий санъатдан дастлабки сабоқни Берген шаҳрида, таниқли мусаввирлар Йохан Людвиг Лостинг ва Андерс Аскеволдлардан олади. 1863 йилда Расмуссен Копенгагенга кўчиб ўтади. У ерда пейзаж устаси Фредерик Роде кўлида таълим олади. Шундан сўнг ҳам Расмуссен ижодий изланишлардан тўхтамайди. У 1864–67 йиллар мобайнида Дюссельдорф санъат академиясида Освальд Ахенбахдан сурат солиш сирларини ўрганади.

XIX асрнинг 70-йилларига келиб, Расмуссен ижодига норвегиялик рассом Ханс Гуденинг манзара жанридаги асарлари кучли таъсир кўрсатади ва у тасвирий санъатнинг айнан шу йўналишида ижодини давом эттиради. Натижада Расмуссен асарлари Германия ва Норвегияда катта эътибор қозониб, унинг картиналари, айниқса, саёҳатчилар ўртасида кадр топади. 1899 йилдан рассом Берлинда ижод қилади ва 1914 йил шу ерда вафот этади.

Рассом асарларида табиатга катта урғу бериб, ундан янгича оҳанглар топади. “Согне кўрфази”, “Кўрфазда оқшом”, “Ёз фаслидаги кўрфаз” каби асарларида табиатнинг мафтункор манзаралари бор гўзаллиги билан акс эттирилади ва бу томошабинда завқ уйғотади. Картиналарда Расмуссеннинг табиатда бўладиган тинимсиз жараёндан айнан бир лаҳзани олиб, уни моҳирона тасвирлай олгани эътиборга сазовор. Унинг “Кўрфаздаги қайиқчи” суратида осмон мусаффо, кўлнинг суви тиниқ ва сокин, ҳатто қайиқчи ҳам бу осойишталикка таъсир этолмайди. Муқовамизда тақдим этилган “Норвегия кўрфази” асарида маҳобатли кўрфаз тасвирланган, унинг тик қоялари қад кўтариб турибди, қайиқчи уни кечиб ўтмоқда. Бунда ижодкор кўрфаз тимсолида табиатнинг улкан қудратга эгалигини кўрсатмоқчи бўлади. Ушбу асар ҳозирда Эрмитажда сақланади. Ҳозирги кунда рассомнинг кўплаб асарлари Берген, Копенгаген, Дрезден ва Дюссельдорф шаҳар музейларида, шахсий коллекцияларда сақланади. 2004 йилда унинг сара асарлари Лондондаги “Bonhams” аукционидан сотувга қўйилган.



*Аброр УМАРОВ  
тайёрлади*

## УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

**1 АПРЕЛЬ 1697–1763 йиллар. Антуан Франсуа Прево Д’Экзиль**, француз ёзувчиси. “Инглиз файласуфи”, “Кавалер Гриё ва Манон Леско қиссаси”, “Маргарита Анжуйская қиссаси”, “Роберт Лед”, “Юнон аёли ҳикояси”, “Монастир руҳонийси” каби асарлар ёзган.

**2 АПРЕЛЬ 1840–1902 йиллар. Эмиль Золя**, француз ёзувчиси. “Нинон эртақлари”, “Клоднинг тавбаси”, “Тереза Ракен”, 20 жилдли “Ругон-Маккарлар” романлар туркуми, “Уч шаҳар” трилогияси, “Дрейфус иши” очиқ хати, “Қопқон”, “Ҳамал” романлари, “Франциянинг олға юриши” туркумидаги драмалари дунёга машҳур. Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва сахналаштирилган. “Ҳикоялар”, “Тегирмон қамали”, “Ҳамал” асарлари ўзбек тилига ўгирилган. Бу йил адиб таваллудига 175 йил тўлди.

**1805–1875 йиллар. Ханс Кристиан Андерсен**, даниялик машҳур эртақнавис ёзувчи. “Улкан денгиз илони”, “Сеҳрли тепалик”, “Булбул”, “Она”, “Қор маликаси”, “Куёв ва келин”, “Золим княз”, “Тилла болақай”, “Қўнғирок” сингари юзлаб эртақлари жаҳон болалари ва ўсмирларининг сеvimли асаридир. Шунингдек, у “Мулат” пьесасини, “Шоир бозори” йўл хотираларини, “Икки баронесса”, “Импровизатор” романларини ҳам ёзган. Адибнинг “Ирkit ўрдакча”, “Қиролича”, “Чакмоқ тош”, “Ёввойи оқушлар” сингари кўплаб эртақлари ўзбек тилига таржима қилинган.

**3 АПРЕЛЬ 1886–1921 йиллар. Николай Гумилёв**, рус шоири. “Истилочилар йўли”, “Романтик гуллар”, “Марварид”, “Бегона осмон”, “Ўқдон”, “Гулхан”, “Чодир”, “Оловли устун” шеърӣй китоблари, “Пальма сояси” ҳикоялар ва “Рус шеърӣяти ҳақида мактублар” мақолалар тўплами муаллифи. Таржимон сифатида Ҳ.Ҳейне, Вольтер, Т.Готье, С. Колриж асарларини рус тилига ўгирган.

**4 АПРЕЛЬ 1932–1986 йиллар. Андрей Тарковский**, рус кинорежиссёри, сценарийнавис. “Қотиллар”, “Ивановнинг болалиги” “Солярис”, “Борис Годунов”, “Мушукча ва скрипка”, “Қурбонлик”, “Андрей Рублёв”, “Кўзгу”, “Сафар вақти”, “Қўмсаш” ва бошқа кўплаб фильмлари жаҳон кино санъати хазинасидан жой олган.

**7 АПРЕЛЬ 1939 йил. Фрэнсис Форд Коппола**, америкалик кинорежиссёр. “Бугун, эрта муқаррар”, “Сен энди катта боласан”, “Ёмғир одамлари”, “Нью-Йорк ҳикояси”, “Дракула”, “Ёшликсиз ёшлик”, “Жек”, “Ҳаммаси чин дилдан” ва 3 фаслдан иборат “Чўқинтирган ота” фильмлари жаҳоншумул шуҳрат келтирган. Бир неча карра “Оскар”, “Олтин глобус” халқаро мукофотлари совриндори бўлган.

**9 АПРЕЛЬ** 1895–1966 йиллар. Тўхтасин Жалилов, Ўзбекистон халқ артисти, созанда, бастакор. “Тоҳир ва Зухра”, “Нурхон”, “Муқимий”, “Равшан ва Зулхумор”, “Алпомиш”, “Ғунчалар” сингари 40 дан ортиқ мусиқали сахна асарларига куйлар яратиб, ўзбек мусиқали драма жанри ривожига катта ҳисса қўшган. У басталаган “Тўйлар муборак”, “Ўйнасин”, “Ялла”, “Кокилинг”, “Баҳор айёмида” каби кўшиқлар жуда машҳурдир.

**10 АПРЕЛЬ** 1894–1939 йиллар. Абдулла Қодирий, атоқли ёзувчи, ўзбек романчилиги асосчиси. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, “Жинлар базми”, “Улоқда”, “Тўй”, “Обид кетмон”, “Калвак махзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?” ва бошқа асарлари XX ўзбек адабиётининг нодир намуналари саналади.

**16 АПРЕЛЬ** 1889–1977 йиллар. Чарли Чаплин, америкалик актёр, режиссёр, жаҳон кинематографиясининг атоқли вакили. “Парижлик аёл”, “Дайди”, “Банк”, “Ёлланган”, “Тинч кўча”, “Елкага”, “Хорижлик”, “Ит ётиш, мирза туриш”, “Олтин изловчи”, “Цирк”, “Катта шаҳар чироқлари”, “Буюк диктатор”, “Кичкинтой”, “Қуёшли томон”, “Қирол Нью-Йоркда”, “Тонконглик графиня” каби фильмлари билан машҳур бўлган.


**1937–1986 йиллар.** Қодир бахши Раҳимов, Жанубий Ўзбекистон бахшичилик мактаби намояндalarидан бири. “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Ширин ва Шакар”, “Гўрўғли”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Рустам”, “Гўрўғли ва Юнуспари”, “Зайдиной” каби 70 га яқин дostonлар, терма ва эртақларни ижро этган.


**24 АПРЕЛЬ** 1926–1996 йиллар. Таваккал Қодиров, Ўзбекистон халқ артисти, хонанда. “Ўхшайди-ку”, “Шунчамиди”, “Ўйнасин”, “Жамолингдан”, “Доғман”, “Ўлмасин”, “Фарғона тонг отгунча” ва бошқа ашулалари, “Тановар”, “Тошкент ироғи”, “Насруллои”, “Феруз”, “Сегоҳ”, “Сувора” каби Хоразм ва Фарғона-Тошкент услуги намуналари унинг ижросида халқ орасида машҳур бўлган.


**1660–1731 йиллар.** Даниель Дефо, инглиз ёзувчиси. “Робинзон Крузо”, “Робинзон Крузонинг навбатдаги саргузашти”, “Капитан Сингльтоннинг ҳаёти ва қароқчилик ишлари”, “Роксана ёхуд бахтиёр ожиза”, “Қароқчилар қироли”, “Улат йиллари кундалиги” сингари саргузашт романлари билан дунёга танилган.


**29 АПРЕЛЬ** 1891–1980 йиллар. Имомжон Икромов, Ўзбекистон халқ артисти, созанда, бастакор. “Индамади”, “Ўйнасин”, “Зебога хос”, “Серқуёш Ўзбекистон”, “Қўлда Раъноси билан”, “Сўлим” каби 200 га яқин куй ва кўшиқлар, “Муножот”, “Чўли ироқ”, “Ажам” ва бошқа чолғу куйларининг ашула йўлларини яратган.


Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА  
тайёрлади

 Выборы Президента Республики Узбекистан, прошедшие 29 марта – чрезвычайно важное событие в жизни узбекского народа, имеющее огромное историческое значение для будущего страны. Страна, которая решительными шагами идет по пути развития демократического правового государства и сильного гражданского общества. В статье Шухрата Ризаева «Первостепенная задача – не допускать принижения Узбекистана», посвященной анализу жизненных факторов, предшествовавших обретению государственной независимости узбекским народом, повествуется о том, как сила воли и убеждения, решительность и стойкость Президента Ислама Каримова сыграли огромную роль в защите Узбекистана от многих проявлений тотального кризиса, то есть – кровопролитных войн, междоусобных раздоров, голода и нужды, рабства и неволи, мытарств и национальных розней.

 Апрельский номер журнала посвящен литературе и культуре Норвегии. Рубрика «Глобус» ознакомит вас с творчеством известных представителей норвежской литературы. Также вниманию читателей представлены статьи о популярных деятелях искусства, внесших весомый вклад в развитие культуры данной страны. Образцы творчества лауреатов Нобелевской премии Кнута Гамсуна и Бьёрнстерьне Бьернсона, а также, таких писателей и поэтов как Юхан Борген, Юхан Вельхавен, Нурдаль Григ обогатят познания читателей о литературе Норвегии.

 В рубрике «Проза» представлен отрывок из романа «Пир джинов или большая игра». Автор с мастерством описывает тот период, когда один из основоположников новой узбекской литературы Абдуллы Кадыри стал жертвой машины репрессий бывшего Советского государства, когда великие сыны нации подвергались унижениям и притеснениям, а цинизм и безжалостность прислужников господствующей партии не знали границ.

 Публикующийся в рубрике «Жемчужины мировой литературы» заключительная часть романа «Большие надежды» Чарльза Диккенса повествует об очередных жизненных перипетиях Пипа, полного больших планов и надежд в преддверии самостоятельного пути.

 Японская писательница Банана Ёсимото в популярности не уступает соотечественнице Харуки Мураками. Ее произведения легко читаются, при этом отличаются необычайной глубиной осмысления. Автор умеет видеть в обычном нечто особое, даже мистическое. По своему раскрывает тайны бытия. Подтверждение тому рассказ «Ящерица», опубликованный в рубрике «Рассказ о рассказе».



## RESUME

✍ Presidential elections in Republic of Uzbekistan which took place on March 29 are a great event in the life of Uzbek people and they are very important for the future of the country. Uzbekistan is resolutely following the way of development of democratic lawful state and strong civilian society. Shuhrat Rizayev in his article “The Main Aim Is To Defend Uzbekistan From Humbling” analyses vital factors which had preceded the independence of Uzbekistan and relates about President Islam Karimov’s power of will, persuasion, determination, firmness which played the first fiddle in defending Uzbekistan from many forms of crisis as bloody wars, internecine dissensions, hunger, poverty, slavery, bondage, ordeal and intolerance.

✍ April’s issue of the magazine is dedicated to literature and art of Norway. You can read about popular figures of Norwegian literature in the column “Globe”. We hope that the parts of works by Nobel prize winners Knout Hamsun and Bernsterne Bernson, also by such writers and poets as Johan Borgen, Johan Velhaven, Nordal Greeg will enrich your knowledge about literature of this country.

✍ A passage from the novel “The Feast of Malicious Ghosts or a Big Game” is presented in “Prose” column. Author describes the period when one of the founders of the new Uzbek literature Abdulla Kadiri became a victim of the repression in former Soviet Union. It was the period when great sons of nation was humiliated and oppressed and there was no end to cynicism and pitiless of members of the main party.

✍ The last part of the novel “Great Hopes” by Charles Dickens is about another upheavals of Pipe who has a lot of big planes and hopes and who is on the beginning of the long road. Read in “Jewelry of World Literature” column.

✍ Japanese writer Banana Yoshimoto is not inferior to her compatriot Haruki Murakami. It is not difficult to read her works although they have depth of sense. Author can find something special, even mystical in common life. She clears up a mystery of existence in her special manner. A story named “Lizard” published in “Story about Story” column confirms this opinion.

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*2015 йил апрель сони*

Навбатчи муҳаррир: А.ТОЖИЕВ  
Техник муҳаррир, рассом: Д.ҲАМИДОВА  
Мусаххих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829  
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-  
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 13.04.2015 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 3505 нусха. 3893 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, “Shaq” НМАКда чоп этилди.  
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2015 й.